



Суннатулла СУВОНҚУЛОВ,
Зомин тумани ҳоқими

«Боғбондан сўрасам бу жаннат номин, Деди лўнда қилиб: — Зомин бу, Зомин!»

«Зомин семинари» деган гап бугунги кунда адабий жараён учун ҳам, жиззахликлар учун ҳам янги бўлмади қолди, яъни у ҳар бир жиззахликман деганнинг хаёлига тамоман муҳрланиб улгурди. Сабаби, биз, маҳаллий раҳбарлар, оддий одамлар ва айниқса, шу ерлик ижодкорлар учун семинар алоҳида тайёргарлик билан бошланиб, ҳаяжонли лаҳзаларни бахш этувчи ажойиб байрамга айланди. Албатта, машҳур шоиру адиблар, адабиёт эшигини эндигина қоқётган ёш йигит-қизларнинг шеърларини, қизиқарли суҳбатларини тинглаш нақадар мароқли, эсда қоларлик бир иш. Бунинг устига семинар иштирокчисининг номи матбуотда бирин-кетин кўрина бошласа, китоби чиқса ёки бирор мукофот олса, «бу—ўша, Зоминда шеър ўқиган бола-ку», дейсан. Фурурланасан.

Тадбирнинг аҳамияти фақат шундангина иборат эмас. Етук ижодкорлар олдида биз Зоминнинг табиий гўзаллигини кўз-кўз қилиш билан кифоялангимиз келмайди. Вилоят меҳнаткашларининг эришган муваффақиятлари, қурилиш, ободончилик ишлари билан ҳам мақтангимиз келади. Ҳар гал семинар вақти вилоятимиз пилла, ғалла режаларини уддалаш арафасида ёки уддалаб турган бўлади.

Хабарингиз бор, ўтган йили вилоятимиз деҳқонлари ғалла ва пахта етиштириш режаларини Республикада пешқадамлар сафида бажаришди. Бу Президентимиз раҳбарлигида бошқа соҳалар қатори қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган муваффақиятли ислохотларнинг ёрқин самараси ҳисобланади.

Вилоят марказида, туманларда фермерлик ҳаракатининг такомиллашуви, аҳолининг ижтимоий ҳаёти яхшиланиши, янги иншоотлар, коллежлар, дам олиш масканлари, маиший хизмат кўрсатишнинг замонавийлашуви, ободончилик борасида сезиларли ишлар амалга оширилмоқда.

Маълумки, мамлакатимиз мустақиллигининг шонли 15 йиллигини кутиб олиш ҳаракатидамыз. Ўн беш йил дегани муҳтарам Президентимиз етакчилигида давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, тараққиёт, ўзгаришлар ва иқтисодий-ижтимоий соҳада янги босқичга кўтарилишнинг каттакон тарихидир. Ўтган йиллар мобайнида чиндан ҳам Мустақилликка нафақат пойдевор қўйилди, балки у мустаҳкамланди. Халқимиз бу билан ифтихор қилишга ҳақли ва келажак авлодга, ёшларга қонуний имкониятлар яратилаётганидан барчамиз хурсанд бўлишимиз керак.

Зомин семинарининг йўлга қўйилиши ҳам, ўйламанки, истиқлолимиз, эркинлигимиз, ҳурлигимизнинг белгиси. Айни пайтда у мустақиллигимиз имкон берган, биз фахрлансак бўладиган улкан байрамдир.

Шу маънода Мустақиллигимизнинг 15 йиллик тўйи арафасида Зомин семинарининг 10 йиллик юбилейини ўтказишимиз маълум уйғунлик касб этади. Демак, анъанавий бўлиб қолган бу семинар истиқлол байрамининг беш

йиллиги арафасида дунёга келган. Шундан буён қанча сувлар оқиб ўтди. Баъзи вақтлар бўлдики, бир тўла хиёнаткор террорчи гуруҳлар хуружидан эҳтиёт чораси сифатида бу тadbирни Зоминда эмас, Баҳмалсойда ўтказишга мажбур бўлган эдик. Аммо минг шукрлар бўлсинки, ўша хавотирли кунлар ҳам ортда қолди. Халқимиз бугун баъзи экстремистик диний оқимларнинг, уларнинг етакчиларининг мақсад-муддасини яхши англаб етди. Илло биз, халқ, фарзандлар ҳушёр, эътиқодда собит бўлсак, Андижон воқеаларига ўхшаш ташвишли кунлар бошимизга тушмагай. Давлатимиз раҳбарининг бир неча йиллар бурун таъкидлагани сингари гоёга қарши гоё билан қуролланиб, мустақилликни муҳофаза қилишнинг маъно-моҳиятини чуқур англаб юрсак, фарзандларимизга бу эътиқодни юқтирсак, ҳеч ким бизнинг мушугимизни пишт дея олмайди. Чунки Амир Темур ҳазратлари айтганларидек, қўрғон ичдан мустаҳкам бўлса, ташқи ганим шердай ташлансаям уни буйсундира олмайди.

Жиззах фақатгина чўлу биёбонларни ўзлаштириб, ғалла, пахта экиб ётган заҳматкаш деҳқонларнинг эмас, истеъдодли, улғу раҳбарлар, алломалар ва буюк шоирлар юрти ҳамдир. Биргина Ҳамид Олимжонни эсланг. 70-80 йил бурун ёзган шеърлари ҳануз тилларда кўшиқ бўлиб куйланади. «Чаппар уриб гуллаган боғин, ўпар эдим Ватан тупроғин» мисралари ҳануз кўнгилларни забт этиб турибди. Улғу шоиримиз Зулфияхонимни ҳам жиззахликлар ҳақи равишда ўзлариники санайдилар. У зотни боболаримиз эркалаб «янга» деб келган бўлсалар, ёшларимиз суюкли момо ўрнида кўрадилар. Не ажабки, кунлар келиб, Мустақиллик йилларида муҳтарам Президентимиз таъсис этган Зулфияхоним қизларининг Давлат мукофоти ҳам шоиримизнинг номидадир. Бугун лауреат бўлганлар ичидан Жиззах вилоятининг иқтидорли қизлари кўп. Улар юртимиз шаънини муносиб оқлашга интилиб яшамоқдалар.

Бир сўз билан айтганда Зомин семинарининг бу галги ўн йиллик юбилей тўйига вилоятимизда қизгин тайёргарлик кўриляпти. Бу ерда муносиб ижодкорлар, муносиб асарлар баҳоланади, қадрланади, яхши асар ёзган йигит ёки қизнинг ҳурмати жойига қўйилади. Аслида ҳам ижодкорнинг юртга, мустақилликка, Президентга садоқати рамзи унинг зўр асаридир. Бу муваффақиятлардан бизнинг бошимиз кўкка етади, қўлимиз кўксимизда, беминнат хизмат қилишга тайёрмиз.

Кейинги галги семинар Президент сайловидек энг муҳим сиёсий жараёнлар босқичига тўғри келади. Назаримда, бу йилги юбилей семинар ҳам мазкур улкан воқеага ёш ижодкорларимизнинг маълум маънодаги тайёргарлик кўриги деб баҳоланса бўлади.

Семинар ишининг юксак мақомда ўтиши ҳар биримизга боғлиқ ва ҳар биримиз масъулмиз. Мазкур масъулиятли байрамни муносиб ўтказишда барча қатнашувчиларга муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси



ЁШЛАР

Бизнинг қанотларимиз

Ёшлар — келагагимиз. Бу наинки шиор, балки ҳаётнинг ўзи бизга тавсия қилган ҳақиқат. Энди ёшлардан ёшларнинг фарқи бўлар экан. Бизнинг ёшлигимиз қизил байроқча кўтариб, «яшасин коммунизм, яшасин доҳиймиз Ленин!» деган урҳо-ур билан ўтди. Мана, ўн бешинчи йилдирки, Ватанимиз мустақил Ўзбекистон эканини билиб олдик. Ёшларимизни чалғитадиган ёт шиорлар йўқ. Улар энди ўз эли, ўз тили, эътиқоди ва анъаналари борлигини яхши биладилар. Айни пайтда ўз орияти ва сўзига эга бўлган илмий ёшлардир. Уларнинг муҳофазаси учун Ўзбекистонимизда барча шарт-шароитлар яратиб келинаётир. Муҳтарам Президентимизнинг доимий диққат-эътибори айнан ёшларга қаратилган десак тўғри бўлади. Бунга ўнлаб юзлаб мисоллар келтириш мумкин. Чунончи уч босқичда ўтадиган спорт ўйинларининг ўзи ёшларни жамлаб, бирлаштириб олди, дейишимиз мумкин.

Ёш мактаб болаларига «Умид ниҳоллари», ундан каттароқларга «Баркамол авлод», талабаларга эса «Универсиада» мусобақалари ташкил этилди. Жажжи кичкинтойларимиз ҳам четга эмас. «Камалак» ташкилоти мавжуд. Бунга «Камолот» Ёшлар Ижтимоий ҳаракати раҳбар. Шунингдек, ёшлар учун мугтасил чоп этиладиган газета, журналлар, «Ёшлар» телеканали ва шу номдаги радиоканал ва ҳоказо матбуот турлари, нашриётларни санаб ўтиш мумкин. Шу сингари ёш ижодкорлар ҳам эътибордан бенасиб эмас.

Зомин семинари бунга ёрқин бир мисолдир. Кейинги йилларда бу қаторга Эллиққаблада ўтадиган «Ақчақул илҳомлари» кўрик-танлови ҳам қўшилди. Мазкур танловларда ғолиб бўлганлардан айримлари Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинмоқда. Миллий Университет ўқув базасида уюшмамиз билан биргаликда ташкил этилган Олий Адабиёт курсига ҳам иқтидорли ёш йигит-қизлар қабул қилиниб, улар ўз билим доираси ва ижодий малакаларини ошириб бормоқда. Уюшма раисининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосарлиги лавозими мавжуд, бу лавозимда ишлаётган иқтидорли шоир Минҳожиддин Мирзо (у айни пайтда «Шарқ юлдузи» журналининг Бош муҳаррири) ёнига ёш адибу шоирларни тўплаб, мунтазам равишда мушоира ва «Онажоним шеърят» номидаги тўғарақ ишини юритиб турибди.

Энди савол туғилади: хўш, ёшларимиз мазкур қулайликлар ва етарли шарт-шароитларга муносиб равишда ижодий маҳсулот беришмоқдами? Ёхуд уларнинг асарлари кенг жамоатчиликнинг талабларини қаноатлантира олаётими? Бу саволларга жавобни ўзингиз кўриб, ўқиб бораётган ёшларнинг асарлари, матбуотдаги чиқишлари жавоб бериб турибди.

Кўлига қалам олган шоир борки, Ватан, халқ, она ҳақида шеър ёзади. Бу мавзуларнинг алифбоси десак бўлади, чунки ушбу мавзуларни четлаб ўтган ижодкорни топиш қийин. Аммо бир-икки марта «Ватаним, ватаним» дея шеър ёзиб туриб, кейин бошқа мавзуга ўтиб кетадиган ёхуд адабиётни тамом тарқ этиб кетадиганлар ҳам кўп. Бизнинг вазифамиз эса иқтидорли ёшларнинг юзага чиқишига шароит яратиб бериш. Токи истеъдод учку-

ни ялтираб турган бўлса, катта адабиётга киришига кўмаклашиб юборайлик.

Шу ўринда ўйлаб юрган муҳим бир фикрни айтишни истар эдим. Бу шундан иборатки, ёшларимизда адабий ахлоқни ҳам шакллантиришимиз керак экан. Аввало адабий ахлоқ дегани ўзи нима?

Мисол учун бизнинг ёшлигимизда каттакон адибнинг олдига бориб, «мен учун уюшмага тавсия ёзиб беринг» ёки «мана бу шеърларимга оқ йўл ёзиб беринг» деб айтиш ниҳоятда уят иш ҳисобланарди. Бу энди, тиланчиликнинг бошқачароқ кўриниши эди. Шунинг учун бундай ҳолат уятсизлик саналарди. Бугунги кунга келиб бу фазилатга айланди. Мени бир мақтанг, деб талаб қўядиган бўлишди. Радио ва телевиденига ёшгина ҳаваскорлар чиқиб олиб адабиёт тарихига, бошқаларнинг ижодига баҳо берадиган даражага бориб қолишди. Ёш шоирлар телевидение экранидан туриб, «менинг ёшларга тилагим шуки...» дея насиҳат ўқиб қолишади. Ҳолбуки булар ҳали ўспирилик ёшидан ўтган эмас. Масалан, бир ёш шоирнинг ўзига «Бобур» деб тахаллус қўйиб олишини қанақа тушуниш керак? Бобур Мирзо адабиётимизда ягона ном, бошқасини қабул қилолмаймиз. Қўйиб берсанг эртага бошқаси чиқиб ўзига «Навоий» тахаллусини қўйиб олса...

Мен буларни адабий ахлоқ мезонлари деб баҳолайман. Минг йиллардан бу ёнига ўтиб келётган адабий ахлоқ чегаралари борки, буни бузган ижодкор ҳеч вақт барака топмайди.

Зомин семинарининг ўн йиллик байрами арафасида, албатта, камини бу масалани байроқ қилиб кўтармоқчи эмасман. Аммо кези келганда нождий бир ҳолатларни ёшларга танбеҳ сифатида етказиб қўйишни ҳам ўзимнинг бурчим деб биламан.

Семинар қатнашаётган ҳар бир ижодкор учун кўзгу бўлиши керак. Мактабда ўқитувчиси, уйда ота-онаси унга «ҳа, сен зўрсан» деб пишанг бераверади. Аммо танловга келиб у менинг ундоқ-бундоқ камчиликларим ҳам бор экан, ўзимнинг малакамни оширишим ёки фалон китобларни ўқишим керак экан, деган хулосага келиши лозим.

Ҳозирги ёшларнинг яна бир бахти шундаки, уларга ҳеч ким мана бу мавзуда ёзасан, деб кўрсатма бермайди. Шундай, мавзулари чекланган ё партия, коммунизм, Ленин ёки табиат, севги, она каби нейтрал мавзуларда ёзишнинг кераклигини ўқитган, ғамгинлигининг сиёсат томонидан рад этилган, таъқиб қилинган замонларни ҳам кўрдик.

Шунингдек, ёзмаслик ҳам кўнгилнинг иши. Сен нега ёзмаётсан деб биров пўписа қилмайди. Ва ҳаққи ҳам йўқ. Лекин ёшлар кўлларига қалам олиб ўзларини синаб кўраётганлари ҳам катта гап. Булар ёш полвонларга ўхшайди. Қай даражада полвон бўлишларини ҳали вақт кўрсатади. Лекин иштиёқи бор.

Халқимиз азалдан истеъдодли халқ. Ҳеч бир қийинчилик буларнинг иштиёқини тўхтатолмайди. Бизнинг бахтимиз, келагагимиз шунда. Президентимизнинг ёшларга жуда катта ишонч билдириб туришининг ўзи уларга қанот бағишлаши керак.





Минхожиддин МИРЗО,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг
ёш ижодкорлар билан ишлаш бўйича ўринбосари

Зомин чечаклари



Ҳар фасл ўз хислати, таровати, мўъжизакор янгиланишлари, самараси билан гўзал ва бетакрор бўлганидек, ҳар бир эзгу ният асосида юзага келган ҳаракат ва интилиш ҳам биринчи навбатда беражак ҳосиласи билан азиздир. Устозлар истеъдод ҳақида гап кетганда кўпинча шундай дейдилар: «Истеъдодни бергувчи Оллоҳ, лекин уни тарбия қилувчи, юзага чиқарувчи шубҳасиз хайрихоҳ кишилардир».

Аслида Яратган ҳар бир инсонга маълум маънода, йўналишда иқтидор ато этади. Аммо ҳамиша ҳам ана шу қобилиятни юзага чиқаришга имкон бўлавермайди. Бугун илм-фан, тиббиёт, спорт, кўйинги, барча соҳаларда катта муваффақиятларга эришаётган ёшларимизга қараб туриб ўйланиб қоламан: — Шу ўзимизнинг ўзбек йигит-қизларими? Нима учун энди бу ёшлар Мустақилликка эришганимиздан кейин шу қадар катта салоҳиятга эга эканликларини намоён қилмоқдалар. Нима учун собиқ иттифоқ даврида бокс бўйича Олимпиада ва Жаҳон чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаев, шахмат бўйича жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов, суратлари жаҳон миқёсида эътироф этилаётган таниқли ёш мусаввир Алишер Алиқулов каби миллатимиз фахрига айланган йигит-қизлар чиқмади? Ёки бундай ёшлар йўқмиди? Бор эди. Улар вужудида Оллоҳ берган истеъдод ҳам мавжуд. Аммо ўша хайрихоҳлик етишмасди. Аксинча, унинг ўрнига ёшларнинг қанотларини қайирувчи, миллатни камситувчи, ўзига бўлган бор ишончини ҳам сусайтирувчи, гоҳ ошкора, гоҳ яширин фаолият юритувчи кучлар бор эди.

Оллоҳ ҳар бир ниҳолга гуллаш, бугун борлиққа тароват бахш этиш имконини берса, офтоб унинг бошидан беминнат нуруни аямай сочиб турса, лекин боғбон унга ўз вақтида обиҳаёт қўймаса, уни турли ҳашоратлардан, зараркунандалардан, барқ уриб ўсишига йўл қўймай сиқиб оладиган чирмовуқлардан ҳимоя қилмаса, ортиқча бачкиларидан тозаламаса, у ўз-ўзидан азамат дарахтга айланиб қутилган мевани бера оладими?

Минг шукрки, бугунги истеъдодли ёшларимиз, ўғил-қизларимиз, умидли ниҳолларимиз асл боғбонларнинг эътиборида, меҳру муҳаббати соясида. Шаҳсан Юртбошимизнинг мамлакатимизда вояга етаётган ҳар бир ўғил-қизни ўзимнинг фарзандим, деб аташи ва уларнинг истиқболи учун меҳр билан барча имкониятларни яратиб бераётганлиги халқимиз, барча ёшларимизнинг бахтидир.

Бугун ўзбек, ўзбекистонлик ёшлардаги қатъият, юксак нагижалар ана шу эътибор туфайли юзага чиқмоқда. Ҳозирга келиб Ўзбекистонда шундай

таълим тизими яратилдики, мурғак ёшдаги фарзандларимиз бу тизим орқали ўқиб, вояга етар экан, албатта истеъдод, ички салоҳиятининг маълум қирралари очилади, камол топади. Ёшларнинг кўнгил мулки, тафаккур оламини очаётган, қонида мавжуд бўлган буюк аждодларимизга хос бўлган иқтидорни юзага чиқараётган калит, дейиш мумкинки, мана шу таълим тизимида, ёшлар учун кўрсатилаётган ғамхўрликлардадир.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Жиззах вилояти ҳокимлиги, ёшларнинг «Камолот» ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган ижодкор ёшларининг республика Зомин семинари ҳам айни ана шу катта ишонч ва умид билан яратилган тизимнинг ижодкорларга қанот бўлгучи ажралмас бир қисмидир. Бу семинар нимаси билан қадрли? Нима учун нафақат мамлакатимиз ёшлари, балки бизга қўшни давлатларда ижод қилаётган ёшлар ҳам бу семинарда иштирок этишни орзу қиладилар?

Назаримда, бу аввало семинарда эл-юрт муҳаббатига, ҳурматига сазовор бўлган устозларнинг бош бўлишида намоён бўлади. Қолаверса, ёш ижодкорлар семинар давомида илк бор ўз асарлари билан таниқли адибларнинг назарига тушадилар. Уларнинг ижоди холис таҳлил этилади. Ютуқлари мамлакат миқёсида тан олинади. Умр йўлида, ижод оламида уларга бир умр сабоқ бўлувчи йўл-йўриқлар кўрсатилади. Энг муҳими, улар илк бора устозлардан ижодкор ким, унинг Ватан, эл-юрт, катта адабиёт олдида бурчи ва вазифаси нимадан иборат, деган ўта муҳим саволларга жавоб оладилар? Қолаверса, кўпчилигининг асарлари илк бор китоб ҳолида нашр этишга тавсия этилади. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинади. Айримларида Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети қошидаги ташкил этилган Олий адабиёт курсига йўлланма берилади. Яна бир муҳим жиҳати — уларнинг ўзларига бўлган ишончи, қатъияти ортади. Энди бу қандай самара бериши маълум.

Бу йил Зомин анжуманига ўн йил тўлибди. Шубҳасиз, ўн йил давомида мазкур анжуман Шерият, Наср, Драматургия, Болалар адабиёти, Адабиётшунослик борасида ўзининг сархил меваларини берди. Яна бир муҳим жиҳати семинар ўзбек адабий меросини, бугунги замонавий адабиётимиз дурдоналарини ўзбек тилидан жаҳон тилларига таржима қилиш орзусида интилаётган ёшларни ҳам қамраб олмақда, уларга кўмак бермоқда.

Бугун бевосита Зомин семинари кашф этган Хосият Рустамова, Уйғун Рўзиев, Беназир, Адиба Умирова, Икромжон Аслий, Муҳаммад Сиддиқ, Беҳзод Фазлиддин, Наргиза Охунова, Муҳиддин Аббос, Зумрад Ваҳобова, Зухра Мамадалиева, Шодмонкул Саломов, Фарида Бобожонова каби ўнлаб ёшларнинг ижодига назар солиб, нашр этилган қатор китобларини ўқиб мамнун бўласиз. Айниқса Зомин қалдирғочлари бўлган ўндан ортиқ ёш шоира қизларимизнинг «Зулфия» номидаги Давлат мукофотиغا сазовор бўлганлиги барчамизни беҳад қувонтиради.

Адабиётимизга бугун янги нафас ва эзгу мақсадлар билан мустақиллик даврида камол топган, эски даврнинг мафкуравий таъсирларидан холи бўлган янги авлод вакиллари кириб келмоқда. Семинар Айни ана шу ёшларни камол топиши учун дастлабки олтин зинапоҳ бўлаётганлиги билан ҳам муҳимдир.

Айни ёз чоғлари Зомин тоғлари бағридаги Ўриклисой оромгоҳининг таровати янада ортади. Мамлакатимиз ёшларининг жўшқин шеърлари ижод намуналари гўё тоғнинг мудроқ шаббодаларини уйғотади. Бу ёқимли сабо анвойи гиёҳлар, асрий арчаларни тебратади. Оппоқ парк булутлар қалби пок, беғубор туйғулар ила тўлиб-тошган ёшларнинг боши узра соябон бўлади. Тошдан-тошга урилиб

тушаётган шўх жилғалар, сойлар масрур шовуллайди. Тоғ бағридаги азим тераклар ёшларни олқишлагандек япроқлари ила қарсак чалади. Гўё бутун борлиқ, табиат ижод оламининг сирли ва сеҳрли қасрига кириб келаётган ёшларни қутлаётгандай.

Донишмандлар «Тарбия билан Истиқбол, Ватан келажаги тарбияланади» дея бежиз айтмаганлар. Минг шукрки, бугунга келиб диёримизда Ҳазрат Навоийнинг орзулари рўёбга чиқмоқда. Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Беҳбудий каби чин маърифатпарварларнинг армонлари ушалмоқда. Бугун мамлакат бир бўлиб, билимли, зукко, соғлом, касб-хунар бобида маҳоратли, фикри тиниқ, элу-юртига содиқ-қомил фарзандларни тарбияламоқда. Демакки, бугун Ўзбекистон келажаги тарбияланмоқда. Шубҳасиз, бу эътибор туфайли катта адабиётимиз ҳам ўзининг муносиб ворисларига эга бўлмай. Устоз Абдулла Орипов айтганларидек: «Бир кун келиб бу ёшлар орасидан Ватанимиз адабиётини бутун дунёга танитадиган машҳур адиблар етишиб чиқадилар. Шунда улардан Сиз қайси адабий мактабда, қайси тўғарақда сабоқ олгансиз деб сўрасалар, улар ғурур ва ифтихор билан «Биз Зомин мактабидан етишиб чиққанмиз» деб жавоб берадилар.



Уриш МАЖИДОВ,
вилоятлараро «Мирзачўл»
бирлашмаси директори

ҲАЙРАТЛАР ДУНЁСИ

Зоминда ўтажак танловларнинг дастлабкисидан тортиб энг охиригисигача кузатиб келаман. Бир китобхон, қолаверса, шоиру адибларнинг ашаддий мухлиси сифатида бу менга қизиқ туюлади. Фарзандларим, невараларимни ҳам Ўриклисойга олиб чиқиб томоша қилдираман, ўзим яқиндан билган ижодкорлар билан таништираман. Катнашчилардан яхши баҳо олганларининг ижодини матбуотда кузатиб келаман, агар бирортасининг китоби чиққудай бўлса, қаердан бўлса ҳам топиб ўқийман. Мабодо ўзини кўриб қолсам, албатта, дастхат ёздириб оламан.

Уйимда Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Азим Суён, Ҳалима Худойбердиева сингари катта шоирларимизнинг ёшлигида дастхат ёзиб берган илк китоблари бор. Бу негадир мени қувонтиради, шахсий кутубхонамда илмий, энциклопедик асарлардан ташқари ўн мингдан ортиқ бадий китоб сақлайман. Имкон қадар уларни ўқийман. Эски «Жиззахчўлқурулиш» ташкилотги биносида махсус музей ҳам очтирганман. Кирсангиз кўз қувонади. Аммо китобингизни ўқиб чиқай, деб сўровчиларга китоб бермайдиган бўлдим. Чунки уларнинг аксарияти китобни қайтаришмайди ёки дом-дараксиз кетишади. Шу туфайли зиқналикка йўйишасям бермайман, деб туриб оламан.

Зоминда ўтган илк семинарлардан бирида самарқандлик профессор, филология фанлари доктори Исро-

ил Мирзаев бир неча шогирдини бошлаб келган. Уйғун Рўзиев, Ориф Тўхташ, Муҳаббат Тўхташевларнинг асарлари илиқ баҳоланган эди. Шогирдларининг ижоди рўёбга чиқишини астойдил хоҳлаб шу ергача эринмай келган кекса домланинг хатти-ҳаракатлари мени қойил қолдирган. Семинар сабабми, ё ўзларининг баданида борми, ҳар қалай бу ижодкорларни бугун эл таниб қолди. Шунга ҳам ўн йил бўлибди. Вақтнинг шитоб билан ўтишини қаранг.

Кечагина Муҳаммад Юсуф, Йўлдош Сулаймон каби ўтнафас шоирлар Зоминда устозлик қилиб, ташкилотчилик қилиб юришган эди. Бугун эса уларни кўрмоқ бир армон. Бевафо дунё бу.

Ўрни келганда бу адабиёт байрамини ҳукумат талбири даражасигача кўтарган вилоятимиз раҳбарияти ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдуллажонга самимий ташаккуримни билдириб қўймоқчиман.

Зоминдан чиққан ҳар бир қалдирғоч эртага ижодий мевасини бермай қолмайди. Мана, берапти ҳам. Мен уларни телевизор экранида ёки матбуот саҳифаларида кўриб қолсам, бирор китобини харид қилсам, албатта невараларимга кўрсатиб мақтанаман: ана, ҳов, ўтган йили Ўриклисойда шеърини тинглаганинг шу киши бўлади, кўрдингми шундай даражага эришибди, мана, бизда дастхатиям турибди...

Шунинг ўзи ҳам катта гап эмасми?



Ёр дея ишониб юрганим



Ободон ТУРДИМУРОВОДА 1980 йили Қорақалпоғистон Республикасида туғилган. Нукус давлат педагогика институтининг мактабгача тарбия факультетини тахсил олган. Нукус педагогика коллежида ўқитувчи бўлиб ишлайди. «Кузги япроқлар», «Армонлар элига кетаман» шеърий тўпламлари муаллифи. 2004 йилги Зомин семинари ғолиби.

Бевафо кўрсатиб ўзингни,
Сен олиб қочмагил кўзингни,
Севсанг ҳам севмасанг, ўзинг бил,
Сенинг бахт-иқболинг бор бўлсин,
Ўзингдек бир яхши ёр бўлсин.

Тўлқиним гирдобга ютилган,
Сўзим айтишувда ютилган,
Кўёшим чиқмасдан тутилган,
Сенинг бахт-иқболинг бор бўлсин,
Ўзингдек бир яхши ёр бўлсин.

Тош отиб қувсанг ҳам кўнаман,
Қушингман, айланиб кўнаман,
Гулдирман, юракда унаман,
Сенинг бахт-иқболинг бор бўлсин,
Ўзингдек бир яхши ёр бўлсин.

АЙРИЛИҚНИНГ СОАТЛАРИ
Айрилиқнинг соатлари
Милига тош бойланган,
Ёрсиз ҳар дам, ҳар дақиқа
Занжирланиб бойланган.

Айрилиқнинг соатлари
Адо бўлмас азоблар.



Куним ўтмас, тонгим отмас,
Сендан кетсам узоқлаб.

КЎЗЛАРИ КУЛГАН ЁР
Кўзлари ёлғондан кулган ёр,
Ёлғондан девона бўлган ёр,
Ёлғондан илтифот қилган ёр,
Ёлғонга кўмилган армонлар.

Тушимдинг? Тушимга эндингми?
Ёр мени кўришга келдингми?
Суйдингми, устимдан кулдингми,
Кўзлари кулган ёр, кулган ёр?

Ёр дея ишониб юрганим,
Ёлғонга ўралиб ўрганим,
Кўзимни очганда кўрганим,
Кўзлари ёлғондан кулган ёр.

КУЛДИ БЕВАФОНИНГ КЎЗЛАРИ
Юрагимнинг кўзгуси синди,
Чил-чил бўлди умидим-орзум,
Юпатолмай етим ишқимни
Бешиб кетдим ўзимдан ўзим.

Тақдир яна устимдан кулди,
Бевафонинг сохта сўзлари.

Юрак ойнасига тош тегди,
Очиқ кетди ишқим кўзлари.

Умр деган сўқмоқ чигириқ тошли,
Қиз деган узук бор феруза қошли,
Жоним, сенсиз менинг кўзларим ёшли,
Олис-олисларга олиб кет мени.

Ҳижрон боис менда қолмади тоқат,
Юрак туйгуларим сенсиз сирли хат,
Юрагимда фақат сенга муҳаббат,
Кучоғинга олиб бахтли эт мени.

Сен деб парвоз қилиб, қанотим қоқдим,
Ўзни фидо этдим, умидвор боқдим,
О, ийғит султони, қисматим, бахтим,
Кўкларга кўтариб юлдуз эт мени.

Ҳар бир айтган сўзинг мен учун фармон,
Кўлимни сўрасанг, дардима дармон,
Сенинг ёринг бўлиш мен учун армон,
Бир умр суюкли ёринг эт мени.

Қорақалпоқ тилидан
Рустам Мусурмон таржималари.

ЭЪТИРОФ

Умида АБДУАЗИМОВА



КЎНГИЛ ЭЪТИРОФИ

Мана, ўн йилдирки, сўлим Зомин кучоғида шеърият анжумани ўтказиши ажиб бир анъанага айланиб қолди. Бундай дилтортар, дилўртар тадбир учун энг аввало Жиззах вилояти раҳбариятига аҳли қалам номидан ўз миннатдорчилигимни билдириб ўтишни истардим. Негаки, бугунги кунда каттами, кичикми бирор тадбир, йиғин ўтказишининг ўзига яраша таъвишу машаққатлари кўп. Аммо меҳмондўст жисзахликлар ҳар йилнинг саратонида биз ижодкорларни очиқ кўнги, самимият билан кутиб оладилар. Анжуман ўтказиши учун ҳамма шарт-шароитларни муҳайё этишади. Шу ўринда Жиззах вилояти ҳокимининг ўринбосари, ҳассос шоира, етук олима Сайёра Тўйчиеванинг хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим. Сайёрахан анъанавий шеърият байрамига ўзига

хос руҳ, ўзига хос нафосат бағишлайди.

Бугунги кунда адабиётимизга дадил қадамлар билан кириб келаётган кўнгина ёшлар «Зомин қалдирғочлари» деган ажиб бир эътирофга, айтиши мумкинки, ўзига хос унвонга сазовор бўлишган. Чунки уларнинг илк шеърий машқлари Уриклисой қирғоқларида жаранглаб, устозлардан ўз баҳосини олган. Гулжамол Асқарова, Гули Нигор Авазова, Зуҳра Мамадалиева каби истеъдодли ёш шоира сингилларимиз худди шу ерда адабиётимиз даргаларининг эътиборига тушишган. Бугун улардан умидимиз катта. Бугун улар Зоминнинг зилол чашмаларидек тўза, шаффоф шеърият яратиши орзусида улғу ишонч билан қалам тебратишмоқда. Бу ишонччи ёш ижодкорларга кўрсатилаётган эътибор, гамсўрлик бергани шубҳасиз.

Абулқосим МАМАРАСУЛОВ

Арабча Учин

Ҳикоя



Абдумажид узум узиш мавсуми бошлангандан бери вино заводиди хўжалик вакили бўлиб турипти. Барлосдан келган узумларни топширишда бош-қош бўлади. Баъзан топширувчи ва қабул қилувчи орасида жанжал чиқса, хўжалик тарафда туриб, жанжални бартараф этади. Ҳар замонда хўжалик раҳбари Хидир Собирович ҳам келиб хабар олиб туради. Ҳар қалай, Абдумажиднинг ишидан мамнун шекилли, шу вақтгача танбеҳ бергани йўқ. Ҳа, Абдумажид ўз ишига пухта, шу сабабли гап эшитгани йўқ.

Тарозихонада ўтирганди. Хўжаликдан уч машина узум келди. Шартта қабул қилувчи билан келишиб, иккитасини “ҳаллади”. Шу пайт қулоғига майин ва нозли овоз эшитилди:

— Ака, бизнинг машинани ҳам тарозига киритингизлар.

Абдумажиднинг қаршисида келишган, қорача, хушбичим, шим кийган ёқимтойгина қиз кўзларини сузиб турарди. “Ким экан бу? Ким бўлсаям бир балоси бор!”

— Сизни нега навбатсиз киритар эканмиз?

— Во-ой, бизам узум обкелганмиз.

— Қаердан?

— Барлосдан!

Барлосга шаҳар медтехникумининг қизлари узум теришга ҳашарлашиш учун келганини, қунда уларнинг бир-иккитаси машиналарга миниб, заводга келиб-кейтишини ҳам Абдумажид яхши билса-да, ўзини гўлликка солди:

— Йўқ, бўлмайди. Навбатингиз келса кирасиз, — деди-да, атайлаб йўл ёқасидаги узун курсига бориб ўтирди. Кутганидек, қиз унинг ёнига бориб ўтирди: “Ҳақиқатан, бунинг бир балоси бор!”

Шу пайт ўша машина кабинасидан яна бир қиз тушиб келди ва у Абдумажиднинг иккинчи томонига ўтирди.

— Олдингизга қизлар кўп келиб турадимиз? — сўради биринчи қиз.

“Овози бирам майин-эй! Бирам майин! Гапиртириб қўйиб, эшитаверсанг!”

— Келиб туради. Аммо сизлар жуда бошқача экансизлар.

— Дарров сизга ёқиб қолдикми? — иккинчи қиз кўз сузди.

— Жудаям ёқиб қолдиларингиз. Шунинг учун озроқ гаплашиб ўтирайлик деб машинангизни навбатсиз қўймадим. — Абдумажид тўғриси айтиб қўя қолди, чунки яхши билади, ёлгон гапни излайверса, чалкашиб кетади. Тўғриси айтса, кўпинча қизлар гапига ишонмайди ёки ҳазилга йўйишади.

— Ундай бўлса, ҳали... бир кўришдан севиб ҳам қолдим дерсиз? — сўради қорача қиз.

— Севганимни билмадим, ту-урсам, ёнимда бир ма-айин, но-озли “ака!” деган овоз эшитилгандаёқ юрагим ларзага тушган эди. Ичимда бир нима “шиғ” этиб, ўгирилсам, сиз турибсиз. Кўзларингиз... айтгандай, ис-

мингиз нима?

— Малоҳат!

— Кўзларингизга қарадим, ўзимни йўқотиб қўйдим. Билмайман, бу кўзларни сизга ким бахш этган. Турибман, турибман, тилимга калима келмайди. Жавоб беришим керак, аммо тилим айланмайди.

— Шунда шартта севиб қолдингизми?

— Йўғ-э! Севиб қолишдан Худо асрасин. Бу юрак севавериб, севилавериб, адои-тамом бўлган. Энди тинч яшагиси келади. Шунчаки Малоҳатга қараб, яхши қиз экан, уйланган йигит бахтли бўлади, деб ўйладим.

— Ундай бўлса, уйланинг, — Малоҳат сўз ўйинини давом эттираркан, яна шод кулмоқчи бўлди-ю, ўз оғзидан чиққан гап ўзига эриш туюлиб, ранги ўзгарди. Узғаришни Абдумажид дарров сезди.

— Уйланардим-ку, хотиним, бола-чақам бор-да. Агар иккинчи хотин бўлиб тегсангиз йўқ демасдим.

— Бизлар тегаверамиз, — деди Малоҳат ўзини ўнглаб. — Кўчада қолган қизлармиз. Бизларга эр бўлса бўлди!

“Бир нима бўлган бу қизга. Ишқилиб, соғ эмас!”

— Биз бир илтимос билан келгандик, — деди иккинчи қиз суҳбат мавзусини ўзгартириб. — Агар бажараман десангиз айтаман.

— Ий-е! Сизлардай қизлар илтимос билан келаркан-у, мен йўқ дейманми? Агар қўлимдан келса албатта...

— Қўлингиздан келадию, лекин... янаям...

— Тўғриси, бизга спирт керак, — дея Малоҳат шартта мақсадга ўтди, елкаларини Абдумажиднинг елкаларига сийпаларкан, ёнламасига қараб. — Хўш, юрак урадимиз!

“Эритдинг, қизча! Эритдинг! Ҳисобни аниқ олган экансан!”

— Қанча?

— Икки литр!

“Эҳ-ҳа! Икки литргина спирт учун шунчалар муқаддимами?”

— Идишларинг борми? Мен кўп сўрайсизларми, деб ўйлагандим. — Абдумажид қизларнинг идишини олиб, ичкаридан спирт тўлдириб чиқди. — Қачон керак бўлса келаверингизлар. Бизда деҳқончилик. Сизларга спирт нима керак?

— Операция қиламиз, жарроҳ спирт топиб келинглар деган эди.

— Узумзордами?

— Шунақа...

Анча суҳбатлашиб ўтиришди. Бу орада машина узумни заводга топшириб чиқди. Учаласи хайрлашгани ўринларидан туришди.

— Меҳмондўст экансиз! Эртага яна келсак, спирт олиб берасизми? — сўради иккинчи қиз.

— Малоҳат келсин. Малоҳат менга ёқиб қолди. Қанча спирт деса, олиб бераман. Севмай десам ҳам бўлмайти. Юракка буйруқ бериб бўлмас экан.



— Бизларни ғалати қизлар экан, деб ўйлаётган бўлсангиз керак-а, — дея иккинчи қиз яна ташаббусни ўз қўлига олишга интилди.

— Шунақага ўхшайди.

Қизлар машинанинг кабинасига киришди. Малоҳат кабина эшиги деразасини тушириб, бошини чиқарди-да, сўради:

— Шунча суҳбатлашдик, ёрдам қилдингиз, аммо ҳалиям исмингизни билмаймиз. А!

Айниқса, “а”ни шунақа ноз билан айтдики, Абдумажиднинг вужуди шодликдан титраб кетди.

— Абдумажид!..

Эртаси куни Абдумажид дафтарига кунт билан ўтган кун ҳисоб-китобини қилаётган эди, нимадир елкасига тегиб кетгандай бўлди. Эътибор бермай, елкасини силаб қўйди-да, яна ишини давом эттираверди. Кимдир кўзларини икки кафти билан ёпди. Абдумажид бу кафтлар устига ўз кафтларини қўйди. Майин қўллар. Қиз боланики! Абдумажид билан қанақа қиз ҳазиллашмоқчи экан. Абдумажид кафтлардан билакларга ўтди, сўнг билаклар эгасини елкаси оша пастга тортиб юборди. Қиз унинг елкасига қапишиб қолди. Абдумажиднинг бутун вужуди қиз вужудини ҳис қилиб, ҳаяжонга тушди. Қиз ҳамон ўзини тортиб олмасди. Гўё ҳеч нарса сезмагандай.

“Э, бу фақат Малоҳат бўлиши мумкин!”

— Кимсиз?

Қиз пиқиллаб кулиб юборди.

— Малоҳатмисиз? Малоҳат!

Малоҳат шарақлаб кулиб юборди-да, кафтларини унинг кўзларидан олди.

— Ур-ре! Шунча вақт тополмадингиз! Бопладим, бопладим!

Малоҳат сакраб-сакраб куларди. Баданига қапишиб турган шими, йигитча қўлига унинг чиройини янада очган, ҳатто кийимига қотиб қолган узум шираси ҳам қизга жуда ярашиб турарди. Ўзиям алоҳида тайёрланиб келганга ўхшайди. Дуррачага ўралган сочлари жуда чиройли таралган, борлигидан атирнинг хушбўй ҳиди тараларди.

Абдумажид ўзини тутолмади. Шарт турганча ёш қизчадай шўх-шодон сакраётган Малоҳатни шартга белидан опичиб, икки айлантириб, кейин ерга қўйди.

Қиз бирдан тинчиб қолди. Кўзлари бесаранжомланиб, қорача юзи қип-қизариб кетди.

— Сиз мени кутганмидингиз?

— Сизни кутмоқ гапми? Кечадан бери оромимни йўқотиб, фикру ёдим сиз бўлиб қолдингиз. Сиз келдингизу, гўё ҳамма ёқ чароғон бўлиб кетди. Гўё қалбимга нур ёғилди. Энди билсам мен сизни севиб қолибман! Мен сизни жонимдан ҳам яхши кўраман, Малоҳат! Йўқ, менинг Малоҳатим! — деди Абдумажид, кулиб юбормоқдан ўзини аранг тутиб.

Шунчалар масхарабозлик қилишга қодирлигини ўзи ҳам энди англаб турар, бундан ҳам гурурланиб, ҳам ҳайратга тушарди (Жигит-да, жигит!)

— Ёлғончи!

Малоҳатнинг ноз билан айтган шу бир сўзи Абдумажиднинг юрагини яна ҳаприқтириб юборди.

— Ии-и, шошманг, шошманг! — Қиз Абдумажид яна беўхшов ҳаракат қилиб қўйишидан кўрқди. — Юринг, яхшиси, машинага чиқиб ўтирамыз.

Малоҳат келган “ГАЗ-53” орқароқда навбат кутарди.

— Ҳар куни машинама-машина юрасиз. Кунлик топшириқ нима бўлади? Домларингиз уришмайдами?

— Абдумажид акаимиз бор, нима ғамимиз бор! Домларга обборган спиртимизнинг ярмини берсак бўлди, олам гулистон.

— Қолган ярми-чи?

— Қолган ярмига қизлар байрам қилдик. Ҳаққимиз бордир ахир! Куни билан чангга, ширага ботиб ишлаймиз.

— Мен ҳаққингиз йўқ, демадим, шекилли.

Уларнинг машинаси тарозидан ўтиб, узумни тўкиш учун ичкарига кириб кетди.

— Сизнинг машинангизни кўрдик, энди юринг,

меникини кўрасиз.

— Вой, сизнинг машинангиз борми?!

— Ана! Хизматингизга мунтазир.

Абдумажид ўтган йилги терим мавсумида яхши ишлаб анча пул топган, мукофотга янги “Москвич” олган, нималарнидир ўйлаб (нималарни экан?) бутун миниб келган эди.

— Уҳ-хў! Ҳали яп-янги-я! — Малоҳат машинани сийпалади. — Ростдан ўзингизникими?

— Ҳа!

— Тагин... — Малоҳат айёрона кўз сузди, — отангиз олиб бермаганми?

— Ўтган мавсумдаги ҳалол меҳнатимга олганман, — деди Абдумажид “ҳалол”га урғу бериб, Малоҳатни орқа ўриндиққа ўтиргизаркан, ўзи ҳам ёнига ўтириб.

— Ҳалол меҳнат билан бир йилда бир машинага пул орттирилсангиз, унда... чинданам, иккинчи хотин бўлиб эса-да, сизга тегиш керак экан

— Тўғри қиласиз. Кейин маза қилиб, сизни машинада катайса қилдириб юраман. Кейин ширага, чангга ботиб юрмайсиз.

— Оҳо! Шунақамикан? — Малоҳат ширин жилмайди.

Абдумажид ўзини тутолмади. Шартга қизни қучоқлади. Оғушига тортди. Энди ўпмоқчи бўлаётганди, Малоҳат ҳеч қандай қаршилиқ кўрсатмасдан, аммо янада кучлироқ малоҳат билан, йигитни баттар жунбушлантириб, кўрсаткич бармоғини йигитнинг лабларига босди:

— Ҳей, ҳей! Куппа-кундузи-я! Янгамдан балога қолиб кетманг тагин!

Абдумажид ноилоҳ қизни бағридан бўшатди, аммо ҳамон бир қўлини унинг белидан тортиб олмади. Малоҳат бунга қаршилиқ билдирмади.

“Тамом. Малоҳат энди унинг ихтиёрида. У ҳамма нарсага рози. Қандингнй ур, жигит!”

— Эртага домладан жавоб олиб, уйга бориб келмоқчи эдим.

Малоҳатларнинг уйи қўшни тумандаги қишлоқлардан бирида экан. Тахминан эллик чақиримча бор.

— Менам борайми?

— Борасизми?

— Ҳа-да! Биратўла иккинчи қайнона-қайноталарим билан танишиб оламан. Бу кўзларни сизга бахш этган одамларни кўрмасам бўлмас. Таништирасизми? “Москвич”да бориб келамиз.

* * *

Малоҳатларникида икки соатча ўтиришди. Малоҳат оиланинг катта фарзанди. Саккизта ука-сингиллари бор. Ота-онаси мўмин-бечора одамлар бўлиб, ҳўжаликда ишчилик қилар эканлар.

Малоҳат узумни жуда зўр теради. Домлалар ҳурмат қилишади. Шу сабабли ота-онасини кўриб келиш учун алоҳида машина ажратилган. Абдумажид бор-йўғи шофёр. Икковлон бирга юрганини шундай тушунтиришди. Тўғрироғи, қизиққанга шундай тушунтиришни келишиб олгандилар.

Шундай ота-онанинг, оиланинг қизими, а, Малоҳат?! Абдумажидни нега бошлаб келди? Ота-онасини кўрсатишми? Ахир мақсад тамоман бошқа. Йўлда Абдумажид машинани хилватга бурмоқчи эди, Малоҳат тўхтади: “Аввал бориб ота-онаним кўрайлик. Қайтишда пешанага нима ёзилган бўлса шу...” Индамай, айтганига кўнди. Абдумажидни ипсиз боғлаб олди Малоҳат. Нима деса ҳўп деб, олдига тушиб юрипти. Уч кун истаганича текин спирт олиб берди. Бутун ишини ташлаб, уни кўтариб юрипти. Ҳали ниёти амалга ошадими ё яна унинг олдига похол ташлаб, қочиб қоладими? “Кўпни кўрган йигит экансиз!”, деди кеча, уни мақтаб. Ўзи-чи?..

Қайтишда анча йўлгача ўз ўйлари билан бўлиб, Абдумажид ёнида ўтирган Малоҳатга эътибор қилмади. Қиз ҳам тинчланиб қолган, илгариги шўхликлари йўқ, ҳар замонда Абдумажидга сал-пал назар ташлаб қўйганини эътиборга олмаса, ўзи билан ўзи банд эди.

Абдумажид ниҳоят бир қарорга келди: Тамом. Ҳозир

Малоҳатни манзилига етказадю, иккинчи марта бу қизни ўзига яқинлаштирмайди. Тинчлик керак!..

Йул четидаги чойхоналардан бирига кўзи тушдию, Абдумажид қаттиқ ичкини келатганини пайқайди. Э, унга нима? Дунё остин-устун бўлиб кетмайдими? Нима бўлса бўлганича бўлиб бўлган бу қиз! Абдумажидга қолган бўлса сарқитнинг ҳам сарқити қолган, ювиндиси қолган. Ақли кирар жойга кириб, етар жойига етиб бўлган бу қиз! Тагин нимасини ўйлапти? Ҳозир тўйғунича ичади. Ҳаммасини унутади.

Чойхонада анча ўтиришди. Ростакамига ҳаммасини унутиб, бир шиша ароқни тенг бўлиб ичишди. Ичмаса керак деб, янаям ҳар эҳтимолга қарши битта пиёлага қуйиб, Малоҳатнинг олдига қўйганди, Малоҳат бу одатдаги ишдай, пиёлани олдию, ичиб юборди. Узиям жуда зарил бўлиб турган экан. Ноз-фироқ ҳам қилиб ўтирмади. Кейин сал ўзига келди шекилли: “Ҳа, нега ўй суриб қолдингиз?” деб сўради хиёл жилмайиб. Қизнинг гагин ўтиришлари, кўзларининг ўйчанлиги янаям латофат, кўрк бағишлаган, турган туриши гўзал эди Малоҳатнинг. Жудаям гўзал эди Малоҳат! Ҳа, ота-онаси топиб исм қўйишган. Шундай гўзал қиз ёнида ўтирсаю, Абдумажид дунё ташвишларига кўмилса... адолатдан эмас бу ахир! Бир имо қилса бас... Яна нима керак унга?!

Икковлон иккинчи бор қадаҳларни бўшатишгандан сўнг Абдумажиднинг кайфияти жойига тушиб, Малоҳатга суқланиб тикилди. О-оо! Зўр! Зў-ўр! Яна пиёлаларга қуйган эди, Малоҳат унинг билагидан тутди:

— Сиз руддасиз, ичма-анг!

“Ичманг” сўзини чўзиб, шунақа ялингансимон айтдики, Абдумажид ёнидаги гўзал қиздан бўлак дунёдаги ҳамма нарсани унутди.

Илиқ мезон кечи кира бошлаган, гира-шира тушиб қолганди. Бундай, бир-бирига термулиб ортиқ ўтиришга иккаласининг ҳам сабр-тоқати қолмаганди. Абдумажид тезда яна бир шиша ароқни жиз-бизи билан қўшиб харид қилдию, машинага олиб чиқишди.

“Москвич” катта йўлга чиқиб, чойхонадан сал ўтгандан сўнгги хилват бир йўлакка бурилди-да, кимсасиз қоронғилик қаърига сўнғиди...

Винзаводга етиб келганларида вақт ярим тунга бориб қолган эди. Узумни топшириб, энди жўнамоқчи бўлиб турган хўжалик машиналаридан бири — ўша яқин таниши бўлган “ГАЗ-53” шофёридан қизни жойига олиб бориб ташлашни илтимос қилиб, “Москвич”га қайтди.

— Машинадан тушмайман, — деди Малоҳат. У хо-муш тортиб, кўзлари аллақандай нурсизланиб, бездай бўлиб, бир нуқтага қадалиб ўтирарди.

— Унда... нима қиласан?

— Сизникига бораман.

— Бизникида нима қиласан? — Абдумажид аччиқ билан шу гапни айтишга айтдию, тилини тишлади. Боши ганграб кетди.

— Менга уйланасиз, — деди Малоҳат аста, аммо қатъийлик билан.

— Ни-ма??? — Абдумажиднинг тили танглайга ёпишиб қолгандай бўлди.

— Менга уйланасиз!

— Қиз чиқмадинг-ку! Сени бошимга урамани?

— Бари бир. Мен билан бирга бўлдингизми? Бўлдингиз. Сизни оиламга бекорга кўрсатдимми? Мен уларга ҳаммасини айтиб бердим.

— Нимани? Қанақа ҳаммасини? Унда ҳали орамиздан ҳеч нарса ўтмаганди-ку!

— Унда ўтмаган бўлса, чойхонадан кейин ўтдимми? Бари бир ўтишини билардим. Шунинг учун “Шу йигит куёвларингиз бўлади”, деганман.

Абдумажид хангу-манг бўлиб қолди. Малоҳат ҳозир унга дўқ ураётганди. Уйланишга мажбурсан, деяётганди. Йўқса...

— Сиз ахир қиз эмассиз-ку! — Абдумажид беихтиёр яна сизлашга ўтди.

У тамом бўлган эди. Тамом бўлганини англаб,

аззойи-бадани бўшашиб кетди. Бу гаплар Дилоромга етиб борса, у кейин Абдумажидни тириклайин пишириб ейди. Келин-куёв вақтлари кунига уришиб туришган бўлса-да, кейин ойдаи тирикчилик қилиб кетишган, фарзандлари бор. Тўғри, Дилоромга жудаям кўнгли тўлмайди. Шу сабабли манави воқеалар... Эҳх!!

— Ишонсангиз ҳам, ишонмасангиз ҳам ўзингиз биласиз, лекин бир мартага айтиб қўйишим керак: Сизга қадар бирон йигит менинг ҳатто кўлимни ушлаган эмас. Нима? Бахтли бўлишга ҳаққим йўқми менинг?! Айтинг!!! — Малоҳат қалтираб, телбанамо нафратли кўзларини Абдумажидга тикди. Нафратга тўлган кўзлар янада гўзал, янада офатижон эди, аммо... Абдумажид дош беролмай, кўзларини олиб қочди..

— Ҳа майли, гапларингизга ишондим ҳам дейлик. Мен сизни бари бир ололмайман. Уйда хотиним, икки болам бор.

— Алдаманг! Хотинингиз ҳам, болаларингиз ҳам йўқ. Шунчаки, тагин менга тармашиб қолмасин, деган ўйда ҳар эҳтимолга қарши тўқиган афсонангиз бу.

“Сеники-чи? Сеники бориб турган эртақ-ку!”

— Мен сизни алдаб нима қиламан? Тўғриси, агар уйланмаган бўлганимда сиздай қизни жон-жон деб олардим.

— Ҳалиям олаверинг. Олинг деб турибман-ку!

— Йўқ, сиз мени тушунмаяпсиз. Сиз ҳақиқатан ҳам гўзалсиз, аммо мен хотинимни ўйламаганда ҳам икки боламни ўйламай иложим йўқ. Ишонмасангиз, борингда, анави “ГАЗ-53”нинг шофёридан сўранг. Қаранг, сизни кутяпти. Узиям тоқати-тоқ бўлиб кетди. Аччиги чиқса, ҳозир кетиб қолиши мумкин. Йўл-йўлакай мен ҳақимда сўраб биласиз. Ёки... — Абдумажид тушуниб, жимиб қолди. Малоҳат шофёрининг кетиб қолишини кутаётганди. Кейин... О, айёр қиз!

Малоҳат пешонасини олдинги ўриндиқнинг орқасига қўйди.

— Ҳеч бўлмаса, болаларимни ўйланг, — дея ялинишга тушди Абдумажид. — Ахир, гўдақларнинг бахтини ўғирлаш ҳисобига бахтли бўлолмайсиз!

— Нега? Менинг бахтимни ўғирлашди-ку! Менинг бахтимни ўғирлаганлар бахтли яшашпти. Мен нима қилишим керак?! А!?! Нима қилай?! Ушалар туфайли бор ифғатимни ер билан яксон қилиб, сизга безбетлик қилиб ўтирипман-ку! Нима керак ўзи сизга?! — Малоҳатнинг хўрлиги келиб, йиғлаб юбормаслик учун яна пешанасини ўриндиқнинг орқасига тиради. Чидолмай, ўкраб юборди.

Абдумажид тумшайиб қолди. Овутишга, қизга қўл теккизишга юраги бетламасди. Малоҳат тезда ўзини тугтиб, йиғисини тўхтатди:

— Бўлти! Нима бўлгандаям бир мартага менга уйланасиз, кейин ҳайдаб юборсангиз ҳам, — деди куруққина қилиб, бурнини тортаркан. — Бир мартага уйланасиз, — деди у такроран дона-дона қилиб.

— Ий-е! Бир мартага сизга уйланадиган бўлсам, хотиним бир мартага кетиб қолса, кейин қайтиб келмайди. Бу ёғини ҳисобга олмайсизми?

— Сиз-чи? Мени чойхонама-чойхона олиб юришнинг ҳисобга олмайсизми? “Москвич”да хилватларга олиб кетишни-чи? “Арабча ўйна”, деганларингизни-чи? Нима? Сизга бировнинг бекордан-бекорга боқиб қўйган қизи борми, истаганча топтайверадиган?! Ҳайданг машинангизни уйингизга. Мен тушмайман! Билдингизми, туш-май-ман!

Абдумажид лол бўлиб қолди. Хилватга ўтгандан сўнг кайф-сафо деганларидай, маза бўлди. Яна еб-ичишди... Кейин Абдумажид машинасининг магнитофонига арабча қўшиқлари бор кассетани қўйиб, Малоҳатни ярим яланғоч қилди-да, арабча ўйнатирди. Гўё ўша ширин дамлар бир умр давом этадигандай эди. Малоҳат нозли қарашлар билан бутун гавдасини, белини, белидан пастилларини ликиллашиб ўйнаганида Абдумажид телбаларча жазавага тушган, “Уйна, ўйна! Арабча ўйна!”, дея ўзи ҳам шод қичқирганча, рақс тушиб кетганди. Энди эса...





Неъмат ХАЙРАТ



Кураш-ла тирик бу ДУНЁ

ЎЗИНГИ ИЗЛА

Майсанинг букилган сояларидан,
Қочиб кет ғийбат тил уяларидан.
Кун чиқар гурурнинг қояларидан
Ўзингни изла.

Бошинг узра булут айланаётир,
Қалбингда жимгина ухлайди хотир.
Кўксинга нишини суқсин хавотир,
Ўзингни изла.

Қисматни бир синаб кўргулик дунё,
Яхшими, ёмонми, кўрик бу дунё.
Интилиш, кураш-ла тирик бу дунё,
Ўзингни изла.

КЎЗГҮ

Уни ҳамма яхши кўради,
Термулганча қарар юзига.
На либос дер, на-да қиёфа,
Дўст танламас асло ўзига.

Уни ҳамма яхши кўради,
У барчани олар бағрига.
Бир зум висол. Табассум, сўнгра
Кузатади кўча сайрига.

У ҳаммани эслаб қолади,
Кимдир хурсанд, кимдир ташвишли.
Галма-галдан кўнгил овлайди,
Биров ишдан, биров ўқишдан.

Тунлар ёлғиз зерикади у,
Яна илҳақ тонгага шайланар.
Ётоқхона, фойеда кўзгу,
Атрофида дунё айланар.

РАШК

Яроқсиз, кўмаксиз бир парча гумон,
Тилкалаб ташлайди умидларимни.
Тишимда сақладим сукутларимни,
Бузгункор ҳаддидан ошганда чунон.

Мухаббат гуллари, меҳрим гуллари,
Зориқиб тилайди ўғитларимни.

Сизларга боғбон деб атадим кимни,
Хазонрўй боғимга ботар кунларим.

Сочимдан тортади кечки саболар,
Гўё чекаётган азобларим оз.
Йўқ, улар тингласам сўзлаятти соз.

Бу боғда ҳам бордир гунча вафолар,
Кечки инжиқликлар шунчаки бир ноз.
Тонгда табассумлар, кўринишар боз.

* * *

Кетгум бор, мақсади йўқ
Мезонга осилгунча.
Шамолга бўлай ўртоқ,
Ҳовурим босилгунча.

Меҳр тутсам, кипригимда
Гўзаллар қўлин чайди.
Заррасин сўрай кимдан,
Жилваси ўзгачайди.

Имконим етмас, билдим
Умидим рўёсига.
Келдиму бир зум кетдим
Қўл силтаб дунёсига.

* * *

Сен ҳаётни севаман десанг,
Умр орзуга бўлса яраша.
Сен яшашни севаман десанг,
Соғинчларга чўмилиб яша.

ЎТИНЧ

Халақит берманг.
Сизга зиёним теккани йўқ-ку,
Ўтирибман
Бу дунёнинг кўнгилга Ватан
Бўлмаслигини ўйлаб.

* * *

Мен ҳаммасини билиб юрибман,
Гоҳ ғамгин, гоҳо кулиб юрибман.
Бир кам дунёда қасдма-қасдига,
Не гумроҳликлар қилиб юрибман.

Суяр УБАЙДУЛЛО



ДИЛДАН ТЎКИЛГАН ИНЖУЛАРИМ
Инсонни кўкка доим,
Кўтарар чароғон бош.
Тубанликка туширгай,
Лекин уни нодон бош.
* * *

Ўргатгунча нодонни,
Ақлу фаҳмга сал-пал,
Қатра бўлсин, донодан,
Илм ўрганган афзал.
* * *

Танир эса бир неча,
Киши шакли гўзални.
Танир мингларча одам
Лекин ақли гўзални.

* * *

Савобкаш зотга хурлар,
Саломни йўллагайдир.
Билинг, эл қўллаганни,
Аллоҳ ҳам қўллагайдир.

* * *

Умидсиз яшаш,
Хазон бўлишдир.
Мақсадсиз яшаш —
Тирик ўлишдир.
* * *

Кароматсиз қолмагай —
Кимки элга киради.
Жамоага кирган гунг,
Охир тилга киради.

* * *

Нажот йўқдир кемага,
Ўзи етмас соҳилдан.
Нодонмисан, нимага
Гап тинглайсан жоҳилдан?

Нилуфар МИРЗАЕВА,
АДУ аспиранти

«ЭНГ УЛУҒ АЖДОДЛАРДАН ХАЁЛИМГА ЁҒСИН НУР...»

Тарих – босиб ўтилган йўл. Тарих – хотира. Аммо одам боласи кўнглида тарихни ўқиб, ўрганишга ҳамиша бир эҳтиёж бўлади. Шунинг учун энг яхши тарихий мавзудаги асарлар, шеърлар ажиб бир иштиёқ билан ўқилади. Айниқса, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Халқ шоири Абдулла Ориповнинг тарихий мавзудаги шеърларида ҳам тарих нафаси, ҳам барча замонлар учун замонавий бўлган фикрлар акс этади. Шунинг учун бу асарларга фақат тарихдан билим, маълумот берувчи асарлар деб эмас, қалбни уйғотувчи, кўнглини кўзғатувчи асарлар деб қараш жоиз, деб ўйлайман. Дейлик, шоирнинг «Аллома» шеъри...

*Қанча буюк зотларга макон бўлган Хоразм,
Ўтган-кетган тарихинг барчага кундай аён.
Сира ажаб эмасдир Маишҳад ҳам айлаб базм,
Бир Қиёт фарзандига таъзимда бўлса жаҳон...*

Дастлабки сатрларданоқ гап улуғ аллома Абу Райҳон Беруний ҳақида кетаётгани ҳис этилади. Биз кўпинча фарзандларимизга улар ҳақида «улуғ боболаримиз», дея умумий таъриф берамиз. Шунинг таъсирида улар қалбига, тафаккурига ҳам улуғ аждодларимизнинг умумий бир қиёфаси чизилади, холос. Шоирнинг сатрлари эса ўша қиёфага аниқлик киритади.

*Ҳолини билмаганга рўбарў келсанг агар,
Қалбингда арслоннинг мўйловига чўзгай кўл.
Мен-ку, оддий инсонман, лекин шундай дам баттар
Ўн минг йиллик гурурим кўзғалиб кетгай буткул...*

Шоирнинг гурури ўқувчига ҳам кўчади. Сатрдан сатрга ўтилган сайин бу гурур илдилари тўлароқ намоён бўла боради.

*Шунчалик бўлар, ахир, аллома деганлари,
Агарчи, қисмат чигал, ношукур ул замона.
Жавоҳир истеъдоднинг меваси бунинг бари:
«Осор-ул боқия» «Ҳиндистон»у «Сайдана»...*

Энди кўз олдимизда Беруний бобомиз дунё маданияти хазинасига қолдирган асарлари билан бирга, яна ҳам салобатлироқ, улуғворроқ кўриниш олади. Энди у зотнинг исми шарифини эшитганимизда, қалбимизда тўлқинланадиган гурурнинг нима эканлигини ўзимиз яхши тушунамиз. Ва шу баробарида, шоирнинг тарихий мавзуда ёзилган асарларининг баҳосини ҳам англаймиз.

*Жаҳонки муқаддас нени кўрибди,
Барига онасан, эй қодир ҳаёт.*

*Беш юз йил наридан боқиб турибди,
Нурли бу юзларга нуроний бу зот...*

Биз Алишер Навоий ҳазратлари ҳақида ёзилган кўп тарихларни ўқиганмиз. Ҳатто у саройда хизмат қилган, феодал шоири дея табаррук номларига соя ташламоқчи бўлган замонлар ҳам Алишер Навоийнинг шуҳрат куёшини сўндира олмаган. Аммо Абдулла Ориповнинг юқоридаги сатрлар билан бошланувчи «Алишер» деб аталувчи шеърида бари бир шоир қалб призмаларидан ўтган буюк мутафаккир сиймосида кўрамиз.

*Бойқаро ирғишлаб истак отида,
Жаҳонга боққанда мисли бола шер.
Ҳирот дарвозасин бир қанотида,
Шеърий лашкарини тизган Алишер.
Дунёда бирор ном қолдирмоқ учун
Юрт бузиш шарт эмас, деган гап-ку рост.
Кимдир пеш қилганда найзанинг кучин,
Алишер қаламин кўрсатди, холос.*

Абдулла Орипов талқинида биз шоирлик қудрати, шеър қудратини ҳис этамиз. Шу саккиз сатрнинг ўзи «Кимки қурол тутса, у қудратли» деган замонларни кўрқитиб келган тўхтамини бир силкитиб қўяди. Шоир-ўз кўнгли учун ёзади, у ўз кўнгли манзараларининг овози, холос. Жамиятда бўлаётган воқеа-ҳодисалар унга у қадар таъсир этмайди, деган бир тарафлама даъвога шеърий радия беради. Чунки Алишер Навоий шоирнинг жамият олдидаги, халқи, миллати, юрти олдидаги бурчини тўла англаган ва ўз шеъриятини ана шу бурчга хизмат қилдирган. Абдулла Орипов бу ҳақиқатни теран англайди ва тарихий мавзудаги шеърларида ёрқин, аниқ ибораларда кўрсата олади:

*Шу буюк ўғлингни ардоқлаб дилдан,
Халқим, таъзим этсанг арзигаи тамом.
Унинг номи билан бирга битилган
Дунё дафтарига ўзбек деган ном...*

Биринчи ўзбек генерали Собир Раҳимовга бағишланган «Генерал», ўз ватанидан узоқда — ғариблигу гурбатда яшаган шоирга бағишланган «Фурқат нидоси» ва бошқа тарихий шеърлар мисол кетириш мумкин. Ўқувчиларнинг маънавий соатларини бойитишга хизмат қилади. Ушбу асарлар тарихнинг ўзини ўрганиш, тарихий шахслар ҳаётини билиш — бир билим, аммо бу ҳаёт, бу фаолиятни шоир нигоҳидан ўтказиб ўрганиш «нур устига нур» деганларидай, ўзгача бир билимдир.





Улмасбек ХУЖАЕВ

ЎЗБЕКИСТОН — МЕНИНГ ДИЛБАР МАКОНИМ!

ОНАЖОНИМ БАТАН

Жаҳонда ўрнинг бутук, аҳдинг устувор,
Нурафшон йўлингда аълоларнинг ёр,
Жон нисор этгучи посбонларнинг бор,
Ўзбекистон—мангу озод осмоним.

Ўз номинг—ла улуг жаҳон бўлибсан,
Бир бутук эл, бутук имкон бўлибсан,
Боғу чаман ортган қарвон бўлибсан,
Ўзбекистон—бағри баҳор маконим.

Осмонинг қучиб ёғар қуёшинг,
Тожиқ, туркияш, қозоқ, қирғиз йўдошинг,
Эрдил эллар сенинг азиз сирдошинг,
Ўзбекистон—мангу озод осмоним.
Онажоним—жоним фидо айлаётини,
Фарзандингман, жисмим фидо айлаётини,
Ватан, мангу озодлигинг қуйлаётини,
Улмасбекни бахтга кўмган жаҳоним!

ҚОРАҚАЛПОғИМ

Жайхун бўйларида астанган ватан,
Қийиқ кўз боврим — қорақалпоғим,
Сен учун фидодур бу жон ила тин,
Пахташи, толаси сарбалидтоғим.

Нуқусини ҳар уйи уйимдир менинг
Қорақалпоқ ахир ҳам оғам, отам.
Эли шод кўрмоқ уйимдир менинг
Шуд уйим билан мен энг бахтли одам.

Сахрою чўлларинг мен учун жаннат,
Ҳар гисх, майсангиз ўлман Ватан!
Бул озод туяроғинг билмагай кулфат,
Омон бўл, меҳрида уммоним Ватан!

Йилг—дунё, оқар қароғимда
Сув сулуздай сийпалаб юзларимни

Еллар макон қуриб қучоғимда
Қамчилар минган беэгар отимни.

Ишққа Ҳовв—Ҳақ дедим,
Ишқ эҳсон этар кимса йўқ,
Ишқсизга тушмасни ишқим,
Фоний ишлар бир зумча йўқ.

Тилабми, тиланибми келмоғим
Керак! Йўқликни йўғиб топмоғим.
Шарт «Ўлмасдан аввал ўлмоғим»
Комил ишқлар, ишқи комил сўроғим.

Фонусим ўчавитти, ёғи йўқ...
Чинорим ўсаяпти, бутоғи йўқ...
Нурамас танҳоликнинг тоғи йўқ...
Қачон дарё оқар дарёдай...

Зир заррадан бир зарраман бўлганим...



Абдухалил САТТОРОВ

Овозим фиғондан зоҳир бўлмишдир



Абдухалил САТТОРОВ Жиззах туманидаги Тазғара қишлоғида туғилган. "Муҳаббат дарди", "Қалбдаги исён" шеърӣй тўғламлари муаллифи. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси.

САВОЛ

Севганмисиз,
Севилганмисиз,
Ҳижронларда чекканмисиз оҳ?!
Ёр васлини қўмсаганмисиз
Фотиҳ ғамдан қочганда ногоҳ?

Юрагингиз увушганми ҳеч
Бир зот нола чекаётган дам?
Бирор таскин сўз айтганмисиз
Дардчил дилга бергали малҳам?

Мевали бир дарахт ўстириб,
Савоб олиб шодланганмисиз?
Давраларда "қани у",— дея
Бирон марта ёдланганмисиз?

Ҳаёт—уммон, алғов—далғовли,
Ўз дилига тортгучи наҳр.
Шу уммонда бирор қаро кўз
Айлаганми сиз билан фахр?

Ҳеч бўлмаса кечки кузакда,
Жануб томон олганида йўл,
Турналарнинг ортидан чопиб
Қўл силкитиб қолганмисиз қўл?

Нега жимсиз,
Бунча лоқайдсиз,
Юзингизда буткул маҳзунлик,
Шу туришда ўтган умрингиз,
Қилмадимиз Сизга узунлик?

ЎАТИЖО

Саробга айланди мен кўз тиккан кўл,
Фиғонимдан чиқди оловли бир дуд.
Олиб келақолгин ёмғирми ё дўл,
Дунёга ўт кетмай,
Ҳой, қора БУЛУТ.

Чор тарифим қумлик, қуяди оёқ,
Зилдай чўкиб кетган бу нозик кўнғил.
Ҳимоянга олгин мени шундай чоғ,
Узин зўрға тутиб
Турган эй, ЖИНФИЛ.

Судралиб қайга ҳам бориб етардим,
На бир қултум сув бор, на бир бурда нон.
Таҳдид солиб қолсанг — ахир нетардим,
Йўлингдан қолмасдан
Кетавер, ИЛОН.

Бўлмасми бир нафас олақолсанг тин,
Бу ерда ҳолингни, айтгил, ким сўрағи.

Муаллақ ҳавода қаср қурмоқ учун
Оввораи сарсон
Бўлаётган ТУРФАЙ?

Фаҳму шафқат ила мадаб бер, ОЛЛОҲ,
Ҳолимдан хабардор танҳо ўзинг—ку.
Севиб қолиш агар бўлмаса гуноҳ,
Илкени узатсин
Фақатгина У...

БИР КЎЗ АЙТДИМ

Не муборак
Зот бўлсанг ҳамки,
Бўлсанг ҳамки
Ҳаммадан доно,
Сени эслаб куларлар, балки,
Сени эслаб мақташмас асло...



Ўз тилингни унутган бўлсанг!

ТЎРЛАК

Овозим фиғондан зоҳир бўлмишдир,
Бу фиғон қачон ҳам охир бўлмишдир.
Мендай ёр ишқиди ким қуйса агар,
Ё дарвеш, ё телба шоир бўлмишдир.

Мехринисо АБДУРАҲМОНОВА

ҚИЗИЛ ОЛМА



Ҳикоя

Бу гап бир зумда болалар қулогига етиб, кўплари ошкора, баъзилар пинҳона пичир-пичир бошлашди.

Эмишқи, бир-бирини кўришга кўзи йўқ Моҳира билан Асқар севишиб қолишибди. Асқарнинг бир дона олмани тиржайиб Моҳирага узатганини ва қиз қургур ҳам индамай уни олганини шу кунни навбатчиликка қолган Замира Гийбатниса ўз кўзи билан кўрганмиш. Ўз гийбатлари билан Гийбатниса лақабини орттирган қизнинг гапига ишонган ишонди, ишонмаган ишонмади. Ҳар қалай болаларнинг ҳангомасига қизиқарли мавзу топилдики, бир неча кун улар мароқ билан шу мавзу атрофида уймалашибди.

Дарҳақиқат, шамол бўлмаса дарахтнинг учи қимирламайди деганларидек, шамол бўлмаса ҳам бироз шабада эсан ва бир дона мевасини ўз бағрида яшириб қолмоқчи бўлган дала шийпони ҳовлисидаги олма дарахтнинг ядроқларини силкитган эди. Бу силкинмиш жараёнида ҳақомиз қаҳрамони бўлмиш димоғдор, айна пайтда феъли ғалати йигитча Асқар ўша машҳур гийбатларнинг сабабчисига айланган бир қизил олмани кўриб қолган ва уни узиб Моҳирага берган эди. Бор гап шуми дерсиз? Ҳа. Бор гап шу ва фақат шугина эмас.

Ҳамма гап шундаки, шу дамгача уларнинг ҳар иккаласи ҳам бир-бирини кўришга кўзи, отишга ўқи йўқ эди. Яхшиям ўша савил ўқнинг йўқлиги. Бўлмаса улар бир-бирини отиб кўйиб, бу дунёда олмадан ҳам ширинроқ муҳаббатнинг мевасидан татиб кўришга улгурмай дорилбақога рихлат қилиб кетишармиди. Бу иккала синфдошнинг нима учун бир-бирини ёмон кўришларини тушунтириш учун озроқ мозийга чекинмасак бўлмас. Моҳира синфдаги энг аълочи, энг жамоатчи ва энг... энг... энг... қиз эди. Шоиртабиат бу қизнинг ёқимлигина овози ҳам бор эдики, мактабдаги бутун ташкилий ишлар унинг иштирокисиз ўтмас эди. Синфларидаги Асқардан бўлак барча болалар уни яхши кўриб, ҳурмат қилишарди.

Асқар ҳам чиройликкина бўлиб, кўркамлигидан фахрларан ва бошқаларни менсимасди.

Олтинчи синфда ўқиб юрган пайтларида Тойис лақабли математика ўқитувчиси (русча «тоестъ» сўзини кўп ишлатарди) дарс пайтида болаларга кўз-қулоқ бўлиб туришни синфбоши Моҳирага (синфкомлик туғилгандоқ унинг пешонасига ёзилганми 1-синфдан то битиргунча шу лавозимда анча тер тўкди) тайинлади-да, ўзи ташқарига чиқиб кетди. Шу заҳоти болалар бақир-чақир қила бошлашди. Хукмронлик қўлига тегиб қолган Моҳира қўлидаги дафтар билан болаларни уриб тинчита бошлади. Каттак ейиш навбати айна Асқарга келганда, у чаққонлик билан Моҳиранинг қўлидаги дафтарни юлиб олиб қизнинг ўзининг юзига шартиллатиб уриб юборди. Ҳаётда салгина туртки ҳам еб улгурмаган қизча аламидан йиғлаб юборди ва ўшандан буён Асқарнинг отиниям атамай қўйган, гўё синфда бундай бола унинг учун йўқ эди.

Ўшандан бери йиллар ўтиб улар ўнинчи синф бўлишди. Ўнинчи синфда ўқиётган кезлари мактабнинг юқори синф ўқувчиларини қўшни туманга пахта теримига сафарбар қилишди. Моҳиранинг дадаси кекса ўқитувчи бўлиб, қизини пахта теримига чиқармай, ошпаз қилиб қўйишларини илтимос қилган экан, уни боргандан ошпаз қилиб тайинлашди. Жўртгага қилгандай Асқарнинг дадаси ҳам ўғлини самоварчи қилиб тайинлашларини илтимос қилган экан.

Шундай қилиб бутун ҳашарчи болаларнинг ейиш-ичиши икки арзанда қўлида қолди.

— Йўқ, мен у билан келишолмайман. Бошқа бола самоварчи бўлсин, — деди Моҳира муаллимга.

— Нега энди келишолмайсанлар-а? Нимани бўлишолмайсанлар. Айниқса, сендай аълочи қиз бошқаларга намуна бўлиш ўрнига аразлашиб юрсанг ҳеч тўғри келмайди. Шу бугуноқ ярашиб ол-да, ишни бошланглар. Яхши инсонлар кечиримли бўладилар, — деди муаллим унга жавобан.

Моҳирага шу гапнинг ўзи етарли бўлди ва бу ҳақда бошқа оғиз очмади.

Асқар чой қайнатиш билан бирга овқат тайёрлаш учун ўтин ҳам ёриб бериши керак эди. Дарди ичида бўлган Моҳира ўтин тайёр эмаслигини кўриб Асқарни чақиб олишга баҳона топилганидан ичида суюниб унга ўтқирди.

— Нега ўтинни вақтида ёриб қўймадинг! Нима, болалар келиб сени ейдими? Бўл, тез. Овқат пиширишим керак.

Асқарнинг жон-пони чиқиб кетди.

— Эй, қиз. Директорнинг қизиман деб буйруқ берадиган бўп қолдингми? Отангнинг даври ўтиб кетган. Кўп ўзингдан кетаверма, хўпми? Синфкомлигингни мактабда бошқаларга қиласан, менга бу нумеринг ўтмайди.

— Вой-вой-вой. Ким бўпсан, жа одамларни менсимайдиган. Мен учун бир тийинсан, билдингми, бир тийин. Бир тийингаям олмайман сени. Э, кеккаймай ўл, — қизишиб кетди Моҳира.

Шу пайт муаллим келиб қолди-ю, ҳар иккаласи ҳам жим бўп қолишди. Асқар ўтин ёришга, Моҳира картошка артишга тушди.

Катта қозонга эга бўлиб олган қиз бирда куюк, бирда суюк қилиб овқат пишира бошлади.

Кечкурун ўчоқ боши косаларни тарақ-туруқ қилган болаларнинг шовқинига тўлиб кетарди.

— Картошқасидан кўпроқ сол.

— Менга пиёзсиз қуй.

— Вой-вуй, овқат бўтқа бўп қопти-ю.

— Гўштини дадил-дадил солмайсанми?

— Мен бугина овқатга тўймайман, тагин берасан-да.

Кунлар бир маромда ўта бошлади.

Моҳиранинг пиширган бўтқа овқатлари-ю, Асқарнинг чала қайнаган чойига бутун болалар жамоаси кўникиб қолганларидай ошпаз қиз билан самоварчи



йигитча ҳам бир-бирларига кўникиб, уришмай қолишди. Қоп-қора гайир сочларининг устидан оппоқ дурра тангиган ёқимтойгина ошпаз қиз билан бир столда овқат ейишга ўтиб олган йигитча учун ўтин ёришдек машаққатли иш ҳам мароқли туола бошлади. Нега мароқли бўлмас экан, ўтинни Моҳира ёқадиган бўлгандан кейин албатта мароқли бўлади-да. Кейинги пайтларда Аскарнинг юрагини аллақандай ёқимли ҳислар чулғай бошлади. «Нега унинг шунчалар ёқимтойлигини аввалдан пайқамабман-а. У ҳаммадан чиroyли», — деб ўйлай бошлади у. Кечагина кўзига балодай кўринган қизнинг ҳар бир хатти-ҳаракати ҳар бир сўзи йигитчага жозибали кўрина болади. У Моҳирани хурсанд қилиш учун атрофдаги полизлардан кечки помидор, бодринглар териб келарди-да, қизнинг қўлига тутқазарди. Оққўнгилига Моҳира бу меҳрибончиликларга баъзида ҳайрон бўлса-да, ортқича эътибор бермади.

Ҳар куни кечки овқатдан кейин болалар машина балонини топиб келишиб, уни ёқиб концерт уюштиришарди. Етакчи хонанда албатта Моҳира, дугонаси пақирни тўнтариб чалиб унга жўр бўларди. Болаларнинг ўйин тушишни билганиям, билмаганиям даврандан чиқмай уларнинг ашуласига ўйнашарди, қизиқчилик ҳам қилишарди. Музаффар жағжағ гапни опқочади-да тоза.

— Биласизларми, болалар. Менинг зарбдорлик тоғам КамАЗи билан Марсга бориб келган, — деди у.

— Ол-а, ёлгониям ялмамай ютасан-а. Марс қаёқдаю, Зарбдор қаёқда. Қолаверса, у ёққа ракета етолмайдию, КамАЗга йўл бўлсин. Ва-ҳа-ҳа, ўзимизнинг шу катта бетонка йўл билан борганим тоғанг Марсга. Ула-ўла, қасамхўр, ўтрикчи.

Болалар ҳар ёқда Музаффарни майна қилиб кула бошлашди.

— Улай агар, тоғам ўз оғзи билан гапириб берган. Биласизларми, зарбдорлик КамАЗчиларнинг оёғи етмаган ер қолмаган. Одам арқон билан осилиб чиқолмайдиған чўққиларга ҳам улар КамАЗ билан бемалол чиқиб кетаверишади. Орқасидан қувган мелисаларнинг биронтасиям уларни ушлолмайди. Зарбдорлик КамАЗчиларнинг бари бой бўп кетган. Гапимни бўлмаларинг, ҳозир мен сенларга бунинг қандай бўлганлигини айтиб бераман.

— Айтсин, жим туринглар.

— Балки ростданам боргандир.

— Айтавер, ёқмаганлар қулоғини бекитиб олсин.

Биз эшитамиз гапнинг.

— Эшитасек эшитаверамизку-я, аммо муаллимимизнинг айтишича энг зўр космик кеманинг ҳам Марсга бориб келиши учун юз йил ҳам етмасмиш.

— Оббо, бу ерда илмий мунозара бўлмаяпти-ку? Ҳа, эшитайлик энди. Гапиравер, Музаффар. Қулоғимиз сенда.

Болалар тинчлангач Музаффар ҳикоясини бошлади.

— Бир кун тоғамнинг олдига Эргаш фермер келибди-да, ўн тонна пиёзни Тожикистон ёққа ортмоқчи эканлигини айтибди. Шунда тоғам у томонларга ўтиш жуда қийинлашиб кетганлигини, орган билиб қолса иш расво бўлишини тушунтирибди. Аммо Эргаш фермер бу дунёда битмайдиган ишнинг ўзи йўқлигини, фақатгина зарбдорлик КамАЗчиларгагина маълум бўлган айланма яширин йўллар орқали олиб бориш мумкин эканлигини эшитганини айтиб, қатта «доля» беражagini ҳам ишора қилиб ўтибди. Уша кунлари тоғамгаям клиентлар келмай ишсиз ўтирган экан, нима бўлса бўлар деб таваккал қилиб пиёзни КамАЗга ортади.

Шундай қилиб икковлари кечки пайт йўлга тушишибди. Тоғам «доля»нинг чўғи учмасин деб шопир шеригини олмайди. Эргаш фермернинг орзулари катта экан. У «эсон-омон пиёзни сотиб келсам, ёлғизгина ўғлимга суннат тўйи қиламан. Тўйга Юлдуз Усмоновани олиб келаман» деб ният қилган экан.

— Юлдуз Усмоновани тўйга опкелиб нима қилади? Юлдузни кўраман деб бутун халқ тўйхонани остин-устун қилиб ташлашади-ку. Тўй қилган туғул қўшнилариинг ҳам томи тешик бўлиб кетади, — луқма ташлади болалардан бири ва ҳамманинг ўзига норози бўлиб қараб

қўйгани учун дарҳол жим бўлди.

— Шундай қилиб айланма, ўнг-чап қилиб, ҳангомаллашиб боришаётса шундай пана жойдан машиналарнинг чироғи ёниб мелисалар чиқиб қолиб тўхташга буюришибди. Тоғам, дунёда мелисадан ёмон одам йўқ деб юрган тоғам шартта йўлдан чиқиб, йўлсиз тепага қараб машинасини ҳайдаб қолибди. Мелисалар қувибди, булар қочишибди. «Олло худо, Олло худо» деб.

Тоғам қизик устида тоғнинг тепасига қандай қилиб чиқиб кетганини билмай қолибди. Кейин айтиб беришича, ўша дақиқаларда сира кўрқувни сезмаган эмиш, бутун фикру хаёли қочиб қутулишда бўлиб фермернинг, ажалимдан бурун ўлдирасанми, тўхтатмошинди, деган гаплариям қулоғига кирмасмиш. Бир пайт ўзига келиб қараса катта жар ёқасида турганмиш. У дарҳол тормозни босибди. Жарга қудашларига секунд қопди. Шунда фермер: «Эй, Худо. Узинг бандам де, ўзинг асра, ёлғиз ўғлимнинг орзу-ҳавасини кўрмай ўлиб кетавераманми?» дея Оллоҳга илтижо қилаверибди. Нима қилиб денг? Мўъжиза рўй берибди. Жар устида ярақлаган тилла кўприк пайдо бўлибди. Тоғам «Ё кудратингдан» деб ҳайратдан оғзи очилиб қопти. Фермернинг эса тили калимага келмай қопти.

Музаффар шу ерга келганда тўхта болаларга ваҳимали қараб қўйди. Болаларнинг бутун вужуди қулоққа айланиб уни тинглашарди.

— Тоғам ҳали-ҳануз янгамнинг қулоғидаги тилла исирғасига ишора қилиб «кўприк шунақа ярқираб турганди» деб қўяди, — давом этди Музаффар. — Хуллас, мўъжиза рўй берибди. Бироздан сўнг тоғам ўзига келиб мошинани тўғри кўприк бўйлаб ҳайдаб қолибди. Бир зумда қил-қизил қум барханлари чўзилиб ётган, биронта тирик жондан асар сезилмаган бийдай далага чиқиб қолишибди. Совуқ, изғирин шамол эсиб ётганмиш. «Товба, бу Хоразмнинг Қизилқумими? Биз Тожикистондан қиқишимиз керак эди-ку?» — деб тоғамнинг боши қотиб қолибди. Фермер бўлса ўзининг совқотгани билан иши йўқ «пиёзларимни совуқ уриб кетса, нима қиламан?» деган ташвишда эмиш. Тоғам «бўлди, энди келган йўлимиз билан орқага қайтамиз» деб КамАЗини бурса ҳалиги кўприк ҳам, жар ҳам гўё ҳеч қачон бўлмагандай йўқ бўлиб қолганмиш. Ана, энди кўринг ҳангомани. Тўрт томон бийдай дала. Тирик жондан нишон йўқ. Икковининг ҳам бўғинлари бўшашиб нима қилишини билмай ўтиришса, қаттиқ шовқин кўтарилиб космик кемага ўхшаган бир жисм улардан нарироқда келиб қўнибди. Сўнг унинг ичидан тўрт-беш одам тушиб хурсанд кайфиятда бир-бирини қучоқлаб чулчитча бир нарсалар деб бақираришармиш. Уларнинг биттаси видеокамера билан суратга олаётганмиш. Тоғамлар космик кеманинг қуйруқ томонида туришгани учун улар тоғамларни кўрмасмиш.

Шунда бирдан фермернинг ранги оқариб кетибди. Тоғам нима гаплигини сўрабди.

—Биз Марс сайёрасига кеп қопмиз, жўра, — дебди Эргаш ака аранг. — Анови кема Американики экан.

Улар Ерга сигнал беришяпти. «Биз одамзоднинг асрий орзусини рўёбга чиқариб Марс сайёрасига қадам қўйиб турибмиз», — деб хабар жўнатишяпти. «Марсни биз америкаликлар биринчи бўлиб забт этдик», дейишяпти», — деса ҳангу-манг бўлиб қолган тоғам «вой, қизигарлар-эй улардан олдин биз зарбдорлик КамАЗчи ва деҳқон забт этиб қўйдик-ку Марсни», — дермиш. Булар нима қиларини билмай туришса, совқотиб қолган америкаликлар кемаларига чиқиб кетиш тараддудига тушиб қолишибди. Сал ҳаялласа кечикиб қолишини билган тоғам КамАЗини зингиллаётган кема эшигининг олдига учурибди. Ичкарида ҳамон Ерга хабар узатиб ётишибди. «Биз Марсни забт этдик! Биз биринчи бўлдик!» ва ҳоказо ва ҳоказо деб туришса кемаларининг эшиги тақиллаб қопти. Улар «Марсда ҳеч жонзот ҳам, ҳаёт ҳам йўқ эди-ку», — деб ҳайрон бўлиб эшикни очиб қарашса «Пиёз оласиларми?» — деб иккита ерликларга ўхшаган одам турганмиш. Ўз-ўзидан маълумки, булар менинг тоғам билан фермер эди. Фермер ҳам анойимас экан. У инглизчани сув

қилиб ичиб юборган экан, бирпасда америкаликлар билан тил топишибди. Америкаликлар уларни ўзлари билан олиб кетиб, ҳар иккаласига ҳам биттадан «Мерседес» мошин миндириб юборишларини, эвазига эса улар Марсда бўлганликлари ҳақида чурқ этиб оғиз очмасликларини илтимос қилишибди. Зарбдорликлар бунга рози бўлишибди. «Майли, Марсни америкаликларга бердик», — деб эсон-омон қайтганига шукур қилишибди. Пиёз-миёзи билан Марсда қолиб кетган КамАЗини эслаб тоғамнинг ичи куйиб-куйиб қўяди. Ҳар қалай «Мерседес» заҳар босди бўлди-ку.

Фермерга келсак, у уйига қайтгандан сўнг «Мерседес» машинани сотиб яккаю-ёлғиз ўғлига каттакон қилибди. Боя, сен Эргаш тўғри айтувдинг. Юлдуз келса тўйчининг ҳам, қўшнилари ҳам томлари илма-тешик бўлади деб, ҳақиқатдан ҳам Юлдуз Усмонованинг дарагини эшитиб ҳам, тўйхона тугул қўшни томлариниям босиб кетибди. Шиферлар синган, деворлар кўчган. Лекин фермер мард одам экан. Тўй ўтга, қўшнилари ҳам тўй бўлмасдан олдин ҳам ўзи ҳилвираб турган томларини янги шиферлар билан ёптириб берибди. Ҳамма хурсанд бўпти.

Ҳикоя таъсирига берилган болалар бир нафас жим қолишди-да, сўнг мунозарага берилиб кетишди. Улар ота-оналаридан узоқда, уйларини, яқинларини соғинганликларини ҳисобга олмаганда кундузларни меҳнат, кечкурунларни эса мана шунақанги ҳангомалар, ўйин-кулгулар билан ўтказишарди. Улар Марс ҳақида, мўъжизалар ҳақида сўзлаша-сўзлаша уйкуга кетишди. Яна бир меҳнат кунини шу тарзда ниҳояланди.

Музаффарнинг оғзига анқайиб мен ҳам асосий мавзудан чиқиб кетганим боис азиз ўқувчидан узр сўрайман-да, яна синфдош мавзусига қайтаман.

Эртасига одатдаги меҳнат кунини бошланиб шийпонда бизнинг асосий қаҳрамонимиз қолишди.

— Қандай ажойиб ва гаройиб саргузашт! Машина билан Марсга боришса-я, — деди ҳамон кечаги ҳикоя таъсирида юрган хаёлпараст Моҳира.

— Шунинг гапига ишониб ўтирибсанми? Фирт ёлғон-ку ҳамма гапи. Тоғасиям Музаффарга ўхшаган лофчи экан. Тоға-жиянларнинг тупроғи бир жойдан олинган экан чоғи, — деди Асқар бепарвогина.

— Мен мўъжизаларга ишонаман. Айтишдарица, ҳар бир нарсанинг таянч нуқтаси бўларкан. Уша таянч нуқтани топса ҳатто ер шариниям кўтариш мумкин. Фантастик асарларда инсонлар ўтган асрларга ёки келажакка ўтиб қолиш ҳоллари ҳикоя қилинади. Баъзи олимлар вақтни орқага қайтариш мумкин деб ҳисоблашаркан. Бунинг учун эса Ер ўқининг марказини топиш керак экан. Иккинчи жаҳон уруши пайтида Германия қўшинлари мағлубиятга учрай бошлаган вақтлари Гитлер олимларга вақтни орқага, галабалар нашидасини суриб юрган даврга қайтариш учун Ер ўқи жойлашган нуқтани топишни буюрган экан. Бунинг учун олимлар ўша жой Ҳиндистонда бўлиши керак деб экспедиция уюштирган, аммо номаълум сабабларга кўра экспедиция ҳалоқатга учраган экан. Балки Музаффарнинг тоғаси сайёралар аро қўйилган самовий кўприкка дуч келиб қолгандир. Менинг шунга ишонгим келяпти. «Худойи йўли» деган турклар ишлаган кинони кўрганмисан. Ундаги қаҳрамонлардан бири Оллоҳнинг инояти билан бир кунда Маккаю Мадинага бориб ҳаж зиёратини бажариб қайтади. Ҳа, Асқар, бу дунёнинг биз билмаган сир-синоатлари кўп. Биз ақлимиз деймизми, ёки тафаккуримизми идрок этолмаганлиги учун бу синоатларни «фирт ёлғон» ё бўлмаса «Фантастика» деб қўя қоламиз-да, ортиқча бош қотиришни истамаймиз. Мана, анув «тоға»ни олайлик, у оддийгина шофёр бўлса ҳам, майли, лофчи, ёлғончиам дея қолайлик, аммо барибир болалар онгида

аллақандай бир ажиб илиқликми, ҳайратми, шунга ўхшаш таассурот уйғотолди-ку, ахир. Энди болалар анча вақт ўша кайфият таъсирида юрадилар, сир-синоатлардан ҳайратланадилар, бу синоатларни ечиш орузида тафаккурини ишга сола бошланади — дея гапини тугатди Моҳира.

— Қойил! Олим бўп кетарсан-а, — чапак чалди Асқар. — Мен эса реал ҳаёт билан яшашни истайман. Мана мен, сен, мана бу қўлимдаги пичоқ булар бари бор нарсалар. Ҳозир пичоқни қоровулга ўткирлатишим ва сен овқат пиширишинг, мен эса чой қайнатишим керак. Пичоқни қайратиб келгунимча орзуларинг билан яшаб тур, — дея кулиб нари кетди у.

Бироздан сўнг пичоқни қайратиб келган Асқар қизнинг ҳомушлигини кўриб ҳазиллашмоқчи бўлди.

— Уткирлигини қара, Моҳи. Нақ одам сўядиган пичоқ бўптида.

Кайфияти тушиб кетган Моҳира жаҳдан қизариб кетди.

— Нима! Ҳали одам ҳам сўйсанг керак, гапинг бунақа бўлса?

— Йўқ, йўқ. Нега энди? Худо сақласин. Шунчаки ҳазил қилиб гапирувдим, — каловланди Асқар.

— Ҳазилинг курсин!

Моҳира шундай дея тез-тез юриб шийпонга кириб кетди.

Воқеанинг бундай тус олишини кутмаган йигитча бирдан маъюсланиб, ўз-ўзини ёмон кўриб кетди.

«Энди у яна қайтадан мени ёмон кўриб қолди». У қўлидаги кўзига балодай кўриниб кетган пичоқни ўчоқ бошига отиб ташлади, худди ҳаммасига пичоқ айбдордай. Сўнг кўнгил гашилигини кетказиш учун шийпон ёнидаги боғда тентирай бошлади. Аллақачон мезон кириб қўйганига қарамай боғ ҳали ям-яшил эди. Енгилгина шабада япроқларни оҳиста тебратар, қушларнинг чуғурчуғури боғнинг осойишталигига бироз раҳна солиб турарди. Ҳалиям болалиги қолмаган Асқар чўнтагидан рогатка чиқариб дарахтдаги қушларни нишонга ола бошлади. У энди нишонга отаман деб турганда қуш пирр этиб учиб кетди-ю, куюқ барглари орасидан бир дона қип-қизил олма кўзга ташланиб қолди. Асқар дарахтга чиқиб шунча боланинг кўзидан яшириниб қолган боғдаги сўнги мевани авайлаб узиб олди.

Болалар боғнинг тит-питини чиқариб юборишган эди. Қандайгина бу олмани кўрмай қолишдийкина? Яна яшил барглари орасида қип-қизил бўлиб турган бўлса. Шу ўйлар билан у олмани ени билан артиб тозалаб емоқчи бўлди. Аммо у дарров фикрдан қайтди. Моҳирасиз томоғидан олма ўтмаслигини ҳис қилди ва бирдан миясига келган фикрдан суюниб кетди.

«Балки бу олма Моҳира айтган мўъжизалардан биридир. Фақат оддийроқ, балки жуда оддий мўъжизадир. Мен бу мўъжизани унга олиб бораман». Унинг вужудини аллақандай бир тушунарсиз шодлик эгаллаб олди ва шийпонга қараб югурди.

— Моҳира, Моҳи. Манавини қара.

— Вуйи, мунча чиройли. Қаердан олдинг?

— Анави дарахтдан. Барглари яшириб турган экан. Ол. Бу сенга.

— Ўзинг емайсанми?

— Йўқ. Егим келмади. Чиройли олма экан. Олақол.

Оқ сариқча мойил қизнинг юзлари қўлидаги олмадай қизариб кетди. У олмани айлантриб кўраркан: «Ҳа, чинданам жуда чиройли экан. Ейишга одамнинг кўзи қиймайди-я», — деди ва майин жилмайиб йигитга қаради.

Бу жилмайиш шундай бегидир, шундай маъсум, шундай пок эдики, инсон қалбида бундай чуқур самимият бор экан, Ер курраси ўз ўқидан чиқиб кетмаслигига, беғубор осмонда қуёш мангу порлаб тураверишига ишона бошлайсан киши.





ЎРИКЛИСОЙ

Дилларингни яйратади ҳаволари,
Сувлар куйлаб, кўнглинг олар наволари,
Ҳар ер гийҳ, кўпми дейман даволари,
Бунча ахир, гўзаликка бунчалар бой,
Англоладим, жаннатми бу-
Уриклисой?!

Осмонулар қад кўтарган улкан тоғлар,
Чўққисиди арча дарахт дилинг доғлар,
Кўрган сайин кўнглим чоғлар, кўнглим боғлар,
Оқшомлари чехрасига ярашар Ой,
Англоладим, жаннатми бу-
Уриклисой?!

Таъриф қийин, тўғрироғи, тилда
айтиши,
Кимки кўрса ярашади дилда айтиши,
Бу кунларга арзир шукр кунда айтиши,
Дилгинаминг тубларидан олдинг-ку жой,
Англоладим, жаннатми бу-
Уриклисой?!

ДУНЁЛАРИ МЎЪЖИЗА

Сен ўйлаган орзуларда,
Рўёларинг мўъжиза!
Гоҳ сизиб, гоҳ сизмаган,
Дунёларинг мўъжиза!
Аяжон, деб пок сўзлаган,
Тилларинг ҳам мўъжиза!
Ақл-у хушинг англаб етган
Дилларинг ҳам мўъжиза!
Фикрлашинг гоҳ донодек,
Кулишларинг мўъжиза!
Бор овозинг, сўзлашларинг,
Юришларинг мўъжиза!
Гуллар атир таратиши,
Ифторлари мўъжиза!
Кўнглинг тилиб ўтган чолғу,
Дуторлари мўъжиза!
Олам ичра чўпдек тортиб,
Зиёлари мўъжиза!
Сен бевафо, айтган ўша,
Дунёлари мўъжиза!

ГУЛ ВА КАПАЛАК

Капалак юрибди айланиб,
Одатдек бир гулнинг ёнида.
Аслини олганда жуда ҳам қизиқ,
Қандайдир мақсад бор жониди.
Эрта тонг қарасам капалак,
Парвона излайди кимнидир,
Билсам, гул сўлибди, афсуски,
Капалак айланар барибир.
Ачиниб кетсамда, на илож,
Капалак шундан бол тортади.
Бироз ўтгач ўша капалак,
Жонсиз, гул ёнида ётарди.

Шахло АҲРОРОВА



Мен сизга жонимни тутай

МУҲАББАТЖОН

Кунгил ва нафё,
ҳаммасини бир қилдилар,
Бир бўсада осмонингни ер қилдилар,
Кунгилнинг ҳар кўчасига
отинг қўйиб,
Муҳаббатжон,
кўйлагингни кир қилдилар.

Титроқларинг қолиб
кетди чечакларда,
Туйғулар ҳам ҳазм бўлди ичакларда.
Йиғлаясан энди
бурчак-бурчакларда,
Муҳаббатжон,
кўйлагингни кир қилдилар.

Сўзлар эмас, сени нигоҳ айтсин эди,
Сочнинг төласида титроқ
айтсин эди.
Висол эмас, соғинч,
фироқ айтсин эди,
Муҳаббатжон,
кўйлагингни кир қилдилар.

Ёшинг артдим армонларнинг
енги билан,
Ёлғончилар кетаверсин тенги билан,
Ай, кўзларинг сулув ҳатто
мунги билан,
Муҳаббатжон,
кўйлагингни кир қилдилар.

Қуй, ийглама, пойингга
жон тўкиб берай,
Гул кўнглингга гул орзулар
экиб берай,
Оқ хаёлдан янги либос тикиб берай,
Муҳаббатжон, кўйлагингни
кир қилдилар.

ЖОНИМ-О

Жоним-о, мен сизга жонимни тутай,
Ҳовчимга қон суза жонимни тутай,

Дилни эза-эза жонимни тутай,
Сиз уни ичинг.

Хаёлнинг кўзларин ўйиб тутайин,
Кунларим гаровга қўйиб тутайин.
Моҳни қурбонликка сўйиб тутайин,
Сиз кафан бичинг.

Жоним-о, кўкни ким эгаллаб кетди?
Кўёшни ким ичиб тугаллаб кетди?
О, тонинг нурлари чангаллаб кетди,
Сиз уни ечинг.

Сен нега йиғладинг, момогулдурак?
Ситилса, ситилиб кетсин бир юрак!
Жоним-о, бир сиз-у, бир менга керак
Шу бахтдан кечинг!

Аллоҳ Ваъд Амонинг қобурасидан Момо
Ҳавона яратибди.

Менинг яралшимим —
бир сиқим тупроқ,
Битта нафас ҳаво, бир қайсар сўздан.
Бир қултум сув, бир гул кўксидан титроқ,
Бир ҳовуч ўт ҳам бир қовургангиздан...

Тупроққа қоришиб кетишим мумкин,
Ҳавога йўғрилиб кетгай бу танам,
Чақмоқда ёришиб кетишим мумкин,
Гул юзига тонгдан
томган бир шабнам...

Хоҳи ўтман, хоҳ сув ва хоҳ тупроқ,
Сизни суймоқ Момо Ҳаводан мерос.
Мен сизни қизғониб қоврилган сўроқ,
Чунки қовургангиз бириман, холос.

Муҳаббатим қалқон, рашик эса қилич,
Бировга ишониб бўларми сизни?
«Бир, икки, уч...ўн бир!» —

Санайман ҳар кеч,
Қўриқлаб ётаман қовургангизни...

Адиба УМИРОВА



ЖОНУ ТАНИМСАН

ВАТАН!

Адиба УМИРОВА Қарши туманида туғилган. 2003 йилги Зомин семинарида бош совринни кўлга киритган. Олий Адабиёт курсига ўқишга тавсия қилинган. Эндиликда ушбу курсни тугаллаб, «Оила ва жамият» газетасида хизмат қилмоқда.
«Рухимнинг овози», «Яшил тушлар» шеърини тўпламлари муаллифи.

Сизни суйдим бошим турар дор устина,
Харидорман ўзим харидор устина.
Не ғам бўлса розидурман ёр устина,
Баҳорларим азонларда хазон бўлғай.

Хуш дийдорлиғ сўрайдирман осмонлардан,
Бир бор ичиб, минг бор кечдим сайхонлардан,
Бир «хув» десам келса ўша томонлардан,
Озорлари дардларимга дармон бўлғай.

Надур юлдуз, юрагимга ўт ёқмаса,
Надур денгиз, тўлқинида гул оқмаса,
Надур бу ишқ, ёнимда ёр бир боқмаса,
Гар оҳимдан дунё томи вайрон бўлғай.

Доғингизда қуйганларим сароб эмас,
Худойимнинг даргоҳида хароб эмас.

Ичиб ўлай десам дунё шароб эмас,
Орзуларим энди бир-бир армон бўлғай.
Сиз қайдасиз? Мен ўзимга бегонаман,
Дунёлардан чиқиб кетган девонаман.
Ўзим ёққан шамга ўзим парвонаман,
Бу ҳолимга замонлар ҳам ҳайрон бўлғай.

ОТА

Бу дунёнинг бош-охири ғамми, ота?!
Борми ўжар Адибадек девонаси?
Ун саккизининг кўзларига ишонгандим,
Бунча мени хор қилади остонаси.

Отам бўлиб ҳайқиради анов даштлар,
Шамол каби тентирайман, қарорим йўқ.
Сиз кетасиз майхонами, ғамхонага,
Худойимдан бошиқа ерга борорим йўқ.

Бахт берардим агар менга кўнгул берса,
Ишқ дегани бошдан-оёқ озор экан.
Бир гул эдим дарёларни беҳуш қилган,
Ота, дунё савдоси йўқ бозор экан.
Ҳар кўнгулни кўнгул дея хато қилдим,
Далли дунё, яшолмаган армонингиз.
Сиз тупроқни, мен юракни паноҳ билдим,
Кечирмасин даштда қолган чопонингиз.
Бу дунёнинг бош-охири ғамми, ота?..

УНДА ГУНОҲ ЙЎҚ

Йиғламайман... севмайман ортиқ,
Улгим келар уни эсласам.
Гулим, бунча аянчли борлиқ,
Шунинг учун кўзларимда ғам.

Мен тушундим... ҳаммаси жафо,
Бу дунёси кўзидек эртас.

ГУЛЛАШ

1. Зомин семинари сизда қандай тасаввур уйғотган?

— Зомин ҳақида эшитганимда буткул бошқача тасаввурга эга эдим. Бу файзли тўшага кириб боришимиз билан беҳиш боғларидек ястанган арчазорлар, майсалардан тортиб жылгаларгача бизни интиқлик билан кўтаётгандек туюлди. Зомин гўзал табиати, шарқираб оқётган сойлари билан бетакрор эди. Пурвиқор тоғлар орасида ижодкор устозлар билан кечган унутилмас учрашувлар, ёш қаламкашларнинг дийдори қалбдаги қувончга қувонч бағашлайли.

Сир эмаски, Зомин чинакам истеъодларнинг ижодий мактабига айланди. «Зомин мушоираси» давомийла шеърингга янги руҳ, тоза нафаслар билан кириб келаётган — Гулбахор Ортиқхўжаева, Манзура Шамсиева, Ободон Турдимурова, Дилрабо Мингбоева, Муҳаммадсиддиқ Раҳматов каби ижодкорларни учратдим. Улар сўзни қадрловчи, қалби уйғоқ, ўй-қарашлари ҳаваскорлардан тўдан фарқ қилади. Кўнгулда шеърингга ҳаваси борлар даврамизга кўшилди. Мушоиралар садоси кўкка етди. Куй-қўшиқлар авжига чиқди. Ойдин оқшоғлар хаёлини ўғирлаган майсалар шатири, туллар ишқиди чаҳ-чаҳ ураётган булбулларнинг оҳ-воҳи, жылгаларнинг сеҳрли шовуллашларидан қимдир илҳом олди, қимнингдир ҳислари жунбушга келиб, юрагини дунёга очди. Бошқа биров эса ўзига янги олам кашф этди. Ҳаяжонли лаҳзаларда Зоминдан юракка энг тоза шеърини ифори туйиб қайтар эканмиз, мамлакатимизда шундай жаннатмақон ўлка борлигидан фахрландим.

2. «Бу шувчаки йўлига қилинган тадбир, жинзахликларнинг ҳам кўнгулига малол келаяпти», — деган фикрга бормаганмисиз?

— Ўзбекистоннинг ҳар бир тўшаси ўзимизнинг уйимизга ўхшаганлиги учун ташрифимиз зоминликларга

ПАЙТИ

малол келиши, хижолатлик туйғуси кўнгулимдан кечмаган.

Қолаверса ҳар йили Зомин анжуманини вилоятларда юрак довуллаб кўтаётган истеъодлар талайгина. Шеъринг майдониди Зомин қалдирғочларининг парвози баланд. Тўғриси айтиш керакки, Зомин ёш ижодкорларнинг сўз бағрами, Сўзга синингувчи, қадрлагувчи гўзалликка, эзгуликка ошуфта қўнғлар байрами.

Ижодкор аҳлига берилган рағбат уларнинг қаламини чархлайди, яхши асарлар ёзишга ундайди. Зомин анжуманида қатнашган ёш ижодкорлар учун энг катта рағбат устозларнинг назари бўлди.

Анжуман мустақиллик шодиёналари арафасида ўтказилиши ҳам беҳиш эмас. Кейинги пайтда Ватан ҳақида савияси саёз шеърлар урчиб кетаётганлиги кўпчилик ижодкорларнинг эъсосини қотиради. Зомин анжумани арафасида ёшлар ўртасида «Ватаним деб сени уйғондим», кўриқ-танловни эълон қилинди. Анъанага кўра танлов голибларининг асарлари мустақиллик байрамига тўёна сифатида Республика матбуоти саҳифаларида эълон қилинди.

Маънавиятимиз, адабиётимизнинг ривожига ҳурмат билан қараётган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Жинзах вилояти ҳокимлигига Зомин қалдирғочлари номидан миннатдорчилик билдирмоқчиман.

Зоминликлар елкамизга ижоддек машаққатли ва шарафли масъулиятни юклар экан, ишончини оқлашга ҳар биримиз бурчимиз. Шу ўринда сеvimли шоиримиз Минҳожиддин Мирзонинг ушбу сатрларини келтириб ўтишни жоиз билдим.

Сано айтиб келган боғларим,
Эй, топталиб чўккан тоғларим.
Энди қадри тиклангиз дейман,
Гуллаш пайти келди боғларим.



Унутмайман, хайр, Бевафо,
Менга афсун... шамолга эрмак.

Гулим, бизни кутмоқда йўллар,
Бунча ғамли, изтиробли қиш.
Яна келар телба мактублар,
Севмоқликка йўқ менда хоҳиш.

Шундан бери дунёлар бечўғ,
Кўзларида қолмишдир бахтим.
Гулим, гулим бизда гуноҳ йўқ,
Унда гуноҳ йўқ эди балким.

ЎН ТЎҚҚИЗНИНГ СОЧЛАРИ ОППОҚ

Нигоҳларим турар заъфарон,
Гулдонингиз гуллар чамани.
Мен бошқача сизни севаман,
Гунчаларга кўмилган каби.

Осмонлардан тушиб келдим мен,
Боғларингиз армонга тўлиғ.
Кўзларимга ўт истаянман,
Борлигим ишқ... ўн тўққизим ишқ...

Олмалардек адашиб оққан
Кўнгилига сизга кўндими?
Кўзингизга оловлар ёққан
Юлдузларим эрта сўндими?

Яшайманми гулдек сарғайиб,
Ҳовлингизга хазон тўлади.
Елкангизга бошимни қўйиб
Бир чиройли ўлгим келади.

Осмонлардан баландроқ эдим,

Ишқингизга кўмилдим шу чоғ.
Боғингиздан кетиб борар жим
Ўн тўққизнинг сочлари оппоқ.

ШОИР ВА МЕН

Биз шеър ўқирдик осмонга учиб
Ўлим туюларди ҳаётдек мангу.
Заминнинг юраги ётарди қонаб,
Кўзларин босганча асрий ғам, қайғу.
Виждон — энг муқаддас сажда шубҳасиз!
Ноҳақ посангилар келганда ғолиб.
Ўйимиз бир эди муҳаббат билан,
Бу дунё шеър билан ўзгаради деб.

Дунё дунё эмас — бевафо саҳна,
Жирканч ниқобларда чиркин хаёллар.
Қайдадир надомат, қайдадир фитна,
Гўдаклар оҳиде инграр шамоллар.
Боқаман кўзимда ҳадик, хавотир,
Ногаҳон йиқилсанг суймас ё раб.
Битта сўз топмоқлик нақадар оғир,
Ўлгиси келмаган маҳбусга қараб.

Тушимга киради Навоий нега,
Машраб хаёл сурар дорига бориб?
Битта бевафодан қолган ғам нима,
Агар Ватан турса юраги оғриб!

Қарсақлар чўғида қоврилар таним,
Мени ташлаб кетган кемалар қайда?
Дўстим, айт, шоирлик нима дегани,
Бир меҳрибон қўллар керак пайтида.

Мангулик саҳнамас — мангулик мангу,
Сўз — абадий, мен-чи йўловчи одам.
Менга бир шеър керак, йўқолсин қайғу,

Гуллар, чечакларга тўлсин бу олам.

Гуллар, чечакларга тўлсин бу олам...

ОҚ КЕМА

Тушимга кирибди бир қоп-қора кун,
Ғашлик босаётир билмадим, нега?
Кўзимга бостириб келаверар тун,
Шовиллаган денгиз ва оппоқ кема.

Шамолдек увлайди руҳим нотинч,
Минг бир таҳлика бор ҳар сўроғимда.
Қайга шошаянман, билолмадим ҳеч,
Денгизлар фарқ бўлар кўз қароғимда.

Юракка бош урар телба тўлқинлар,
Осмонлар кўзимга тўжилар шу дам.
Уфқлар ортида кўмилган куёш
Денгизлар ортида турасан беғам.

Ўртага чўқади оғир сукунат,
Қип-қизил кўйлақда ёниб бораман.
Худойим, жонимдан ортиқ асрагин,
Уни ҳаётимдан кўпроқ севаман...

Оғир хаёлларим—оппоқ оқар кўл,
Ҳижрон довуллари эсади бот-бот.
Ортимда қолади— ортга қайтмас йўл,
Олдимда бир қадам турар асросат.

Шамоллар бир зумда кўтарар тўфон,
Оху нолалар кўкка етади.
Ёнимда туриб ҳам сезмай қоласан,
Мени оқ кемалар олиб кетади.

КЕЛДИ, БОҒЛАРИМ!

3. Уч кунлик семинар ижодкорлар учун қандай йўлланма бўлиши мумкин?

— Уч кун давомида ёш қаламкашлар қораламаларини муҳокамага қўйиб, устозлар назаридан ўтказиб олади. Зоминда қашф этилган ўнлаб ёшлар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинди. 2003 йилда тенгдошларим қаторида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган Олий адабиёт курсига имтиёзли ўқишга кириш бахтига муяссар бўлдим. Анжуман орқали устозлар назарига тушган ёш шоирлар Зулфия номидаги шарафли мукофотга сазовор бўлдилар. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси ҳомийлигида «Зомин — 2003 қалдирғочлари» ижодидан тўпланган. «Ватаним деб сени уйғондим» номланган шеърый тўплам ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилди. Энг қувонарлиси шундаки, анжуман иштирокчиларининг бирортаси эътибордан четда қолмади.

4. Зомин билан боғлиқ қилгули ёки қайғули воқеани эслай оласизми?

— Анжуманнинг иккинчи кунини эди. Дугоналарим кўрган тушимни ҳикоя қилиб беришимни сўрашди.

Тушимда худди шу дугоналарим билан қоронғу ўрмонда адашиб юрган эмишман. Шу пайтда ўрмон ўртасида ловулаб ёнаётган дарахтга кўзимиз тушибди. Ўрмондан излаган нарсамизни топгандек ҳаммамиз кемани ташлаб, дарахт томонга югурибмиз. Тоғу тошлар, чақалақзорлар ичидан энди манзилга етиб, қип-қизил дарахтнинг мевасига қўл узатишимиз билан, дарахтнинг ортидан огилиб чиққан йўлбарс, арслонлар бизга ташланди. Ҳамма жон ҳолатда ўзини ҳар ёққа урибди. Олдиндагилар кемага интилар, ортга қолганлар эса йўлбарс, арслонларга ем бўлармиш. Йўлбарс менга ташланган заҳоти кимдир кўлимдан тутиб қутқариб олибди. Ўрмонда фақат икки кишигина омон қолибмиз.

Шу топда дугоналарим сўзимни бўлиб: «Мен-чи? Мен?..» бирин-кетин савол беришди.

Уларнинг юрагига олов солиш мақсадида айёрона:
— Кечирасизлар, шу ерда чалғидим шекилли. Ўрмонда ўзимдан бошқа ҳеч ким қолмабди, — дедим қулиб.

Кўрган тушим дугоналаримга шунчалик таъсир этган эканки, ҳозир ҳам кўча-кўйда дийдорлашиб қолсак, «Ўрмондаги иккинчи одам кимлигини айт! Бир-биримиздан хавотирланмай яшашни хоҳлаймиз», — деб ҳазиллашаплади.

5. Ижодкор аҳли табиатан таъсирчан ва эҳтиросли қавм. Уч кунлик семинар давомида ошиқ-маъшук йигит қизларни учратганмисиз?

— Семинар кунини бир шоир йигит шеъримларимни ўқинг, деб икки энлик дафтар тутқазди. Дафтарни иштиёқ билан очар эканман, не кўз билан кўрайки, ичидан ишқ мактуби чиқди. Шоир йигит бу мактубни ёзгунча қанча тер тўққанлигини ҳисобга олиб, мактубни йиртишга кўлим бормади. У йигит билан қайта учрашганимизда:

— Нега менга ишқ мактуби ёзиб юрибсиз? — деб сўрадим ундан.

— Бу ишқ мактуби эмас, оқ шеър-ку, — деб жавоб берди.

Энг қизиғи, бу мактуб шеърларим билан бирга устоз шоирлардан бирининг қўлига тушди. Ўшанда ноқулай аҳволда қолганман.

6. Семинар қизиқарли ва аҳамиятли ўтиши учун қандай тақлиф, мулоҳазаларингиз бор?

— Анжуман қизиқарли ва аҳамиятли ўтиши учун ҳар йилги Зомин қалдирғочларининг тўғараги ташкил қилинса, ёш ижодкорлар кейинчалик ҳам бир-бири билан ижодий ҳамкорликда бўлардилар. Бу тўғарак бўлгуси зоминчилар учун ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлса ажабмас.

Зухра МАМАДАЛИЕВА

ОША



Ҳикоя

Хосият момо бу йил икки кам юзга чиқади. Лекин ҳали бардам, ғайратлигина. Саҳар ўрнидан туриб бомдоддан сўнг, ҳовли юзи — чорбоғни айланади. Айлана-айлана ичида дуо ўқийди. Қадди букилган мевали дарахтларга айри қўяди. Йўлак остидаги тошми, кесакками кўзи тушса, ҳассаси билан туртиб-туртиб, чеккага олчиқиб ташлайди. Кейин аста уйига қайтади. Невара келинларининг энди тураётганлигини кўриб, жаҳли чиқмайди: булар ёш-да ҳали, уйқуга тўймайди.

Уйи ҳовлининг бурчагидаги кичкина хона. Ичидан зах аралаш қалампирмунчоқ иси келади. Тўрда тахмон, икки ёнида токча. Тахмонда кампирнинг кўрпа-ёстиқлари йиғувлик туради. Ерда кигиз тўшалган. Унинг таги аввал хас бўларди. Бултур неваралари қўярда-қўймай пол қилиб беришди. Поли қурмагур яхши-ю, аммо одам сирпаниб кетиши бор экан. Кампир икки марта сирпаниб йиқилишига оз қолган. Яхшиям икки мартаям кичкина келин ушлаб қолди. Шу невара келини яхши чиқди-да, ҳолидан хабар олиб туради. Барака топсин.

Тахмон тепасидаги миҳда нон осиглик. Бир тишланган нон. Маҳкамбойнинг насибаси. Тахмондаги сандиқда онанинг бисоти бор — ўлимлиги. Чап томондаги токчада қанд-курс бор, чеваралари кирса, баҳоли кудрат улашиб беради. Гоҳида шўх чеваралари кутини қоқлаб қўйишади. Унг токчадаги кутида эса учбурчак қилиб тахланган, сарғайиб кетган хатлар бор: Маҳкамбойдан келган. Гоҳида чевараларни чақиртириб ўқитади. Ўқитиб-ўқитиб, йиғлайди.

Хосият она тўққиз фарзанд кўрди: тўрт ўғил, беш қиз. Ўғилларнинг учтаси урушга борди. Иккитаси майиб-мажруҳ қайтиб келди. Шунисигаям шукур. Бироқ тўнгичи Маҳкамбойдан ҳалигача дарак йўқ...

Хосият момо уйига кириб, бироз дам олар-олмас, кенжа келин Манзураҳон кирди:

— Бувижон, юринг, чой тайёр.

Она узун, кенг ёқали, қўйлаги устидан бахмал нимчасини кийди. Бошига оқ қарс ёпинди.

— Келинг, аяжон, — келини Рухсатой кампирнинг қўлтигидан олиб супага чиқарди.

— Шунга бир зинапоя қилиш керак экан-да, — деди ўртанча невара Усмонжон.

— Вой, худойим-эй, — оғир тин олди кампир. — Қариб қопман, болаларим — Кейин туйқус маъюс тортади. — Маҳкамбойим келгунча кетиб қолмасам гўрга эди.

Чойдан сўнг ҳамма иш-ишига кетади. Рухсатой билан Хосият кампир уйда қолишади. Ҳа, ҳозир Манзура келин ҳам уйда. Эмизикли боласи бор.

Манзура келин овқат қилади. Хосият она Рухсатой билан жужуққа қара-аб ўтиришади. Шунда Хосият она зерикади. Ҳассаси билан бир-бир босиб тагин чорбоққа ўтади. Мевалардан битта-ярымта шохидан узиб олиб ейди.

Рухсатой билан Манзура келингаям илинади. Мактабдан қайтган неваларини қистайди:

— Боққа ўтиб мева есаларинг-чи. Бирам пишганки жониворлар...

Урушдан са-ал бурун, олма пишигида эри дунёдан ўтди. Хосиятой тўққиз бола билан чирқиллаб қолаверди. Бошга тушганни кўз кўрар экан. Хосиятой колхозда ишлади. Ғўза чопди. Пахта терди. Буғдой ўрди. Кечалари бировга камзул тикди, бировга нимча. Болаларининг етимлигини билдирмади. Қизларни жой-жойига қўйди. Ўғилларни уйлади. Бироқ, Маҳкамбойдан дарак бўлмади. Ўшанда бир-икки кайвони қариндош «аза очайлик», дегандай қилишди. Хосиятой асти рози бўлмади. Кўзидаги ёшини артиб ташлади. «Соппа-соғ жўнатган боламга қандай аза очаман», деди. «Болагинам тирик, бир қуни келади», деди.

Неваралар туғилди. Катта бўлди. Улар ҳарбийга кетса, Хосият хола юрагини ҳовучлаб турди. Хайрият, ҳаммаси соғ-омон қайтди. Лекин... Маҳкамбойдан дарак йўқ... Ўшанда... ҳув, уруш пайтида бир бўлак қоғоз келувди «бедарак йўқолди» деган. Шу-шу бошқа хабар йўқ.

Кенжасини уйлантирган йили болалар гап топиб келди. Ўрда хиёбонида урушга қатнашганларнинг номи ўйиб ёзилган девор тикланибди. Деворнинг тагида ердан олов чиқармиш. Ўша олов ҳеч ўчмасмиш. Ўша девор ичида... Маҳкамбойниям оти бормиш.

Хосият момо эгнига камзулини кийиб йўлга тушди. Ўрдага борди. Айтганлари чин экан. Тошдан ишланган уч ҳайкалнинг ўнг ёнбошида узу-ун, тик девор. Унда жуда кўп нималардир ёзилган. Ерда эса беш юлдузнинг ичидан олов чиқаяпти. Ҳеч ким йўқ. Хиёбон ичи сукута чўмган. Хосият момо ерга ўтирди. Йиғлади. Айтиб-айтиб йиғлади:

— Аягинанг ўлсин, Маҳкамбой! Қаерларда юрибсан, болагинам?! Дийдорингни бир кўрармикинман, ё армонда кетармикинман, болажоним...

Йиллар ўтди. Беш қизнинг иккитаси қазо қилди. Тақдир экан. Бир ўғил ҳам дунёга сиғмади. Хосият момо болаларига кўп куйди. Бироқ, тез орада ўзини тутиб олди.

— Маҳкамбойни бир кўрмай, қандай кетаман, — деди ўзига ўзи.

Хосият момонинг кўзи ҳали равшангина. Келини Рухсатой тикиш қилса, ипини ўтказиб туради.

Уйда сим радио бор. Кампир ўшани эшитишни яхши кўради. «Маҳкамбой ҳақида ҳеч нима демасмикин?» деб қулоқ солади. Момо телевизорни ёмон кўради. Нуқул ўрисча гапирари. Сочи сариқ қизлар этаги қирқилган қўйлак кийиб, яхда сирпанишадими-ей, бир-тўда болалар тўпнинг орқасидан югурашадими-ей... Бошқа қиладиган ишлари йўқдай. Гоҳида қизлари онани уйларига опкетишади. Она барибир уларникида бир кечаям ётолмайди. Бунинг иккита сабаби бор. Аввало, Маҳкамбой келиб қолса, болалар яхши кутиб



олармикин, деган андиша бўлса, иккинчиси телевизор. Бир куни ўртанча қизиникида она-бола гаплашиб ўтиришганди. Бирдан чироқ ўчиб қолди.

— Ана уни ёқиб қўй, Тўхтаой,— деди она қизига.— Ўлсин, ўрисча гапирсаям ёруғида ўтирамин.

Шунда неваралар роса қулишди. Кула-кула телевизор деганлари чироқ бўлмаса ишламаслигини, оддий бир кутига айланиб қолишини тушунтиришди.

Кейинги пайтда дарвозани тақиллатиб, нарса сотиб юрувчилар кўпайди. Чойнак-пиёла, пайпоқ-сайпоқ сотишади. Яшаш қийин бўлаётганлигидан, маошлари етишмаслигидан нолишади. Она уларга чой тутади. Чой баҳона насихат қилади. Шукур қилишнинг хосияти ҳақида, бурунги кунлар ҳақида гапиради. Гоҳида улардан майда-чуйда буюм олади. Пайпоқ, майка деганларидай. Уларни сандиғига солиб қўяди. «Маҳкамбой келганида бераман», дейди.

Олмалар ғужғон гулга кирган авжи кўклам палласи эди. Радиода овоза тарқалди: ғалабага олтимиш йил бўлибди.

— Шунча йил ўтипти-я,— ўйлади Хосият кампир. — Худди куни кечагидай. Йигитлар келишди гуррас-гуррас. Шаҳару қишлоқлар тўлиб қолди. Бироқ соғидан бемори кўп. Бировининг қўли, бировининг оёғи йўқ. Лекин ҳеч бири ногиронлигини пеш қилмади. Бариси тер тўкиб ишлади. Қолган умримиз фойдага қолди, деб ишлади улар. Худога шукур қилиб ишлади. Эсида, икки қўли йўқ бир қўшниси бозорқўм бўлиб, қанча меҳнат қилди. Чайқовчиларни бозорга яқин йўлатмади. Шунгаям олтимиш йил бўпти-я...

Хосият она Манзура келиннинг кичкиниси Шодмонжоннинг бешигини тебратиб ўтирар, уйда қайнона-келин манти қилишаётганди. Эшик тақиллаб қолди. Хосият она бошидаги қарсини тўғрилаб, ўрнидан тургунича, ошхонадан чопқиллаб келган Манзура келин эшикни очди.

Дарвозадан паст бўйлик, ҳаво иссиқ бўлса ҳам қоп-қора костюм-шим кийган, ранги захил киши кирди. Манзура келин салом берди.

— Хи, так... волайкум... Хосият онанинг уйи шуми?— сўради у останада тик турганича қўлидаги дафтари яна очиб кўриб.

— Ҳа, ҳа, келинг. Мана шу киши бизнинг бувимиз Хосият она бўладилар.

Меҳмон юзидаги ажинлари қават-қават, сочларининг қорасидан оқи кўп бўлса ҳам, нимаси биландир ёш болага ўхшарди. У супанинг четига омонатгина ўтирди. Сўнг яна сўради:

— Хосият она сиз бўласизми?

— Ҳа, айланай... — кампир меҳмон билан сўрашди. Ота-онаси, бола-чақаси, ҳовли-жойини сўради. Меҳмон «раҳмат, раҳмат» деб ўтирди. Кейин кассасини кавлаб, хизмат гувоҳномасини чиқарди.

— Мен вилоят газетасиданман. Тегизбой Эшонбердиев.— Кейин бирдан кампирнинг саводи йўқлигини эслаб қолди шекилли, қизил гувоҳномани Манзура келинга кўрсатди. Манзура келин бошини қимирлатиб қўйди.

— Келинг, айланай,— деди Хосият кампир. — Сиз, болам, дарров, чой...

Манзура келин ошхона томон йўналди.

— Иккинчи жаҳон уруши тугаганига 60 йил бўлди.

— А... ҳа, уруш тўхтаганигами ... шунча вақт ўтибди,

болам,— деди кампир мухбирнинг гапларига зўра тушуниб. Кейин ўйлади: «Ҳалиям радиёл эшитганим. Бўлмаса бунинг нима деганини тушунмасдим.»

— Ҳа, — деди мухбир ижиргилангандай, кейин дафтари яна бир очиб кўрди. — Шу уруш йиллари ҳақида гапириб берсангиз... Газетамизга ёзамиз.

— Урушни нимасини гапираман... Номини ўчгур урушга бормаган бўлсам...

Бу орада Манзура келин келди. Дастурхон ёзди. Чойнон, ширинлик қўйди.

— Ҳой, болам, Сиз ўтиринг,— деди кампир неварра келинига. Кейин мухбирга юзланди:— Яқинроқ ўтиринг, ўғлим. Нонга қаранг.

Мухбир зўра бир ҳўплам чой ичди. Она уни дастурхонга қистай-қистай уруш йилларидаги воқеаларни айтиб берди:

— Эркаклар урушга кетган, болам. Ўзимиз қўш хайдаб, экин экардик. Мола босардик.

Мухбир гапларни норозидай эшитди. Бирортасиниям дафтарига ёзиб олмади. Охири:

— Энди...— деди,— онахон, уч ўғлингиздан биттаси урушдан қайтмаган экан. Иккитасиям ногирон бўлиб кепти.

Кампир индамади. Мухбир давом этди:

— Ногирониям, майли... қайтмаганини айтинг. Масалага давримиз кўзи билан қарайдиган бўлсак, улар хато гоё, хато мафкура қурбони бўлган-да, тўғрими?

— А?— она тушунмаганиданми, ё ҳайратданми, анграйиб турар, юзидаги ажинлар ҳам текисланиб кетгандай эди.

Манзура келин бир бувисига, бир мухбирга қарарди.

— Мана, тушунмаяпсиз-да, онахон,— мухбир қўлидаги дафтари яна ёзиб қўйди. Супага яхши жойлашиб олиб, жон куйдирганича тушунтира кетди:— Гитлер бизнинг юртимизга бостириб келмаган эди-ку. Бизнинг мустамлакачиларимиз билан урушаётган эди-ку. Қўявермайимизми, бир-бирини емайдими улар? Бизнинг гуманистлигимиз бошимизга бало. Қиличдай йигитларимизни қурбон қилганимиз етмагандай, етимларини боққанмизми-ей?... «Сен етим эмассан», деб шеър ёзганмизми-ей?... Эй, ўша пайтда бизнинг халққа онг етишмаган-да, онг.—Мухбир шундай деб қўлини силтади. Кейин яна онага қаради:— Бу фикрга Сиз нима дейсиз, онахон? Ўтмишнинг эмас, бугуннинг кишиси, мустақил юртнинг фуқароси сифатида нима дейсиз? Фарзандини беҳуда қурбон берган она сифатида қандай муносабат билдирасиз?

Хосият она бошини эгди. Чуқур ҳўрсинди. Кейин мухбирга қаради. Унинг кўзлари ёшдан хира тортиб кетган эди.

— Гапларингизга тушунмадим, болам. Нималар деяпсиз, менинг Маҳкамбойим ҳали ўлгани йўқ. Эртаиндин келиб қолади, кўрасиз.

Момо ортиқ гапиролмай, ўпкаси тўлиб жимиб қолди. Сўнг аста-секин ўрнидан кўзғалиб, Манзура келини ёрдамида ичкари кириб кетди.

Мухбир унинг ортидан ҳангу-манг қараб турар эди: «Об-бо-о, кампирнинг эси ҳам кирарли-чиқарли бўб қолибдию...»

Хосият момо уч кун тўшакка миҳланиб қолди. Бола-чақаларини йиғиб, ризолашган бўлди. Сўнг кечга яқин тепасида осиглиқ турган нонга — Маҳкамбойнинг насибасига термулиб жон берди.





ТОШКЕНТ Маъжусиси

Александр МАХНЁВ 1964 йилда туғилган. Қатор йиллардан буён бадиий ижод билан шуғулланади. Республика газети ва журналларида асарлари chop этилган.
 2005 йилги Зомин кўрик-танловида бадиий наср йўналиши бўйича муваффақиятли иштирок этган.
 «Ешик» журналида илк чиқishi.

КИРИШ

Шундай шаҳарлар борки, ўзига хослиги, латофати айричалиги боис, ҳатто бу шаҳарларда бўлмаганлар учун ҳам жуда-жуда таниш ва қадрдон.

Париж шундай шаҳарлар сирасидан — чунки Эйфел минораси бор, Монмартр, импрессионистлар, шансон...

Рим — Колизей, Рим папаси, умуман олганда Абадий шаҳар...

Санкт-Петербург — Мис чавандоз, Эрмитаж, кўприклар, оқ тунлар...

Нью-Йорк осмонўпар бинолари ва ишбилармонлик кудрати билан...

Одесса эса латифалари билан...

Ҳар бир қатор сўнггида кўп нуқта бор, чунки бу таърифни истаганча давом эттириш мумкин. Устига-устак, бунинг учун ўша шаҳарлар билан шахсан таниш бўлиш ҳам шарт эмас.

Мен яшайдиган шаҳар, Тошкент ҳам собит ўзига хослигига эга. Уларнинг ичида энг машҳури, шубҳасиз, “Тошкент — нон шаҳри”. Иссиқ ҳам, маълум маънода “тошкентча” тушунча. Аслида эса шаҳар янада ранг-баранг! Тошкент колорити бошқа ҳеч бир жойга ўхшаймайди. Менинг назаримда, шаҳарлар образини яратадиган ижодкорлар ҳали Тошкент олдида қарздорлар.

Маъзур камтарин битикларим ҳам Тошкентда ҳали бўлмаганларнинг МЕНИНГ шаҳрим ҳақидаги тасаввурларини кенгайтиришга уринишдан иборат.

Тошкентда бўлганлар учун эса, бу лавҳаларим хотиралар уйғонишига туртки вазифасини ўтар.

Биринчи боб. ШАҲАР

Тонг саҳар. Хира кўкнинг чап тарафида ҳали ой кўрииб турибди, ўнг тарафида эса куёш. Ҳар иккаласи аниқ-тиниқ кўзга ташланади. Мен бошқа ҳеч қерда бундай манзарани учратмаганман. Чимён тоғлари эса бор-йўғи юз қадам нарида қад ростлагандек.

“Кўннинг куёшли келиши кутилмоқда, ёмғир ёғмайди...”

Шаҳар мени троллейбус бекатидаёқ ютиб юборади. Троллейбус “шохи” ора-сира учраб қолаётган, кўз қисаётган светофорларга пешвоз чиққан кўйи сузиб кетиш асносида ора-сира учкунлар ҳам чиқариб қўяди. Мен шу ерда тушадиганга ўхшайман. Шаҳар бўйлаб кетиб бо-

рарканман, мен уни эшитаман, турфа бўйларини ҳидлайман ва пайпаслаб ҳам кўраётгандай бўламан.

Йўл четига турган ДАН ходими рациясидан узуқ-юлуқ овозлар келади:

— Биринчи, биринчи, мен иккинчиман! Мижозни қабул қилиб ол!

Кескин тормоз берган енгил машинанинг чийиллаган овози. Кичкинагина, олтинранг-қўнғир “Тико” қовурилган жўжага ўхшаб кетади. Машинадан тушиб келган баҳайбат ҳайдовчи инспекторга: “Ассалому алайкум”, дейди. Қўл бериб кўришадилар. “Кечирасиз, ака...”. Икковлон қўлтиқлашган ҳолда чеккага ўтадилар. Келишиб олишади. Таомил шундай.

Трамвайлар зириллаб ўтишади. Кўчаларда йўловчи кўп, улар сони яна ошмоқда. Куёш нурлари бинолар пештоқлари, дўконларнинг қорайтирилган ойналари, бута ва дарахтлар, одамларга сочилиб кетган. Нурлар ичкаридаги ҳовлиларга назар солиб албатта кўринарли жойга уюлган чиқиндиларга дуч келади. Ёғду мачитларнинг кумуш гумбазларида, черковнинг олтинранг хочида акс этади...

Ошпазлар ўчоқлардаги оғир қозонлар остига ўт ёқишмоқда. Кимдир тоқат билан жамоат транспортини кутмоқда, бошқаси намоёишкорона мағрурлик ила такси тўхтатмоқда. Шаҳарда янги кун бошланди. Анави ўриндиқдаги икковлон эса ҳеч қерга шошилишмаяпти.

— Сенинг ҳаётда ўз мақсадинг борми?

— Йўқ.

— Мендаям шундай. Кел унда лотерея билети сотиб оламиз, ана шунда мақсад пайдо бўлади.

Бозорлар шовқин-суронга тўлган. Эски-тускилар бозорида сизга маҳсулотлар ҳақида ҳамма маълумотни беришади. Мақтаниб ҳам қўйишади: сифатига жавоб берамиз. Хасис одам икки марта тўлайди, деб қўйишни унутишмайди, ўзлари бўлса уч баробар қимматига сотишади. Сўнг юпатиб ҳам қўйишади: мен ҳар кунни шу ердаман. Албатта, шу ерда бўлади-да, бошқа қерга ҳам борарди. Савдо шаҳри. Бутун Туркия, Малайзия ва Хитой бизга ишламоқда. Қизиқ, биз кимга ишлаётган эканмиз?

Дехқон бозори-чи? Чиноз балиги, Олтиариқ бодринги, Сурхондарё олмаси, Паркент картошқаси. Бунга қўшимча равишда Грузия мандаринлари, Эквадор ба-

Александр Махнёв. Бу ном менда кўннинг кўққисдан қанот қоқинидек кутилмаган таассурот уйғотади. Унинг асарлари юмор ва аччиқ кинояга йўғрилгани сабабли одамнинг қалбига яқин. Биз учун мутлақ тушунча бўлмиш виждон, камтарлик ҳақида узоқ сўз юритишга ҳожат йўқ. У ҳақиқий рассом. Бошқа гаплар ортиқча.

Александр Файнберг,
Ўзбекистон халқ шоири.



нанларию, қаердан келганлиги номаълум ананаслар. Ва ҳоказо, ва ҳоказо...

— Шафтолингиз қанча?

— Олти юз.

— Қиммат экан, — дейди харидор ва кетишга чоғланади.

Сотувчи унинг қўлига ёпишганча:

— Беш юз, — дейди.

Харидор кетади.

— Эй, ака, тўрт юз, арзон қивордим!

Ниҳоят сотувчи узоқлашишга улгурган харидор ортидан қичқиради:

— Майли, ака, бўлиши икки юз эллик!

Шу жойнинг ўзида овқатланиб олиш мумкин. Корейс кук-суси, рус чучвараси, арман чалағачи... Сизга ўзбек шаҳридаги, номи лотинча ҳарфларда, аммо русча транскрипцияда ва албатта хатоликлар билан ёзилган грузин ресторани маъқул келадими?

Бу ерда овқатланишни бошлашади, таом тайёрлаш-ни ҳам.

Бу ерда ҳатто жуғрофий номлар ҳам егуликларга мутаносиб равишда. Хушбўй ва лаззатли атамалар — Сабону Лабзак, Бодомзору Чорсу, Дўмрободу Дархон...

Мана, тижорат муассасалари қатори. Адвокатлик идораси. Кириш эшиги тепасига “Оғриксиз даволаш. Тиш оламиз, қулоқ тешамиз” деб ёзилган ва афтидан тиб-биётга алоқадор муассаса.

Эски-тускилар бозори. Табиийки, муғомбирлик ва устмонликка бой. Бу ерда шундай нарсаларни учратасизки!..

— Яна тўрт юз дейсан-а, ахир бўлиши икки минг дедим-ку, олти юздан камига берадиган аҳмоқ йўқ.

Мана, муассаса. Шу ерга киришим керак. Нимага-дир имзо қўйдириш учун. Мана у. Энди қайнай бошлаган чойнак сингари ҳаракатлари суст амалдор. Мен унга мўлтираб қарайман, терлаб кетганман. У эса мени шу-бҳа аралаш лоқайдлик билан кузатади ва сўнгги лаҳзага қадар кўмаклашиш истагини билдирмайди. Уларни бунга қаерда ўқитишар экан? Ниҳоят! Худого шукр, имзо қўй-лаётган рўқанинг қоғоз юзасида қитирлаши...

Кўчага. Бўғилиб кетганман. Бу ерда юз-юз қўйиб сота-диган қаҳвахона қаерда экан? Тушлик олдида эллик грамм коньяк фикрлар тиниқлигига ҳам, қадамларнинг шаҳдамлигига ҳам асло таъсир кўрсатмайди. Газак қилиш-га журъатим етмади. Худо билади, “Экспромт” аталмиш бу аччиқ-чучик нимадан тайёрланган экан.

Олисларда узоқлашиб бораётган ўт ўчириш маши-наси сиренаси. Ёнгинамда “Закказ сомса бо-ор!”. Ён томонимда қўшиқ: “Шимоллик қиз...” Илтифот: “Кел-линг, ака, марҳамат...”

Кўчада танишиб олишга уриниш:

— Яхши қиз!

— Йўлингдан қолма.

— Сиз мени нотўғри тушундингиз, мен жинсий алоқа мақсадида эмас, инсон сифатида ёқиб қолганли-гингиз учун танишмоқчийдим.

— Унда умуман овора бўлиб ҳам ўтирма...

Ҳилларни! Арчаёнинг янги ўт-ўланлар бўйига қориш-ган ачқимтил иси. Урикларнинг қийғос гуллари. Иссиқ нон ва кабобнинг иштаҳани кўзғовчи иси сизни ҳамма жойда тутиб олади ва сира бепарқ қолдирмайди. Дарвоқе, ўзбек тилида “янги нон” тушунчаси йўқ, ўзбеклар “ис-сиқ” ёки “қайноқ” нон дейишади. Айтишларича, кўз те-гишдан асрайдиган исириқнинг кучли дуди...

Кеч тушиб бормоқда. Лекин шаҳар тинчиб қолмай-ди, энди ҳаёт чойхоналар, қаҳвахоналар, яшил ҳовли-лар ва пиво барларига кўчади. Кундузги жазирамадан сўнг сал нафас ростлаб олиш учун. Кабобқўраларнинг туташ янада кучаяди. Янги эпкин пайдо бўлади — бу салқинлик эпкини.

Албатта, бу шаҳарда менга ҳамма нарса ҳам бутун-лай ёқавермайди, лекин барчаси қизиқарли. Бу ерда яшаётган одамлар ҳам қизиқарли. Ҳатто ишим тушиб борган одамлар ҳам.

Бу ердаги ҳамма яхши нарсалар бизники ва барча ёмон нарсалар ҳам бизники, улардан ҳеч қачон қочиб қутулиб бўлмайди. Албатта, агар шу ерда яшашни давом эттирадиган бўлсак.

Мен уйимиз яқинидаги мўъжазгина қаҳвахонага яхшилаб ўрнашиб оламан-да, бир кружка пиводан кей-ин юз грамм ароқ буюраман. Мен шу шаҳар, айниқса уни қуришда давом этаётганлар, келажакда шаҳарни янада гўзал қиладиганлар учун ичишни истайман. Сиз-лар учун, юртдошларим!

БИРИНЧИ БОБГА БАЪЗИ ДЕЯРЛИ ЛИРИК ИЛОВАЛАР

1. Оғир кун

Соат тонгги саккиз. Икки эркак йўлакдан кетиб боришмоқда — бири шеригининг қўлтигидан тутиб олган. Иккаласи ҳам “ғишт” бўлиб қолишган. Аммо ҳали оз-моз у-бу нарсаларни фаҳмлашади. Новча эркак диққат билан оёқларини ҳаракатлантирган қўйи жимгина кетаяпти. Бундай кўриниш унинг вужудига улугворлик бахш этгандай. Шубҳасиз, айнан шуниси шеригини етаклаб кетаяпти. Етакланиб кетаётган кичкинагина, юмалоққина, яланғоч танасига камзул ташлаб олган эркак гоҳ ҳамдардлик излаётгандай бошини кўтариб шеригига қараб қўяди, гоҳ иягини кўкрагига теккизгудай, қайгули тарзда қўйига тикиларкан, фожиавий оҳангда пичирлаб қўяди: “Оғир кун”. Бир лаҳзалик сукутдан сўнг яна такрорлайди: “Оғир кун...”

2. Сотилиш санъати

Эшитишимча, баъзи шаҳарлар бозорларида нарсалар савдолашилмай олинар экан. Тошкентда эса аксинча, харид чоғи савдолашиш жуда зарур ва ҳаттоки мажбурий расм-русумдек. Бундан ташқари, албатта, Тошкент бозорлари сотувчилари савдолашмайдиган харидорларни яхши кўришади, лекин унчалик ҳурмат қилишмайди.

Тарвузнинг яхшисини танлаб олиш учун уни қулоқ яқинига олиб келиб, сиқиб кўрадилар. Пишган тарвуздан ўзига хос қисирлаган овоз эшитилади. Менинг ўртоғим мусиқачи, шу сабабли тарвузлар товушини мириқиб эшитади. Уртоғим тарвузни ҳам мутлақо бошқача йўсинда чертиб кўради. Унинг узун-узун бармоқлари ола-була тарвуз юзасида худди пианинонинг оқ-қора клавишларини босаётгандай ҳаракатланади. Дўстимнинг юзи бунақа пайтда пианино созловчиси сингари жуда жиддий, диққат-эйтиборли бўлади.

Оқ соқолли, юзи шоколаддай қорайиб кетган сотувчи бобой бир муддат бу инжиқ харидорга тикилиб турди-да, охири чидай олмай сўради:

— Қайси нотани излаяпсан?

— Си-бемоль мажор, отахон, — машғулотини тўхтатмай жавоб берди ўртоғим.

Бобой бир тарвузни узатади:

— Мана, ака, энг зўр сибамол. Қантдай ширин.

Миша — дўстимнинг исми шундай — тарвузни ола-ди, қулоғига яқин келтириб, қисирлатиб кўради.

— Яхши. Уч юз эллик бўладими?

— Қанақасига уч юз эллик, — ҳайрон бўлади бобой.

— Овозини эшитдинг-ку, беш юз.

— Майли, ака, — муросага ўтади Миша, — тўрт юз, бошқа оширмайман. — Сўнг қўшиб қўяди: — Ўзин-гиз эшитиб кўринг, овози беш юзлик эмас.

— Эээ... ол, — кўнади сотувчи ва ҳар иккалови бир-биридан мамнун ҳолда ажралишади.

3. Драматургия

Эски-тускилар бозорида савдо қиладиган бир сотув-чининг ортида темир-терсак чиқиндилари уюми бор. Со-тувчи мунтазам равишда чиқиндилар орасидан бирон ни-мани суғуриб олади-да, оддийгина кумқоғоз ва керосин ёрдамида унга қандайдир тузукроқ кўриниш бергач, ол-дига, “пештахта”га қўяди. “Пештахта”да эса бунақа ма-тоҳлар қатори китоблар ҳам терилган. Китоблар ҳам эзил-ган, букланган, титилиб кетган, гўё улар ҳам темир-тер-саклар чиқиндилари орасидан олингандек...

Иккинчи боб. СОЛИҚ ИДОРАСИДА

Мен бир муддат тижорат фирмасида бош ҳисобчи бўлиб ишладим. Амалда ҳамма ишни муассисларнинг яхши таниши бўлган бир аёл бажарар, мен эса асосан вакил вазифасини адо этардим.

Ниҳоят биринчи солиқ текшируви вақти етиб келди. Бизга юборилган инспекторлар билан муомала қилиш шахсан менинг зиммамда эди. Улар бир ҳафтача ҳужжатларни титқилашди. Хўрсиниб қўйишар, тилларини тақиллатишар, нималарнидир сўрашарди. Мен бир балоларни айтган бўлардим. Аслини олганда ҳам улар ушлаб оладиган нарсанинг ўзи йўқ эди.

Илк бор бундай вазиятта дуч келганим сабабими, ваҳимага тушиб қолган эдим, шу сабабли ўзимни жиддий тутишга уринардим. Яъни уларнинг нисбатан оғир меҳнатини муносиб тақдирласам мақсадга мувофиқ бўлиши хусусидаги шамаларини тушулмаганга олардим ўзимни.

Ахийри улар тағдор шамалари фойдасиз эканликларини англашди ва мени ўз бошлиқларига рўбарў қилишди.

Амалдорнинг одатдагидек катта стол ўрнатилган кабинетги. Қора костюм-шим кийган серсавлат раҳбар.

— Ассалому алайкум, ҳурматли Александр Николаевич! — биринчи марта кўришиб турган бўлсак-да, эски танишлардек сўрашади бошлиқ.

— Хайрли кун, муҳтарам Бахтиёр ака!
— Сихат-саломатлигингиз қалай, Александр Николаевич!

— Раҳмат, Бахтиёр ака, жуда яхши.
— Худога шукр, мен бўлса хавотирланиб тургандим.
— Йўғ-э, йўғ-э, асло безовта бўлмаг.
— Қанақасига безовта бўлмай, Александр Николаевич, биз ахир текширишни тугатдик.

— Хўш?
— Ахир...
— Нима?
— Қандай таклифларингиз бор, Александр Николаевич?

Албатта, бутунлай ҳафтафаҳм эмасман, мендан нима истаётганларини билиб турибман. Бироқ бир нарсани билмайман — бу иш ҚАНДАЙ амалга оширилади? Гирдобга тушаётгандай чуқур нафас оламан:

— Шартми?
— Албатта, — дейди Бахтиёр ака ва мен томонга кичкина калькуляторини суради.

Саволомуз қарайман, раҳбар ишора қилади ва ниҳоят гап нимадалигини тушунаман. Калькулятор экранчасига “100” рақамини ёзиб, уни жойига қайтараман.

Узоқ жимлик. Бошлиқ аввал калькуляторга жиддий қарайди, кейин менга, оталардек ғамхўрлик билан кўз ташлайди. У қаршисидаги одамнинг кимлигини англади ва юмшоқлик билан тушунтиришга уринади:

— Александр Николаевич, фақат сиз хафа бўлмаг.
— Мен хафа бўлмаяпман.

— Сиз хафа бўлмаг. Аммо сизнинг таклифингиз солиқ инспектори шаънини ерга урапти (бу жумлани эшитарканман, очиги, студдан кулаб тушишимга сал қолди). Менга, Александр Николаевич, хўжайиннинг олдига кириш нокулай бўлади. Шундай кирсам, у мени, Александр Николаевич (шу жойга келганда бошлиқ овози сирдошлардек самимий жаранглайди), ҳатто ҳурмат ҳам қилмай қўяди.

— Сизни тушунапман.
— Раҳмат. Ахир тепамда еттигаси кўз тикиб турибди.
— Маъзур тугасиз, ҳурматли Бахтиёр ака...
— Ҳечқиси йўқ.
— Биласизми, Бахтиёр ака...
— Биладан...
— Гап шундаки, Бахтиёр ака...
— Керак, Александр Николаевич...
— Бусиз ҳеч иложи йўқми, Бахтиёр ака?
— Йўқ.
— Икки юз?

Бахтиёр ака оғир хўрсинади ва ғамгин овозда садо беради:

— Уч юз.
— Балки...
— Йўқ, йўқ, — шошиб гапимни бўлади у. — Бунинг эвазига биз сизни янада ҳурмат қиламиз ва икки йилча тинч қўямиз.
— Агар, ҳеч иложи бўлмаса... агар икки йилга...
— Мана, ҳаммаси ажойиб бўлди. Сиз жуда ёқимли

одамсиз, Александр Николаевич.

— Шундай бўлишга тўғри келади, Бахтиёр ака.
— Яхши боринг, муҳтарам Александр Николаевич. Сиз билан гурунглашиб маза қилдим.
— Ҳа, шундай... Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас-да...

ИККИНЧИ БОБГА ИЛОВАЛАР

1. Чойхона, тушлик пайти

Овқат олишга навбатда турамыз. Мини-юбка кийган, сулувгина официант кўзларининг ола-қуласи чиққан ҳолда чопиб келади. Оғир-оғир нафас оларкан, у деярли қичқириб юборади:

— Карим ака, менга шўрва, гўштидан кўпроқ солинг. У ЕРДА... (чуқур нафас олади) ВАЗИРЛИКДАН! Чой олишга борамиз. Яна узуноёқ официант қиз елиб келади:

— Тоза, чиройли пиёлалардан беринг. У ЕРДА ВАЗИРЛИКДАН!

Ўтирдик, овқат еяпмиз, шундоқ қаршимизда ажойиб салатлар тайёрлашмоқда. Яна ўша таниш официантнинг хавотирли овози:

— Бу салатларга тегманглр! Бу вазирликка!
Тушлик қилиб бўлди, машинага ўтирапмиз. Ёнимиздан минерал сув кўтарган боғи қиз елиб ўтиб кетмоқда. Афтидан, дўконга югуртирилган.

Ш уерда ўзимни тутиб турулмадим:
— Бу ҳам вазирликками? — деб сўрадим қизнинг ортдан.

Қиз йўл-йўлакай мен томонга ўгирилади ва ҳорғин жилмайиб қўяди.

Вазирликда қандай одамлар ишлар эканлар-а!..

2. Ўзни тутиш маданияти

Кечқурун. Дўстим билан бозор яқинидаги қаҳвахонада овқатланапмиз. Столда газак, кабоб ва шу қаҳвахонанинг ўзида, қонуний асосда сотилган ароқ. Ичапмиз. Кутилмаганда милиция патрули пайдо бўлади.

— Эй, озгина культур-муьтур борми?
Бу жумла бизга қаратилганлигини дарҳол англаб етмаймиз, ниҳоят тушунгач эса ҳайрон бўламыз. Сержанти шу заҳоти гаши келиброқ буйруқ беради:

— Бутилкани стол тагига олинглар!
Маданиятмиз йўқлиги фош этилгандан сўнг биз ароқнинг қолганини столнинг тагига қўйиб ичамиз...

Учинчи боб. АСАЛАРИ

Жазирама энг юксак чўққисига чиққан. Ахир ёз ўртаси, “чилла”.

Терга ботган йўловчиларга тўла автобус эриб бораётган асфальт йўлда оғир кўзғалади. Иссиқ ва тиқилчиндан қийналаётган йўловчилар заруратсиз қимирламасдан ҳам жимгина кетишмоқда.

Ойнада қайдандир салонга кириб қолган асалари пайдо бўлди. Уни кўриб қолган аёл ваҳимага тушди:

— Вой! Қаранглр, ҳашарот!
Унинг ёнида ўтирган эркак хотиржам тарзда:
— Асалари.

Аёл:
— У мени чақиб олмайдами?
Ичкарироқдан эркак кичининг овози:
— Уни ўлдириш керак!
Шу тарафдан аёл овози:

— Бу ахир бор-йўғи асалари-ку, — сўнг истехзо билан: — Суварак эмас.

Эркак овози (даргазаб):
— Нега мунақа қараяпсиз? Менга ишора қилаяпсизми?

Асаларининг кейинги тақдири хусусидаги баҳс-мунозара бирдан қизгин тус олади.

Куйироқдан озингина қария овоз беради:
— Асаларилар уй ҳашаротлари ҳисобланади. Асалари фауна. Уларни ўлдириб бўлмайди.

Ҳаяжонли, айна пайтда сал қайғули овоз:
— Дарё бўйлари зўр бўлгандир! Асаларилар, гуллар, шабада...

Бу орада асалари қайгадир йўқолади, аммо шу заҳоти салоннинг бошқа қисмида пайдо бўлади.

— Тинч туринг, хола, у сизга қўнди.



— Аааа!
— Нега қичқирасиз? У жимгина ўтирибди, бировга озор етказмаяпти.

— Агар шунчалик ақлли бўлсанг, ўзинга олақол! — Амирона оҳангда: — Ҳайдовчи, дарров автобусни тўхтатиб, арини чиқариб юборинг!

Ҳайдовчи овоз кучайтиргич орқали бақиради:
— Эсинг жойидами? Уни қандай қилиб чиқариб юбораман?

— Кўполлиқни бас қилиб, арини чиқариб юборинг! Бекат. Эшиқлар очилади. Тоza ҳаво кирганини ҳис қилган асалари ташқарига учиб чиқади.

Автобус ўрнидан кўзғалади. Йўловчилар яна жим бўлиб қолишган...

УЧИНЧИ БОБГА ИЛОВАЛАР

1. Билафонлик

Пештахтага ёзиб қўйишибди: “Компьютер марказ”
Буни қаранг: саводхонлик билан ёзишни билишмайди, аммо бу восита орқали пул ишлаб топишни бир лаҳзада англаб олишган.

2. Янглишув

— Гўшт қанча туради?
— Қанақа гўшт? Бизда ҳар хилдан бор. Сон гўшти, қовурға, тўш, транш, бон-филе... “Царицинская” дулланган колбасаси... Мархамат, ветчина, карбонат...
— Бўлди, бўлди. Ҳаммасини тушундим. Чиқиш эшиги қаерда?

Тўртинчи боб. ТУНГИ МЕҲМОН

Тунги (балки эрталабқидир) соат уч яримда эшиқ тақиллади. Ўзимнинг кимлигимни аниқлаб олиш учун ўн дақиқача вақт кетди. Шипиллаб бориб, эшикни очдим. Остонада “Пентиум”. Таниш компьютерчи, Аркадий, барча ҳамкасблари сингари томи кетган, лекин умуман олганда ёқимтой йигит.

Компьютерчининг умумлашма портрети менинг назаримда мана бундай кўринишда: Қип-қизариб кетган кўзлари чакнайди. Бутун вужудидан мовий нур таралиб тургандай. Танишдай туюлган нутқи англаш қийин бўлган жумлалар билан бўлиниб туради. “Соат неча бўлди?” деган саволигизга жавоб бериш учун шошапиша клавиатурани босишга тушади...

Ҳар қалай, Аркадийга нисбатан бу таърифларни бемалол тадиқ этса бўлади. Бунинг устига у бўйдоқ ва шу сабабли жуда меҳмондўст. Албатта, аксинча бўлиши ҳам мумкин.

Қисқаси, хотинимни хотиржам этгач, меҳмонни ичкарига киритаман. Ўзим неча маротаба унинг уйида ётиб қолганман. У ўз саргузаштларини қисқагина айтиб беради.

Уйда таниш қиз билан ичган, иккаласи ҳам анчагина кайф бўлишган, сигареталари тугаб қолган, табиийки Аркаша дўконга отилган. Эшикни ёпган, калитни эса олмаган, у дўконга бориб келгунча эса қиз ухлаб қолган бўлса керак, эшикни очмаяпти; қизни уйғотишнинг сира иложи йўқ. Нима, энди кўчада музлаб қолиши керакми?

— Ҳа, тўғри, нега энди кўчада, — дейман.

Аркадийнинг кайфияти чоғ. Унинг шунақа хусусияти бор — ичган сайин нутқини тушуниш шунчалар қийин бўлаверади. Аста-секинлик билан у “БЕЙСИК”-ка ўтиб олади, бу шундай тилки, хушёр одам фақат айрим сўзларнигина илғаб олиши мумкин.

“Йўқ, — дедим ўзимга ўзим, — бунақаси кетмайди”.

Бир шиша ароқ олдим. Чўқиштириб ичдик. Ҳангомамиз қизиқ кетди.

— Сен, Санёк, тасалли берувчисан, — дейди у.

— Нега энди? — сал ранжидим мен.

— Кўнгилни юпатгучи, демоқчийдим.

— Ҳа, ундай бўлса майли.

Сўнг Аркаша гитарани олди ва куйлаб юборди. Ўз “БЕЙСИК”ида.

— Бу, бу, бу, бу... гусарлар, ля, ля...

Тарарам... бу, бу, бу... ўйин...

Умуман олганда, иккаламизнинг дуэтимиз ёмон чиқмайди:

Ўтмиш ва келажак орасида фақат лаҳза бор,
Фақат лаҳза бор ва сен уни маҳкам тут...
Самимий. Энг муҳими баланд овозда...

Тўртинчи бобга иловалар.

1. Репетиция

Муаллифлик қўшиқлари клуби аъзолари ҳаваскорлик концертини тайёрлашмоқда. Хушёр ва жаҳлдор ҳаваскор режиссёр гоҳ бақариш-чақаришлар, гоҳ илтимослар билан репетиция жараёнига ташкилийлик руҳини беришга интиларди. Қўшиқларнинг муаллифлари ва ижрочилари бўлган бардлар, юмшоқроқ айтадиган бўлсак, тартиб-интизомдан узоқроқ халқ.

— Валера, Алла! — бақирарди режиссёр оғзидан тупук сачратиби. — Саҳнага чиқасизларми-йўқми? Жин урсин, ахир сизларнинг навбатингиз!

Ахирги ёш оилавий дуэт саҳнага чиқди, гитара аккордларидан сўнг яхшигина қўшиқ янграй бошлади.

— Шундай, шундай, аъло, — дала берарди режиссёр. — Стоп! Шу ерда озгина скрипка қўшсак зўр бўларди-да. Алла, сен скрипкачисан шекилли? Кейинги сафар скрипка билан синаб кўрамиз. Майлими?

Сукунат.

— Валера, ахир скрипкангиз бор эди-ку? Қаерда у?

Сукунат.

— Йўқми?

Тасдиқ маъносидаги сукунат.

Режиссёр заҳархандалик билан:

— Ичиб қўйдиларингми?

Валера, бироз хижолат чеккан тарзда:

— Нега энди... дарров ичиб кўярканмиз? Пулимиз йўқ эди, сотишга тўғри келди.

Энди режиссёр сукунат сақлади, ўйланиб қолди:

— Ичиб қўйганларинг (энсасини қашлади) мақтовга сазовор, лекин скрипкани (таъкидлаб) МАЪҚУЛЛА-МАЙМАН!

Шундан кейин репетиция давом этди.

2. Зўрдан зўр келса...

Мендан ёши каттароқ ўртоғим Андрей ҳали мактабда ўқиб юрган пайтларимиздаёқ мусиқага, пуфлаб чалинадиган асбобларга қатнардди. Жўнроқ айтсак, труба чалишни ўрганарди. Табиийки, уйда ҳам машғулларини давом эттирарди. Бу жараёнда шундай товушлар чиқардики, уларни бемалол ойна устида мих юритиш билан қиёсласа бўлади. Қўшниллар, юмшоқроқ айтадиган бўлсак, унчалик мамнун эмас эдилар. Лекин ҳар қалай халқимиз маданиятли, шу сабабли тоқат қилардилар. Шундай пайда Андрей яшайдиган уйнинг пастки қаватига янги қўшни кўчиб келди. Тўполон бошланди. Андрейнинг ота-онаси, аниқроғи ойиси бола гўзалликка интилаётганини тушунтиришга уриниб кўрди. Машғуллар вақтини қисқартиришди. Бирок қўшни бўш келмади. “Агар бутунлай бас қилмасанглар...” Бу сўзлардан кейин тупук сачратишлари ҳақоратлар, дўқ-пўлисалар...

Ҳали айтиб ўтганимдай, музокарани Андрейнинг онаси олиб борарди. Андрейнинг дадаси, озгинроқ, аммо жуда ҳаракатчан ва серфаҳм Гриша тоға сабр қилиб турганди. У ўзича зиддият тинч йўл билан ҳал бўлишига умид қилган. Ниҳоят отанинг сабр косаси тўлди. Қўшнининг навбатдаги бостириб киришларидан бирида отанинг шаҳсан ўзи уни кутиб олади. Қўлларини ваҳимали тарзда силкитаркан, Гриша тоға кўча лаҳжасини қўшиб дейди:

— Хўш, нима, ҳалиям тушунмадингми? Бола мусиқа билан шуғулланаяпти. Агар сен яна бир марта бу ерга тўполон қилиб келадиган бўлсанг, мен уни трубадан олиб, барабанга бераман!

Шундан кейин қўшни қайтиб қорасиниям кўрсатмади.

Бешинчи боб. ХИЁБОН

Бу хиёбонга XIX асрнинг охирида асос солинган. Хиёбон шаҳарнинг меъморчилик маркази сифатида режалаштирилган. Балки шу сабабидир, юз йилдан ошиқроқ давр мобайнида ҳар қандай ҳокимият ҳам бу хиёбон марказига бирон ҳайкал ўрнатиш ҳаракатига тушиб қолади. Табиийки, ўз сиёсий ва ташвиқий омилларига таянган ҳолда.

Аваллига бу ерда генерал-губернаторнинг сиймоси қад ростлаган. 1918 йили эса ғолиб пролетариат подшоҳ мадаий ўрнига Озод Этилган Меҳнатга Ҳайкал тикладилар. Уроқ ва болға кўринишида. 1927 йили монумент яна ўзгарди. Энди у Октябрнинг ўн йиллигига бағишланди.

Бироқ бу ҳам хиёбон ўртасида узоқ жон сақлаб турмади. Зеро бутун халқларнинг доҳийси ва ўриндошлик йўли билан барча жисмоний тарбия билан шуғулланувчиларнинг дўсти Иосиф Сталин Ҳайкалига жой керак бўлиб қолганди. Бронзадан, бўйи баробар Ҳайкал. Асрлар турсин учун.

Тарих миқёсида олиб қараганда, унчалик кўп фурсат ўтар-ўтмас бу таниқли зот шахсга сизиниш масаласида суиистеъмолчиликка йўл қўйганлиги аниқланиб қолди.

Бу сафар узоқ вақт мулоҳаза юритишди. Ахийри Карл Марксдан тўхташди. Бир томондан у ўлган, иккинчи томондан социалистик таълимот асосчиларидан.

Хиёбон марказига бюст эмас, “Капитал” муаллифининг боши қўйилди. Узоқдан бу сиймо вафлили трубкага солинган музқаймоқни эслатарди.

Дарвоқе, музқаймоқ қаҳвахонаси шундайгина хиёбоннинг ўзида жойлашганди ва ўн олтидан ошган ёшлар ўртасида жуда-жуда машҳур эди.

Карлга тан бериш керак, бу ерда ҳаммадан кўпроқ туриб берди.

Алал-оқибат у ҳам анъанавий жумлани эшитди: “Ким бу ерда вақтинчалик эди? Қани, жойни бўшатиб қўй-чи!..”

Коммунистик режим барҳам топиб, мустақилликка эришилганлигининг рамзи сифатида хиёбон марказига миллий қахрамон Ҳайкали ўрнатилди.

Бешинчи бобга иловалар

1. Шаҳар даврий нашри таҳририятида

Яша Магазинер кечаги ичкиликбозликдан кейин боши ёрилиб кетгудай ҳолда бир даста ҳужжатдан нусха олиш учун борди. Таҳририят ксероконусха аппаратининг ҳўжайини Алина ишга киришди. Яша унинг ёнида турарди. Туриш оғирлиги сабабли Яша қурилмага суянди. Алина бир муддат унга ола қараб турди-да, сўнг деди: “Яков Иванич, бекорга суяндингиз, аппарат ишлаган пайти зарарли буғлар чиқади”. Бу дақкига Яша шу заҳоти жавоб қайтарди: “Алиночка, мен шунақанги нафас чиқараялманки, хатар мен учунми ё аппарат учунми эканлиги номаълум”.

2. Малака

Соч олдириш учун сартарошхонага келганимда, ёнидаги ҳамкасабаси билан гуруннга берилиб кетган доимий устам менга, мижозига қайрилиб ҳам қарамади. Ниҳоят бутунлай қарама-қарши тарафга тикилиб турган кўйи ўтиришни таклиф этди. Сўнг парижон тарзда сочларимни бармоқларида тараб ва суҳбатни давом эттириш асносида туйқусдан сергак тортиди-да, менга қараб:

— Сочингизни илгари ҳам олганманми? — деди.

— Ҳа, афсуски шундай бўлган.

— Айтдим-а, соч таниш... — деди у менинг пичинг гап қилганимга зарарча ҳам эътибор қаратмасдан.

Шунда мен англадим: у мижозларни сочини наспй-аслаб туриб таниб олади. Уста! Бундай одамга кўп нарсани кечирса бўлади.

Олтинчи боб. МЕНИ ПРОМОУТЕР ДЕБ АТАНГ

Якшанба. Рафиқам эрталаб квартирада изғиб юрибди. Супур-сидир, овқат тайёрлаш, кир ювиш...

Мен бу вақтда компьютер қаршида ўтираман. “Ишлаялман”. Емон иш эмас, а?

Жванецкийда нима дейилганди? Нима ёзиши номаълум, аммо ҳозирча ўтирибди, ўйлаяпти.

Охир-оқибат ўзимнинг хотиржам ҳаракатсизлигим билан рафиқамнинг жонига тега бошлайман.

Суюклим бирдан ёнимда нигоҳида сўзсиз таъна ила пайдо бўлади, аммо бу сукунат узоқ давом этмайди:

— Бу уйга мен нима учун керакман ўзи?

Монитор экранидан шошилмасдан четланарканман, орзуманд қиёфада дейман:

— Сен, онаси, бу уйда гўзаллик учун кераксан.

— Ма-на! — тантанавор тарзда хитоб қилади у.

Бироз кутиб тургач, қўшимча қиламан:

— Ошхонага бориб, ўша ерни ҳам гўзал қилиб қўй. Шу заҳоти бу қизиқарли диалогни ёзиб қўйиш учун клавиатурага энгашаман.

Хотиним хўрсиниб қўяди, ошхона томон кетаркан, тўнғиллайди:

— Ёз-зувчи!

Умуман олганда, рафиқам жуда оқила аёл. Бундан бошқаси мен билан яшашга чидай олмаган бўларди.

Бир куни у кроссворд ечаяпти.

— Эркаклар бўйнининг безаги.

Жимлик.

Мен ҳам жимман. Ахир бу жураёнга аралашидан худонинг ўзи асрасин, кейин қутулиб бўпсан.

— Эркаклар бўйнининг безаги нима экан? — Ахийри, ташқаридан кўмак бўлмаслигини англагач, ҳайрон бўлиб хитоб қилади: — “Хотин” эмасмикан?

Менинг кулиб юборишимгина яхшигина аския пайдо бўлганлигини билдиради.

Кулгу кулгу биланку-я, аммо сўнги пайтларда елкага тушган олаҳуржуннинг вазни сезилиб қолмоқда. Бу орада мен ўзимни адабиётга урдим.

Пул ишлаб топиш ҳам керак эди.

Ушбу мулоҳазаларим оқибатида қўлимга эълонлар газетаси тушиб қолди.

Аваллига мен ўзимча бир неча кашфиёт қилдим. Тошкент гўзалликка интилган ҳамда турмушга чиқаётган қизларга тўлиб кетган. Зеро эълонларнинг етмиш фоизи аёлларни ёшартирадиган косметикаю, никоҳ либосларининг ижараси хусусида эди.

Атир-упа билан савдо қилсам-чи?

Қўнғироқ қиламан, келишиб оламиз. Телефоннинг ўзидаёқ менга ойига беш юз “кўк”идан ваъда беришди.

— Атир-упа тарқатишми? — аниқлик киритишга уринаман.

— Сиз ахир кап-катта одамсиз-ку, — гапларимни тўғрилашади у томондан қатъий равишда, — бир нарсани тушунингиз керак. Мисол учун, таносил касалликларини “тарқатиш” мумкин, бизда эса промоутеринг. Промоутер бўласиз. Бу сўз сизга танишми?

Савол оҳанги менга қутилаётган жавобдан бошқасини айтиш имкониятини бермайди:

— Ҳа, хабарим бор.

— Мана, кўрдингизми, — тантана қилади телефон гўшаги. — Келинг, гаплашамиз.

Келдим. Гаплашяпмиз.

Келажагимни ёрқин бўёқларда тасвирлаб беришди (Остап Бендер ўзининг Нью-Васюкиси билан буларнинг олдида ип ҳам эшолмай қолади)...

Саккизинчи боб. САЁХАТ

Кайфияти чоғ пайтлари мазкур битикларни муаллиф адабий деб ҳисоблайди. Шу сабабли кичкинагина адабий саёхат мақсадга мувофиқдир.

Буюк, катта, яхши ва унчалик ёмон бўлмаган кўплаб рус ёзувчилари ва шоирлари ўз асарларида Тошкентни тилга олишган.

Толстой романининг қахрамони граф Вронский, ўзини ўзи ўлдиришга бўлган ҳаракати самарасиз якунлагач, “...ҳеч бир иккиланишсиз” Тошкентга, унинг учун махсус ўйлаб топилган хизматга жўнаб кетади... Эслашиб ўтамиз, бу пайтлар Туркистон энди-энди Россия империяси тасарруфига ўтганди.

Достоевскийнинг “Усмир” номли асари қахрамонларидан бири князь Соколовский иши терговга тушган, қамоқда ўтирган пайти Тошкентга бориб хизмат қилиш, ўзини кўрсатиш имконияти ҳақида гапирди.

Солженицин қахрамонларидан бири, оғир касал маҳбус Тошкентга “ўлиш учун” келади...

1921 йилнинг баҳорида Тошкентда Сергей Есенин меҳмон бўлади. Унинг “Форс оҳанглари” айнан шу шаҳарда пайдо бўла бошлаган дейишади...

Александр Скобелев 1923 йили Неверов тахаллуси билан “Тошкент — нон шаҳри” номли қисса ёзган. Асарда Волга бўйидаги оч ўлкалардан Тошкентга нон излаб йўлга отланган болакай ҳақида ҳикоя қилинади. Бу қисса ва у асосида суратга олинган фильмни бутун кўпчи-

лик билмас керак, ammo "нон шаҳри" ибораси жуда машхур бўлиб кетган...

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Тошкентга кўплаб ташкилотлар, завод-фабрикалар ва оддий фуқаролар эвакуация қилинган.

Оғир йилларни Соломон Михоэлснинг яҳудий театри, "Мосфильм", "Ленфильм", Киев, Одесса киностудиялари шу шаҳарда ўтказишди. Шу ерда "Икки жангчи" ва "Александр Пархоменко" фильмлари суратга олинган...

Эвакуация йилларида Тошкентда Анна Ахматова, Алексей Толстойлар истиқомат қилишган. Корней Чуковский ўзининг олти йиллигини шу ерда нишонлаган. Унинг кундалигида 1 апрель 1942 йил санаси билан шундай ёзувлар бор: "Туғилган кун. Тўппа-тўғри 60. Тошкент. Уриklar гуллаган. Салқин. Тонг сахар. Қушлар чуғурлашмоқда. Иссиқ кун бўладиганга ўхшайди. Ойна ҳовлига қараган, ҳовлида то кечга қадар бақир-чақир қилишадиган юзлаб жанублик болалар".

Юрий Трифонов ҳам Тошкентда синглиси ва буви-си билан яшаган.

Замонавий ёзувчилардан эса Тошкент ҳақидаги битикларни Михаил Жванецкийда учратиш мумкин...

ЭПИЛОГ

Мен бу ерда туғилмаганман. Тўғрироғи, бу ердан минглаб чақирим олисда дунёга келганман. Лекин шу

ерда, шу шаҳарда мен улғайдим, ўқидим, уйландим. Шу ерда менинг фарзандларим туғилди. Бу ерда мен қурган уйлар қад ростлаб турибди, бу ерда менинг баъзи ёзганларим журналларда чоп этилиб туради.

Бу ерда мен яхши кўрадиган одамлар яшашади. Мен бу ерда илдиз отдим. Мен туб тошкентликман. Шу сабабли менга кетиш керак десалар, тушунмайман, қаерга, нима учун кетиш керак?.. Мен шу ерда яшайман ва шаҳарни бошқалардан кам яхши кўрмайман. Бу шаҳарда баҳор февраль ойида бошланади, қиш қачон бошланишини эса ҳатто оқсоқоллар ҳам аниқ билишмайди. Бу шаҳарда эркакларга "ака" деб мурожаат қилишади, аёлларга "опа"... Бу шаҳарда ҳар юз қадамда, марказда эса ҳар эллик қадамда овқатланиш, ичиш мумкин ва бу куну тун, йил бўйи шундай. Шаҳарнинг осмони эса кўм-кўк. Шаҳар баҳорда оқ-қизғиш, ёзда яшил тусда... Бу ерда минглаб фавворалар... Суперзамонавий меҳмонхоналар... Шаҳар жуда ранг-баранг, бошқача бўлиши ҳам мумкинми? Ахир бу ерда икки миллион расман қайд этилган фуқаро истиқомат қилади, яна шунча одам норасман яшаб юрган бўлса ажабмас. Бу бизнинг шаҳримиз! Бу менинг шаҳрим!..

*Рус тилидан қисқартирилган
ҳолда таржима қилинди*

САБОҚ

ИБРАТ МАКТАБИ

Севимли шоиримиз Абдулла Ориповнинг "Жаннатга йўл" драматик достонида фойий ҳаётда бошланиб, боқий ҳаётда ҳам ўз ечимини топмаётган инсон фель-атворининг энг оғир нуқталари кўрсатиладиган сахналар талайгина. Истеъдод ҳасадга, диёнат қабоҳатга, маънавий разолатга бўйин эганида энг олий мавжудод инсоннинг аянчли аҳволи тасвири кишини чуқур изтиробга солади.

Масалан, икки авлод вақилининг "классиклик"ка, "мен зўрлик"ка талаши, "ким талантили" жанги. Улар навбат билан бир-бирларини азоблайдилар, хўрлайдилар. Аъмолларига яраша Оллоҳ уларга ана шундай сўнгсиз жазони раво кўрган.

Ибратормуз хулоса чиқарадиган, инсон ҳаёт, бурч, диёнат ҳақида авлодлар ўртасидаги меҳр-оқибат, устоз ва шогирд муносабатидаги бағрикенглик, ҳокисорлик, камтарлик каби ахлоқий-маънавий мезонлар ҳақида ўйлашга мажбур этадиган сахна. Шу ўринда буюк бобоколониимиз, инсонийлик, одамийлик илмининг беизазир билимдони Мир Алишер Навоийнинг устоз-шогирдлик мақомидаги юксак шахсий намунаси барча замон ахллари учун сабоқ эканига ишонч ҳосил қиламиз.

XV асрнинг иккинчи ярмида Хуросон мамлакатининг пойтахти Ҳирот шаҳри адабиёт ва санъатнинг шухрат тошган марказига айланган. Бу ерда шоирлар, тарихчилар, бастакорлар, рассомлар, хаттотлар, меъморлар, наққошлар ва бошқа ижод аҳли биргаликда ажойиб маданий ва маънавий меросларни вужудга келтирганлар.

Ҳиротдаги маданий ҳаётнинг йўлбошчилари, унинг жонкуярлари, илҳомчиси ва энг кўзга кўринган арбоблари Абдурахмон Жомий билан Алишер Навоий эдилар. Бу икки буюк ижодкорнинг, икки тенгсиз истеъдоднинг самимий дўстлиги, ҳамкорлиги, маслаҳатчилиги ўзбек ва тожик халқларининг маданияти бирдамлигига, бузилмас қардошлигига тамал тошнни қўйди. Абдурахмон Жомийни Навоий ўзининг устози, пири деб билган. Навоий

"Фарҳод ва Ширин" достонида устози Жомийни шундай улуғлайди.

*Жаҳон йўқ, олами кубро де они,
Жаҳонда мақсад аксо де они.
Ки ҳар не олами суғрода мавжуд,
Бори бу олами куброда мавжуд.*

Устоз Жомий шогирд Навоий назарида маънавиятнинг "олами кубро" сига, "катта олами" га айланган эди.

Ўз навбатида Жомий ҳам "Баҳористон" асарининг "Шеър ва шоирлик бобида" деб номланган равзасида Навоий шахси ва ижодини улуғлаган: "Бизнинг замонамиз бу соҳиб давлат вужуди ила мушаррафдир.

Мана сизга устознинг шогирд камолидан чин дилдан қувониши, уни юракдан рабатлантириши, шогирд ижодига ва инсонийлигига, истеъдоди ва эришаётган мартабасига самимий ҳаваси, хурсандчилиги.

Навоий ўзидан илгари ўтган даҳо ижодкорларнинг тафаккур дурдоналарига меҳр кўзи билан қарайди. Буюк мутафаккир тенгсиз истеъдод кучига қарамай ўз "Ҳамса"сини ёзишга жуда катта андиша, мулоҳаза билан киришган. Ўзидан олдинги хамсанавислар Низомий ва Дехлавий аъналарини ўрганган, уларнинг дostonларига шарҳлар ёзган. Ана ундан кейин ўзининг ижодий нияти ҳақида Жомийга айтган, устознинг фикрини, розилигини олмай туриб бу улғу ишга киришмаган.

Бу икки буюк истеъдоднинг бир-бирларини жон қадар авайлашлари эъвозлашлари, бир-бирларининг ижодларига ўзаро ҳурмат-эътибор, меҳр билан қарашлари, устоз-шогирдлик муносабатини гўзал бир санъат даражасига кўтара олганликлари биз ёшлар учун ибрат мактабидир.

*Хуршид ОЧИЛОВ,
ЖДПИ талабаси*

Дмитрий ЧЕРНИКОВ



Тушларингга кирса оппоқ елканлар

Дмитрий ЧЕРНИКОВ 1965 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Шеърлари 1998 йилдан буён республикамиз газета-журналларида чоп этилади.

Зомин семинар-кеңашининг 2005 йил ғолиби. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси. Айни пайтда уюшмада адабий маслаҳатчи бўлиб ишлайди.

* * *

Эгингда костюминг эски бўлса гар,
Бўш кўнглинг мисоли киссанг бўлса бўш,
Мушкул ва мураккаб бўлса муаммонг,
Бўлмаса майдан ҳам азиз тенгу тўш.

Ўзингнинг душманинг ўзинг бўлсанг гар,
Тунларнинг кўрқинчи туш каби ўтса,
Тушларингга кирса оппоқ елканлар,
Кема сени олиб кетаётган бўлса.

Денгиздан кутмагин қулай об-ҳаво,
Юз бор ку-қулаган қушга ишонма.
Озодликнинг кучли шамолларида,
Елканингни тўлдир, йўлингдан қолма.

* * *

Учган юлдузлардан
турли йўл қолар,
Учган шамчиқроқдан
мум, тутун қолар,
Сўнган муҳаббатдан
фақат кул қолар,
Сўлган орзулардан
бағир хун қолар.

Ўтган кунларингга
ачинма зинҳор,
Дарз кетган ойнадан
синиб тушар нур.
Қисматинг ёзуғи
пешонангда бор,
Дунёга ўзгача
назар қилиб кўр.

Юлдуз учганида кимдир
тилак тилади,
Шаъм сўнгувчи кимдир
шеър ёзди тунда,
Севгидан барибир
Зурёд қолади,
Орзулар ушалар
Эҳтимол шунда.

БУКРИ

Кеч куз. Ғира-шира отаётир тонг.
Фаррош супуради барги хазон, гард.
Балкон деразасин очиб қўйдим ланг,
Уйимни, фикримни шамоллатиш шарт.

Қаёт калаваси негадир осон
Ечилмайди, ипи чигал ва тугун.
Шифтга боқар аёл—муштипар инсон,
Тешик тоғорасин ўйлар уззу кун.

Менга олтин қаср керакмас зинҳор,
Сўроғимнинг ёйи—ажиб аломат.
Шеърим бўлармикин тоза, беғубор?
Қулиб боқармикин менга ҳам омад?

Аёзда терлайман, ёзда музлайман.
Чидолмасман зулму зўрликка, ҳайҳот.
Букри десалар ҳам кўнглим бузмайман,
Елкамда букримас... ийғилган қанот.

ЁШЛИК

Тезюрар поездга чиқдик ёмғирда,
Танишдик, тарақлар эди темир йўл.
Бизларни кузатди саёқ тўданинг
Вакили бўлган ит чўлоқ, дайди, ҳўл.

Осмонда осилиб турар нодон ой,
Қадаҳдай шиқирлар темир чой-қошиқ.
Дейдилар муҳаббат танламайди жой,
Май кайфидан қизга бўлдим мен ошиқ.

Ҳатто сезмай қолди Ҳолиқи ғойиб,
Қўлимизни суқдик стол остига,
Бармоқлар ўйнади жуфт-жуфт,
Купеда ёлғизмас эдик, рост гап.

Қушдек ушоқ тердик кафтларимиздан..
Деразага боқдик ойдин саҳарда—
Кўзни олиб қочдик бир биримиздан,
Шамолда ҳилпираб ўйнардди парда.

Рус тилидан
Рустам Мусурмон
таржималари



Ахтамқул КАРИМ

ЎЛЖА



Ҳикоя

Осмон шу қадар тиниқ эдики, Эгамберди мерган наздида ақлини танигандан бери осмон чўққиларга михланиб қолгандек, йўқ-йўқ, чўққилар осмон бағрини тешиб киргандек туюлади. Ёлғизоёқ сўқмоқ бўйлаб дарадан ўтаётган овчи хаёлини ана шу ўйлар банд этганди. Ови бароридан келмаган мерганнинг кўнгли гаш. Гаш хаёллар уни денгизда адашган қайиқдек гоҳ у, гоҳ бу ёққа олиб қочмоқда. У кечгача оч бўридай қирма-қир изғиб юраверди, изғиб юраверди. Ҳар бута ё арчани паналаб атрофни кузатди, қулогини динг қилиб бирон овоз ё шарпани эшитишга уринди. Бари бефойда. Негадир биттаям кийикни учратмади. Илгари тўсатдан ўглаб юрган кийикка кўзи тушиб қолар, ҳеч қурса шундоқ ёнгинасидан какликнинг пир этиб учганига дуч келарди. Энди бўлса... Хуфтон кўнглига чироқ ёқса ҳам ёришгудек эмасди. Гўё тоғу дараларда ўглаб юрадиган кийиклар овчининг ҳидини сезгандек қаёққадир ғойиб бўлган. Эгамберди мерган умр бўйи кийик овлади. Мерган номини олди. Эгамберди дейишса қишлоқдошлари елка қисилар, токи «мерган» сўзини қўшмагунча танишмасди. Эгамберди мерган авваллари шунчаки ҳавас ва кўнглини хушлаш ниятида унда-бунда бекор пайтлари тоғу тошларга кийик овига чиқарди. Бора-бора бу ҳавас одагга айланиб улгурди. Энди у қўлига милтиқ олмаса туролмас, ҳаётидан маза туймайдиган даражага етиб борди. Шу-шу одати хумор бўлиб қолди. Бир нарсанинг хумори тугса ёмон экан. Эгамберди мерган учун ов олдида дунё ҳам кўзига кўринмас, ов қилмай қўйганда вужудида ғалати ҳис уйғонарди ва бу ҳисни овдан бошқа нарса босолмасди. Уйига кийик отиб қайтиш, унинг гўштини тановул қилгандан кўра кўпроқ лаззат бағишлар ва бу лаззатни дунёнинг унча-бунча лаззатига алишишни истамасди. Қишлоқдошлари ҳам Эгамберди мерганнинг бу қилиғига кўникиб, унда-бунда кўзлари тушиб қолганда ҳам ҳайрон бўлишмасди. У овчилик ҳаётида кўп воқеаларни бошидан кечирди. Неча марта ўлимга чап бериб, неча марта ажални айланиб ўтди. Энди-энди у кунларни эсласа, юраги орқага тортиб кетар, наҳотки шунчалик даражага етган бўлсам, дея ўзига-ўзи ишонмасди. Эгамберди мерган овга чиққанда унча-бунча овчи унинг олдида ип эшолмас, у билан мусобақа қилишга журъати етмасди.

Тоғликлар удумига кўра, овчиликдан воз кечмоқчи бўлган мерганлар «милтиқ кўмди» маросимини ўтказди. Шундан кейин қанча-қанча мерганлар қўлига зинҳор милтиқ ушламас ва шу удумга риоя қилган ҳолда оламдан ўтиб кетарди. Лекин Эгамберди мерган бундай қилишни хаёлига ҳам келтира олмас, ов қилмай қўйса, гўёки ҳаёти остин-устун бўлиб кетадигандек қаттиқ ҳадиксирар ва бундай ўйни хаёлидан қувлаб ташларди. Эгамберди

мерган куруқ қўл билан қайтишни овчилик шаънига уят деб билар ва ўзи эса овга чиққанидан бери бирон марта ўлжасиз қайтганини асло эслаёлмайди. Бугун эса... Ҳар доим ўлжа билан қайтишга одатланган мерган қоронғу тушишини кутди. Эшагини боғлаб қўйган арча ёнига келди. Иложи бўлса қишлоғига кечроқ кириб боришга аҳд қилди. Чунки унинг ўлжасиз сўппайиб қайтганини кўрган қишлоқдошлари олдида ўтганда маза қиладигандек, ҳолинг шу экан-ку, ҳайф сенга мерганлик, дейдигандек туюларди. Шунинг учун уйга қайтиш унга азобга айланди, юрган йўли унмас, гўё оёғи ҳам ўзига бўйсунмаётгандек, етаклаб олган эшаги ҳам ўзидан олдинга ўтиб кетаверарди. Қишлоққа яқинлашганда қош қорайди. Тоғ чўққилари оқшом тусидан баттар қорайди. Уч-тўрт қадам нарини кўриш қийинлашди. Яхшиямки, кеч кириб уйга қайтгани. Уйига яқинлашгунча ҳеч ким дуч келмади. Шундай қилмаса кечаси билан уйқуси қочиб, ор-номусдан ўзини бир нарса қилиб қўйиши ҳеч гап эмасди! Эшак шарпасини сезган кампири олдингидек пешвоз чиқди. Қарадики, чолнинг авзойи бузуқ. Олдингидан шашти паст. Эшак устидаги ҳуржуннинг бўм-бўшлигини кўрганда баттар ажабланди. Кампирнинг қўллари ҳавода муаллақ қолди. У ҳуржуннинг бўш қайтишига сира одатланмаган. Эрига ажабсиниб қараши шундан. Эгамберди мерган билан бир ёстикқа бош қўйгандан бери яхши эслайдик, овга чиққан эрини бу алфозда кўрган эмас. Кампири ҳар гал қайтганда эшакка юкланган кийик гўштини туширишга ёрдамлашар ва дарҳол қозон-товоққа унаб кетарди.

— Бугун ов куни эмас экан, — деди мерган ижирғаниб эшагини қозиққа боғлар экан. — Эрталаб бир ювуқсизга кўзим тушганди. Дунёни айланиб чиқдимки, кийик зотини кўрмадим. Эскилар бир ювуқсиз одам кўчадан ўтса, ер титрайди, барака кетади, дегани рост экан.

Эгамберди мерган оғир уҳ тортди. Чуқур-чуқур нафас олди. Негадир аламини босолмасди. Кўзлари олдида кийиклар галаси югуриб ўтаётгандай хушёр тортди. Кампир дастурхон билан бир коса қаймоқни мерган олдида қўйди.

— Сайидберди қани? — дея овчи хотинидан ўғлини сўради.

— Кўшининг уйига ўтган эди, — деди кампир бепарвогина.

— Нима қилади қўшниникига чиқиб, алламаҳал бўлса. Хотинга ўхшаб гап сотгани чиқибдими?

— Билмасам.

— Бу боланг қулоқсиз бўлиб кетди. Кўчада гийбат қилиб юришдан бошқа ишга ярамайди. Эркаклик сиёғи йўқ. Шунинг учун ҳам овга олиб чиқмайман.

Ўзида ҳам қизиқиш йўқ.

— Бир ками ўғлингиз ҳам сизга ўхшаб умрини милтиқ кўтариб ўтказсинми?

Эгамберди мерган бу гапдан оғринди. Ич-ичидан газаби тошди. Бироқ ўзини босишга уринди. Кампирнинг нима демоқчилигини тушунгандек бироз ўйланиб деди:

— Овга мен эмас, у бориши керак. Мен энди ёшимни яшаб, ошимни ошаб бўлдим. Балки шунинг учун ҳам бугун ўлжасиз қайтандирман.

* * *

Эгамберди мерган бошқа ҳеч овга чиқмади. Қариликни тан олди. Гўё тоғларда энди унинг учун ўлжа қолмагандек эди. У милтигини ўғлига берди. Овни энди сен қиласан, деди. Отасининг моҳир мерганлигини билса ҳам, ўгли унга эргашиб, овга чиқмас, тоғларда юришни унчалик хуш кўрмасди. У отасидан милтиқни истар-истамас олди. Отаси юрган тоғу тошларни айланиб, отасидек кийик отиш ниятида юрди. Лекин ҳар гал овдан уйига бўш қайтиб келар, баъзан-баъзангина хашаки дарранда-парранда овлаб келарди, холос. Шундан Эгамберди мерганнинг хуноби ошди. Бир марта суғур кўтариб келган ўғлига ўшқириб берди.

— Бу ҳаром суғур гўштини бошимга ураманми? Кийик овласанг ўласанми, аҳмоқ!

Ўғил отасига нима дейишни билмас, бирдан-бир топиб олган сўзи, (уни ҳам кимдандир эшитган) «суғур гўшти дори-ку», деб қўярди.

Шу тарақа йиллар ўтди. Эгамберди мерган борган сари жуссаси кичрайиб борар, кўлларини қалтироқ тутадиган ва қоматини ҳам бироз эгиб юрадиган ҳолга етди. Қарилик ишини қилганди. Хаёлидан кечагина кийикларни қувлаб юргани бир-бир ўтар ва шуни эслаганда кўнгли алланечук ҳаприқиб кетарди. Ҳар-ҳар замон кўнгли овга чиқишни тусаб қоларди. Чунки умри бино бўлибдики, уйда кам бўлар, сўраб келганлар ҳам анча кун овора бўлишарди. Эгамберди мерган бир гал ўғлининг овдан қуруқ қайтганига чидай олмади:

— Сен қачон мерган бўласан? Лапашанг. Бунча ношуд бўлмасанг. Эркакмисан ўзи? Ов қилишга ярамасанг. Менинг пуштикамаримдан тушганга ўхшамайсан,

Мерган ўғлига атайдан аччиқ гапирди. Шу билан ўғлининг овга ҳирсини уйғотишни мўлжал қилди. Ўғил эса димоғида пўнғиллади.

— Тоғдаги ҳамма кийикни қириб тугатган бўлсангиз, мен нима қилай?

Шу-шу Эгамберди мерган ўғлига бошқа гапирмади.

Кунларнинг бирида мерган тўсатдан кампирига қараб:

— Кулча қил, мен овга чиқаман, — деди.

Кампири қариб қуюлмаган чолнинг гапига кулди. Бу билан у мерганни мазах қилгандай бўлди.

— Ҳамма нарсанинг ҳам ўз вақти-соати бор. Сизнинг ов қиладиган даврингиз ўтди.

Илгари эрига тик қарашга ботинмасди.

Шу нарса мерганга оғир ботди.

Ўша кеча Эгамберди мерган ухлай олмади. Тонг-саҳарда ўғлини олдига чақирди:

— Эшакнинг айилини торт, — деди овози қалтираб.

Ўғил эшакни шайлаб отаси олдига келтирди. Мерган имиллаб эшакка ўтирди. Илгариги шашти қайда? Унинг бутун фикр-зикри Жангтоҳ тоғи томон қаратилган эди. Ота-бола йўлга тушишди. Мерган ҳар-ҳар замон эшакнинг бошини у ёққа бур, бу ёққа бур, дея танбех бериб борарди. Ниҳоят, Эгамберди мерган навқирон йигитлик пайтлари овга чиққан Жангтоҳ тоғи ён бағрига етиб борди. Бу тоғда юриб қанчадан-қанча кийикларни отиб олганини, бошқа мерганлар бу тоғда ов қилолмаслигини бир-бир хотирасидан ўтказди.

Мерган ўғлига эшакни тўхтатишни буюрди.

— Кўряпсанми, хув, анави баланд чўққини, ҳозир яёв шунга чиқиб борамиз. Эшакни арчага боғлаб қўй. Мени орқалаб ўша тоққа чиқасан.

Саидберди бир отасига, бир қирга қаради.

Қир анча тик ва баланд кўринарди. Бироқ у, эшакни боғлаб, отаси айтганларини қилишга мажбур эди. Мерган ўғлининг елкасида бораркан, шамолга қарши юр, одам ҳиди сезилмайди, деди. Ниҳоят, қир устига ҳам чиқиб боришди. Саидберди роса қора терга ботди. Юришга ҳоли қолмади.

— Энди эмаклаймиз, — деди мерган.

Ота олдинда, ўғил орқада эмаклай бошлади. Қирнинг ён бағрига ўтишди. Мерган кийиклар ўтлайдиган жойни биларди. Ҳозир ўзигина биладиган сир-кийиклар кўтонидан ўғлини воқиф қилаётган эди. Бирдан сал нарироқда кийиклар ўглаб юрганини кўриб қолишди. Бир кийик қаққайиб турар, атрофни олазарак кузатарди. Саидбердининг кўзлари чарақлаб кетди. У биринчи марта кийикларни яқиндан кўриши эди. Шошиб қолди. Ёнида турган отасини бутунлай унутиб қўйди. Катта харсанг ёнида чор тарафга олазарак қараётган оҳуни мўлжаллаб ўқ узди. Буни ҳатто отаси ҳам сезмай қолди. Кийик баландга бир кўтарилгандай сапчиб, кейин ерга қулаб тушди. Саидберди кийикка томон югуриб кетди. Қолган кийиклар хатарни сезиб, бир зумда кўздан гойиб бўлишди. Саидберди кийик бўғзига шоша-пиша пичоқ тортди. У ўзида йўқ хурсанд бўлди. Кийик отганига қувонч ичига сиғмасди. Бирдан отаси эсига тушди. Дарҳол у томон югурди. У отаси олдига яқинлашар экан:

— Мен отдим! Жуда зўр кийикни отдим! — дея қичқирди.

Ота эса жавоб бермади. Саидберди отасига тикилди. Эгамберди мерганнинг кўзларидан шашқатор ёш қуюларди.

— Сизга нима бўлди? — сўради Саидберди ҳайрон бўлиб.

— Нега ундай қилдинг, ахир у менинг ўлжам эди-ку, сен менинг ўлжамни отдинг, менинг сўнгги ўлжамни...

Саидберди ҳеч вақони тушунолмагандай отасига ҳангу манг тикилиб турарди.

Жангтоҳ тоғидан бир бурдагина бўлиб қайтган Эгамберди мерган ўша тун жон берди.



Садоқат УРДУШЕВА

Зоҳирим сокиндир, ботиним исён



Гулнора МАМАРАСУЛОВА



Гулнора МАМАРАСУЛОВА 1990
йили Жиззах вилоятининг
Зарбдор туманида туғилган.
Айни пайтда Бўстон
шаҳарчасидаги 2-ихтисос-
лаштирилган мактаб ўқувчиси.

ШЕЪРИЯТ

Кўкламсан — булбулни сайратган,
булбулсан — дилларни яйратган.

Онамсан, аллангни тингладим,
аллангдан оламни англадим.

Отамсан, кўрсатдинг тўғри йўл,
қўлладинг қўлимга чўзиб қўл.

Чечаксан, кенгликда қўлф урган,
атрофга ифорин уфурган.

Арш қадар бўйлаган ўйимсан,
тилдаги навомсан, куйимсан.

Жойладинг дилимга пок ният,
Жисмида жон қадар шеърият!

МАНГУЛИК

Бу тоғ...
Бунда
ҳар қандай виқор
синиқлигин
ўзи олар тан.
Бу тоғларга
не-не улуглар
келган,
кетган,
боқий қолмаган.

Ўтмиши ўтди,
бугун ҳам ўтар,
келажакни
уйламоқлик ширт.
Бу тоғларда
Кўпларни кўрган
мангуликлар
қилди ишрат.

СЕВГИ

Ўтаятти куз фасли,
Барелар хазон бўлмоқда.
Қалдирғочлар кетиб, боғ,
Зоғлар билан тўлмоқда.

Уларнинг «қар-қар»лари,
Жунжита олмас танни.
Бир туйғу ёқиб қўйган,
Юрагимга гулхани.

Ха демай, қор қоплайди,
Заминнинг дала-қирин,

Бардошингни синаш-чун,
Изилайди изғирин.

Изғирин изғиса ҳам,
Жунжита олмас танни.
Бир туйғу ёқиб қўйган
Юрагимга гулхани.

Шу гулханнинг тафти-ла,
Шеърларим битаянман.
Интиқ-интизор бўлиб,
Баҳорни кутаянман.

* * *

Ўйлама, мен сендан кўркмасман ҳеч он,
Ичга ютсам ҳамки туфламасман қон.
«Кўлидан ҳеч нарса келмас», демагил,
Зоҳирим сокиндир, ботиним исён!

* * *

Қалам, сенга тилни имкондан топдим,
Қоғоз, сенга сўзни тугендан топдим.

Гоҳида руҳимни чулғади ғамлар,
Оҳ урдим, ажрини фиғондан топдим.

Севинчим юракка сиғмай қолганда,
Куйимни булбули нолондан топдим.

Шеъримга жилони атрофга боқиб,
Камалак ёй салган осмондан топдим.

Ижод — нақир. тошди бир сўқмоқ экан,
Унга Садоқатни имкондан топдим.

* * *

Чаман гуллари лол,
Андалиб маҳзун,
Шикаста овоз-ла,
Ўқийди афсун.
Хазон — сипоҳини
етаклаб аста,
Йулакчалар бўйлаб,
Ўтиб борар ҚУН.

АРМОН

Сўзингиздан даво истаган эдик,
Афсус, бу истақ деб қаттиқ нанд едик.
Энди узоқлардан қорангиз кўрсак,
Дилимизни уртар, хавотир-ҳадик.

ВАТАН

Қучоғингда ўсдим, улгайдим,
Орзуларим билмас чегара.
Менинг жондан азиз Ватаним,
Бу дунёда ўзинг ягона.

Бизни кутар нурли келажак,
Йўлларимиз чароғон, равон.
Сенинг учун яшаймиз бешак,
Фуруримиз Ватан-онажон.

Бу дунёда юртлар кўп гарчанд,
Сен ўзингсан ягона фақат.
Шу Ватанга муносиб фарзанд
Бўлолмоқлик бизларнинг ният.

* * *

Тутқич бермай учган оқ қушим,
Осмонларга йўлади ҳушим.
Қуйидадир парқут булутлар,
Билмайман, бу ўнги ё тушим...

* * *

Умид — яшаш учун пойдевор,
Инсон яшар токи умид бор.
Шул пойдевор нураб кетганда
Умр бўлар омонат ва хор.

* * *

Бу дунёга келдингми, албат учрар бахт,
Сени кутиб туради тилло тожли тахт.

Ёнингдаги тахтни кўрмай ўтасан,
Кўкка боқиб умринг ўтказсанг фақат.

* * *

Оғиздан чиққан гап отилган ўқдир,
Жароҳат етказса, давоси йўқдир.
Демак, ошиқча гап айтмаган зотнинг
У дунё-бу дунё кўнгли ҳам тўқдир.



Туроб МАҚСУД

Ит қоплан ОДАМ



Икки парда, етти кўринишли комедия

ҚАТНАШУВЧИЛАР

Ўқтам — ўқитувчи
Зокир — ўқитувчи
Рустам — “Маърифат” газетасининг сайёр мухбири
Зухра — ўқитувчи
Матлуба — ўқитувчи
Соқи — туман Халқ таълими бўлими мудирини
Гуларух — Соқининг хотинини
Улуғ — ўғил
Зебо — она
Икром — Соқининг поччасини
Раъно — ҳамшира
 Ит тутувчилар, сотувчи, харидор ва бошқалар.
 Воқеа яқин йилларда мамлакатимизнинг чекка бир туманида рўй беради.

БИРИНЧИ ПАРДА

БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Зокирнинг ҳовлиси, ҳамма ёқ саришта. Ҳовли сунпирилган, мой томса ялағудек тоза. Ток новдалари қизларнинг қамчиндек-қамчиндек қирқ кокиллари каби ишқомга иштиёқ билан терилган, барглари кам, ҳусайни узумбошлари сарғиш товланади, вайишнинг темир гулбаларига учта бедана қавақ илинган, беданаларнинг бири бошлаб, иккинчиси қўйиб, галма-гал сайрайди.

Ток ариғининг кун чиқиш тарафига экилган оқ, қизил атиргуллар қулф уриб очилган, ариқнинг кунботиш томони марзасига қора райхон экилган, бир четга қўйилган чорпоя устизга гилам, атлас кўрпачалар тўшалган.

Ўқтам, Зокир, Рустам, Матлуба, Соқи, Одил, Зухралар ўзаро гурунглашиб, бирин-бирин киришади. Улар кириши билан ҳув бошлаган итнинг аккиллаши авжига чиқади. Бошқалар итнинг аккиллашига эътибор беришмайди, аммо Соқи дарҳол ўзини четга олади.

ЗОКИР. Қўрқма. Қоплон занжирбанд! Ёт, қоплон, ёт!

Ит ғингишиб аккиллашдан тўхтамайди.

РУСТАМ (ит овози келган тарафга қараб)

Эй занжирбанд ит,

Дардинг ичга ют.

Ичимда бор ит,

Сенга тегмас эт!

Кулишади.

ЗУХРА (Рустамга ҳайрон бўлиб қараб). Ичимдаги ит?

ЎКТАМ. Нафс демоқчи. (Рустамга қараб).

Шундайми?

Рустам индамайди, кулади.

Чорпояга, Одилнинг ёнига бориб ўтиради.

Матлуба билан ЗУХРА гулларга, барқ уриб ўсган қора райхонларга маълиё бўлиб боқишади.

ЗУХРА. Нафс — ит, тавба! Шоирларнинг ҳамма гапини ҳам тушунавермас эканмиз-да, Матлу!

МАТЛУБА. Айниқса, Рустамнинг!

Кулишади.

ЎКТАМ (хаёл суриб). Тавба, итнинг ўрнига одамни занжирбанд этсалар нима бўларкин?

ЗОКИР (Соқига кулиб қараб) Масалан, Соқини!

Соқи сесканиб тушиб ўзини четга олади, кулишади.

РУСТАМ. Бечора инсонни итдек занжирбанд этишнинг нима ҳожати бор? Ахир у бусиз ҳам кўзга кўринмас занжирлар билан кишанбанд этилмаганми?

ЎКТАМ. Ҳа, кўринмас занжирлар, занжирлар!

ЗОКИР. Инсонни икки қолда занжирбанд этадилар: қутирса ёйинки жиноят қилса!

ЎКТАМ (Соқига яқинлашиб). Унда Соқининг бўйнига бемалол занжир оссалар вожиб экан!

Соқи орқага тисарилди.

МАТЛУБА. Нега?

ЎКТАМ. Чунки у мудир бўлиб. «Соқи» катта лақабини олгандан бери қутирди!

Ҳамма Соқига қарайди, Соқи эса нажот сўрагандек Одилга боқади. Одил ирғиб ўрнидан туради, шайт билан Ўқтамга яқинлашади.

ОДИЛ. Ўқтам, қўйсанг-чи, қаёқдаги гапларни кўзгама. Йигирма йилликка йиғилганмизу шу гаплар ҳозир лозимми? (бошқаларга мурожаат этиб). Соқи акамнинг шарофати билан зиёфат шу қадар зўр ўтди-ки! Устозларнинг хурсанд бўлганларини айтмайсизми?

ЗУХРА. Зиёфат ҳам бир бўлдию Рустам ўқиган шеър ҳам бир бўлди.

ОДИЛ. Шунга айт!

ЗУХРА (завқланиб ёддан ўқийди)

Синфдош дўстларим яйрангиз бу кун.

Устозни мадҳ этиб сайрангиз бу кун.

Матлуба райхонларни кўзгаб юбориб ўртага чиқиб давом эттиради:

МАТЛУБА.

Ки бахтинг, хўп тўлиқ бўлса ҳамки бил,

Дўстларсиз бағринг ҳеч бўлолмас бутун!

ЎКТАМ (узоқларга қараб такрорлайди).

Дўстларсиз бағринг ҳеч бўлолмас бутун!

Соқи катта ҳам дўстлик нималигини билармикан? Ўн йил бирга ўқибмиз, институтдалигимизда ҳам беш йил бир хонада яшадик. Уйи уйимиздан бор-йўғи бир қақирим нари. Тўй қилдим, тўйга айтдим, бормади. Улсам жанозамга ҳам келмас керак.

ОДИЛ. Нега? Айтсанг, жанозангга албатта Соқи акам билан борамиз.

ЗОКИР. Узининг жанозасига ўзи айтолмайдию хумпар!

Кулишади.

МАТЛУБА. “Соқи катта” жанозасига ҳам ўзи айтса бораман!” деса керак-да!

Кулишади. Одил мулзам бўлиб четга қарайди, Соқи унга

“Гапни билиб гапирмайсанми?” дегандек аччиқланиб боқади.

ЗОКИР. Ай, менга қара, Ўқтам, намунча қуйинасан?



Жонни суққил суққанга, жонни жонга берганга! Соқи катта энг аввало фойдаси тегадиган билан, қолаверса, амалдорлар билан дўст бўлади. Сен билан мен кимман?

Бор-йўғи бир оддий ўқитувчимиз, холос.

МАТЛУБА. Оббо, менинг севгилимга мунча ёпишдиларинг? Хафа бўлма. Соқижоним, қоқижоним!

Кулишади.

ОДИЛ. Шунга айт!

ЗОКИР. Шу арвақнинг нимасини севасан? У нимаю, анави тандир косов нима?

УКТАМ. Косовнинг-ку боши тандирга кириб-чиқиб шунақа куйса. Соқининг боши газнага ўгриликча кириб-чиқиб шунақа куйиб қорайиб қолган!

Кулишади. Соқининг ўзи ҳам жиммаяди.

ЗУХРА. Соқижонни ерга урманглар, арвақ бўлгани билан ахир кимсан, туман таълими мудири!

ОДИЛ. Шунга айт!

ЗУХРА Соқи катта, деб ҳамма ҳурмат бажо этади.

Мана Одил ҳам Соқидан олти ойлик катта бўлсаям Соқижон ака деб, Соқининг оёғини ялайди.

УКТАМ. Тўғри-да, Одил кичкинагина боғчанинг хўжалик мудири бўлса-да, тагида ярақлаган "Нексия", чўнтагида жарақ-жарақ пул. Ака, деса, Соқининг оёғини ҳар қанча ўпса арзийди.

ЗОКИР. Кимсан Соқи каттанинг укаси, танқўриқчиси, керак бўлса, хотин...

ОДИЛ. Зокир, оғзинга қара!

РУСТАМ. Ҳой, сизларга нима бўлди, йигитлар?!

ЗОКИР. Оғзимга қарагани кўзга йўқ!

ОДИЛ. Йўқ бўлса, ушлатиб қўямиз!

ЗОКИР. Қўлингдан келмайди.

РУСТАМ. Бас қилинглар!

ОДИЛ. Жа, келади-да!

У Зокирга қараб юради. Матлуба ўртага тушади.

Соқи Одилга гуруланиб қараб қўяди.

ЗОКИР. (Одилга қараб хезланиб) Қани ушлатиб қўйчи!

Рустам уни четга тортади.

МАТЛУБА. Оббо, нима бало, жиқиллашганимизни томоша қилсин, деб бизларни чақирдингларми?

ОДИЛ. (Қилтиллаб). Шунга айт!

У Зокирга хезланади.

ОДИЛ. Зокир, жа мени ургинг келаётган бўлса, майли дўстлар тарқалгандан сўнг, елкамни тутиб бераман, тўйгунингча дўшпослайсан! Ҳозир буларнинг олдида жуда катта кетма! Ҳозир Соқи акам чойхонада бир пиёла чой бермоқчи эдилар, яхши ўша ёққа борайлик, бир ҳангома қиламиз.

РУСТАМ. Майли, юринглар.

УКТАМ. Тўхта, кези келганда мен бир сирни очай, балки бу Рустамга керак бўлиб қолар!

ЗУХРА. Қанақа сир?

Ҳамма Уктамга қарайди, Соқи эса ўйланиб туради, дўстларидан узоқлашади, Одил ўртада серрайиб туради.

УКТАМ. Рустам, Соқи талабалигида сен билан баҳслашиб ўлишга бир баҳя қолса ҳам бир қозон паловни егани эсингдами?

РУСТАМ (кулиб). Эсимда, эсимда...

ЗУХРА. Вой ўлай, бир қозон ошни-я?!

ЗОКИР. Ҳа, паққос туширган эди!

МАТЛУБА. Вой, очофатгинам-ей!

УКТАМ. Соқи энди пул ейишга ўтган!

Ҳамма. Йўғ-ей!

ОДИЛ (четга). Сасимай ўл, туршак.

УКТАМ. Биз нима учун тўрт ойлик иш ҳақини ололмаямиз, биласизларми?

МАТЛУБА. Йўқ.

ЗУХРА. Банкада нақд пул йўқ.

УКТАМ. Бизни шундай деб алдашган.

ЗОКИР. Хўш?!

ОДИЛ (ҳазилга бурмоқчи бўлиб). Икки қўлинг бўш.

Уктам Соқининг устига бостириб боради, Соқи эса юзини четга буриб орқага тисарилади.

УКТАМ. Бизнинг тўрт ойлик иш ҳақини...

У Одилга хезланади, унга қараб юради.

УКТАМ. Юз миллион пулни...

У яна Соқига юзланади.

УКТАМ. Соқи паққос еб қўйган!

ЗОКИР. А?!

Ҳамма. Йўғ-ей!

ЗОКИР. Мундай тушунтириб гапир!

Унинг сабри чидамай Уктамга яқинлашади.

УКТАМ. Соқи ўқитувчиларнинг юз миллион пулини тижоратчиларга айлантириш учун бериб юборган!

ЗОКИР. Ваҳима қилма!

ОДИЛ. Шунга айт.

Соқи дўстлар ўзаро тортишиб турганда секин сирғалиб чиқиб кетади.

РУСТАМ. Қайси юрак билан шу ишни қилади?

ОДИЛ. Бўлмаган гап.

ЗУХРА. Биз шунинг учун пул ололмаямизми?

УКТАМ. Шунинг учун.

ЗУХРА. Вой ярамас-ей!

УКТАМ. Соқи катта ҳеч иккиланмай бизнинг кўзимизни ўяди, элнинг кўзини ўяди!

РУСТАМ. Епирай! Элдин, юртдан уялмайдами?

УКТАМ. Ана сенга фелъетон учун далил!

ЗОКИР. Шунинг газетаси фелъетон берармиди? Агар шу гап рост бўлса, Соқи, сени шу қўлларим билан гиппа бўғиб ўлдираман!

У Соқига ташланмоқчи, аммо Соқини топа олмай қўли кўтарилганча қолади.

УКТАМ. Рустам, бу тўрт ойда биз чеккан азобни айтмайсанми, пули борнинг юзи ёруғ, пули йўқнинг юзи чориқ! Бола-чақа олдида юзимиз шувит! Хайрият, бир тиррақи сигиримиз бор экан, шунга эмиб зўрға кун кўрдик. Нима қилай, ташлаб кетай десам шу касбиз ҳаётимни ҳеч тасаввур қилолмайман. "Ассалому алайкум, муаллим!", деган гапни эшитсам етмиш икки томирим яйраб кетади. Севган касбимни ташлаб кета олмайман. Кечаси хотин, бола-чақамдан яшириниб узоқ бир маҳалладаги одамниқига бориб жувозкашлик қилдим, жувоз тўхтаганда мардикорлик қилдим, кечаси ишлаб кундузи дарс бердим.

ЗОКИР. Ойлик ололмагач, не бир ўқитувчилар, не бир талантли устолар мактабни ташлаб ўзини бозорга урди! Қани у ахла?

УКТАМ. Қочиб кетди.

ЗОКИР. Ҳап сеними?

ЗУХРА. Бизларни шунча чирқиратсанг, сенга ҳам боққан бало бордур, Соқи катта!

РУСТАМ. (Одилга қараб). Наҳотки, шу гап рост бўлса, Одил?!

Одил индамайди.

ЗОКИР (даргазаб ҳолда Одилга яқинлашиб). Сендан сўраяпти, Одил, жавоб бер!

ОДИЛ (елка қисиб) Билмасам, мен кичик бир боғчада ишласам!

УКТАМ. Балони биласан! Соқи билан тижоратчи ўртасида қўшмачилик қиласану, билмайсанми?

ОДИЛ. Тўхмат қилманг, синфдош!

ЗОКИР. Сендақа синфдошдан ўргилдим!

УКТАМ. Хўш, Соқи катта ниманинг ҳисобига неварасигача уй қуриб қўйди? Ниманинг ҳисобига фаввора отилиб турган қўшқаватли уй қурди? Ниманинг ҳисобига қўш-қўш машиналар сотиб олди? Нима, унинг заводи борми? Ё бир қорхонаси борми? Миллион-миллион фойда келтирадиган? Бариси таълим газнасини ўмариш ҳисобига, болаларнинг, норасида гўдакларнинг – Ўзбекистон келажагининг нонини яримта қилиш ҳисобига!

Таълим газнасини ўмараётгани етмагандек, энди ўқитувчининг она сугидан ҳалол пулига кўз олайтирса-я?! Бу ўқитувчининг кўзини ўйиш эмас, балки элнинг кўзини ўйиш, келажаkning кўзини ўйиш!

РУСТАМ. Одил, агар шу гап рост бўлса...

ЗОКИР. Уктам миш-мишни гапирадиган йигит эмас!

ЗУХРА. Тўғри, Уктамни биласан-ку!

МАТЛУБА. Мен ҳам баъзи бир гапларни эшитган эдим, аммо ишонмаган эдим.

РУСТАМ. ...рост бўлса, сенларни аямай фош қилиб ташлайман, фелъетон ёзаман!

ЗОКИР. Буларнинг иши фақат шунга лойиқ.

УКТАМ. Соқининг кирдикори бир фелъетонга сифмайди.

ОДИЛ. Менга нима дейсанлар, фелъхайронбетон

ёзсанг, ёзавермайсанми?

МАТЛУБА. Фош қилганингда нима бўларди? Ҳисобчи билан газначи қамалади, Соқи катта бошқа бир ишга ўтади.

ОДИЛ. Шунга айт.

МАТЛУБА. Яхшиси уни инсофга чақириш керак.

ЗОКИР. Инсофсиздан инсоф сўраш—ўликдан кафан сўраш!

Одил ўйланади. Рустамга яқинлашиб тўхтабди. Рустам эса унга нафрат билан боқади.

РУСТАМ. Бор макр-ҳийла, фириб, шумликни жуҳудга чиқарган, десан, сенлар ҳам анойи эмассанлар.

УКТАМ. Ҳа, оғайни, соддалик курсин, соддалик. Бу дунё олғир муғомбирларнинг дунёси экан! Содда бўлма, шум бўл, дунё сеники!

Ўқитувчининг юз миллион пулини тижоратчига бериб чўнтагига ўн миллион пул кираверадию биз бечора соддалар алҳол ўтиш даври, катталаримизга ҳам қийин ахир, деб бетимиз чориқ бўлиб ўтирибмиз. Ана олғирлик, ана ишбилармонлик!

ЗОКИР. Бунақаларни кўтариш керак!

УКТАМ. Оҳ, вилоятга мудир қилиб қўйса борми? Ўқитувчиман деган соддани чирқиратиб, бир миллиардни айлантиришавериб чўнтагига юз миллион кираверди!

ЗОКИР. Ана тadbиркорлик! Шум одам мудом иззатдаю ақлли, мард одам бир четда!

УКТАМ. Анави боғчаларга озиқ-овқат тарқатадиган Исроилнинг юришини қара! Димоғ осмонда, қорин хумдек, тагида тўртта етти рақамли «Мерседес»! Одамни одаммисан, демайди.

ЗУҲРА. Ҳа-я, ниманга мунча кериласан?

ЗОКИР. Боғча болаларининг нонини яримта қилаётганига керилади-да!

УКТАМ. Аравани от тортар, хузурини ит кўрар! У адолатсизликни кўз-кўз қилаётганига керилади!

РУСТАМ. Булар келажакнинг илдизига тушган курт!

УКТАМ. Минг бир азоб, халқнинг пешона тери ҳисоби билан йиғиладиган таълим газнаси, муқаддас газна, келажак газнаси булар учун соғин сигир, бузоқ бўлиб бу бечора сигирнинг тўрт эмчагини ҳам эмади, қана бўлиб қонини ҳам сўради!

РУСТАМ. Тавба, таълим каттаси бола келажаги учун қайғуриш ўрнига бор фикри-зикри таълим газнасини ўмарош билан банд бўлса!

УКТАМ. Афсуски, таълим-тарбия билан юзаки, хўжақўрсинга шуғулланади, зимдан ўмарош пайида!

Одилга қарайди.

УЛУҒ (*ҳовлиқиб киради*). Одил амаки, тез юринг, дадамни ит қоғиб олди!

ОДИЛ. А?!

ЗОКИР. Соқининг ўғлимисан?

УЛУҒ. Ҳа!

ЗОКИР. Қоплон боғлиқ эдию!

УЛУҒ. Икром поччанингни Олапари қоғибди!

ЗОКИР. Ё тавба, итни ит қоғибдими?

УКТАМ. Гапимиз ёқмай қочиб кетаётганда қоғиб олганда. Дарҳол ўғрини таниганини қара!

Кулишади.

ОДИЛ. Поччангнинг ити юввош эдию?

УЛУҒ. Тўрага эргашиб келиб дарвоза олдида турган экан.

ЗУҲРА. Мен Соқи катта бўламан, нега салом бермайсан, деб бир тепган экан, тишлаб олибди!

Кулишади.

ЗОКИР. Ишқилиб итнинг тиши синмабдими?

Кулишади.

УКТАМ. Бир марта синган-ку!

Кулишади.

МАТЛУБА. Вой, ёмон тишлабдими?

Улуғ елка қисади.

ЗУҲРА. Ишқилиб ит кутурган бўлсин-да!

РУСТАМ.

Бировнинг итидан бўлгил эҳтиёт,

Ўзингники бўлса бошқа гап!

Яна кулишади.

ОДИЛ. Даданг уйдами?

УЛУҒ. Ҳа.

ОДИЛ. Мен борай-чи?

УКТАМ. Ҳа, сен тезроқ бор!

Кулишади. Одил билан Улуғ чиқишади.

МАТЛУБА. Юринлар, биз ҳам бечора каттанингни ҳолидан хабар олайлик.

ЗУҲРА. Баҳонада инсофга чақирамиз.

МАТЛУБА. Шояд жиндек бўлса ҳам виждони уйғонса! Кўзи очилса!

ЗОКИР. Индамасанг калча, келолмас ўз ҳолича!

Уктам юзини тескари буради, ўйланиб қолади, сўнг дўстларига юзланади, юзи хиёл ёришади.

УКТАМ. Тўхтанлар, у бизларни шунча қийнадими, биз ҳам бир бошлайлик!

МАТЛУБА. Қандай?

УКТАМ. Ҳозир айтаман.

РУСТАМ. Боргунмизча касалхонага кетиб қолар!

ЗОКИР. Нима деяпсан? Соқи касалхонада эмас, балки қимирламай уйда ётади, уни кўргани келган директору мудирларнинг олиб келган неъматларини босиб ейди, сўнг уларга қиммат-қиммат дориларнинг рўйхатини беради, бу дориларни куёвининг дорихонасида сотириб пулини чўнтагига уради. Бир боғчанингни Раъно деган ҳамшираси бор, эрта-кеч хизматида бўлади.

МАТЛУБА. Бизнинг қоқижон шунақа!

ЗОКИР. Кимнинг ити қоғиб олибди?

ЗУҲРА. Икром поччасининг ити.

УКТАМ. Поччасининг ити қайнисини танимас экан-да!

Кулишади.

МАТЛУБА. Соқи катта поччасини мирласа экан.

УКТАМ. Ҳим... энди менга кулоқ солинлар. Бургани тутиш учун бармоқни хўлаш керак. Ҳим... Зокир, сен Икром акага айтиб итни бошқа бир жойга ёки ўзингникига боғлаб қўясан. **ЗУҲРА** иккимиз театрда кириб чиқамиз, Ҳа. Итни кутурган экан, деймиз. Яқинроқ келинлар!

Ҳамма Уктамга яқинлашади, у пичирлаб нималардир дейди. Бошқалар кулиб юборишади.

Чиқишади.

ИККИНЧИ КЎРИНИШ

Соқининг ҳовлиси. Ҳовли сатҳининг йўлагига гилам поёндозлар тўшалган. Айвонга қимматбаҳо мебеллар қўйилган, диванда Соқи узала тушиб ётибди. Атрофда бир неча креслолар. Раъно Соқига укол қияпти. Гулруҳ лаганда олма, анор, узум, банан терилган чинни товоқни креслолар ёнидаги столчага қўйиб чиқади.

ГУЛРУҲ. (*чиқа туриб*) Раъно, мен сартарошга кетдим. Улуғ билан Одил киришади.

Одил ҳансираганча Соқининг бошига келади.

ОДИЛ. Тинчликми, яхшимисиз Соқи ака?

Раъно иптрици ҳовончага солиб диван ёнидаги столчага қўяди. Соқи индамай Одилга қарайди.

РАЪНО. Лаънати ит дарвозалари олдида турган экан, бир тепаман, десалар тишлаб олибди-да!

ОДИЛ. О, падар лаънати-ей!

РАЪНО. Тиши сал ботибди-да қуруғурни, кейин қонабди. Унчалик ёмон эмас.

ОДИЛ. Хайрият-ей.

Улуғ бир зум даласига қараб туради-да сўнг ичкарига киради.

ОДИЛ (*Соқига яқин жойдаги креслога ўтириб*). Уфф... ўша Уктам жинни асабингизга тегмаганида, бу кўргилик йўқ эди. Соқи индамайди, фақат яна нима гаплар бўлди, дегандек Одилга қарайди.

ОДИЛ. Бари гапни ўша Уктам бошлади, у тафтишчи бўлмаса, ким унга касса ҳужжатини кўрсатарди. Қаёқдандир ис билган-да, занғар!

Соқининг ранги ўзгаради, бошини кўтаради, оёгини дивандан тушириб бетоқат бир ҳолда ўтиради.

РАЪНО. Вой шўрим, пул берганларингни билиб қолибдими?

Соқи жаҳлланиб юзини терс буради.

ОДИЛ. Ҳа, идорага борган экан, кимдир шипшитган.

РАЪНО. Вой, энди нима бўлади?

ОДИЛ. Нима бўларди, ҳеч нарса! Соқи акам соғ



бўлсалар бўлди. Ўқтамнинг қўлидан нима иш келарди.
РАЪНО. Прокурорга ёзиб берса-я!

Соқи ўрнидан туриб кетади, ух тортади.

ОДИЛ. Ундай қилмас. Ким унга ўргатдийкин?

РАЪНО. Бу гап ўша котибадан чиққан. Соқи аканинг олдида ким борса ўшанга бир суйкалиб олади. Уни бўшатворинг, деб Соқи акага неча марта айтдим. Кулоқ солмадилар. Мана оқибат.

Соқи Раънонинг гапига унча эътибор бермайди, «давом эт» дегандек Одилга қарайди.

ОДИЛ. Зокир ҳам дарҳол Ўқтамга қўшилиб олди, бир пайт мен Соқини бўғиб ўлдираман деб, менга ташланиб қолса бўладими?

Соқи сесканиб тушади, ранги бўзарлади.

ОДИЛ. Худди қутурган итга ўхшайди. Анави мухбирнинг чиранганини айтмайсизми? А, сен кимсан ўзи? Прокурормисан? Ҳоқиммисан. Не бир катталарнинг биз билан иши йўғ-у, бу акамнинг ҳовлиққанига ўлайми? Бор-йўғи бир мухбир бўлсан! Номии улуғ, супраси қуруқ! Шунга, айтса керак-да.

Амал берсанг нодонга,

Ўзин урар ҳар ёнга, деб.

Фелъетон ёзмаган, фош қиламан эмиш!

Соқи Одилга қараб ранги оқарганча ўйланиб қолади.

Оғриқ азоб бераётгандек афтини бужмайтиради.

РАЪНО (Соқиға яқинлашиб) Нима қилай, Соқи ака? Оғриқтими?

ОДИЛ. Сизни қопган ўша итни отиб ўлдирмасам, ит бўлай!

СОҚИ (афтини бужмайтириб, йиғлагудек бўлиб) Ит... ит... Итни қўя тур. Пул қани!..

ОДИЛ. Ийгирма миллионни келинга бердим-ку!

Соқи жаҳланиб бошини сарак-сарак қилади.

РАЪНО Фойизини эмас, икки юз миллионни сўраяптилар!

Соқи бошини қимирлатиб маъқуллайди.

ОДИЛ (меровланиб) Ҳа, у пулни? Келади, келади...

Соқи унга бегоналик билан тикилади.

РАЪНО Қачон?

Соқи бошини қимирлатиб маъқуллайди.

ОДИЛ. Келади.

РАЪНО Қачон? Ўша пуддан хавотирланыптилар!

ОДИЛ (бошини қашиб) Хўп, хўп, хўп! Ахир тижоратчилар келишсин. Келишилган муддатдан атиги бир ҳафта ўтдию. Улар мол олиб келгани Россияга кетишган экан.

Соқи унга бақрайиб қараб қолади.

Одил ўнғайсизланади, чиқишга ҳаракат қилади.

ОДИЛ. Мен улар билан яна бир телефонда гаплашиб келай. Тезлатинлар, дейман!

Одил шошиб чиқади. Соқи унинг орқасидан тикилиб қолади, бетини бужмайтириб бошини ушлайди. Раъно тезгина унинг ёнига бориб етаклаб келиб диванга ётқизади.

РАЪНО. Узоққа кетибди-да, бу тижоратчилар!

Дарвоза тақиллайди. Соқи чўчиб тушади, диванга ўтиради. Дарвоза томондан гала-ғовур эшитилади. Раъно дарвозага қараб юриб етиб бормасдан Зокир билан Матлубани кўриб орқага қайтади.

РАЪНО. Келинлар.

Зокир чўнтагиндан пиёз чиқариб Матлубага беради. Матлуба пиёзни кўзига суркайди, қайтариб Зокирға беради, Зокир уни бир четга ирғитиб юборади.

Матлуба изиллаб йиғлаб бориб ҳайрон бўлиб қолган Соқини қучоқлайди, икки бетидан чўлтирлатиб ўпади.

МАТЛУБА. О, бу қандай кўргулик?! Севгилим, ўша лаънати қутурган ит сени қопгунча мени қопса бўлмасмиди?!

У кўз ёшларини рўмолчасига артади, иккиланиб йиғлайди. Энди Зокир йиғи беради. Соқи унга тикилади.

ЗОКИР. (қучоқлаб кўришади).

Соқижон дўстим.

Кўзим кўр бўлсин сени кўргунча мундоқ,

Кесилсин тил, сени сўргунча мундоқ!

А, падарлаънати бу ит келиб-келиб, сени — Соқи катгани қопадими? Сени, сени-я! Мени қопмайдими, ҳеч бўлмаса тишига эт илинарди! У ит бешак қутурган!

Соқи индамай бир Зокирға, бир Матлубага қарайди, кўзлари жовдирайди.

О-о-о, Соқижон, қутурган итга ўқиладиган рад дуосини билмасмидинг? Уша итга қараб «сунмўн, бўкмун, имийўн орахум ло аржун, суф-суфф» десанг тамом, қутурган бўлса-да, сенга тегмасди, о, бечора!

МАТЛУБА. (кўз ёшларини рўмолчасига арта-арта) Соқижон, балки тузалиб қоларсан, балки тузалмасан, ким билади? Итни қутурибди дейишяпти. Аллоҳ ўзи асрасин!

Соқининг кўзлари олайиб кетади.

МАТЛУБА. Мабодо тузалмасанг, дардим ичимда кетмасин. Мен учрашувга сени деб келувдим. Сени кўрсам юрагим куёшланади, жонимга жон киради. Энди беш болали, тўртта неваралик бўлганимда, сочим оқ, юзим ажин, тишларим протез бўлганида икромимини эшита қол! Ахир, севги қаримас, армони дилдан аримас! Сенда кўнглим бор эди. Сенинг катта амалдор бўлишингни ўша туғилган кунимда қалайи узук олиб берганингдан сезган эдим. Аммо сен тортинчоқлик қилидинг. Ушанда бостириб-бостириб совчи қўйсанг ўлармидинг. Энди учрашувга келиб висолингга тўяй, десам анови қутурмай ҳар ҳар нарса бўлгур ит орага фироқ солиб ўтирибди.

Соқи хўрсинади, бошини уёқ-бу ёққа буради.

МАТЛУБА. Оҳ, агар ит қопмаганда етим бўлган муҳаббатим ҳақи суйиб-суйиб кўксингга бош кўярдим. Энди эса кўрқаман. Қутуриш менга ҳам ўтиб қолмасин.

ЗОКИР. Сендек катта қутурса биз қандай кун кўрамиз, Соқи!

МАТЛУБА. Оҳ, менинг севгилим қутурса мен қандай чидайман!

Соқи жовдирайди, дарвоза тақиллайди, Соқи чўчиб тушади. Оқ халат кийган, қора кўзойнак таққан киши, қўлида қутича кўтарган, оғзига маска тутган, кўзлари зўрға кўришиб турган жувон билан бирга киришади.

ХАЛАТЛИ КИШИ (уйга ҳовлига қараб) Итга қопдирадиган одамнинг уйига ўхшамайдию! Итни бу одам қопган бўлса ажаб эмас.

Халатли киши сўнг тўғри Соқининг устига бостириб боради. Соқи ўзини орқага ташайди.

ХАЛАТЛИ КИШИ. Соқи Шоди ўғли сиз бўлсангиз керак, ҳойнаҳой!

ЗОКИР. Худди шундай, тақсир!

ХАЛАТЛИ КИШИ. (атрофдагиларга назар ташлаб, виқор билан) Биз қутуришга қарши кураш диспансериданмиз.

РАЪНО. Эй, хабар бермаган эдик-ку!

ХАЛАТЛИ КИШИ. Нега хабар бермадингиз? Сиз кимсиз ўзи? Хотинимсиз? Аммо жа ёшсиз-у, момақаймоқ!

РАЪНО. Йўқ, мен ҳамшира!

ХАЛАТЛИ КИШИ. (сачраб тушади) Ҳамшира?!

РАЪНО. Ҳа, ҳамшира.

ХАЛАТЛИ КИШИ. Ҳамшира бўла туриб нега ит қопганини яширдингиз, ахир бу жиноят! Шундай катта амалдорни ит қопади, ҳамма ёққа шов-шув тарқалади, сиз яширасиз, биз кўчадан эшитиб келамиз. Яна такрор айтаман, бу жиноят? Қаерда ишлайсиз ўзи?

РАЪНО. Боғчада.

ХАЛАТЛИ КИШИ. Тамом, эртадан бошлаб боғчада ишлайсиз! Вилоятдаги раҳбарингизга бугуноқ рапорт ёзмаган, момақаймоқ!

РАЪНО. Соқи акамнинг ўзлари илтимос қилган эдилар.

ХАЛАТЛИ КИШИ. Касал одам илтимос қилса қилаверади-да! Бунинг устига қутурганликда гумон қилинъяпти!

Соқи безовталанади, типирчилайди.

Ит қутурган бўлса, итдан қутуриш бу кишига, бу кишидан бола-чақасига, бола-чақасидан бутун қишлоққа юқса! Биласизми, нима бўлади?! Бутун қишлоқ аҳлини куйдириб кул қилинади. Бунга ким айбдор? Сиз айбдор бўласиз!

РАЪНО. Ахир, Соқи акам соғлар-ку!

ХАЛАТЛИ КИШИ. Мутлақо соғлигини, қутуриш юқмаганлигини қаёқдан биласиз? Ўнта сиздақа саводсиз ҳамшира бўлса, бутун туман қутуриб кетади! (Соқининг оёғини кўради) Чатоқ, йиринглай бошлабди.

РАЪНО. Ахир...

ХАЛАТЛИ КИШИ. Нима ахир?

Халатли киши қўлидан ушлаб, Соқини ўрнидан

турғизади, атрофини айланчи кўради.

ХАЛАТЛИ КИШИ. Менинг назаримда бу кишида хавфли касалликнинг аломатлари бор.

Соқининг юраги така-пука бўлади.

Халатли киши унга қараб бирдан оғзидан буғ чиқариб «ухх» дейди. Соқи кўрқиб ўзини бугдан олиб қочади.

ХАЛАТЛИ КИШИ. Биринчи текширув гумонда тасдиқланмоқда. Кутуриш юққан киши бугдан кўрқади.

Халатли киши чўнтагидан фонар чиқариб бирдан ёқиб Соқининг кўзига тутади.

Соқи типирчилаб қолади.

ХАЛАТЛИ КИШИ. Иккинчи текширув ҳам гумонни тасдиқламоқда!

Кутуриш юққан киши шуъладан юраги ёрилади.

ЗОКИР. У илгари ҳам нурдан кўрқарди.

МАТЛУБА. Ҳа, шундай.

ХАЛАТЛИ КИШИ. Кўрамиз, сув олиб келинг.

Раъно графиндаги сувдан қуйиб пиёлани халатли кишига узатади. Халатли киши сувни Соқига яқинлаштиради. Соқи қочади.

ХАЛАТЛИ КИШИ. Ана, бу ҳам тасдиқ! Кутурган киши сувдан ўлгудек кўрқади, кутуриб ҳамма ёқни остин-устин қилиб, девдек кучли бўлиб кўринган нарсани ғажиб ташлаётган кимсанинг устидан бир челақ сув қуйиб юборсанг, тамом, юраги тўхтади-қолади!

ЗОКИР. Ё раббий!

МАТЛУБА. Бечора.

РАЪНО. Ўзинг сақла.

Соқи уларнинг ҳар бирига тикилади, кўзлари жовдирайди.

ХАЛАТЛИ КИШИ. Тилдан қола бошлагани ҳам чатоқ.

РАЪНО. Соқи акам ўзи кам гапирдилар.

ХАЛАТЛИ КИШИ. Ҳа, маҳмадона экансиз-да, момақаймоқ. Тилдан қолиш билан кам гапиришнинг фарқи бор. Қани гапиринг-чи? Отингиз нима!

Соқи индамайди, узоқларга боқади, хаёл суради, бу ҳол соғлом хаёл суриш балки теббанамо талмовсирашга ўхшайди. Халатли киши унга синовчан тикилади.

ХАЛАТЛИ КИШИ. Ана, айтмадимми? Кутуриш вируслари нутқ маркази ҳужайраларини кемирмоқда.

Соқи тишларини ғижирлатади, сўнг бирдан бармоқларининг учини тишлай бошлайди.

Ана, кўздаги мутаносиблик ҳам бузилган. Вируслар кўриш марказига ўтаётти. Бу ёққа келинг!

Халатли киши ўзи билан кирган ҳамширага ишора қилади.

Ҳамшира қутичадан болғача олади, халатли киши Соқини ўтқазинини кутиб туради, сўнг болғачани узатади.

ХАЛАТЛИ КИШИ. Қўлларингизни олдинга узатинг.

Соқининг қўллари қалтирайди.

ХАЛАТЛИ КИШИ. Тўширинг. Болғачага қаранг.

Соқи истар-истамас болғачани кузатади.

МАТЛУБА. Бечоранинг ичи қалтираётти, қўли эмас.

ЗОКИР. Шўрлик Соқи!

ХАЛАТЛИ КИШИ. Бурнингизни учини кўрсатинг.

Соқи бурнини ушлаб олади.

ХАЛАТЛИ КИШИ. Йўқ, ундай эмас, кўрсаткич бармоғингизнинг учи билан кўрсатинг.

Соқининг қўли қалтираб кўрсаткич бармоғи бурнининг учидан уёқ-бу ёққа ўтиб кетади.

ХАЛАТЛИ КИШИ. Бурун ҳам Африкага қараб кетиб қолибди-ю!

Тишингизни кўрсатинг.

Соқи тишларини ғижирлатади.

ХАЛАТЛИ КИШИ. (Раънога қараб). Ана аҳвол! Сиз бўлса яшириб ўтирибсиз. Кутурган одамни ҳеч кўрмаганмисиз?

РАЪНО. Йўқ.

ЗОКИР. Вой, мана, мен бир кутурган отни кўрганман. Оғзидан кўлик сачратиб, кишнаб, билакдек келадиган арқонни парча-парча узиб кетди! Вой, унинг кўкка қараб саччиганини кўрсангиз. Кейин шартга отиб ташлашди!

ҲАМШИРА. Қўшнимизнинг қизи Гулёрни кутурган ит қопган экан, билмай, докторга кўрсатишмабди. Бечора бир ҳафтада кутуриб қолди. Қўл-оёғига занжир солиб ертўлага боғлаб қўйишди. Бир маҳал ҳовлида қандайдир марака бўлаётган экан, Гулёр занжирни узиб кетди. Одамлар бир-бирининг устига чиқиб, ур-йиқит қилиб қочиб келишди-ку! Қандай ўлганини билмайман-

у, аммо уни ҳам куйдиришди!

ЗОКИР. (Халатли кишига қараб). Агар одам кутурса уни отишадими, ё сўйишадими?

МАТЛУБА. Ҳа, аввал ўлдириб, кейин куйдиришади, шекилли? Ё биратўла куйдириб ўлдиришадими?

ҲАМШИРА. Тиббиётда ҳозир шунақа усуллар бор-ки...
Соқининг кўзининг пахтаси чиқади, юзи тиришади.

ЗОКИР. Кутуриш пули кўплигидан бўлиши мумкинми?

СОҚИ. (чўчиб тушиб). Пулл?!

Халатли киши унга эътибор бермайди.

ХАЛАТЛИ КИШИ. Ооо! Дунёда пулдан ҳам ифлос нарса борми?

Пул микроб, вирус, инс-жинс, сеҳру макр, фалокату касофатнинг уяси. Соғни тентак, тентакни соғ қиладиган жоду.

СОҚИ. Пул?!

Соқи халатли кишига қараб интилади. Халатли киши унга эътибор бермайди, гапида давом этади, атрофдагилар унга диққат билан тикилишади.

ХАЛАТЛИ КИШИ. Мана, мен умуман пулни ушламайман. Пул машамшасини хотинга топшириб қўйганман. Хотиннинг жони қаттиқ, жон унда қирқта. Биттасига инс-жинс юқса ҳам ҳеч бало қилмас, аммо эркак бечоранинг жони битта!

Шунинг учун пулдан кўрқаман.

СОҚИ. (Раънога қараб) Пул?! Қани?

РАЪНО (секин, қулоғига эгилиб). Келади, келади...

ХАЛАТЛИ КИШИ (уларга кўз қирини ташлаб) Ким келади?

РАЪНО. Йўқ, ўзим...

ХАЛАТЛИ КИШИ. Ҳа, пулни пес ҳам, мохов ҳам ушлайдими? Ушлайди! Ушлаганда ҳам сиқиб, ғижимлаб ушлайди. Бировга бераётганда эса жонини суғуриб бераётгандек қўли қалтираб қайта-қайта санаб, бор ифлосликни кўлига юқтириб берадими? Беради! Бошинга ёғиладиган юз минг бало ҳам шу пулдан!

ЗОКИР. Мабодо пулни еб қўйса-чи?

Соқи кўзи жавдираб бир Зокирга бир халатли кишига қарайди, ўзича «Пул», деб кўяди. Халатли киши эса Зокирнинг саволига жавоб беради.

ХАЛАТЛИ КИШИ. Пулни еб қўйган кимсага наинки кутуриш, мохов юқса ҳам камдир!

МАТЛУБА. Соқижон озгина пул еб қўйган.

Халатли киши сачраб тушади.

Матлубага яқинлашади.

ХАЛАТЛИ КИШИ. Нима дедингиз?

МАТЛУБА. Ҳа, Соқижон муаллимларнинг озгина пулини еб қўйган!

ХАЛАТЛИ КИШИ. Алҳазар! Ё алҳазар! (Соқининг атрофини бир айланади. Соқи у ёққа ўтса ўша ёққа бурилиб қарайди). Бу қанақа очофатлик! Унда кутуриш бу зоти олийда ит қопмасдан илгари ҳам бўлган.

ҲАМШИРА. Итдан бу кишига эмас, балки бу кишидан кутуриш ита юққан.

ХАЛАТЛИ КИШИ. Балким, балким...

Соқи бошини чайқаб тебранади.

ХАЛАТЛИ КИШИ. Дарвоқе, ит қани?

У ваҳима билан Соқининг устига бостириб боради.

РАЪНО Ит йўқ.

ХАЛАТЛИ КИШИ. (ваҳимали овозда) Алҳазар, дайди ит қопганми?

РАЪНО. Йўқ, поччаларининг ити!

ХАЛАТЛИ КИШИ. (бир сачраб тушиб). Ё алҳазар, ўзининг ити эмас, балки бировнинг ити қопганми? Ё алҳазар! Қани ўша ит?!

МАТЛУБА. Бировнинг ити, ҳа...

ЗОКИР. Поччаси ўша итни топа олмаяпти!

ХАЛАТЛИ КИШИ. Ё алҳазар! Эй момақаймоқ! Сиз нима қилиб ўтирибсиз кучукни топмай? Шунақа ҳам саводсиз ҳамшира бўласизми? Ахир, у итни ушлаб келиб мана бу итнинг (Соқини кўрсатади) тоис, ит қопган одамнинг ёнига боғлаб қўйиш керак. Беш-олти кун кузатиш зарур! Ҳе, сендақа...

ХАЛАТЛИ КИШИ. (Зокирга бурилади) Ит қанақа ўзи?

ЗОКИР. Ола, олапар.

ХАЛАТЛИ КИШИ. Эй, (қўлини силтайд) мен



сиздан рангини эмас, авзойини сўраяпман!

ЗОКИР. Ким билади, мудом очиқ юради, ҳеч кимни қопмаган, аммо бирданига Соқини қошиб олибди!

ХАЛАТЛИ КИШИ. *(Раънога зарда билан қаради).* Ана, ана!

ЗОКИР. Мен Икром акага айтдим, итингизга ҳам гўшт берманг деб.

ХАЛАТЛИ КИШИ. А?! Ҳафтада бир парча гўшт емайдиған сон мингтаю у киши итига гўшт берадими? **ЗОКИР.** Қассоб ажратган без, лаш-лушларини...

ХАЛАТЛИ КИШИ. Оҳ, бу ёмон, айнан ана шунақа лаш-лушларини еган ит тез қутуради.

Соқининг кўзи ички бир ваҳима билан ола-кула бўлади.

ХАЛАТЛИ КИШИ. Итни албатта топиб қўйинглр! Оҳ, ёмон!

Халатли киши, ҳамшира, унинг орқасидан Зокир, Матлуба чиқишади. Раъно билан Соқи қолишади. Соқи у бурчакка қараб юради, оғир қадамлаб бу бурчак томон юради, овоз келади.

ХАЛАТЛИ КИШИНING ОВОЗИ. «Оҳ бу ёмон, айнан ана шунақа лаш-лушларни еган ит тез қутуради!» Соқи бошини чангаллади.

Аввал бу бурчакка бориб узоққа тикилади, бу бурчакка бориб узоққа тикилади, нигоҳи совуқ тус олади, бирдан тишларини гижирлатади.

МАТЛУБАНИНГ ОВОЗИ. Оҳ, менинг севгилим кутурса мен қандай чидайман!

ХАЛАТЛИ КИШИНING ОВОЗИ. Оҳ, бу ёмон, айнан ана шунақа лаш-лушларни еган ит тез қутуради. Итни ушлаб келиб ит қопган одамнинг ёнига боғлаб қўйиш керак. Беш-олти кун кузатиш зарур!

УЧИНЧИ КЎРИНИШ

Икром эскироқ тўн кийиб, белини чилвир билан боғлаб, эски дўппсини кийиб тоғорада терт қормоқда. Новвоснинг мўърагани эшитилади. Йўл-йўл пижама кийган Соқи киради. Икром унга бошдан-оёқ разм солади.

ИКРОМ. Ия, қайним, келинг.

Соқи индамай келиб қўлини узатади. Икром билагини тутади.

СОҚИ. Итингиз қани?

ИКРОМ. Ийе, Худо инсоф бериб, бизни кўргани келибсанми, деб суйинсам, итни йўқлаб келувдингни?

СОҚИ. Итингиз олами?..

ИКРОМ. Ҳа, ола.

СОҚИ ...

ИКРОМ. Нима қилди? Рангинг чиқмай юрарди, нима бало, табиб ит гўшти буюрдими?

СОҚИ. ...

ИКРОМ. Табиб адашибди, сенинг ичинга гавдаси ўзингдек аждаҳо кириб олган. Ит гўшти билан тузалмайсан, унча-мунча захар кор қилмайди.

СОҚИ. Итингиз мени қопди.

ИКРОМ. «Мени қопди», ҳа-ҳа! Қопмаган, тоғаси билан ўпишиб кўришган!

СОҚИ. *(ҳунуби ошиб).* Ит қаёқда?

ИКРОМ. *(ўйланиб)* Ким билади.

СОҚИ. Узи яхшими?

Икром унга ҳайрон бўлиб қарайди, атрәфида ярим айланади.

ИКРОМ *(ёқасини ушлаб).* Тавба, тавбагинангдан кетай. Димоғинг шишиб, фақат катталар билан бориш-келиш қиладиган биздақаларни оёқ учиде кўрсатадиган, кимсан Соқи катта келиб-келиб итимдан ҳол сўраяпсанми?! Тузук, тузук, энди тенгингни топибсан, қариндошингни топибсан. Ҳа, ҳа, сен ҳам ит юнгини ёстиғига қараб силайдиган бечора бўлиб қоларсан-ку!

СОҚИ. Ит, ит...

ИКРОМ *(унга терс бурилиб).* Билмадим, билмадим, аммо бир-икки кундан бери хешингнинг кўзи сал бежо.

Соқи сергакланади, хўрсинади.

ИКРОМ. Ҳа, кўзи бежо! Одамга буйтиб қарайди!

Икром кўзини сузиб Соқини шохлагудек бўлади. Соқи орқага тисарилади, новвос мўърайди. Икром тоғорани кўтариб чиқади.

Соқи унинг орқасидан ғазабланиб қараб қолади,

афтини буриштириб у ёқ-бу ёққа юради. Икром киради. ИКРОМ. (узича).

Хўш, новвосим, хўш,

Тезроқ бўлгин гўшт.

Тўранинг ўқиш пулига,

Сен ярайсан хўш!

СОҚИ. Пул?! Пуллл... Мен бераман, пуллл...

ИКРОМ. Йўқ, итни сенга сотмайман.

СОҚИ. Ит мендан афзалми?

ИКРОМ. Албатта афзал! Опанга кўшилиб мени талаганингда шу ит менинг халоскорим бўлган эди. Сен ўшанда «Опа, эр рози, худо рози, эрингиздан баланд келаман, деб катта кетманг, поччамни бадном қилманг, бир йигитчалик қилиб қўйибди-да!» демасдан бошимга эллиқбошини етаклаб келдинг. Аҳмоққина эр-хотин орасига тушади. Нима фойда кўрдинг? Мен сени итимчалик олмайман!

Тўғри, сенинг пулинг кўп, аммо мендан камбағалсан, чунки сенинг кўзинг оч! Менинг пулим кам, аммо сендан бойман, чунки менинг кўзим тўқ!

Тур жўна, қутуриб ўлмасанг, мен рози эмасман!

СОҚИ *(чиқиб кета туриб).* Оттираман!

ИКРОМ. Оттириб бўпсан, ҳадемай қутурасан, ўшанда ўзингни отишади. Пақ-пақ...

Икром қўлини тўппонча қилиб Соқини қувади.

Соқи қочиб чиқади.

ТЎРТИНЧИ КЎРИНИШ

Соқининг ҳовлиси, Фаввора тўхтаган. Раъно диванда ястаниб ўтирибди. Соқи бемажол, оёғини судраб босиб киради. Раъно ирғиб туриб унга қараб юради. Соқининг авзойига қараб ўйланади.

РАЪНО. Итни ушлаб келмадингизми?

Соқи жим.

РАЪНО Вой, итни албатта топиш керак!

СОҚИ. Одил...

РАЪНО. Уша кетганича дараги йўқ.

Соқи бошини ушлаб креслога зўрға етиб бориб ўтиради.

РАЪНО. Қутуришнинг давоси йўқ экан!

СОҚИ. А?!

Соқи пешонасини сиқади.

РАЪНО. Бош врач айтдики, албатта итни ушлаб боғлаб қўйиб кузатиш керак...

СОҚИ. А?!

Раъно Соқига яқин боради.

РАЪНО. Агар уч кунда ит ўзгарса...

Раъно кўрсаткич бармоғини Соқига тўғрилайди.

РАЪНО. ...ўзгарса, шартта киндигингиздан укол қилиш керак!

У кўрсаткич бармоғини бигиз қилиб Соқининг киндигига тўғрилайди, Соқи чўчиб тушиб, ўзини орқага ташлайди. Итнинг ҳургани эшитилади, ўша томонга қарайди. Зебо киради, бир Соқига, бир Раънога қараб туриб қолади, сўнг кўзини ишқаб Соқига яқинлашади, аммо кўришмайди.

ЗЕБО. Вай, укажон! Туппа-тузуксан-ку! Вой, бу одамлар оёғи билан эмас, оғзи билан юради. Вой ҳамма: «Соқи катта қутурганмиш, оғзидан кўпик сачратиб ириллаганмиш, қўл-оёғини занжир билан боғлаб қўйишибди», деб ваҳима қилиб юрибди! Буни эшитиб чопиб келавердим. А, тузуксан-ку!

Бир Соқига, бир Раънога қарайди.

ЗЕБО. Нега индамайсан?

РАЪНО Сизнинг итингиз қошиб олибди!

ЗЕБО. Ҳа, Олапар ўлсин-а! Одам боласини тишламас эди-ку! Бу қўни-қўшни боласи ҳали бири хўтик қилиб минади, ҳали бири оғзига оғзини қўйиб ўтиради. Ҳеч бирага тишини тегизмаган Олапар қандай қошибди?

Соқига тикилиб қолади.

ЗЕБО. Бечора укам, жуда қўрқибсан-да! Рангингни олдириб қўйибсан, қўрқма, мана, жиянларингни ҳам қўшнларингни ити қошиб олган, шартга ўша итингни жунидан олиб қўйдириб, тишлаган жойига босаман, кўрмагандек бўлиб кетади!

РАЪНО. Жунидан қўйдириб босайлик, десак итингиз йўқ-ку!

ЗЕБО. Олапарми?

РАЪНО Олапар, ҳа Олапар!

Соқи опасига умид билан боқади.

ЗЕБО. Олапар юрувдию...

У ўиланади, эслашга ҳаракат қилади.

ЗЕБО. Аммо кечадан бери кўрмадим, ҳим...

Соқи ҳафсаласи пир бўлиб хўрсинади, унга қўшилиб

Раъно «ухх» тортади.

ЗЕБО. Ҳай, айланай, ҳозир анави, илакишадиган вақтию... Бу Олапар ҳам жа Дон Жуан. Шунақа вақти икки-уч кунлаб йўқолиб кетади.

Соқи сал ўзига келгандек бўлади.

ЗЕБО (ўйланиб). Ҳай, ука, менга қара! Мана мен йигирма йилдан бери боғчада усулчиман. Телевизорда кўриб, китобда ўқиб, жапанча усул дейсанми, ўрчисча усулими, сув қилиб юборганман. Менга шу битта боғчани берсанг. Бола деганни булбулдек бийрон, жайрондек чаққон, заковатчилардек доно қилиб чиқармасам, отимни бошқа кўяман!

У завқланиб у ёқдан бу ёққа юради. Соқи тескари қарайди. Раъно кулади.

РАЪНО. Қайси боғчани олмоқчисиз ўзингизча!

Зебо тўхтаб унга қарайди, сўнг укасига боқади.

ЗЕБО. Биринчи боғчани!

Соқи опасига бир қарайдию бошини юқорига кўтаради.

Опаси ҳам ўша ёққа қарайди.

РАЪНО. Эй, биласизми, у боғча мудираси анави каттанинг одами-ку!

ЗЕБО. Ҳааа... Бўлмаса иккинчи боғчани!

Зебо умид билан укасига боқади.

Соқи бошини сарак қилиб ўнга буради. Зебо унинг ҳаракатини тушунмай Раънога қарайди.

РАЪНО. Иккинчи боғча уникию.

ЗЕБО. Узинг ким?

РАЪНО. Туман ҳокими.

ЗЕБО. (ўйланиб). Ҳааа... Унда учинчи боғчани!

Соқи бошини чайқайди, сўнг чапга буради. Зебо ҳайрон бўлиб яна Раънога боқади.

РАЪНО. Эҳ-ей, у боғча уникию.

ЗЕБО. Унинг ким?

РАЪНО. Прокурор.

ЗЕБО. Ҳаа, прокурорникими?

РАЪНО. Узингиз биласиз-ку!

ЗЕБО. Ҳаа... бўлмаса тўртинчи боғчани!

Соқи қовоғини уяди, пастга қарайди. Зебо бир укасига, бир Раънога тикилади.

РАЪНО. У боғча манавиникию!

ЗЕБО. Манави?! Манавинг ким?

РАЪНО. (бўйнига сиртмоқ саладигандек ишора қилади).

Манави-чи, манави, суд, суд!

ЗЕБО. Оҳо, боғчаларни ҳаммаси опасининг аштагига тушгандек бўлиб олибди-ю! Менга боғча бермайсанми?

Соқи жим.

РАЪНО. Зебо опа, ўзингиз биласиз-ку, Соқи акам айтдилару «Бир боғча мудирасини бўшатиш ҳокимни бўшатишдан ҳам қийин!», деб. Шунга қараб иш тутаверинг-да!

ЗЕБО. Шунақами? Менга боғча берасанми, ё йўқми? Берасанми, деяпман?!

Соқи бош чайқайди.

ЗЕБО. Унда ит ҳам йўқ. Олапар йўқ! Бермайман, кутурсанг, кутуравер! Ургилдим, сендақа каттадан!

У зарда билан чиқади.

Соқи ҳуноб бўлиб унинг орқасидан қараб қолади.

РАЪНО. Соқи ака, хафа бўлманг, фойданг тегса ука, фойданг тегмаса, тўнка ўрнида кўришади! Одамзод шу, ўз укасидан итини аяса! У Соқини қўлтиқлаб ичкарига киради.

БИРИНЧИ ИТ УШЛОВЧИ. Вой-дод, аблаҳ мени отиб қўйди!

Соқиға яқинлашиб келади.

Соқи орқага тисарилади.

БИРИНЧИ ИТ УШЛОВЧИ. (Соқиға) Эй, берган пулингиз ҳам, итингиз ҳам бошингиздан қолсин, вой-вой! Сочмаси нақ думбама жазилаб қаладди. Вой қонаб кетяпти!

Икки ит ушловчи орқама-кейин қочиб киради, бири

матрапига товуқ ушлаб олган. Уларнинг кетидан оқ иштон, оқ яқтак кийган, оёқ яланг, бошиланг Икром милтигини ўқталиб киради.

ИКРОМ. Тўхта, қимирлама!

Ит ушловчилар Соқининг олдига гуж бўлиб йиғилишади.

ИКРОМ. Хотин, бостирманинг чироғини ёқ!

Зебонинг «Ҳозир, ер ютгурларни қўйиб юборманг!», деган овози келади. Чироқ ёниб атроф ёришади.

ИКРОМ. (милтиқ ўқталиб). Қимирлама, қимирласанг отиб ташлайман! Ҳамманг кўлингни кўтар!

Соқидан бўлак ҳаммаси қўл кўтаради.

Биринчи ит ушловчи вой-войлайди.

Сочи тўзгиган Зебо киради.

ЗЕБО. Вой ўлмасам, шунча ўғри!

ИКРОМ. Қимирлама, ҳамманг деворга, қўллар бўйинга! Хотин, буларнинг кўл-оёғини боғлаймиз, ҳозир!

Ит ушловчилар бўйинларини ушлаб орқага ўғирлишади. Товуқ қақағлайди, биринчи ит ушловчи вой-войлайди. Икром уларнинг орқасига тепиб-тепиб, худди жсиноятчиларни текширгандек чўнтакларини пайпаслайди. Думбасини чангаллаб турганини қаттиқроқ тепади, у додлайди.

ЗЕБО. Вой, яшшамагурлар, курк товуғимни ушлаб олишибди!

Икром Соқининг ёнига келади, тепмоқчи бўладию иккиланиб тўхтади.

ИКРОМ. Эй, Зебо, таниш гавда, қара! Кеча кўргандек бўлудим, шунақа одамни!

ЗЕБО. Бостирган тухумларим палағда бўлиб қоладию ер ютгурлар.

ИКРОМ. (Соқининг биласидан ушлаб ўзига қаратиб). Эй, Соқи катта!

ЗЕБО. Ким?

ИКРОМ. Соқи катта! Уканг!

ЗЕБО. Вой ўлай, Соқи!

ИКРОМ. Кунинг товуқ ўғрилигига қолдим, Соқи катта?!

БИРИНЧИ ИТ УШЛОВЧИ. (орқасини ушлаганча). Товуғингизни бошимизга урамизми? Бизга Соқи акамни қошиб олган итингиз керак.

ИККИНЧИ ИТ УШЛОВЧИ. Соқи акам сўраб келса эрингиз бермабди.

ЗЕБО. Ҳоо, энди бизнинг Олапар керак бўлиб қолдимми? (укасига) Сенга ит керак бўлса, ўша боғчаларни еб ётган катталаринг тошиб берсин. Сенга итим-ку, битимни ҳам бермайман!

ИКРОМ. Яна хотин!

ИККИНЧИ ИТ УШЛОВЧИ. Итингиз қани ўзи?

ИКРОМ. Олапар икки кундан бери йўқ! Топганимда эди, итга ит совға, деб бериб юборган бўлардим!

БИРИНЧИ ИТ УШЛОВЧИ.. Шуниси чатоқ, ё яширяпсизми?

ИКРОМ. Нима қиламан яшириб?! Аммо йўқолмасдан илгари одамга буйти-иб қараётган эди!

Икром кўзларини олайтириб Соқиға, итушловчиларга қарайди.

ИТ УШЛОВЧИЛАР. Йўғ-ей!

ЗЕБО. Айтдим-ов, нон берсам ҳам емай галати қараяпти, деб!

ИКРОМ. Балли, сенам сезибсан-а, хотин! Кейин озгидан сўлаги оқиб кетаётганида кўзим тушган эди, шу кетишда укангни қошиб олибди.

ЗЕБО. Баттар бўлсин!

ИКРОМ. Ит кутурганга ўхшайди!

ИТ УШЛОВЧИЛАР. Ана?!

ЗЕБО. Сенам бошқача бўлиб қолибсанми, укам?!

БИРИНЧИ ИТ УШЛОВЧИ. (орқасини ушлаганча). Соқи ака, бизга ит кутурмаган, деган эдингиз-ку?!

ИККИНЧИ ИТ УШЛОВЧИ. Нима бало кутуриш бизга ҳам юқсин, дедингизми?

УЧИНЧИ ИТ УШЛОВЧИ. Оғайнилар, тезроқ бу ердан қочайлик, яна бир балога гирифтор бўлмайлик қочинглар!

Ит ушловчилар урра қочишади. Соқи гандираклаб, йиғламсираб опасига қараб юради.

СОҚИ (йиғламсираб, афтини буриштириб). Аппа...

ЗЕБО (ўзини орқага ташлаб). Вой дадаси, кўрқиб кетяпман, укам нега унақа!



ИКРОМ. Қоч хотин, сени тишлаб олади!
ЗЕБО (қочиб). Вой, дод! Ростанам қутурибди!
Зебо урра қочиб чиқади, унинг орқасидан телбанамо гандираклар Соқи, милтиғини кўтариб Икром чиқади.

ИККИНЧИ ПАРДА

ОЛТИНЧИ КЎРИНИШ

Бозор. Расталарда турли мева-чевалар терилган. Бир неча сотувчилар оқ халатлар олиб харидорларни чорлашади. Халта кўтарган харидорлар айланиб юришибди. Икки аёл ўқитувчи расталарга яқин бормаи, бериқоқда суҳбатлашиб туришибди.

БИРИНЧИ ЖУВОН. Бозорга пулсиз келиш қизик экан.

ИККИНЧИ ЖУВОН. Вой, Соқи каттани ит қопган экан, сариқ бўлганман, қутуришга қарши уколни олмайман, деб касалхонага бормаи уйда ётган экан, қутуриб қолганмиш!

БИРИНЧИ ЖУВОН. Вой, тавба! Керилмай ўлсин, Аллоҳ кўрсатибди-да!

ИККИНЧИ ЖУВОН. У ит қошишдан эмас, балки ҳаром пулдан қутурган!

Бирдан ола-говур бошланади, бир ўсмир югуриб киради. УСМИР. Ҳой одамлар, жонинг борича қочиб қолинглар, қутурган одам занжирдан бўшаб кетибди! Кўринганни тишлаб, гажиб ташлаётганмиш!

Усмир урра қочади. Икки жувон, барча харидору сотувчилар ур-йиқит қилиб, бир-бирларига йўл бермай, қоқилиб-йиқилиб, бир-бирларига тўқнашиб, мева-чева, сабзавотларни босиб-янчиб тумтарақай қочишади.

БИРИНЧИ ЖУВОН. Вой, дугона, қочинг!

ИККИНЧИ ЖУВОН. Қочинг, ана келяпти, тишлаб олмасин!

Қочишади. Сочлари тўзиган, ёқа-вайрон оёқ яланг Соқи киради, ёқасини кериб тугмаларини узиб ташлайди, аввал бармоқларини тишлайди, сўнг қўлларини кўкка чўзади.

СОҚИ. Ҳувв! Пул!
Соқи қўлларини асабий силкийди, сочларини юлқилайди.

СОҚИ. Ҳувв! Пул!
Югуриб Раъно киради.
РАЪНО. Вой, Соқижон ака, шу ерда экансизу! Мен сизни изламаган жойим қолмади.

СОҚИ. Ҳувв! Пул!
РАЪНО. Соқи ака, Одил акам телефон қилди. Тижоратчилар Москвдан чиққанига бир ҳафта бўлибди. Аммо ҳануз дараги йўқмиш!

СОҚИ. А?! Одил!
Соқи Раънонинг устига бостириб боради, Раъно орқага қочади, Соқи уни бўғмоқчи бўлгандек қўлларини чангақ қилиб унга ташланади, Раъно бақириб саҳна айланиб қочади.

РАЪНО. Соқи ака, ўзингизни қўлга олинг, пул келиб қолар!

Соқи тўхтаб жойида қотиб қолади. Одил ҳовлиқиб киради.

РАЪНО. Келдингизми, Одил ака, вой бу Соқи акам пул, пул, деб одамни еб қўйди. Пулни олиб келдингизми?

Одил (четланиб). Йўқ!
РАЪНО. А?!
Соқи бирдан Одилга ташланади.
СОҚИ. Пулл!

ОДИЛ. (ёқасидан бўққан Соқининг қўлини силтаб ташлаб). Мен сенга айтдим камроқ берайлик, деб!

СОҚИ. Пулл!
ОДИЛ. Юз миллион етади, десам, икки юз миллион бер деган ўзинг!

СОҚИ. Пулл!
ОДИЛ. Юз миллионни ойликка тарқатиб турардик.

Энди расво бўлди.
РАЪНО. Нега?
СОҚИ. Пулл!

ОДИЛ. Ул пул, дард пул!
У ўзининг ёқасини ёғжимлайди, жаҳл билан у ёқ-бу ёққа юради, Соқи кўзи олайиб уни таъқиб қилади.

РАЪНО. Нима бўлди?

ОДИЛ. Иш чатоқ!
РАЪНО. Нега?
ОДИЛ. Тижоратчилар молни ноқонуний олиб келишаётган экан, божхонада қўлга тушишибди.

СОҚИ. Ааа?!
РАЪНО. Ааа?!
СОҚИ. Молл?!
ОДИЛ. Молни мусодара қилишибди!
СОҚИ. Мол?!
У бошини чангаллаб телбанамо гандираклар кетади.

РАЪНО. Йўғ-ей! Икки юз миллион тамом йўқми, энди?!

ОДИЛ. Ҳа. Йўқ, йўқ!
РАЪНО. Бир бало қилинг, Одил ака! Соқи акам жинни бўлиб қолади!

ОДИЛ. Иложи йўқ!
СОҚИ. Пулл! Молл!
РАЪНО. Ана, кўрдингизми? Бир иложини қилмасангиз ўзингизга ҳам ёмон бўладию!

Соқи Одилга бақрайиб қарайди, нимадир демоқчи бўлади, аммо овози ичига тушиб кетади. Одил четга қараб қўл силтайди.

ОДИЛ. Менга нима? Пулга жавоб берадиган, ана ҳисобчиси, газначиси бор!

СОҚИ. Пулл!!!
У Одилнинг устига бостириб боради, Одил ўзини четга олади. Гулруҳ. Улуғ киради.

ГУЛРУҲ. Вой дадаси, бу аҳволда бозорда нима қилиб юрибсиз?

СОҚИ. Пулл! Уввв!
УЛУҲ. Дада, бу нима юриш, ўртоқларим куладию?!
Соқи уларга қараб «Пул» деганча ташланади. Улар ўзини четга олишади. Одил секин сирғалиб чиқиб кетади.

ГУЛРУҲ. Одил ака, акангизга қаранг!
Одил чиқиб кетганини билиб Раънога юзланади.

ГУЛРУҲ. Раъно, акангизга нима бўлди?
РАЪНО. Вой кеннойи, дўхтирнинг гапи тўғрига ўхшайди!

ГУЛРУҲ. Нима девди?
РАЪНО. Уч кунда қутуриш мумкин, девди!
ГУЛРУҲ. Вой, кўчада ҳамма шундай деб юрибди!
Улуғ Соқининг қўлидан ушлайди.

УЛУҲ. Дада, юринг уйга!
Соқи унинг қўлидан чиқади.
СОҚИ. Пулл! Уввв!
ГУЛРУҲ. Вой, Худо!

Раъно билан Гулруҳ Соқини ушламоқчи бўлишади. Аммо Соқи уларни ҳам силтаб ташлайди.

СОҚИ. Пулл! Увв!
ГУЛРУҲ. Пул ўлсин, пул ўлсин! Икки кундан бери кечаси билан пул деб чиқади!

РАЪНО. Соқи ака, пул топилар!
Соқи. Оввв... Пулл!
Соқи, Улуғ, Раъно, Гулруҳларни олдига солиб қувади.

Улар саҳна айланиб қочишади.
РАЪНО. Вой ўлмасам, кеннойи, яна мени тишлаб олмасин, дод!

ГУЛРУҲ. Вой-дод, ким бор, ёрдам беринглар!
УЛУҲ. Дада, урманг!
Халатли киши, занжир судраган ҳамшира киришади.

Учовлон уларнинг орқасига яширинишади.
ГУЛРУҲ. Дўхтиржон, эримни бир бало қилинг!
РАЪНО. (қалтираб). Вой бир бало қилинг, яна бизни тишлаб олмасин!

Соқи энди халатли кишига ташланади, халатли киши орқага қочиб маскасини кийиб олади, сўнг Соқининг қўлини қайчириб ушлайди. Соқи тинмай юлқинади, юлқинишдан тўхтаса увиллайди.

СОҚИ. Уввввв... Пуллл...
ХАЛАТЛИ КИШИ. Бу бошланиши...

ГУЛРУҲ. Вой, бир бало қилинг.
РАЪНО. Бир бало қилинг!
УЛУҲ. Дада, ундай қилманг! (Йиғлайди). Ўртоқларим даданг ит бўлибди, деб мазах қилади! Ҳий...

СОҚИ. Уввв... вовв... Пул...
Халатли киши ҳамшира ёрдамида Соқининг бўйнига занжир солади. Улуғ йиғлайди, аёллар йиғлаб чувиллашади.

Халатли киши билан ҳамшира занжирдан тортиб-тортиб Соқини олиб чиқишади, бошқалар орқасидан йиғлашиб-сиқташиб чиқишади.

ЕТТИНЧИ КЎРИНИШ

Зокирнинг ҳовлиси. Рустам, Зокир, Матлуба, яна бир неча синфдошлар суҳбатлашиб ўтиришади, юзлари алланечук ташвишли.

РУСТАМ. (гамгин овозда). Мен текширдим, чиндан ҳам икки юз миллион йўқ.

ЗОКИР. Бизнинг иш ҳақимизми?

МАТЛУБА. Юз миллион девди-ку, икки юз миллион эканми?

РУСТАМ. Ҳа!

Халатли киши билан ҳамшира киради. Халатли киши

мўйловини, ниқоб, кўзойнагини, ҳамшира паригини, ниқобини олиб ташлашади. Уктам билан Зуҳра намоён бўлади, синфдошлар енгил қарсақ чалишади. Уктам ташвишли қиёфада олдинга чиқади.

УКТАМ. Дўстлар, зиёфат бўлмайди!

ЗОКИР. Нега?

УКТАМ. Иш чатоқ!

ЗУҲРА. Иш чатоқ!

РУСТАМ. Йўғ-ей!

УКТАМ. У энди зиёфат беришдан ҳам, жазодан ҳам кутулди.

МАТЛУБА. Нега?

УКТАМ. У жинни бўлиб қолди!

Ҳамма «А?!» деб юборади, бир-бирларига қарашиб қотиб қолишади.

Парда.



ДАРСХОНА

Раъно ЮЛДАШЕВА,
ТДТУ катта ўқитувчиси



Иртиқор туйғулари

Ҳозирги кунда республикамызда демократик жамият қуриш жараёни кенг кўламда, собитқадамлик билан оидмлаб бормоқда. Ана шу ижтимоий-сиёсий жараёнда ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масаласи қатта аҳамият касб этади.

Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ниҳоятда серқирра, мураккаб ва масъулиятли вазифа. Бу ўринда асосий эътибор ватанпарварлик тушунчасининг моҳияти ва аҳамиятини ёритишга, унинг шахс маънавий камолоти, мамлакат ва миллат тараққиётидаги ўрнини кўрсатишга қаратилди.

Она тилини севиш, эъзозлаш ҳам ватанпарварликдир. Қадриятларнинг тикланиши ва ҳаётда удуғланишида ўзбек миллатининг тарихий маънавиятига хос бўлган одамийлик, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик ўрин тутади. Миллий ватанпарварлик миллий ифтихор туйғуларининг куртагидир. Ватанпарварлик тарбияси замида ўзбекона маънавият ва қадриятлар ётмоғи керак. Миллий маънавиятдан ажралган мавҳум ватанпарварлик бўлмайди. Бу йўналиш негизда ҳар томонлама бойиган миллий маданиятнинг шахс камолотида етакчилик йўлини эътироф этиш, кишиларни жаҳон маданияти ютуқларидан баҳраманд қилиш, шу асосда миллий ўз-ўзини аниқлашни шакллантириш вазифаси ётади.

Ватан — бу халқнинг ўтмиши, бутуни ва келажаги. Инсон улғайган сари, унинг Ватан ҳақидаги тушунчаси ҳам кенгай бошлайди. Тушунча ва кечинмалар нуқтан назаридан эса, ватанпарварлик — тарихий тараққиёт жараёнида пайдо бўлиб, ташқи муҳит ва даврлар таъсирида шаклланган ва ўзгариб келган ижтимоий-руҳий туйғудир.

Ватанни, ота-онани танламайдилар. Улар Яратганининг ўзи томонидан берилган улғу ва муқаддас неъматдир. Ана шу улғу неъматни асраб-авайлаш, унинг сарҳадларини гуллайтиб-яшлатиш ўз кўлимизда. Президент И.А.Каримов таъбири билан айтганда: «Инсон ўзливини аниқлагани, насл-насабини билган сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдири отиб, юксала боради. Бу илдири қанча чуқур бўлса, тугилиб ўсган юртга муҳаббат ҳам шу қадар чексиз бўлади» у ўз тақдирини Ватан равиқли билан боғлиқ деб билади.

Ватаннинг равиқи, аввало, унинг фарзандлари камолоти боғлиқ. Бу эса ҳар бир юртдошимизни ўзининг маънавий камолоти учун юксак масъулиятини ҳис этишга, манфаатларини эл-юрт манфаатлари билан уйғунлаштириб яшашга даъват этади. Бу эса ватанпарварлик туйғусида намоён бўлади.

Ватанпарварлик — кишининг ўзи тугилиб ўсган, камол тошган жой, замин, ўлкага бўлган муҳаббатини, муносабатини ифода этадиган ижтимоий ва маънавий, ахлоқий ҳислатлари, вазифаларидир. Фидойилик — ватанпарварликнинг бош белгиси ҳисобланади, унинг олий кўриниши эса жасоратдир. Бугунги кунда эса бозор иқтисодиёти шароитида ватанпарварликнинг муҳим кўринишларидан бири талбиркорлик сифатида намоён бўлмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, демократик жамият қуриш даврида республикамыз ёшларини ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тобора қатта аҳамият касб этмоқда. Бу жараён ёшлар тарбиясига масъул бўлган, биз педагог-мураббийлар зиммасига янада кўпроқ масъулият юклайди.



Н. БЎТАЕВА,
А. Қодирий номи ЖДПИ
2-босқич магистранти

ШУҚРОНА

...Нурилла бобо бугун яна бир нурафшон кунни қарши олди. Боши узра мусаффо само, оёқлари остида муборак замин.

Инсон боласининг боши тошдан-да қаттиқ эканлиги рост. Навқирон йигитни тақдир иккинчи жаҳон урушининг қайноқ қучоғига ташлаганда, бобо шу ёруғ кунларга етишини тасаввур ҳам қилмаган эди.

Аҳён-аҳёнда баъзи ёш йигитларнинг турли хил оқимларга қўшилиб қилаётган номаъқулчиликлари, эл-юрт тинчлигини бузаётганларини эшитган Нурилла бобо, афсусла «эҳ, бу йигитлар ҳали ҳақиқий ўлимни, ўлатни, очарчиликни, қаҳатчиликни, уруш нима эканлигини кўрмаганлар, кўрмасинлар, илоҳим. Бу, ишлари шундай тинч, озод замонага ношукурчилик бўлмай нима?» — дея оғир тин олади.

1939 йилнинг ноябр ойи. Ўз тенгқурлари қатори Нурилла ҳам Армия сафига қақирилди.

1940 йилнинг январиди Брест областининг Курск станциясига келиб тушишди. Армия хизматида ойлар, кунлар ўта бошлади. Кечагидек эсида, 1941 йил июнь. Ҳамма осуда уйқуда. Сокин тонгни қора кучларнинг ҳайқириғи бузди. Мамлакатта немис-фашист босқинчилари тўсатдан ҳужум қилдилар. Воқеани тўлиқ англаб-англамаган аскарлар кийинишга ҳам улгурмай ич кийимда ўрмонга қочиб ўтдилар. Оч-наҳор, дарбадарликда ҳам она Ватан олдидаги бурчларини унутмадилар. Кучлар тенг бўлмаса-да, душман билан мардонавор олиша бошладилар. Қурол-аслаҳалар танқислиги, кучлар нотенглиги туфайли кўплаб ёш жонлар қурбон берилди. Шундай шиддатли жанглارнинг бирида Нурилланинг ўнг оёғидан ўқ тегди. Вақтида берилмаган тиббий ёрдам, тери остида қолган осколка таъсирида оёқ қаттиқ шишиб кетди. Кейинги жангларнинг бирида дайди ўқ келиб чапоёғини яралади. У оғир аҳволда ҳарбий госпиталига келтирилиб даволана бошлади. Шу орада Ҳукуматнинг «Оғир аҳволдаги ярадорларни уйларига қайтариш тўғрисида»ги буйруғи чиқди. Шунга асосан тўрт ой даволаниб аҳволи ўнганмаган Нуриллани ҳам уруш

ногирони сифатида уйига жўнатишди. Икки яраланган оёқ билан уйига қайтган Нурилла оёқ боса олмас, қишнинг совуқ кунлари сабаб оёғига намат боғлаб юрар эди. Эндигина ўзига келиб қолган йигитни «баъзи бировлар» яна «кимнингдир» ўрнига урушга кетадиганлар рўйхатига қўшиб юборишди. Она қишлоғида галаба учун не заҳмат, машаққатлар тортаётган оталар, оналар, опа-сингиллар, норасида гўдаклар ҳаққи-хурмати, урушдан ярим жон билан қайтган йигит ҳеч иккиланмай яна урушга отланди.

1943 йил Нурилла аввалгидан ҳам даҳшатлироқ тус олган ҳаёт-мамонт жангида қатнашди, не-не воқеаларга гувоҳ бўлди.

Шиддатли жанглар давом этарди, ҳар ким ўз насибасини оларди. Бу сафар Нурилла елкасидан яраланди. «Қирқ йил қирғин бўлса ҳам ажали етган ўлади», деганлари рост экан. Ажал уни бу сафар ҳам четлаб ўтди. Госпиталда даволаниб чиқиб, яна сафдошлари қаторига қўшилди. Улар жанг қилаётган майдон снаряд ёмғири остида қолди. Бу сафар Нурилла етти жойидан яраланди. Оғир жароҳатланган йигитни госпиталга ётқизишди. Жони сақлаб қолинди. Оғир ярадорлар қатори уни ҳам уйига қайтаришди. Нурилла таниш станциясига келиб тушгандан уч кун ўтгач галаба ҳақидаги хушхабар бутун юрт бўйлаб тарқалди.

Галабадан кейин ҳам даволанди. Ватан олдидаги хизматлари ҳукумат томонидан муносиб баҳоланди. Нурилла бобо 6 орден, 3 та кўкрак нишонлари билан тақдирланди. Йиллар ўтиб, 4 ўғил, 6 қиз, 50 дан ортиқ набираларнинг сеvimли буvasи бўлди.

Нурилла Гаффоров бугунги кунда Жиззах шаҳри «Хайробо» маҳалласида истиқомат қилмоқда. Салкам 90 ёшни қарши олган Нурилла бобо Озод, Хур, Мустақил юртда болаларининг шўх-шодон қийқириғи, уйин-қулгусига йўғрилган кунларга беадад шукр қилиб, дуога қўл очади: «Илоҳим, тинчлик бўлсин, соғ бўлинглар, болаларим! Оёқларинг ерни боссин! Шу юртга муносиб солиҳ фарзанд ўстиринглар. Чунки фарзанднинг яхшиси ота-онани қаритмайди».



Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

Сўз ахтараётган ёшлар



Хамёнини йўқотган одамнинг ҳолатини кузатганмисиз? Кўчага сиғмайди у. Учраган ҳар инсон нажот тоғи бўлиб кўринади унинг кўзига. Жонсарақ, тўғрироғи, ҳамёнини эмас, жонини ахтараётгандек туюлади бундай одам.

Сўз ахтараётган одамни ҳам кузатганмисиз? У бир сония ғамгин, дақиқа ўтмай куёшдек кулиб юбориши мумкин. У ўзига сўзлашдан, кулишдан, йиғлашдан уялмайди. Сиз уни кўрасиз, у сизни кўрмайди. У кўнгли билан гурунглашади. Кўнглида эса ўз Худоси бор. Ўз Раббисидан сўз сўрайди у! Шу боис шеърда илоҳий туйғу, шоирда эса таърифи сўзларга сиғмас сиру синоат бор.

Зомин ёшлари... Сўз ахтариб йўлга чиққан ҳуррият фарзандлари. Улар майсадек мулойим, айна пайтда чақмоқдек ёниқ, Кўзларидан томчи-томчи, юзларидан нурли-нурли сўзлар тўкилиб турган ёшлар. Улар ошиқ, ўзлари ахтариб юрган сўзларга сиғмаётган ошиқлар. Улар тиз чўккан меҳробнинг номи — МУҲАББАТ! Муҳаббат кишисининг эса сўзлари гуллаб туради. Муҳаббат гуллари йиқилаётган чинорни суяб қолишга қодир гуллар. Мана бу сатрнинг оҳангию рангига қаранг...

*Муҳаббатдан муҳаббат бўлди пайдо,
Муҳаббатсиз кишидан қоч, Хувайдо.*

Таҳлилсиз ҳам дардларга дармон мисра. Ўлмаган Хувайдо, ўлмайди Хувайдо!

Зомин ёшлари... Хувайдо бўламан деб, Навоий, Бобур, Машраб, Нодири, Увайсий, Зулфия, Абдулла Орипов, Эркин Воҳид, Муҳаммад Юсуф... каби улуғларнинг йўлларини тилаб сўз ахтариб йўлга чиққан ёшлар. Улар кўнгли кушларида учиб борадилар гўё.

Зомин! Поклик чамани, кўклик чамани. Куёшнинг тигига қалқон арчалар. Саратонда сарғаймайдиган майсалар Зомин поёндоzlари.

Ниҳолни ердан ерга кўчирадилар, парвариш қиладилар, мевасини кутадилар, соясидан ором истайдилар. Момо ер бағрида боболаридан, момоларидан келажак авлодларга ҳалол меҳнатнинг мероси бўлиб қолсин, дейдилар. Сўзни қалбдан қалбга, юракдан юракка кўчирадилар. Чунки, ўйлаб айтилган сўзда ҳикмат бор. ҲИКМАТ эса йиллар тўфониди ҳам, тўзониди ҳам, саратонию қаҳратонида ҳам сўлиш билмайди, ҳазон бўлмайди. Сўз ахтарган одам аслида ҳикмат ахтаради. Худойим шоирга ато этган қутилмаган ташбеҳ — аслида қутилган ҳикматдир.

Зомин ёшлари ўз семинарларининг очилишидаёқ Абдулла Орифнинг ҳикмат дарсидан, қалам аҳлини хушёрликка, огоҳликка чорловчи ўғитларидан баҳраманд бўлдилар. Тўғрироғи, кўзлари, юзларида улуғликнинг шуъласи жилваланади.

Яхши ният банданинг топган ярим моли. Илоҳим, Зомин ёшларининг эзгу ниятлари ўзларига йўлдош бўлсин. Чунки, миллатида улуғлари кўп бўлган элнинг кўкси ҳамиша тоғ, бошини ўзгалар эголмайди. Яхшиларнинг кўплиги энг аввало Ватанни нурлантиради. Зомин семинарини 10 йил узлуксиз давом этишидан мақсад — элга сўз айтоладиган, сўзи билан эл корига ярай оладиган, элни эргаштира билладиган, улуғ ажодларига, пиру комилларга муносиб авлодлар камол топишини ишандир.

Зомин ёшлари шеърятининг таҳлили — алоҳида мавзу. Қолаверса, унинг ўз эгалари бор. Мен сўз ахтараётган ука-сингилларимизга, ўғил-қизларимизга айтмоқчи бўлганларимни бир шеър билан якунласам.

ЗОМИН ЁШЛАРИ

*Ҳар кўнгли бир дарё, оқмоқ истаса,
Ҳар дилда бир чўғ бор, ёқмоқ истаса,
Истаса, шеър отлиқ чақмоқ истаса,
Дилбар дил аҳлининг биз дилдошлари.
Хуш кўрдик, хуш кўрдик, Зомин ёшлари.*

*Нима бор демангиз Зомин тоғида,
Поклик қайнаб ётур ҳар булоғида,
Куёш қалам йўнар ой ўроғида,
Шеър битса дафтардир ҳатто тошлари,
Қалам қўлингизда, Зомин ёшлари.*

*Мажнунтол тағида Миртемир гувох,
Баъзан шеър бўларкан биттагина оҳ,
Абдулла Орифнинг изида ирмоқ,
Соғу омон бўлсин олтин бошлари,
Ватан чироғидир Зомин ёшлари.*

*Ой доғин терарлар ойдин тунлари,
Зулфия момонинг оппоқ гуллари,
Эй назм боғининг хуш булбуллари,
Ҳамид Олимжоннинг дилқуёшлари,
Қувонч қўнғироғи Зомин ёшлари,*

*Ҳар ким ҳўплолмагай кўнгли чашмасин,
Шундай шеър ўқингки, тошлар гулласин,
Муҳаммад Юсуфнинг руҳи қўлласин,
Ўзбекий рангадир кўзу қошлари,
Зомин ёшлари бу, Зомин ёшлари!*





Саъдина БОБОМУРОВА



Тунлари моҳитоб тўккан

фусунман



ТАЗАРРУ

Моргузар!..
 Айланиб қолсайдим гулга, тошларга,
 Бойчечак, бинафша, қорақошларга.
 Қулманг, сиз кўзимда турган ёшларга,
 Ҳорғинман, толғинман, бир хобга келдим,
 Пойимард, пойингга тавобга келдим!..
 Ишқимнинг самовий тотлари ичра,
 Ашқимнинг сел-селоб додлари ичра,
 Рашқимнинг дўзахий ўтлари ичра,
 Ёндим, ёнавердим, хайрият, сал тобга келдим,
 Пойимард, пойингга тавобга келдим!..
 Англадим,
 Мен кимман, деган ўй, фикрим қолмабди,
 Туйғумда заррача, заррача зикрим қолмабди.
 Тилимда бир қатра шукрим қолмабди,
 Худбинман, бадбинман, куфрдан харобга келдим.
 Пойимард, пойингга тавобга келдим!..
 Кетмагил, дил, арчазорда арча бўл,
 Лола япроғидек парча-парча бўл.
 Энди ўзинг эмас, барча-барча бўл,
 Гуноҳлар минг бўлди, бир савобга келдим.
 Пойимард, пойингга тавобга келдим!..
 Пойимард!..
 Ёзилмаган тарихим, очилмаган қитъамсан,
 Ёзмасам, кўксимда зардоб ситамсан,

Оловсану, кун каби бир тутамсан,
 Оқ қоғозни ўндиму, меҳробга келдим,
 Пойимард, пойингга тавобга келдим!..
 Пойимард пойингга тавобга келдим!..

БИЛАМАН

Бу янглиш муҳаббат, чархи фалакдир,
 Бир эшонингиз чошиб, тинмай ҳалакдир.
 Топганингиз майми ва ё малакдир.
 Нечоғ масту мастурлик бўлманг, мени
 УНУТОЛМАЙСИЗ.
 Ўтриқдир шонингиз, баланд номингиз,
 Зоҳиру ботинда бирдай ғарибсиз,
 Кутасиз кўкайнинг зангор боғида.
 Келмайман. Келмайман. Буни билиб, Сиз
 АЙТОЛМАЙСИЗ.
 Дарёлар бир Сиз деб, айтган афсунман,
 Тунлари моҳитоб тўккан фусунман,
 Мен наинки қолдим кўнгул-хотирда,
 Кўзингизда турган кўзи маҳзунман,
 КЕТОЛМАЙСИЗ.
 Энди хоҳ кўз юминг, қарғаб, юз буринг,
 Тош-тақир ёнадан-ўйлимдан юринг,
 Изимдан шамолдай ўпиб, югуринг,
 Бехуда, Сиз менга ҳеч қачон, ҳеч қачон
 КЕТОЛМАЙСИЗ.



Жасур ОҚБЎТАЕВ

Капалакдай бир малак

Маҳшэ этган санам,
 Умрим боғида шабнам.
 Гулдай ифр таратиб,
 Кейин қолдирди алам.

Булутдай унди-кетди,
 Қонамдан кўчди-кетди.
 Гунча каби мунгайдим,
 Севгидан кечди-кетди.

Энди нима қилай ман,
 Нигитман-ку, чидайман.
 Дунё ёниб кетса ҳам,
 Ҳаммага ишқ тилайман.

Тилагимга қўшилиб,
 Жилва қилар камалак.
 Эшилгандан эшилиб,
 Ишва қилар камалак.

ТЕРРОРИЗМ

Кўхна дунё, соҳида қор, ўй сураб,
 Кўзида ғам, бағри тилка, дил ярам.
 Оғриқ бўлиб битта савол чарх урар,
 Сен қандайин бало бўлдинг, терроризм?

Не кўйларга солган бойлик, тиллолар,
 Зилзилалар, атом-уруш, ядролар.
 Етмасмиди тошқин, вулқон, ваболар,
 Сен яна не бало бўлдинг, терроризм?

Осмондаям куш ўрнига ўқ қилиб,
 Гулзор-боғин пайҳон қилиб, йўқ қилиб,
 Бешиқдаги гудаккаям дўқ қилиб,
 Сен яна не бало бўлдинг, терроризм?

Кундан-кунга кўпаяди бангилар,
 Фоҳишалар, одамқушлар, ўғрилар.
 Кунда минглаб ОИТСлар тунилар,
 Сен яна не бало бўлдинг, терроризм?

Қашифтлар кулфатлардан қутқарган,
 Ихтиролар зулматларга итарган,
 "Изм"лардан ер қонмалаш қизарган,
 Сен яна не бало бўлдинг, терроризм?

Қачон башар ўзлигини танийди,
 Юрагимни битта орзу янийди,
 Сени, сени йўқ қилолсам қанийди,
 Сен қандайин бало бўлдинг, терроризм?

ИШВА ҚИЛАР КАМАЛАК
 Кўкда кўзни куйдириб,
 Жилва қилар камалак.
 Суйдиргандан суйдириб,
 Ишва қилар камалак.

Хотиралар камалак,
 Хотиралар капалак.
 Юрагимни ёққанди,
 Капалакдай бир малак.

Фариштага ухшарди,
 Нигоҳи гул тушарди.
 Туймай тикилган сари,
 Дилим пардай юмшарди.

Бироз бераҳм экан,
 Асли муҳаббат деган,
 Бир бор чўғ солиб қўйиб,
 Иши йўқ кўнги билан.

Олим ТОШБОЕВ

ГЛОБАЛЛАШУВ феномени



«Феномен» тушунчасини илк бор Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубовнинг Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов таваллуди муносабати билан ёзган мақоласида учратган эдим. Одил ака ўша мақоласида Абдулла Ориповни феномен сифатида талқин этган ва шу сўз, атама менга шоир ижодиёти каби сирли кўринган эди. Вақт ўтиб англадимки, феномен тушунчаси мен ўйлагандан ҳам маҳобатли, миқёсли ва сирли экан.

Феномен тушунчасига «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»да «ғайриоддий, камдан-кам бўладиган ҳодиса, факт, ҳис-туйғу тажрибаси билан пайқаладиган ҳодисани англатувчи фалсафий тушунча» деб таъриф берилган. Таърифнинг ўзи «айтиб» турибди — ҳис-туйғу тажрибаси билан пайқаладиган ҳодиса. Бугунги тезкор ва бешафқат ҳаёт ҳис-туйғуни тан олармикан?

Мураккаб ва зиддиятли дунёнинг ўзига хос кўриниши ва сифати, шубҳасиз, глобаллашув жараёнларидир. Бу ўз навбатида кишиларнинг маиший ҳаётига, ўзаро муносабатларига, ҳаётий тамойил ва қарашларига ҳам таъсир этади. Энг муҳими, бу жараёнлар одамларнинг тафаккур тарзига, онгу шуурига у ёки бу даражада акс таъсир кўрсатиши ҳам мумкин. Шу маънода, глобаллашув назарияси билан шуғулланаётган мутахассислар, аввало, унинг инсон руҳиятига таъсирини ўрганмоқда. Чунки бу муаммо масаланинг туб моҳиятини белгилайди ва бошқа ижтимоий муносабатларда ҳам ҳал қилувчи омил саналади.

Глобаллашув тушунчаси англадиган асосий унсур — ягона иқтисодий ва ахборот макони деган моҳият аксари одамларда чегара ва худудлар тафовути йўқолади қабиллидаги тушунчани шакллантирмоқда. Бу бир қарашда мумкин бўлмаган жараёндек туюлса ҳам, аслида катта муаммоларнинг муқаддимаси эканлигини эътибордан қочирмаслигимиз керак. Шу ўринда таниқли адиб ва публицист Хуршид Дўстмухаммаднинг «Ўзбекиона дунёқарашда кўр-кўрона ҳайратланиш ўрнини ўрناق олиш, ибрат олиш, тажриба орттириш истаги асосий мақсад — маслакка айланди, айланмоқда!», деган фикрларини келтириш жоиз. Шарқона тафаккур тамойилига, яъни моҳиятини англаш сари юз бурсак, миллий-худудий ўзига хосликларни тан олмайдиган иқтисодий-информацион бозор — маконнинг салбий жиҳати шундаки, бу биринчи галда инсоний ҳаёт ва фаолиятни тижорат меъёрларига мослаштиришни ўзининг бош мақсади сифатида танлаганидир. Ўз-ўзидан аёнки, инсоннинг туйғулари, ички кечинмалари ва унинг мутлақо шахсий эркинликлари бозор қонуниятларидан минг чандон банддир. Масалага яна ҳам теранроқ назар ташласак, маълум бўладики, гарчанд ўнлаб тадқиқотлар ва изланишлар олиб борилаётганига қарамасдан, ҳали-

ҳануз глобализм концепцияси хусусида ягона бир тўхтамга келганича йўқ. Бунинг ўзига хос объектив ва субъектив сабаблари бўлиши мумкин. Аммо, бизнингча, глобализм муаммосига миллий хусусиятлардан келиб чиқиб ёндашиш ва баҳо бериш мақсадга мувофиқдир. Чунки ҳар бир миллат ўз тарихи ва бугунидан келиб чиқиб, истиқлол стратегиясига кўра муаммога баҳо беради ва бу ўлчов реал муносабат сифатида баҳоланиши лозим. Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элатлар мамлакатимизни ўз она юрти сифатида тан олар экан, бу мутлақо табиийдир. Демак, мамлакатга ўз номини берган халқ билан бирга бақамти яшаётган халқлар жамият манфаати билан миллий манфаатларини уйғун тарзда қургани глобал дунё муаммоларига нисбатан ҳам яқдил эканликларини аён кўрсатади.

Ҳар бир жамият, миллий худуд ўз хусусиятларига кўра глобаллашув жараёнлари назариясини шакллантиради ва бу қайсидир маънода тўғри ҳамдир. Буюк мутафаккирларимиздан Абу Наср Форобийнинг фозил одамлар тўғрисидаги қарашлари, Абдурауф Фитратнинг оила хусусидаги рисоласи, Аҳмад Донишнинг ҳуқуқий қарашлари ва бошқа шу каби маънавий дурдоналаримизни асрлардан-асрларга олиб ўтаётган омил — улар маълум идеаллар руҳи билан зийнатланганлигидир. Сабаби, инсон ҳамиша нимагадир, қандайдир жозиба кучига ишониб, талпиниб яшайди. Бу куч — идеалдир. У одамни улғ мақсадларга илҳомлантиради, қувватлантиради. Эҳтимол, идеал жамият, идеал гоё, идеал шахс бўлмас, аммо унга интилишнинг ўзи, интилиш жараёни ва бу йўлдаги заҳматлари инсонни камолотга етаклаши, уни чиниктириб, муайян бир даража, мартабага олиб чиқиши тайин-ку?! Демак, биз глобаллашув жараёни назариясида, тўғрироғи, глобализм концепциясида инсон руҳияти, онгу тафаккури билан боғлиқ бўлган идеалларни ҳам инobatга олишимиз керак. Ана шу йўл билан кўйилаётган масала-муаммонинг кўлами ва мураккаблиги «очилади» ва анчайин ҳақиқатларни ҳам кашф қилган бўлаемиз. Мутафаккир адиб Асқад Мухтор таъбири билан айтганда, «Идеал эса ҳар қандай тараққиётнинг гаровидир».

Биз глобаллашув жараёнларининг кўптармоқли жараён эканлигини инкор этаётганимиз йўқ. Бироқ бизда мана шу кўпўлчовли жараён хусусида яхлит бир фикр-қарашнинг шаклланмаётганлиги, аниқроғи, ижтимоий фанлар вакилларининг концептуал муносабати йўқлиги ажаблантиради. Қолбуки, глобализм, глобал олам биздан ташқарида эмас. Унинг у ёки бу шаклда намоен бўлаётган кўринишлари ҳаётимизда мавжуд ва бу реал ҳақиқатга реал баҳо бериш лозим. Маданиятлар бирхиллигига эришишга интилаётган кучлар бизнинг ҳам жамиятимизга таҳдид сола олмайди, деб хотиржам бўлишга асосимиз борми? Маданий яқдиллик, аслида,



миллатга хос сифатларни чеклаш, йўқ қилиш демакдир. Хўш, бунга қарши қандай кураш усуллари бор? Биринчидан, фақатгина миллий тараққиётга хизмат қила оладиган анъана ва қадриятларни соф ҳолда сақлаш ва уларнинг тўлақонли тарғиботига эришиш. Иккинчидан, ёшларни миллий руҳ асосида тарбиялаш. Ҳар қандай вазият ва шароитда тарбия миллий бўлиши лозимлигини XX аср бошларида яшаб ижод этган маърифатпарварларимиз ҳам қайта-қайта таъкидлаган. Бугун XXI аср бошида ҳам бу муаммо кун тартибидан тушгани йўқ. Тарбия масаласини Абдулла Авлоний шунинг учун ҳам ҳаёт-мамонт масаласи сифатида талқин этган эди. Миллий руҳда олиб бориладиган тарбия асосида биз тўла маънода жамиятнинг интеллектуал элитасини шакллантиришимиз керак. Хорижий тиллар ва компьютерни эгаллаш давр талаби, аммо бу ўлчов интеллект тушунчасини англамайди. Шунинг учун ҳам катта миқёсда ривожланаётган глобаллашув жараёнида миллатга хос бўлган барча сифатларни жамиятнинг интеллектуал элитаси сақлаб қолиши мумкин.

Миллий маданиятлар ва унинг ворислари ҳақида гап кетганда, унинг глобал жараёнлардаги муҳим йўналиш эканлигини алоҳида таъкидлаш керак. Чунки, «турли хилдаги маданиятлар ва тамаддулар ўртасидаги зиддиятлар ва тўқнашувлар — бу, бугунги дунёнинг кўп кутбли эканлигининг бош омилдир». Мақолада таъкидланишича, глобаллашув шароитида янгича фалсафий қарашлар тизими — миллатларнинг бир-бирини ўзаро англаши Шарқ ва Ғарб, Шимол ва Жануб меъёрларига кўра шаклланади.

Одамнинг қалби, руҳиятида кечадиган ҳар бир янгиланиш, ўзгариш унинг ҳаётга бўлган қарашини, муносабатларини, келажак режаларини ҳам муайян маънода ўзгариради. Шунга кўра ҳам айтиш мумкинки, жамиятда ўзгармайдиган муносабатлар ва қарашлар бўлиши мумкин эмас. Сабаби, жамиятнинг ўзи янгиланиш ва ўзгаришда, ҳазрат Мирзо Бедил таъбири билан айтганда:

*Ҳар тўнка ўзгармаса тўнмас, у— кафан,
Ҳар хонаки бирдек тураверса, гўрдир.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик Палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш борасидаги асосий устувор йўналишлар белгилаб берилди. Маърузада таъкидланганидек: «Бугун, ҳамма бўлмаса ҳам, лекин кўпчилик одамлар яхши англайдики, фақат замон билан тенг қадам ташлаётган, тез ўзгараётган дунёнинг қатъий шарт ва талабларига жавоб беришга интилаётган мамлакатнинг келажаги ёруғ бўлиши мумкин». Нутқда эътироф этилганидек, тарихни билмаслик, халқнинг бунёдкорлик салоҳиятига, куч-қудратига ишонмаслик, глобал жараёнларни тушунмаслик хато ёндашувларга олиб боради.

Маълумки, жараённи тўғри баҳолай билиш, ундан объектив, реал ҳулосалар чиқариш оқилнинг иши. Борди-ю, ўзгараётган дунёнинг эврилиш тамойилларига эътиборсиз бўлсак, уни илмий ва холис тадқиқ қилмаса, улуг мақсадларимизга етишимиз бир қадар мушкул бўлади. Чунки глобал жараёнлар бизнинг турмуш тарзимизда у ёки бу шаклда бўй кўрсатмоқда. Ҳатто, унинг мусбат ва манфий жиҳатларини аён кўрсатмоқда. Лекин бу каби мушкулликлар стратегик мақсадни кўзлаган жамиятни ўз йўлидан чалғита

олмайди. Зеро, Президентимиз уқтирганидек: «...мустақилликни мустаҳкамлаш, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш биз учун ҳаминча биринчи даражали устувор мақсад ва вазифа бўлиб қолаверади».

Ўзига ишонган одам — қудратли одам. Худди шу сингари, фақат ўз кучи ва салоҳиятига ишонган, миллий ғоя асосида бирлашган миллат ҳам қудратлидир. Унинг маданияти, маънавий ва маданий мероси, анъана ва қадриятлари глобал жараён маҳсули сифатида «экспорт» қилинаётган маданиятларга қарши тура олади. Нафақат қаршилик кучи билан, балки ривожланиш ва муҳолифлик қуввати билан ҳам акс таъсир кўрсата олади. Бу фикр ва қараш, албатта, кимдандир мулоҳаза уйғотар, яна кимлардир мунозара учун шайланар. Биз шу каби қарашларнинг бўлиши тарафдоримиз. Юқорида таъкидланганидек, турлича қараш ва фикрлар уйғунлигидан ягона тизим — концепция шаклланади.

Глобаллашув жараёнлари ўз навбатида глобал шартларни ҳам ўртага ташлаши мумкин. Дейлик, тамаддуларнинг ўзаро таъсирланиши табиий. Лекин бу ҳолатни сунъий бўрттириб, уларни ягона ўлчов ва қонуниятга мослаштириш ноўриндир. Ғарб ва Шарқ тамаддуларининг бир-бирдан фарқли жиҳатлари борасида мутафаккир олимлар ва мутахассислар бор ҳақиқатни аллақачон айтиб ўтганлар. Шундай экан, бугун ҳам бир гуруҳ ёки алоҳида шахслар цивилизацияларнинг миллий ва ҳудудий жиҳатларини очиқ-ойдин инкор қилса, бу энди нигилизмдан бўлак нарса эмас. Ғараз ва адоват туфайли шаклланган нигилизм илмий, холис ҳулосанинг ёвуз кушандасидир.

Ҳозирга келиб халқаро ахборот макони, (интернет ва бошқа ахборот ва коммуникация технологиялари — О.Т.) хусусан, виртуал олам ва виртуал одам каби тушунчалар истеъмолда ишлатилмоқда. Оммавий ахборот воситаларида «Виртуал одам» деган махсус саҳифаларга кўзингиз тушади. Бу нимадан далолат? Аввало шуни унутмаслик керакки, АКТ (Ахборот Коммуникация Технологиялари) жамиятимизнинг барча соҳаларини аста-секин қамраб олмоқда ва бу табиий. Энди виртуал олам деганда биз аслида воқеий бўлиб кўринган, аммо электрон-ахборот воситалари орқали намоён бўладиган хилқатни англаймиз. Фалсафадан ўқиб ўрганганимиз — макон ва замон тушунчаси моҳиятан бир-бирига яқинлашиб қолгандай гўё. Вақтли матбуот орқали антиглобалистлар ва антиғарбчиларнинг турли баёнотларидаги ҳақиқатни англаш ва мушоҳада юритиш фойдадан холи эмас. Чунки такрор бўлсада айтиш керакки, бу катта жараёнда ҳар бир миллат ва халқ, жамиятнинг тил ва маданий ўзига хослигини сақлаб қолиш йўларини излайди. Таъкидлаш лозимки, «бутун дунёда, барча халқларда ва миллий ҳудудларда ўзликни англаувчи ноёб ва нодир неъматларга эгалик туйғуси фавқуллодда ошиб кетди. Миллий анъана ва ўзига хосликларни ҳимоя қилиш глобал феномендир».

Иш қуруқ сўзбозлик билан ниҳоя топмаслиги керак. Хавфни рўқач қилиб омманинг диққат-эътиборини қаратиш ва шу йўл билан сохта обрў орттириш пайида юрганлар ҳам бўлиши мумкин. Лекин шу жамиятнинг ҳар бир онгли аъзоси Президент Ислом Каримов томонидан ўртага ташланган «Шу азиз ватан барчамизники!» деган шioriни ўзи учун даъват сифатида қабул қилиши лозим, деб ҳисоблаймиз.





Аноб МУҲАММАДИЙ

СИНОВ ЙЎЛЛАРИ

Нормурод Нарзуллаевни ёдлаб...

Туғилган жойлари Касби бетдадир,
«Шоир кўт дунёда, Нарзий биттадир».

У назмда босиб ўта олган йўл —
Беихтиёр, мозий сари элтадир.

Шеърлари хотира, улардан диллар —
«Оққули»дай беозор бир ҳисни татир.

У ҳам нима қилсин, шоир—шоир-да:
Бешик — Хўжа Ҳайрон, қабри кентдадир.

Синов йўлларида, шундан Айюбнинг,
Нормурод Нарзийдай сабри каттадир.

ВАТАН ИШҚИ

Ватан ишқи, менимсан,
Ватан, жону танимсан,
Заминим, осмонимсан,
Сендан айрилмагайман.

Ҳам отам, ҳам онамсан,
Ҳам қизим, ҳам улимсан.
Бунёдкорим — элимсан,
Меҳрингга тўймагайман.

Томирим дарёларинг,
Тугамас дунёларинг,
Сўнмагай зиёларинг,
Демакки, сўнмагайман.

Тоғларинг ер қозиғи,
Боғларинг жон озиғи.
Обод юртим— ёзиғим,
Қўлашдан тинмагайман.

ДУО ОЛ

Олтин алма, дуо ол,
Дуо олтин эмасми?
Кўндан келар бу савол,
Ёки мақбул эмасми?

Олтинни-ку еб бўлмас,
Буни биз ҳам биламиз.
Алмо, қиммати ўлмас,
Айирбошлаб оламиз.

Дуо ҳам худди шундай,
Ортда қиммати ётар.
Дуосиз одам тундай,
Умри зулматда ўтар.

Яйрайлик, дуо олиб,
Дилларни шод этайлик.
Яшайлик доғруғ солиб,
Юртни обод этайлик.

Муҳиддин АБДУСАМАД

Дарахтдай тобора

кўкараянман



* * *

Фақат дарахтларга ошино кўнглим,
Фақат дарахтларга ошиқадирман.
Миртемир талпинган маҳзун
мажнунтол —
Маишрабининг патила сочларимикан?..

Фақат дарахтлардан изладим калом,
Бир Ҳақнинг каломин, хур, эрк каломин.
Заминга санчилган патсимон терак —
Навоий ушлаган ўтлуғ қаламми?..

Йиғласа ёшини ютади дарахт,
На ерга, на кўкка бўзлар додини.
Манов каллакланган озурда шотут —
Бирорта бечора шоир зотими?..

Елга ҳам, ерга ҳам эркалик қилар,
Самимий тушунар алдоқларини
Дарахтлар тушунмас модернизмни,
Кўз-кўз қилаверар бармоқларини...

Дарахтдай тобора кўкараянман,
Жонимга озуқа бахш этар тунроқ.
Қўлларимни кўкка кўтараянман,
Ҳавода силкинар сап-сарқ япроқ...

ОМОНАТ ОИЛА ҲАҚИДА КИЧИК БАЛЛАДА

Бу уйда ҳар нарса муҳайё,
Бу уйда яшайди надомат.
Серванту радио, видео —
Буларнинг барчаси омонат.

Ҳаммаёқ озода, саришта,
Лек бунда сукунат жаранглар.
Тиқ этса гар оёқ товуши,
Эр-хотин атрофга аланглар.

Тушида,
Ҳушида,
Ишида
Ҳаёллар кўтарар тўполон.
Бу уйда қалли баҳорда
Қалдирғоч очмайди полапон.

Омонат кечади турмуши
Бунда эр-хотиннинг раъйи-ла.
Гўёки бу уйда қурилган
Оила— омонат оила...

Кўчада юради гердайиб,
Кўчада кўринар шерлиги.

Лек уйга қайтганда билинар
Бу эрнинг омонат эрлиги.

Ишдан сўнг шошилмас уйига,
Қадамин ташлайди оҳиста.
Бўш қўлни кучоқлаб ғижинар,
Ҳўрозқанд кўрмаган бу киста...

Кечаси тўлғониб чиқади
Кўз ёшдан ҳўл бўлиб болиш.
Хотини тинмайин уйлайди,
Уйига кетишини... қолиши...

Мана шу уларнинг ҳаёти
Мана шу уларда кундалик.
Бир-бирига термулиб ўтади,
Гоҳида
Уларнинг тунлари...

Хувиллаб йиғлайди кучоқлар,
Омонат уларнинг лошлари.
Тирикми дея ушлаб кўрмангиз,
Юмалаб кетади бошлари...

ОПАЧАНГНИ БЕРАСАНМИ?

Шовқин-сурон солиб ўйнаётган бола,
Қўлда мушукчасин қийнаётган бола,
Бурунчасин тортиб қўяётган бола,
Опачангни берасанми?

Бахт учун ҳаттоки жоним тикаман,
Келтириб пойингга бахтни тўкаман.
Истасанг, ёнингда от бўб чўкаман,
Опачангни берасанми?

Кўйлагинг зўр экан, қилиб қўйма чанг,
Қара, ҳалитдан кир бўлибди ёқанг.
Ундан зўрин олиб бергум хоҳласанг,
Опачангни берасанми?

Айтган ҳеч бир гапинг ерда қолмайди,
Кейин... жўраларинг кўра олмайди...
Лекин сени ҳеч ким ура олмайди,
Опачангни берасанми?

Кўй, эртани ўйлаб сира ўксинма,
Чўпон тўйинг ўтсин кўш тўй йўсинда.
Бўлса, мана мендай поччанг бўлсин-да,
Опачангни берасанми?

Тунроқни чангитиб ўйнаётган бола,
Индамай юрагим қийнаётган бола,
Иштончасин тортиб қўяётган бола,
Опачангни берасанми?



Асолат АХМАДҚУЛ қизи

АЁРНИЧИ КҮНГАИ...



ҚАТРАЛАР

ПЕШОНА

Дейдиларки, инсоннинг тақдир ёзиғи унинг пешонасига ёзиб қўйиларкан. Кенг пешона бахт-иқболдан дарак берар экан.

...хаёлга чўмаман пешонам силаб, шунча ранжу-озор сиққан пешонамга, сарсон-саргардонлик сиққан пешонамга биргина сизнинг исмингиз сиғмади...

УНУТИШ

...бизни унутқонни унутмоқ керак...

Бобур Мирзо

Сизни унутдим... Ўзимни мажбурлаб, қийнаб, ўртаниб номингиз ўчирдим қалбимдан аранг. Хувиллаб қолгандек бўлди кўнглим, уни сизнинг номингиз тўлдириб турган экан.

Сизни унутдим. Аммо юрагим ўз уришига ҳамоҳанг такрор-такрор айтаётган исм бунча сизнинг исмингизга ўхшайди?!

МУҲАББАТ

Мен сендан айрилмоқ истадим бир кун, яшамоқчи бўлдим сендан бўлақча. Ҳаётимдан мазмун йўқолди шу кун, шу кун ўз рангини йўқотди табиат... шунда мен англадим бор ҳақиқатни — сен менинг ҳаётим экансан, муҳаббат. Яшолмас эканман мен сендан айро.

ИҚРОР

Мен сендан олдинроқ келдим дунёга. Ҳар қалай биламан пасту баландни. Сенга қараб туриб ўйлаб кетаман худди сендек дамларим. Юрагингни кўриб турибман яққол — топ-тоза, беғубор, бегард. Шу покиза юрагинг билан сени олдиндан нималар кутаётганини ҳам сезиб турибман.

...меҳрибон опангдек юпатгим келар ёрдамга муҳтожлик дамларинг сезсам. Кел, сени кўнглимга яшириб қўй, сени у дардларга ҳеч бергим келмас...

УЧ ГУНОҲ

«...Мен фақат сиз ҳақда хаёл сураман, ҳатто тушимда ҳам сизни кўраман...» Бу менинг биринчи гуноҳим эди— чунки алдагандим. Йўқ. Мен алдамоқчи эмасдим, фақат хоҳлагандим шундай бўлишни. Ёлғондан ёлғон туғилганидек, гуноҳдан ҳам гуноҳ туғилаверар экан.

...кейин... сиз менга ишондингиз. Кўнглингиз эшикларини кенг очиб қўйдингиз. Мен ундан энг ноёб туйғуларингизни-ишонч ва севгингизни ўғирладим...

...энди бу учинчи гуноҳим—сизга хиёнат қилди хаёлим. Олис болаликка сайр қилиб кетди. Сокин синфхона бўйлаб кезди-ю, орқа партада ўтирган, кўзлари ажаб бир мунгли йигитча қаршисида бош эгди... ҳатто ундан сўради узр!

...мана шу бори. Бирданига уч гуноҳ қилган одамга қандай жазо бор?

...мен тайёрман...

ҲАСАД

Дунёни қизганма мendan...

А. Орипов

Муттасил томчилаган томчи тошни, тинимсиз эсган шамол эса қояни емиради.

Ҳасад, тошдан-да совуқ, тошдан-да қаттиқ нигоҳинг билан бунчалик таъқиб этмагин. Мен на тошман, на қоя. Оддийгина одамман, холос. Юрагим ҳам, асабим ҳам одамларга хос. Сен мақсадингга эришсангу, асабимни, юрагимни, охири ўзимни емириб адо қилганинг билан не фойда ахир? Менинг умрим қўшиб берилмайди-ку сенга.

Ўз қувончу ташвишим билан, ўз аравамни тортиб, ўзимга ажратилган умримни яшаб ўтайин.

Ҳасад, қўйгил мени, ўз ҳолимга қўй...

КЕЧИКИШ

Ҳаёт саҳросида кезиб сарсари сенга етмоқ истадим фақат. ...Кездим қанча чўлу ёбонни, сенга етмоқ эди ёлғиз мақсадим.

Оёғимни тирнади тошлар, тиконлар, изимга томдилар қонлар қизғалдоқ, вужудимни куйдирди сахро оташи, чанқадим, танглайга ёпишди тилим. Дардимни айтмадим дайди елларга, алданмадим саробларнинг саробларига. Ҳамма қийинчиликларни ошириб елкамдан, сенга, сенга интилавердим фақат.

Ва бир куни, Худо ёрлақанган кун, мен сени учратдим умрим мазмуни.

Учратдим. Учратдим... афсус...

Ҳаётда кечикиб қолишлар кўп бўлади. Дарсга кечикиш, автобуста кечикиш, поездга кечикиш, ҳатто яшашга кечикиш... менингча энг қайғулисига бахтга кечикиш бўлса керак.

Шунча азоблар, қийинчиликларга синмаган бардошим чил-чил бўлиб кетди бахтим эгасининг кўзига қараб.

...ўзимни алдадим, юпатдим ноилож, у ҳам мени кутгандир узоқ... кейин мажбуран...

...кейин энг сўнги илинжим—сенинг кўзларингни излай бошладим.

Кўзларингдан аранг иллаганим дардмиди, синиқликмиди... ёки мен адашдимми, бахтим?

КУМУШБИНИНГ БУГУНГИ ЎТИНЧИ

Сизга...

Бегим, ҳар тонг уйқудан турар эканман, хаёлимга энг аввало сизнинг кўзларингиз келади. Кўзларингиз... шунчалар мағрур, шунчалар беғубор, шунчалик... бепарво.

Ҳар гал кўзларингизга сезирмай узоқ термуламан, бу энг сеvimли машғулотиmdir.

...кўзларингиздаги мусаффо қўлга чўмгим келади, кўзларингизда ўзимни кўргим келади, жудаям, жудаям кўргим келади ўзимни!

Кўзларингизга термулиб туриб ногаҳон титраб кетар вужудим, чунки... кўзларингизда ўзга аёл сувратин кўраман, ўзга рўзгор ташвишларин ўқийман ўртаниб. Шунда... армон деб аталган бир бераҳм ҳис беаёвғижимлайди юрагимни кафтига олиб.

Бегим, мен сизнинг кўзларингизни ҳеч бўлмаса бир марта кўриш учун яшаётгандай сезаман ўзимни...

Марат ЗОКИРОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони



ТАРБИЯ ВОСИТАСИ

Мурғак гўдак то мустақил ҳаётга ўрганмагунга қадар тинимсиз меҳрга, тарбияга, йўлланмага муҳтож бўлиб яшайди. Аммо мустақил ҳаётда ҳам унинг ҳаёт йўлини белгилаб берувчи мураббийлари бўлиш шарт. Кўп йиллик педагогик тажрибамдан биламанки, бола суяги қотгандан кейин ҳам бирор яхши устознинг этагини тутса, маслаҳатлар олиб турса, зинҳор кам бўлмайди. Негаки, ҳеч бир киши ҳаётининг сўнгигача дунё илмини охиригача ўрганиб улгуролмайди.

Муҳтарам Президентимиз бундан чамаси ўн йиллар бурун ёшлар мақсадининг тезроқ амалга ошишини ўйлаб қизиққонроқ бўлишлари, камчиликларни юзга солишлари, рўй-рост гапиришлари ва албатта, хато қилишлари мумкин. Бу хатоларни биз кечира олишимиз ҳамда тўғри йўлга сола билишимиз лозим. Бурчимиз— шу, деган мазмунда бир маъруза қилганлари ёдимда.

Чиндан ҳам ақли ҳали пишиб етилмаган ёш йигит-қиз хато қилиши тайин. Шунда биз катталар, мураббий-устозлар уларга керакли маслаҳат ва насиҳатларни бера билмоғимиз керак.

Зоминда ўтказилаётган семинарларнинг биринчи галдаги аҳамияти ҳам мана шунда. Тасаввур қилинг: Республикамизда милёнлаб ўқувчилар, талабалар таҳсил олишяпти. Уларнинг орасида минглаб йигит-қизлар қайсидир даражада адабиётга ихлос қўйиб, ижод қилишади. Уларнинг ҳаммаси ҳам чин ижодкор бўлмаслиги бор гап. Шу боис сараланганлари, яъни даъвогарлари Зоминга келишади.

Семинарнинг бирортаси муҳтарам шоиримиз, Ўзбекистон Қаҳрамони, уюшма раиси Абдулла Ориповсиз ўтганини эслаёлмайман. У кишининг келганини эшитиб, нафақат вилоятимиздан, балки бошқа қўшни вилоятлардан ҳам ижод ихлосмандлари келиб, адабиётга оид маъруза ва янги шеърларини ўз оғзидан эшитишга талпинишади. Мен ҳам бир мухлис сифатида у киши билан Зоминда узоқ суҳбатлар қўрганман. Ҳаммамиз ҳам озми-кўпми тарихни кўрдик, кўряпмиз. Аммо Абдулла Орипов деганимиз алоҳида, ўзига хос бир тарих. У кишининг ҳангомаларини тинглаб туриб, ҳатто ўз кўзимиз билан кўрган воқеа-ҳодисалар ҳам кўз олдимизда бошқача жонланади, ўзгача маънолар касб этади. Хотираси ҳам шу қадар кучлики, Худонинг қўш-қўллаб бергани шу бўлса керак, дейман.

Ўтмишнинг муҳим бўғинларини, бугуннинг қиёслаб бўлмас ўзгаришлари, сиёсат, адабиёт ва айниқса Президентимизнинг олиб бораётган сатъ-ҳаракатларини ўзининг дохиёна ижодкорлик ҳофизасига солиб, жонлантириб ва хулосалари билан сўзлайдики, бу суҳбатлар узоқ ёдингда қолади, таъсирланасан.

Энди кечагина қўлига қалам олиб ижодга киришган ҳаваскор ёшлар ҳам бу суҳбатлардан етарли хулосалар чиқармай иложи йўқ. Ҳар қалай улар учун фалон-фалон шоирларни кўрдим, суратга тушдим, бирга чой ичдим, деган мақтанишдан кўра «шеърларим ҳақида мундай-мундай фикрлар билдиришди, бундоқ эмас, мана бу йўсинда ижод қилишим яхшироқ экан, мумтоз адибларнинг асарларини чиндан ҳам чуқурроқ ўқиб, ўзлаштиришим керак экан», деган хулосалар билан қайтишлари энг муҳим нарса.

Семинарнинг айнан Зоминда ўтаётгани, бу анъанага айлангани биз жиззахликлар учун катта фахр ҳисобланади. Ҳар гал бошимиз осмон қадар кўтарилади. Зомин семинари вилоятимиз адабий муҳитига жуда катта таъсир ўтказаётганини алоҳида таъкидлаш керак. Семинарда ёш жиззахлик ижодкорларнинг бир нечаси юқори баҳоланди, ёзувчилар уюшмасига икки нафар йигит аъзо бўлди, Зуҳра Мамадалиева деган қизимиз Олий Адабиёт курсига ўқишга кирди. Бу, авваламбор, истеъдод ва катта ҳавас, қолаверса, устозлар ўтитидан тинимсиз баҳра олишнинг мевасидир.

Ўйлайманки, бундай кўрик-танлов мамлакатимизнинг исталган вилоятида ўтказиб келинганида ҳам ўша ернинг ижодий муҳитига шундай катта таъсирини ўтказган бўларди.

Кези келганда семинарнинг йилдан-йилга обрўсини туширмай, аксинча бирини иккинчисидан баландроқ мақомда ўтказишга ҳаракат қилиб, барча ташкилий ишларнинг ташвишларини елкасида кўтариб келаётган вилоятимиз раҳбарларига ҳам ташаккур айтиб қўйишни ўзимнинг бурчим деб биламан.

Бу, албатта, савоб иш. Чунки ёшларимиз учун қилинаётган гамхўрликнинг ёрқин кўриниши. Овози баланд ижодкорлар номи кўпаяверса, ишларимизнинг самараси, аслида — шу.

Адабиёт—маънавиятимизнинг ажратиб бўлмас ўзаги.

Бу ўзакни кучлантиришга бош қўшганларнинг ҳам савобдан боши чиқмағай! Ўн йиллик тадбиримиз иштирокчиларига шуни тилаб қоламан.





АМИР ТЕМУР «ТУЗУКЛАР»ИДА ҚОНУН УСТИВОРЛИГИ МАСАЛАСИ

Олимжон ЖҰРАЕВ,
«Дустлик» ордени соҳиби, Халқаро Аҳмад Яссавий номидаги мукофот совриндори, профессор.
Қамолiddин ЖҰРАЕВ,
Абдулла Қодирий номидаги Жиззах Давлат педагогика институтини IV курс талабаси.

*Бошсиз мулк мисоли жонсиз тан эрур,
Жонсиз тан аҳволи сўзсиз бузулур!*

Мўғуллар истилоси туфайли Мовароуннаҳр ва Хуросонда узоқ йиллар ҳуқуқий тизим-қонунчилик бутунлай издан чиққан эди. Мамлакат гўё бир бошсиз одам сингари ўз-ўзини бошқара олмай қолди. Илгари бу юртларда жорий қилинган мусулмон урф-одатлари, шариат қонунлари ўрнига Чингизхон номи билан боғланган «йаса» жорий қилинди. Жорий этилган янги қонун инсон ҳуқуқларини поймол этиш билан бирга, одамларни жисмоний жиҳатидан ҳам майиб қилар эди. Бундай ҳўрланишлар ва зулм маҳаллий аҳолини ҳаётдан бездириб қўйган эди. Чунки «йаса» қонунига кўра Чингизхон давлатида кишиларни турли йўллар билан ҳақорат қилиш ва жазолаш мумкин эди. Ана шундай эзилган бир халқнинг дардини тингловчи киши сифатида майдонга чиққан Амир Темур аввало, Туелуқ Темурнинг ишончини қозониб, Мовароуннаҳрни бошқариш ҳуқуқини олди. Бундай имконият Амир Темурнинг келгусида буюк давлат тузиш ва унга мос келадиган қонунлар чиқаришига йўл очди. Амир Темур бутун Туронзаминни ўз ихтиёрига киритгандан кейин эса, давлатни бошқариш тизимини ўзида мужассамлаштирган «Тузуклар»ни жорий этди. Бу «Тузуклар»даги қонун ва қоидалар бўлажак мустақил давлатни ҳар томонлама мустақамлашга шароит яратди.

Амир Темур ўзининг марказлашган давлати ва унинг қонунларини тайёрлашда мусулмон дунёсида узоқ йиллар шакланган сиёсий ва ҳуқуқий таълимотларга таянади. Амир Темур ўз давлати мафқурасини Ислоом қоидаларига мослаштирган бўлса, қонунлар мажмуасини ишлаб чиқишда Шариат аҳқомлари, йўруғларига суянди. «Тангри Таолонинг дини ва Муҳаммад Мустафонинг шариатига ривож бердим. Ҳар ерда ва ҳар вақт Ислоом динини қувватладим», деб ёзган эди «Тузуклар»ида.

Ҳазрат Амир Темур бу қонунлари билан аввало мамлакатда тинчлик, осойишталик ҳамда мустақилликнинг барқарорлашувиغا эришди. Чингизхон даврида амал қилган «йаса» қонунини бекор қилинди. Халққа жабр-зулм ўтказувчи қароқчилар, маҳаллий амалдорларнинг таноби тортилди.

Амир Темурнинг бундай мукамал қонунлар— «Тузуклар»ни тайёрлаш учун замин бўлган омиллар, аввало, арабларнинг Марказий Осиёга кириб келиши ва шариат аҳқомларини маҳаллий халқ орасида жорий қилиниши билан боғлиқ бўлиб, уларда Шариат мусулмон ҳуқуқшунослари томонидан «Қуръон» ва «Сунна» тафсиллари асосида тайёрланган. Шариат қонунлари эса кенг ва мукамал ишланган ҳуқуқ қомуси бўлиб, унда турмушнинг бутун тафсилотлари ўз ифодасини топган. Шунинг учун ҳам Шариат қонунлари бошқа Оврупа мамла-

катлари қонунларидан тубдан фарқ қилади. Шарқ мамлакатларида, хусусан, мусулмон мамлакатларида ҳуқуқ-фиқҳшунослик ҳар тарафлама ишланган. «Қуръон» оятларида 500 дан ортиқ ахлоқ-одоб қоидаларини ифодаласа, 200 дан ортиги диний масалаларга бағишланган.

Шариат диний, ахлоқий ва дунёвий қоидаларнинг умумий мажмуи бўлиб, уларни бир-биридан ажратиб ўрганиш ёки талқин қилиш мутлоқо мумкин эмас. Сабаби улар бир-бирлари билан чамбарчас боғлиқ. Мусулмон ҳуқуқларининг асосий манбаи «Қуръон» ва «Ҳадис»дир. «Тузуклар»да энг аввало давлатнинг бирлиги ва мустақиллиги масаласи кўйилган. Бу ҳол, айниқса, иқтисодий масалалар билан боғлиқ ҳолда кўрсатилади. «Давлату салтанат уч нарса билан: мулк, хазина, лашкар билан тикдир». Ана шу уч бирлик асосида давлатнинг ички ва ташқи сиёсати амалга оширилади. 27 мамлакатни бошқарган Амир Темур итоатида ҳар бир вилоят, ҳар бир ўлкани доимий назорат остида сақлаш учун махсус кузатувчилар ва улар берган маълумотларни марказга етказувчи кишилар бўлган. «Амр қилдимки, мингта тез юрар туя минган, мингта от минган елиб-югирувчи кишини, чопқувчи минг нафар тез юрар пилдани чопар эгиб тайинласинларки, турли мамлакатлар, сарҳалларнинг хабарларини, қўшни ҳукмдорларнинг мақсадлари ва интилишларини билиб, ҳузуримга келиб, хабар қилсинлар, токи воқеа корхол юз бермасдан бурун чора ва иложини қилайлик». Бундай тадбирлар мамлакатнинг иқтисодий аҳволини тезда ўзгартиришга ва керакли чораларни кўришда муҳим аҳамиятга эга бўлган. Яна бир муҳим соҳа иқтисодий ҳолатни мустақамлашда табиий ресурслардан фойдаланиш масаласидир. Амир Темур ҳар бир вилоят ва ҳар бир туманни идора қилишда давлат, хусусан, вақф ер шакллари сақлаб қолиш билан бирга, бу қоидага айрим ўзгартиришлар киритди. Мамлакатни бирлаштиришда, ўзга давлатлар билан олиб борилган жангларда алоҳида хизмат қилган амирлар, лашкарбошилар, қариндошлар ва яқин кишиларга ерларни суюрғол ва тархон сифатида инъом қилиб берди. Бундай усул ер эгалигини мустақамлаш ва ҳосилдорликни оширишда қўл келган. Чингизхон давлатида издан чиққан, эгасиз қолган ерлар имкони бор кишиларга бўлиб берилган. Ишлаб чиқаришда меҳнатнинг ролига катта аҳамият берилган. «Дехқонларни ва раиятдан қайси бирининг деҳқончилик қилишга қурби етмаса, керакли усқуналарни етказиб унга ёрдам берилсин» дейилган «Тузуклар»да. Бундай тадбир меҳнат кишисининг ҳуқуқини ҳимоя қилган. Амир Темур ишламоқчи бўлган кишиларга бундай имконият яратиб бериш билан бирга уларни ижтимоий томондан ҳимоя қилишда ҳам жонбозлик кўрсатган: «хунарманларни ҳар маконга бориб яхши ҳаёт кечирмоқлари учун ҳожатлари ижросида керакли бўлган моддий, маънавий ёрдамни аямас эдим. Уларга таъкидлаб ҳар жойда бўлса ҳам бемалол рафо-

хият билан бахтли ҳаёт кечирмоқларининг орзуинда эканлигини билдиради эдим». Қарангки, ижтимоий ҳимоялаш ҳуқуқий масаласи Амир Темур назаридан четда қолмагани учун «Тузуқлар»да ҳам акс этган.

Амир Темур ўзидан илгари ўтган ҳукмдорлар амалга ошира олмаган тadbирларни ҳам қонунлаштирган. 1. Агар бир шаҳарда ўғирлик содир бўлса, унинг ҳокими-доругаси жавоб беради. Ўғри топилмаса, доруганинг қўли кесилиб, ўғрининг ўрнига ўзи жазоланади. 2. Архиепископ Жоннинг ёзишича, агар Темурга тобе бирор мамлакат доирасида бирор савдогарнинг мол-мулки ўғирланса мамлакат фуқаролари икки баравар хун тўлайдилар. Бундан ташқари ҳар бир йўқотиш учун Амир Темур хазинасига беш баравар жарима ўтказилади. Бу тadbир катта натижалар беради. Темурнинг айтишига кўра «бир киши Анқарадан Самарқандга қимматбаҳо моллари билан жўнаса, улар ясовулларсиз оддий юриш билан тинч-омон юра олар эди».

Амир Темур хоинлар ва жиноятчиларга ўта шафқатсиз эди. Етти йиллик уруш даврида Самарқанд ҳокими тартибни бузиб, порахўрликка йўл қўяди ва шаҳарда аҳолининг норозилигига дучор бўлади. Ҳазрат Соҳибқирон сафардан қайтган бу ҳодисалар сабабчиларини аниқлаб, шаҳар ҳокимини ўлимга буюради. Уни қутқариш учун орага тушган кишини ҳам қўшимча фармон билан катта майдонда халқ олдида осишга буюради.

Содир бўлган воқеани рус тарихчиси Ж.Иванин, В.Череванский «Амир Темур» тарихий романида шундай ёзади: «Мовароуннаҳр амалдорларидан бири бўлмиш Самарқанд ҳокими, Соҳибқирон бу ерда бўлмаган пайтда пора олганликда айбланади. Шу кунлик деярли намоийшкорона вазиятда осилди. Ҳокимнинг омонлиги учун катта товон тўлашни ваъда қилган унинг дўсти эса, қўшни дордан жой олди». Худди шу ҳодиса Де Клавихонинг «Кундалиги»да 1404 йилнинг кузи воқеаларида баён қилинади.

Ривоятда айтилишича, Амир Темур ўз қўшинларини бир қишлоққа жойлаштиради. У қўшни аҳолидан хабар олиш учун айланиб юрганида бир аёлнинг от етаклаб сувга бораётганини кўриб, бу ҳолга қизиқибди. Не сабабдан бу аёл эркак қиладиган ишни қилаётгани ажаб туюлибди. Воқеанинг асл сабабини билгач, аёлнинг эрини қақариб, ундан сўрабди:

— Нечук завжангизга от сўғоришни буюрдингиз, бу эркакларнинг иши-ку!?

— Эй Соҳибқирон, от боқиш ҳам, отни сўғориш ҳам эркак кишининг иши эканлигини биламан, аммо қоплон-сифат турк навкарларинг уйимга тушиб эрди. Уларнинг нияти нима эканини билмасман. Шунинг учун аёлимни от сўғоришга йўллаб ўзим уйда қолган икки қизимни кўриқлаб ўтирган эдим, — деб жавоб берибди.

Оддий қишлоқ кишининг тўғри арзидан хулоса чиқарган ҳазрат ўша кунлик навкарларни қишлоқдан чиқаради ва бир умр навкарларни аҳоли уйида жойлаштирамайди.

Амир Темурнинг яқин дўсти ва қайиноғаси амир Ҳусайн ҳам уни бир неча бор алдайди, ўз қасамини бузади. Ҳатто «Куръон»ни ўртага қўйиб ичган қасамига ҳам чап беради. Бу ҳол бир неча бор такрорлангандан кейин Амир Темур ва унинг амирлари ўртасида шундай маслаҳат бўлади. Буни Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома»да қуйидагича қайд этган: «Кенгашда ҳозир бўлганлар бу сўзларни эшитгач, (гап Соҳибқироннинг синглиси Ширинбека оғани зўрлаб Балхта, яъни амир Ҳусайн саройига олиб борилиши ҳақида боради) амир Муса (бошқа) амирлар ва ул ҳазратнинг аркони давлати-амир Довуд, амир Сори Буғо, амир Жоку, амир Муайят, Ҳусайн Баҳодир, Али амир, Сайфиддин, Аббос Баҳодир, амир Оқ Буғо, Элчи

Баҳодир, Шайх Баҳодир, Давлатшоҳ Бахши уйғур кабилар ҳаммалари бир овоздан шундай делдилар: «Амир Ҳусайн аҳдига ишонч йўқ, у ғараз ва макр асири бўлган, (Худо) кўрсатмасин, агар фурсат бой бериладиган бўлса, уни эпақага келтириб бўлмай қолади, наломат фойда бермайди. Сўзсиз унга қарши курашда бир жону бир тан бўлмоқ лозим, барча саъй ҳаракат унинг ишини бир ёқлик қилишга йўнатилмоғи керак».

Доимо ўз халосқори ва ҳамқори бўлган Амир Темурга панд берган ғаразгүй амир Ҳусайннинг тақдири фожеали тугайди. Уни амир Кайхусрав Ҳуттулоний Ҳусайн укаси Кайкуботни ўлдиригани учун хуни эвазига ўлдиради...

Амир Темур эса амир Ҳусайнни бир неча бор кечирган ва оқибат Тангри ихтиёрига топширган эди...

Эслатганимиздек Амир Темур «Тузуқлар»да келтирилган қонунларнинг ўз вақтида, тўлиқ бажарилишини талаб қилган, уларнинг бажарилиши юзасидан ҳам назорат ўрнатган. Уни бузган кишилар ким бўлишидан қатъи назар, ҳатто энг яқин кишиси бўлса ҳам кечирилмаган. Бу ҳақда «Тузуқлар»да бундай таъриф-қонун тусидаги сўзлар битилган: «Ва яна менга қавм-қариндошлиги бор кишиларга, ўз ҳолига қараб ва қобилиятига яраша биринчи даражали амир мартабасидан тортиб, то еттинчи даражали амир мартабасигача бўлган амирлик ва валийлик мансаблари берилган. Уларнинг ҳар бири ўз мартабасига яраша иш тутиб ҳалдидан ошмасин. Бунга хилоф равишда иш тутганлар жавобгарликка тортилсинлар». Биргина мисол, Халил султон амир Сайфиддиннинг канизаги Шодимулк исмли аёлга ўз бобосининг маслаҳатсиз уйлангани учун валиаҳдликдан бекор қилинади. Орага тушганлар уни фақат ўлимдан сақлаб қоладилар, холос.

Амир Темур «Тузуқлар»да Темурийлар даврида, айнқиса, Шоҳрух, Улугбек мирзо, Мирзо Абу Сайид, Султон Аҳмад, Ҳусайн Бойқаро, Бобур, Акбаршоҳлар даврида янада такомиллашди ва мустақамланди. Бобур «Мубаййин» номли асариде шариат қонунларини шеърий усулда баён қилди.

Тан олиш лозимки, ҳар қандай мафкура ўз-ўзидан ва бирданга вужудга келмайди. Бунинг учун ижтимоий шарт-шароитлар ва жамият аҳолисининг маънавий онги ҳам етилиши шарт.

Биз мустақил ўзбекистон Республикаси аҳолисиға эса бундай ҳол илгаридан маълум бир шароитга, заминга эға бўлган халқ бўлганимиз учун ўтмиш тажрибаларига суянган ҳолда иш тутсақ, режамиз анча енгил кўчади. Лекин, тажриба шуни кўрсатмоқдаки, ҳар қандай миллий мафкуранинг инсонпарвар-демократик жамиятга ўтиш даврида бир мунча қийинчиликларга дуч келинади. Чунки иқтисодий манфаат ҳар қанча катта имконият яратмасин, одамларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан бирлаштира олмайди. Аниқроғи бу ҳолат уларнинг маънавий камолотга еришувида биринчи омил бўла олмайди. Вужудга келган янги мустақил давлатнинг ўз мафкураси бўлгандагина унинг келажаги порлоқ ва мустақам бўлади. Ана шу ўринда мустақил мафкурани вужудга келтиришда (инсоний қадриятлар ҳақидаги қарашларни) ота-боболаримиз томонидан ўзимизнинг Шарқона удумларимиз, инсоний қадриятлар ҳақидаги қарашлари ва бу қарашларни вужудга келтирган дин, шариат қонун-қоидаларидан фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Айнқиса, дин-шариат қонун-қоидаларини ривожлантирган тарихий шахслар тажрибасига суяниш, хусусан, Амир Темур даври, у чиқарган қонун-қоидалар муҳим аҳамият касб этади.





Сирожиддин САЙИД

ЁШ ШОИРЛАРГА

Бу диёрда тоғу тош шоир бўлиб,
Ерга тушгайдир қуёш шоир бўлиб.

Ўргатар куйлашни булбул сувлари,
Майса ҳам тебрайди бош шоир бўлиб.

Бундайн ҳеч бир диёр оламда йўқ,
Гул билан гул рангталош, шоир бўлиб.

Сиз унинг заҳматларига дил беринг,
Дардларига елкадош шоир бўлиб.

Дилчироғ шоир бўлингу дилқароғ,
Кетмангиз ҳеч дилтарош шоир бўлиб.

Бу жаҳонда қоралик бор ҳам риё,
Сиз яшангиз нурпош шоир бўлиб.

Шеърят — оташ муҳаббатдир, билинг,
Жону бағрингиз тутош, шоир бўлиб.

Ўйлабон ҳам куйлабон қорин билан,
Ўтмоқ ҳам мумкин ош шоир бўлиб.

Ёр зулфин атридай ёшлик ўтар,
Қолмагайсиз ҳеч ёш шоир бўлиб.

Сиз — элингиз қалбининг мирзолари,
Элга сўз айтнинг қуёш шоир бўлиб.

Тенг бўлингиз аҳли олам бирла ҳам,
Қардош ҳам дарддош шоир бўлиб.

Улғайсангиз баркамолу безавол,
Юртингизга кўзу қош шоир бўлиб.

Парда ЗИЁДОВ,
Ўзбекистон қаҳрамони



ТУПРОҚ МЕҲРИ

Мен Ҳамид Олимжондек ҳассос шоир туғилган қишлоқдан эканлигимдан мудом фахрланаман. Далани ёлғиз кезган пайтларимда шоиримизнинг шеърларини ёд ўқисам, дилимдаги бир хумор босилади, баъзан эса қалбимда бир тўлқин кўтарилади, ана шу туйғуни қоғозга туширишга ҳаракат қиламан, албатта буларни шунчаки машқ деб биламан.

Ёш ижодкорларнинг Зоминга келиши мен учун ҳам байрам. Ўзбекистон Қаҳрамони Марат Зокиров билан бориб ёшларнинг мушоираларида қатнашиб шеър тинглайман, устозларнинг ёшларга бераётган маслаҳатларини тинглайман. Шунинг учун Зоминда кашф этилган Гулжамол Асқарова, Латофат Неймат, Ориф Тўхташ, Шуҳрат Ориф, Адиба Умирова, Зухра Мамадалиева каби ёшлар ўз ижодлари билан менга қадрдон бўлиб қолганлар, уларнинг радио, телевизор, газеталарда, «Ёшлик»да чиқишларини кузатиб бораман.

Мен эсимни таниганимдан бери (бугун ёшим олтмишни қоралаб қолди) Жиззах туманининг Нурота тоғига туташ даласида олдий бир деҳқон сифатида ишлаб келаман, бугун эса ўзим эллик йилдан бери ишлаб келаётган жойда фермер хўжалиги бошлигиман. Куну тун даладаман. Шу тупроқ ишқи билан яшайман, элимиз, юртимиз учун деҳқончилик маҳсулотлари етиштираман, баҳоли қудрат. Мамлакатимиз Президенти мен каби олдий бир деҳқоннинг меҳнатини қадрлаб Ўзбекистон Қаҳрамони унвони бергани мен учун ҳам шараф, ҳам масъулият. Шунинг учун мамлакатимиз деҳқончилигини ривожлантириш йўлида бор кучимни аямайман.

Ижодкор ёшларимизга эса яна бир бор Жиззах тупроғига хуш келибсиз, Сизларни она тупроқ меҳри янги-янги асарлар яратишингизга илҳом бераверсин, дейман.



Дилдора СОБИРОВА

АБДУЛЛА ОРИПОВ

ижодиди

НАВОИЙ анъаналари



Дилдора СОБИРОВА 1989 йилда Жиззахда туғилган.

У Жиззах Давлат Педагогика институти қошидаги иқтидорли болалар лицейининг талабаси. Бир неча йилдан бери Ёзувчилар уюшмаси Жиззах вилоят бўлими қошидаги "Сангзор" клубида фаол қатнашади, ҳазрат Навоийга **Абдулла Орипов** асарларини қиёслаб ўрганишга қизиқади. Куйида унинг шу мавзудаги мақоласини эътиборингизга ҳавола қиляпмиз.

Адабиётда ҳар доим гўзаллик, эзгулик, севги-муҳаббат ва адолат анъана сифатида халқ томонидан, алоҳида ижодкорлар томонидан мадҳ этилган ва куйлаб келинган. Зеро, анъана ҳақида сўз борар экан, буюк аждодларимизнинг буюк ишлари, ибратли фаолиятлари биз авлодлар учун доимо анъана, ибратли бир мактаб бўлиши лозимлиги хаёлимизда гавдаланади. Ҳар доим даҳо санъаткорлар ижодида анъана ва муштараклик бўлиши табиий ва муқаррардир.

Икки ҳодисани қиёслаш, ҳар икки ҳодисанинг аввал кўрилмаган қирраларини кўришга, илгари унда намоён бўлмаган жиҳатларини ёритишга имкон беради. Яъни улар бир-бирига шуъла ташлаб, бири иккинчисида, иккинчиси биринчисида акс этади. Даҳолар ўзлари кўтарилган юксакликдан ўқувчи қалбига шуъла сочдилар. Алишер Навоий ва Абдулла Орипов! Бу икки номни эшитганимизда, кўз ўнгимизда халқимизнинг беназир истеъдод соҳиблари, икки буюк фарзанди гавдаланади. Алишер Навоий ва Абдулла Орипов замондош эмас. Уларни бир неча аср вақт, минглаб чақирим масофа ва буткул ўзгача муҳит, жамият ажратиб туради. Аммо улар учрашадиган умумий бир майдон бор, бу, шубҳасиз, ижоддаги баркамоллик, миллат, ватан, севги-муҳаббат, адолат ва эзгулик мадҳи, халқ оғзаки ижод намуналарининг ўзига хос тараннуми десак, асло муболаға бўлмайди. Алишер Навоий ғазалларининг халққа яқинлиги, энг аввало унинг ўз халқининг миллий анъаналарига бўлган буюк муҳаббатида ифодаланади. У туркона ҳаёт, туркона расм-одатларни, туркий сўз, туркий куй ва ашулаларни улуғлайди.

*Мен доғи бу майниким сузубмен,
Туркона суруд анга тузубмен.
Муганний, келу черт туркона соз,
Мақоми "Наво", йўқса "Турки ҳижоз".*

Буюк бобокалонимиз ушбу байтларда ҳам халқимизнинг миллий урф-одатларини, ашула ва куйларини зўр муҳаббат билан қуйламоқда. Худди шундай халқимизни мадҳ этувчи оҳанг замондошимиз А.Ориповнинг куйидаги шеърида ўзига хос бир тарзда Навоийнинг юқоридаги байтларига ниҳоятда ҳамоҳанг ҳолда намоён бўлади.

*Ёру дўстлар жам бўлибдир, тўй қилур ўзбек элим,
Мен дегайман хуш келибсан, дўсту меҳмоним, сенга.
Дилда борим сен учундир, қўлда торим сен учун,
Қайда бўлсам талшунурман, Ўзбекистоним, сенга.*

Келтириб ўтган икки мисолимизда ҳам халқимизга хос бўлган меҳмондўстлик, бағрикенглик, гўзал ашула

ва куйларга бўлган ҳавас ўзига хос бир муҳаббат ва зўр иқтидор билан улуғланмоқда, куйланмоқда. Демакки, буюк аждодларимиз бошлаб берган анъанани авлодлар, яъни замондош шоиримиз муносиб тарзда давом эттирмоқда.

Ҳар бир ижодкор бутун адабий, ижтимоий-сиёсий фаолиятида инсон ва халқ манфаатлари йўлида ҳаракат қилади, ижодга замонасининг энг муҳим масалаларини мавзу қилиб олади ва инсонпарварликни улуғлайди. Демак, ижоднинг барча қирраларини халқ манфаатлари йўлига қаратган ижодкор том маънодаги халқ санъаткоридир.

Авалло, шунинг айтиб ўтиш керакки, халқ ижоди адабиётимизнинг бош бўгинини ташкил этади. Чунки ҳақиқий адабиёт ва санъат халқнинг юрагидан чиқади. Алишер Навоий ҳам халқ оғзаки ижоди намуналаридан унумли фойдаланиш билан бирга ижодкорларни ҳам ушбу асл дурдоналардан баҳра олишга чорлайди. Буюк Навоий ижодининг шайдоси ва ихлосманди бўлган замондош шоиримиз А.Орипов ҳам ўз ижодида халқ оғзаки ижоди намуналаридан баҳоли қудрат фойдаланишга, ушбу зилол булоқдан ўз асарларини қондиришга ҳаракат қилади:

*Халқ нақли тўқимайди атайин,
Нақлларнинг умри фузун бўлади.
Мана, сизга биттасини айттайин,
Яхшилик қил—тилинг узун бўлади.*

Шоирнинг «Халқ нақли» номли шеъридан олинган ушбу тўртликда ҳам халқ оғзаки ижоди намуналари ҳисобланган мақол, ибора ва ҳикматли сўзлар ҳақида гап боради ва шоир уларни ўз шеърида маҳорат билан қўллайди. Ва, шубҳасиз, шоир мақол ва иборалар орқали ўз фикрини лўнда ва образли тарзда ифода этишга эришади. Навоийнинг ижодида эса мақол ва иборалар қўлланилиши ўзига хосдир:

*Етти жон оғзимаким чиқмас уйидин ул хур:
«Чиқмагон жонга умид», ушбу масалдур машхур.
Ердин деса қозиб чиқорай: «Ер эрур қотик»,
— Кўк қонидин десаки олай: «Кўк йироқ эрур».*

Ушбу байтларда «Чиқмаган жондан умид», «Ер қаттиқ, осмон йироқ» мақоллари шакллари ўзгартирилмаган ҳолда қўлланган. Навоий бундай мақол ва ибораларни ўз ғазаларида қўллаш орқали тилимиз имкониятлари янада кенг эканлигини кўрсатиб бера олди.

Ҳазрат Навоий тилимиз жонқуяри сифатида жуда катта аҳамиятга молик ишларни амалга оширди ва она тилимизни улуғлаб, тилимиз имкониятлари катта эканлигини таъкидлаб, жумладан, шундай деган эди: «Форсий тилни афзал кўрадиган ва ўша тилда шеър ёзишни осонроқ деб ўйлайдиган турк йиғитлари ҳақиқатни билмайдилар. Ҳақиқат шундаки, туркий тил уларнинг она

тиллари бўлгани учун бу тилда ижод қилиш уларга осонроқдир, чунки бу тилни улар болаликдан яхши билдилар, унинг ҳамма бойликлари, ҳамма афзалликлари улар учун очиқдир».

Худди шу фикрларга қиёсан шоир А.Ориповнинг куйидаги шеърини кўриб ўтайлик:

*Минг йилларким, булбул каломи
Ўзгармайди, яхлит ҳаммиша.
Аммо шўрлик тўтининг ҳоли
Ўзгаларга тақлид ҳаммиша.
Она тилим, сен борсан, шаксиз
Булбул куйин шеърга соламан.
Сен йўқолган кунинг шубҳасиз,
Мен ҳам тўти бўлиб қоламан...*

Юқориди келтирган икки мисолимизда ҳам бир гоё, битта фикр илгари сурилмоқда, яъни, Навоий бобомиз турк йигитларни ўз она тилларида ижод қилишга, она тилларини ҳурмат қилишга, эъзозлашга чорлаётган бўлсалар шоир А.Орипов ҳам ҳар ким ўз она тилида гапириши лозимлигини, ўз она тилини қўйиб бошқа тилларда гаплашиш «тўти»ликдан бошқа нарса эмаслигини таъкидлаб ўтмоқда ва иккала адабимиз ҳам она тилимиз нақадар буюк, нақадар азиз эканлиги ва тилимизни эъзозлаш, унинг софлигини сақлаш миллатимизнинг ҳар бир вақилига ҳам қарз, ҳам фарз эканлигини ўз асарларида, ўз фаолиятлари орқали кўрсатиб берган ва кўрсатиб келмоқда.

Мустақиллик даври мумтоз адабиёт ва замонавий адабиётнинг ижодий тажрибаларини кенг ўрганишга, бадиий ижод мўъжизаларини кашф этишга катта имкониятлар очиб берди.

«Мустақиллик даври шеърятини: таҳлил ва талқинлар» (ЎзАС газетаси, 2005 йил 27 апрел, №17) мақоласида таъкидланганидек, истиқлол даври шеърятини тараққиётида диний-ахлоқий гоёлар чуқур илдири отиб бораёпти. Маънавий сарчашмаларимиз: муқаддас Қуръони каримга, муборак ҳадисларга мурожаат этилмоқда. Ушбу йўналишда А.Ориповнинг «Ҳаж дафтари», Сирожиддин Саййиднинг «Қирқ ҳадис», Шукур Қурбоннинг «Унутмадим адолат расмин» шеърини туркумларини, Тоҳир Қаҳҳорнинг «Муҳаммад билан суҳбат», Асқар Маҳкамнинг «Ишқ», «Таважжуҳ», «Нақшбандия» достонларини алоҳида таъкидлаш лозим. Улар, аввало, шахс ва жамиятни комилликка ундашга қаратилган моҳияти билан эътиборли.

Абдулла Ориповнинг эллик ҳадисдан иборат «Ҳаж дафтари» ушбу йўналишга алоҳида файз бағишлайди. Унда

ҳазрат Алишер Навоийнинг «Арбаин ҳадис» асарларидаги фалсафий-ахлоқий қарашлари янги воқелик, янги ҳаёт материали асосида давом эттирилади. «Ҳаж дафтари» туркуми шоир шеърятинидаги комил инсон концепциясининг муҳим йўналиши, фалсафий-ахлоқий гоёларини ўзида мужассамлаштириши билан эътиборли. «Маккаи муқаррамага борганимнинг дастлабки куннда, — деб ёзади шоир туркум муқаддимасида, — Каъбатуллоҳда Аллоҳнинг уйи ёнида тунни бедор ўтказиб, тиловат билан бир қаторда байтлар ёза бошладим. Мен бу ҳолатга аввалдан бир мунча тайёр бўлганим сабаблими, сатрларим ўз-ўзидан куйилиб келаверди. Ҳаж сафарига ҳар ким ўз ихтиёри билан боргусидир. Бундан ташқари, Ҳақ йўли, унинг висолига етишмоқ осонгина кечадиган саёҳат эмас.

*Ўзлат излаб бормаган
Жойим балки қолмади.
Ҳеч бир гўша келгин деб
Оғушига олмади.*

*Юз ўғирма, бу йўлчи,
На қувонч, на кулфатдир,
Унинг ёлғиз илнжи
Ўзлат эрур, ўзлатдир.*

деб ёзади шоир «Ўзлат» шеъринида. Ўзлатга чекиниш бу—кўнгилга сафар қилиш. Кўнгил деб аталган оламнинг мўъжизаларини билишга, тушунишга сафарбарликдир. Кўнгилга сафар қилишнинг ибтидоси, бу — ўз-ўзини билиш, тушуниш бўлса, интиҳоси эса Аллоҳни англаш. Аллоҳ жамолига етишиш саодатидир.

Шоир талқинига кўра, инсон умри, тириклиги, бу — Ҳақ жамолига етишиш йўли. Фақат у банди мўмин учун синов сафаридир.

Инсоннинг маънавий-ахлоқий покляниши жамиятни ҳам тозартиради. Жамиятни маънавий комилликка етакловчи устивор хусусиятлардан ҳисобланади. Мазкур бадиий-фалсафий концепция Абдулла Ориповнинг «Ҳаж дафтари» туркумидаги диний-ахлоқий гоёлар талқинининг ўзак мағзини ташкил қилади.

Шеърят сарчашмаларида буюк Навоий ва мумтоз адабиётимизнинг энг яхши намуналари туради. Чунки Навоий ижодиёти инсон руҳий эркинлигининг мислсиз намоишидир. Нодир истеъдод намояндаси Абдулла Орипов ҳам Алишер Навоий ижодиётини баҳра олиб, истиқлол шеърятини яратаётган катта қалб соҳибидир. Биз бу мухтасар мақолада ана шу жараённинг баъзи бир томонлари хусусида фикрлашга ҳаракат қилдик.



Уйғун РЎЗИЕВ

ОЗОДЛИК



Ҳикоя

Отажон сапчиб ўрнидан турди. Қулоқларига ишонмай, радио ёнига яшиндек учиб борди ва бутун вужуди кулоқ бўлиб тинглади. Диктор гапни тугатгач, у радиоприёмникни маҳкам қучоқлаб, чунонам ўпдики, ҳатто темир жисм ҳам шу топда сарёғдек эриб кетди чамаси. Кейин унинг миясига ярқ этган фикр келдию ўзини эшикка урди. «Озодлик! Озодлик эълон қилинди! Озодлик!» деб ҳайқирганча қишлоқ кўчалари оралаб югуриб кетаверди. Ақл бовар қилмайдиган бундай хабарни ҳали эшитиб улгурмаган одамлар сал бўлмаса уни жиннига чиқариб қўяёзишди. Ҳаммадан олдин уни этикдўзининг уйида томсувоқ қилаётган бир тўда ҳашарчилар кўришди. Улар аввалига роса хохолаб қулишди. Кейин эса ҳадемай бир кор-ҳол рўй беришини пайқагандек томдан тушиб, лойли қўлларини ҳам ювмасдан кўчага чопишди. Улар Отажоннинг участка милицияси идораси томонга югуриб кетаётганини сезишган эди. Чунки у билан Степаннинг ўртасида азалдан келишмовчилик борлигини улар яхши билишарди.

Ўша келишмовчилик бошланган пайтларда Отажон ҳали кичкина бола эди. Отажоннинг отаси Жалол Парчаев урушда қатнашиб, Берлингача борган, кейин кўкси тўла медаллар билан қишлоққа қайтган эди. Урушдан сўнг у колхозда энг шимариб меҳнат қилди. Бир оёғини урушда йўқотиб келган бўлса ҳам оёғи бутунлардан кўра кўпроқ ишлади. Сўнг бригадир бўлди. Колхозда обрўси жуда баланд эди. Ҳадемай колхозга раис бўлиш эҳтимоли ҳам йўқ эмасди. Аммо «қама-қама» авж олган пайт эди.

Нима бўлдию, бир куни ярим тунда милиционерлар келиб, Жалол Парчаевни қўлларига кишан солиб олиб кетишди. Отажон бола эди. Одамларнинг пишқирган, дўриллаган овозларидан уйғониб кетдию, отасини олиб кетишаётганини кўриб, қўрққанидан «пиқ-пиқ» йиғлар эди. Кейин ёнида онаси борлигидан таскин топиб, ухлаб қолди. Шундан сўнг, ҳар куни ярим тунда, айна ўша пайтда уйғониб кетадиган бўлди. Ҳар гал уйғонганида онаси мижжа қоқмай, қоронғида унсиз йиғлаб ўтирган бўлар эди. Отажоннинг юраги сиқиларди. Ҳаммасидан ҳам кўра мактабда айрим безори болалар: «Сен халқ душманининг ўғлисан», — дейишганда унинг хўрлиги келиб кетар эди. Она-бола отани узоқ кутишди. Аммо отадан дом-дарак бўлмади.

Ўшанда Жалол Парчаевни Иван Николаевич Гришкин қўлига кишан солиб олиб кетган эди. У қишлоқда участка инспектори эди. Иван Николаевичдан ҳамма қўрқарди. Айниқса, ундан ҳам кўра унинг ўғли Степандан ҳамма ажалдан қўрққандек

қўрқишар эди. Степан айна кучга тўлган, келбатидан от ҳуркадиган, уззу-кун муштлашишни машқ қиладиган йигит эди. У шунчалик тантиқ бўлиб кетган эдики, хоҳлаган одамни тутиб урарди. Ҳеч ким унинг мушугини пишт деёлмасди. Иван Николаевич эса кўпчиликнинг олдида ўғлининг елкасига қоқиб: «Бўлажак инспектор. Савлатини қаранглар, ҳақиқий милиционер шундай бўлиши керак», — деб мақтанишни яхши кўрарди.

Бир куни ярим кечада Отажон одатича уйғониб кетганида уй ичида эркак кишининг овози эшитилди. У аввалига отам қайтиб келибди, деб хурсанд бўлиб кетди. Кейин ўша одамнинг кўпол сўкинганини эшитиб, хушёр тортиди ва ўрнидан қимирламай кулоқ тутиб ётаверди. Бироздан сўнг ўша одамнинг жоҳил Степан эканлигини пайқади.

— Сен манави Худо қарғанган ерлардаги энг гўзал аёлсан. Менга тегсанг ҳаётинг изига тушиб кетади. Ҳаммаси яхши бўлади, — дер эди Степан пишқириб.

— Тушингни сувга айт. Менинг эрим бор, болам бор. Нима ҳаққинг бор менинг уйимга бостириб киришга? Тагин ярим кечада! — деди газаб билан Раёно.

Степан масхара қилиб кулди.

— Эрим бор деб юрибсанми ҳали? У аллақачон халқ душмани бўлиб кетди-ку. Эҳтимол ўша Сибирда оқ айиқларга ем бўлган бўлса ҳам ажаб эмас. Энди у келмайди. Мўъжиза юз бериб қайтган тақдирда ҳам одам бўлмайди. Уни хаёлингдан чиқариб ташлайвер.

— Бекорларни айтибсан. Отаси ҳеч кимнинг душмани эмас. Бу сенга, сенинг отанга ўхшаганларнинг фитнаси. Отаси албатта қайтиб келади. Гитлернинг-ки жойини солган, сенга ўхшаганларнинг кунини кўрсатади ҳали.

— Кўп валақлайверма. Майли, кел, хотин бўлишга кўнмасанг, хуштор бўлақол. Вақти-вақти билан кўнглимни овлаб турсанг бўлгани. Қолганини ўзимга қўйиб беравер.

— Мени ўзингнинг Марусяларинг билан адаштираяпсан, ярамас. Тур йўқол, яқинлашма, сариқ машак. Ҳозир дод солиб бутун қишлоқни оёққа турғизаман. Шармандангни чиқараман.

Степан ҳеч нарсадан тап тортмай унга ташланди. Шу пайт аввал аёл чинқирди, кейин Степан юзини чангаллаганча уввос солиб ўкириб юборди. Отажон гира-шира ёруда Степан онасининг юзига тарсаки туширганини кўрди. Лекин у бола эди. Қўлидан ҳеч нарса келмасди. Қўлларини мушт қилиб туғиб, юзини ёстиққа босган кўйи пиқиллаб йиғлади.

Степан юзини чангаллаб, сўкина-сўкина чиқиб



кетди. У кетатуриб: «Билиб қўй, мен бор эканман, сенлар ёруглик кўрмайсанлар. Болангни асло қўқартирмайман. Ёдиндан чиқарма», — деб дағдага қилди.

Иван Николаевич пенсияга чиқиб, шаҳардаги уйига кетди. Унинг ўрнига ўғли Степан инспекторликка тайинланди. Энди у бутунлай ўзига бино қўйди. Айтгани-айтган, дегани-деган бўлиб қолди. Кимдир билиб-билмай гашига теккудек бўлса, у албатта тўппончасини ўқталар эди. Бошқа милиционерларнинг тўппончасида бир ёки икки дона ўқ бўлса, Степаннинг тўппончаси ўққа тўла бўлар, ҳатто ёнида ўққа тўла яна бир магазин турар эди. У форма кийганидан кейин тантанавор қиёфада яна Жалол Парчаевнинг уйига келди. Она-болани яна масхаралаб кулди.

— Чоғларингни кўраверларинг, эрта-индин уларинг бузилади. Халқ душманларига давлатнинг бир қарич ери ҳам ҳайф. Бу ерда ёғоч-тахта омборини курамиз, — деди у таҳдид билан.

У «халқ душмани»нинг оиласини ҳеч ким ҳимоя қилмаслигини яхши биларди. Ва айтганини қилди ҳам: бир ҳафта ўтар-ўтмас булдозер келиб, ҳе йўқ, бе йўқ, уларнинг уйини бузиб ташлади. Она-бола зор йиғлашди. Қўни-қўшнилари эса пана-пастқамдан зўрға мўралаб туришарди.

Бир неча йилдан кейин Жалол Парчаев қамоқдан қайтиб келди. Лекин соғлиги жуда абгор аҳволда эди. Уқтин-ўқтин йўталар, уззу-кун ёстикдан бошини кўтаролмай ётар, баъзан кўксини чангаллаб, букчайиб қоларди. Ниҳоят, у бир йилга ҳам етмай дунёдан кўз юмди. Жанозага келишга ҳамманинг ҳам юраги бетламади, оз-моз одам тўпланди. Бир амаллаб тобутни қабристонга олиб боришди. Майитни қўмар чоғида таомилга кўра «Биродарлар, марҳум қандай одам эди?» — дея сўралди. «Халқ душмани эди», — деди орқа томондан кимдир баралла овозда. Ҳамма ўша томонга ўгирилиб қаради. У ерда истеҳзоли қош чимириб, қўлини белига тираганча Степан турарди. Отажон уввос солиб йиғлаб юборди. «Қабристонда йиғланмайди, бўтам», — деб унга таскин беришди чоллар.

Жалол Парчаевнинг изтиробларга дош беролмаган аёли ҳам кўп ўтмай ёруғ оламни тарк этди. Отажон ҳувиллаган эски ташландиқ уйда ёлғиз ўзи қолди. У аламлар ичида йўқ бўлиб кетмаслик учун ўзини турли юмушлар билан чалғитар, китоблар билан овутар эди. Қарийб бир йилча ўтгандан кейин эса Жалол Парчаевнинг оқланганлиги ҳақида хат келди. Отажон кўзларига ишонмади. Кечикиб келган шу хатни кўксига босди. Ҳайрат билан йиғлаб, хатни такрор-такрор ўқиди. «Шу пайтгача қаёқда эдинг, лаънати хат? Шунчалар ҳам кечикасанми, ҳақиқат?!» — дея у еру кўкни ларзага солиб йиғларди.

Кейин хатни қўлида баланд кўтарганча кўчага югурди. Қишлоқдаги ҳар бир уйга кириб, хатни ўқитиб чиқди. Энди у Степани эслаб қолди. «Унга айтиш керак. Отам халқ душмани эмаслигини у билиб қўйиши керак, — дея ўйларди у. — Хатни кўриб қўйсин. Ўқини билмаса ҳам кўриб қўйсин! Йиртиб ташламасмикин? Йўқ, ҳукуматнинг хатини йиртишга қўли бормаиди». Бу кун бозор куни эди. Степанни бозордан топиш мумкин. Ҳа, у албатта ўша ерда бўлади. Отажон хатни бағрига босиб, бозор томонга югурди. Оломоннинг орасидан Степанни ахтариб топди. Унинг рўпарасига келди-да, бор кучини жамлаб юзига тарсаки туширди. Степаннинг кўзларидан ўт қақнаб кетди. Нима рўй берганини тушунмай, бир зум кўзи тиниб, боши айлангач, яна ўзига келиб, тўппончасини чиқарди. Одамлар, ҳозир шу тўппончадан ўқ узилиши аниқ, деб кўрқиб кетишди.

— Э, сенмисан, итвачча, — деди Степан қаршисида жазаваси қайнаб турган озгин йигитни таниб.

— Менинг отам халқ душмани эмас экан, Степан, душман эмас экан. Мана, хатни кўриб қўй, газанда. Отам оқланди, ҳаммаси тўхмат экан, уйдирма экан. Сенга ўхшаган газандаларнинг фитнаси экан, тушунаясанми? Энди тилингни тийиб юр, ҳайвон. Халқнинг ҳақиқий душмани сенсан.

Степаннинг кўзлари олайди, газабдан тишлари гижирлади. Тўппончасини гилофига солиб қўйди-да, энгини шимарди. У ўзига қўл кўтаришга жазм этган тирмизакни мушт билан сулайтириб хузур қилмоқчи эди. У гурзидек мушти билан Отажоннинг кўкрагига урди. Отажон гандираклаб йиқилди. Унинг ҳали болалиги бор эди, кучга тўлмаган эди. Степан одамларнинг кўз ўнгида Отажонни аямасдан савалади. У жавдираб одамларга қаради. Лекин уларнинг кўзларидан нажот заррасини тополмади. Шунда Отажон ўзини умрида биринчи бор ёлғиз, муглақо ёлғиз сизди. Ҳатто аввал отаси, кейин онаси дунёдан кўз юганида ҳам ёлғизликни бунчалар чуқур ҳис этмаган эди. У бутунлай ўзини йўқотиб қўйди. Танидан куч кетиб, ерга чўккалаб қолди. Степан эса ҳамон кутуриб савалар эди. Томошага тўпланган оломон, қанчалик ичи ачишмасин, миқ этмай кузатиб турди. Улар бир оғиз сўз айтишга ҳам ботина олишмади. Ахир, улар яхши билишарди: Степаннинг тулпордай кучи, ўқ тўла тўппончаси, эгнида формаси, энг муҳими, ҳамманикидан ҳам устун турадиган ХУҚУҚИ бор.

Степан барибир хумордан чиқмади, шекилли, мушукболани ушлагандек бақувват кафти билан Отажоннинг бўйнидан ушлаб, милиция идорасига судраб кетди. Идоранинг ертўласи бор. Бир пайтлар бу ертўлани Иван Николаевич қурдирган эди. Қандайдир айбда гумон қилиниб тутиб келинган одамлар бир-икки кун шу ертўлада сақланар, бу эса Степаннинг жонига оро кириб, у ана шу «тирик нишон»ларни дўппослаб чиниқар эди. Кўпдан-кўп одамлар шу ертўланинг азобини тортиб чиқишган. Степан Отажонни ҳам ўша ертўлага бир ҳафта қамаб, роса калтаклади.

Ертўладан абгор бўлиб чиққан Отажон икки ой деганда зўрға ўзини тиклаб олди. Шундан сўнг йиллар давомида ҳеч ким билан иши бўлмай, ўзи билан ўзи овуниб юрди. Степаннинг эса адоватлари ҳамон давом этарди. Отажон мактабни олтин медаль билан тугатиш арафасида турганида Степан маориф бўлими мудирига «У халқ душманининг ўғли» деган мазмунда хат йўллаб, имтиёздан мосуво қилди. Ўқишга кирмоқчи бўлганида эса институтга яна шундай мазмунда хат юборди. Шу тариқа Отажон ҳеч қаерда ўқий олмади. Бирон жойга ишга ҳам киролмади. Ҳар қадамини Степан кузатиб юрар эди. У қишлоқда одамларнинг юмушини бажариб тирикчилик қиладиган бўлди. Одамлар билан деярли гаплашгиси келмасди. Дилкаши фақатгина радио бўлиб қолган эди. Шунинг учун ҳам, Иттифоқ барбод бўлиб, Республика озодлиги эълон қилинганда ана шу дилкашини тўйиб-тўйиб ўпди. Қувончи ичига сиғмай, кўчага чопди.

Отажон кўчалар бўйлаб югуриб бораркан, вужуди янада куч-қувватга тўлаётганини ҳис этарди.

Степанни ахтариб бормоқда эди. Уни қаердан топишни яхши билади: «Ҳозир у албатта идорада тутиб келинганлардан биронтасини бошида ёнғоқ чақиб ўтирган бўлса ажабмас».

Айни чоқда Степан идоранинг ёнида мотоциклининг бузилиб қолган қайсидир мурватини кавлаб ўтирган эди. Отажон шиддат билан келиб,

Степаннинг юмшоқ жойига чунонам тепдики, Степан юзтубан йиқилиб, юзи шилинди, лабларидан қон сизди. Кутилмаган ҳамладан Степан эсанкираб қолди. Зарба жуда кучли бўлди. Бу энди қандайдир болакайнинг эмас, тоғни урса талқон қиладиган забардаст одамнинг зарбаси эди.

Степан бир зум гангиб тургач, ўзини ўнглади. Ҳақиқатдан ҳам рўпарасида қилтириқ бола эмас, билаги кучга тўлган савлатли йигит турарди. Степаннинг кўзлари қонга тўлди. Атроф қоронгулашиб, кўзига фақат ана шу забардаст йигит кўриниб қолди. Энди уни мушт билан сулайтириб бўлмаслиги маълум эди. Ёқлашиб ўтириш бефойда. Юрагида қасос ўти ёнаётган бу йигит олишувда уни енгиб ташлаши ҳам мумкин. Степан бунга тушундию, туппончасини қўлига олди ва кўз олдида қаддини ғоз туги турган ягона нишонга тик ўқталиб бораверди.

Отажон кўйлагини йиритиб, унга кўксини тутди.
— От, Степан, от. Қўлингдан келса сўнгги нишонингни отақол. Лекин отолмайсан, Степан, отолмайсан. Отпан ўқнинг кўксимни тешолмайди. Мингта ўқ отсанг ҳам ўлмайман. Сенинг давринг тугади. Озодлик эълон қилинди. Сенинг суянганинг бор-йўғи шу тўппонча. Қани, нега қараб турибсан, отиб кўрмайсани, газанда.

Степан унинг гапларини ҳам, нега кутилмаганда ҳамла қилиб қолганини ҳам тушунмади. У янгиликдан беҳабар эди.

Тўппонча шарақлади. У нишонни яна бир бор кўзи билан чамалади. Тўппончанинг отиши муқаррар бўлиб қолди. Отажон эса ҳамон кўксини тутиб бақирарди. Степан қаҳр билан тепкини босди. Бир эмас, ичидаги сўнгги ўқ ҳам отилгунча қайта-қайта босди. Аммо ўқларнинг ҳаммаси осмонга учди. Степан муздай сув сепгандек сесканиб кетди. Аллақачон тўпланиб улгурган оломон унга ўқрайиб қараб турар, одамлар унинг тўппонча ушлаган қўлини осмонга кўтариб тутиб туришар эди. Степан сўкинмоқчи бўлиб оғиз жуфтлади. Аммо қаршисидаги одамлар энди ундан заррача ҳам кўрқинмаётган, қайтанга унинг яна биргина қалтис ҳаракатини кутиб туришган, агарда ҳозир ана шу қалтис ҳаракат содир этилгудек бўлса, уни парча-парча қилиб ташлашлари мумкинлигини уларнинг нигоҳларидан ўқиб олди. Степаннинг оёқ-қўллари қалтираб, тўппончаси ерга тарақлаб тушди. Одамлар тўппончани оёқлари остига олиб, пачоқлаб ташлашди. Степан беҳуш йиқилди.

Ўша воқеанинг эртасига Степаннинг қишлоқдан қочиб кетганлиги ҳақида гап-сўзлар тарқалди.

Уйғун РЎЗИЕВ: ШУНЧАКИ ТАДБИР ЭМАС

1. Зомин семинари сизда қандай тасаввур уйғотган?

— 1997 йилда ёш ижодкорларнинг Зоминда ўтказилган семинарида иштирок этиш бахтига муяссар бўлган эдим. Ушанда Самарқанд вилоятидан биз — Муҳаббат Тўхташева, Ориф Тўхташ, Нодир Жонузоков, Ғайрат Сайдуллаев ва мен иштирок этганмиз. Бобур Бобомурод, Даврон Ражаб, Усмон Бек каби оловқалб ижодкорларни ҳам айнан уша йилги семинар кашф қилган эди. Менинг илк романим «Атиргул» ҳам ўшанда кўпчиликлари овоза қилинган эди ва бу менда ўчмас таассурот қолдирган. Катта ижодни, устозлар назарига тушишни орзу қилган ижодкор учун бу анжуман беқиёв руҳ бағишлаши мумкинлигини чин дилдан ҳис этганман.

2. «Бу шунчаки йўлига қилинган тадбир, жиззахликларнинг ҳам кўнглига малол келаяпти», — деган фикрга бормаганмисиз?

— Улуғ мақсад йўлидаги ишлар ҳеч қачон шунчаки тадбир ҳисобланмайди. Зеро, Зомин анжумани миллий адабиётимиз келажаги, тақдир билан чамбарчас боғлиқ. Ҳар галги анжуманда биргина истеъдодли ижодкор кашф этилиб, унга қанот бағишланса, адабиётимизнинг бойигани шу-да. Бундай эзгу ишлар ҳеч кимга малол калмайди. Аксинча, ўзини билган, дунёқараши шакланган кишилар учун бу кони фойда. Катта

меҳнат, беҳисоб маблағлар эвазига улкан иншоотлар қураётган, ҳамма соҳаларда юксалишга интилаётган одамлар учун адабиёт равнақиға ҳисса кўшиш ҳам аслида фахр ҳисобланиши керак.

3. Уч кунлик семинар ижодкорлар учун қандай йўлланма бўлиши мумкин?

— Анжуман икки-уч кун бўлса-да, лекин ёш ижодкорларга бир умрлик далда бера олади деб ўйлайман. «Ёзган машқларини нимага арзир экан, биров инobatга олармикан?» деб ҳаяжон билан яшаётган ижодкорга таниқли ёзувчи ва шоирларнинг бир оғиз илиқ сўзи, эътибори туганмас куч бағишлайди. Янада яхшироқ, дадилроқ интилишга, ижод қилишга ҳаракат қиладди.

4. Зомин билан боғлиқ кулгули ёки қайғули воқеани эслай оласизми?

— Ушанда ёш ижодкор йигит-қизлар ўртасида эҳтиросли муомалаларни заррача ҳам сезмаганман. Аксинча, нима учундир каттароқ шоирларимизнинг шоир қизларга айтаётган сўзларида ишқ нафаси уфуриб турганини пайқашган эдим. Тагин ким билсин, менга шундай туюлгандир.

5. Ижодкор аҳли табиатан таъсирчан ва эҳтиросли қавм. Уч кунлик семинар давомида ошиқ-маъшук йигит қизларни учратганмисиз?

— Анжуманга биз билан бирга таниқли шоирларимиздан бирининг олтинчи ё еттинчи синфда ўқийдиган, икки сатр шеър ёдлашни ҳам ёқтирмайдиган абжиргина ўғли ҳам борган эди. Албатта, у шунчаки дам олиш мақсадида борган. Бир куни кечқурун ўша бола озгина пивомни, нимадир ичиб кўйиб, ширингина маст бўлиб қолди. Устозларимиз бизни бир жойга жамлаб, наср бўйича маслаҳатлар бераётганда даврага ўша бола ҳам кўшилиб қолган экан. Бир пайт у қўлини кўтариб, устозни гапидан тўхтатиб кўйди-да, кутилмаганда ўзи маъруза қила кетди. «Мен бир неча кундан бери кўраяман-де. Манави шоир болалар яхши шеърлар ёзишибди-де. Уларга гап йўқ. Э, устозлар, сизларгаям гап йўқ...» деб бидиллаб, ҳеч кимни гапиргани кўймади. Биз кулгидан ўзимизни зўрга тийиб турардик.

6. Семинар қизиқарли ва аҳамиятли ўтиши учун қандай таклиф, мулоҳазаларингиз бор?

— Менимча, Зомин семинарини ҳар икки йилда бир марта ўтказган маъқул. Фолибларни ва у фолиб қайси вилоятдан келган бўлса, Ёзувчилар уюшмасининг ўша вилоятдаги масъул котибини рағбатлантиришни кучайтириш керак. Хомийликни эса фақат Жиззах вилояти ҳокимлиги эмас, барча вилоятлар ҳокимликлари зиммасига олса мақсадга мувофиқ бўлар эди.



Азим СУЮН

Жуманиёз ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон халқ шоири



ШЕЪРИЯТ ТОҒДА УЛҒАЯДИ

Мен ҳар гал анъанавий Зомин анжуманига ташриф буюрганимда галати бир ҳаяжонга чулганаман. Бу улғувор тоғлар, бу шарқироқ, зилол сойлар юрагимда соф, самимий ҳисларни жунбушга келтиради. Сабаби жуда оддий: мен ўзим тоғда туғилиб, тоғда улғайганман. Менга кўшилиб худди шу жойларда ҳайрат ҳам униб-ўсган, улғайган. Ҳайрат эса бора-бора юрагимни шеъриятнинг соҳир дунёсига ошуфта этди. Шоир бўлдим.

Зомин анжуманида қайтнашаётган ижодга ихлосманд йигит-қизларга завқ билан қарарканман, ушбу шеърият, адабиёт байрамининг айнан юксак тоғлар бағрида ўтишидан ўзимча бир рамзий маъно топаман. Бургут каби тоғдан учирма қилинган шеъриятнинг қанотлари бақувват, парвозлари юксак бўлади. Шубҳасиз, кейинги пайтларда республика матбуотида ўз битиклари билан кўриниб қолган ёшлар ижодида тоғлар пурвиқорлиги намоён. Хусусан, Зомин анжуманида оқ фотиҳа олган Муҳиддин Абдусамад, Манзура Шамс, Ориф Ҳожи, Адиба Умирова каби ёш шоирларнинг бугунги ижоди менга катта мамнуният бағишлайди. Бу ҳурфикр қаламкашларни, Худо хоҳласа, порлоқ келажак кутиб турибди. Мен шу ўринда ёш ижодкорларга эътибор кўрсатиб, уларнинг униб ўсиши учун барча саъй-ҳаракатларини қилаётган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига ўз ташаккуримни билдиришни истардим.

Зеро, бугунги баъзи иқтисодий муаммолар кўндаланг турган бир пайтда олис тоғлар қўйнида шеърият анжумани ўтказишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун аввало тоғдек чўнг Қалб, дарёдай тошқин меҳр керак. Ана шу меҳр-муҳаббат, ҳайрихоҳлик адабиётимизни ҳеч қачон тарк этмасин дейман.

Юксаклик

ҲАҚИДА УЙЛАР

Анъанавий Зомин семинари ташкил этилганига роппа-роса ўн йил тўлибди! Йўқ, бу шунчаки расмий, ҳисоботлар учун ўтказиладиган тадбир эмас, бу чинакам адабиёт байрами, шеърият тантанаси!

Мен ҳар йили ёзда шу гўзал анжуманда қатнашишга ҳаракат қиламан. Очиқ гап, шеъриятга, адабиётга ташна, қайноқ, беғубор қалб ёшларни кўрганимда ўзимни хўб яшариб кетгандай ҳис этаман. Устига-устак Зоминнинг, пурвиқор, улғувор тоғлар ўлкасининг табиати, оппоқ кўпириб оқаётган дарёнинг шовуллаши менинг руҳиятимга пўртаналар, тошқинлар олиб келади. Ёшлар ижоди билан танишишдан бўшаган пайтларим ўзим ҳам беихтиёр кўлимга қалам оламан.

Зомин анжумани ёш ижодкорларнинг асарларини баҳолайдиган, уларни катта адабиёт оламига учирма қиладиган ўзига хос кўрик-танлов, мушоира сифатида кўп бор эътироф этиляпти. Ҳақ рост. Лекин мен кўшимча қилиб ўтишни истардимки, ушбу адабиёт йиғини кекса авлод учун ҳам ўзига хос мактаб, ўзига хос сарҳисоб анжуманидир. Мактаблиги шундаки, бу ерда ёш ижодкорларга гамхўрлик қилишнинг, уларга хайрихоҳликнинг янги ва янги анъаналарини ўрганамиз. Сарҳисоб палласи эканлиги шундаки, ёш ижодкорларга таълим бергудек қандай асарлар яратганимиз ҳақида, келгусида қандай ижод қилишимиз зарурлиги ҳақида ўйлаб қоламиз.

Зомин анжумани ташкил этилганига ўн йил тўлибди. Албатта бу адабиёт абадияти олдида ҳеч гап эмас. Лекин шу қисқа бир давр ўзбек адабиётини навқирон, ижодга, яратишга ташна ёшлар билан бойитди. Ўзларининг илк асарлари биланоқ ихлосмандлар назарига тушган Уйғун Рўзиев, Ориф Тўхташ, Баҳодир Абдураззоқ, Адиба Умирова каби талантли ёшлар айнан шу Зомин анжумани кашф этган ижодкорлардир. Келажак ҳали олдинда. Мен ишонаманки, Зоминдаги каби бундай ажиб анжуманлар адабиётимизга ҳали ўз тоғларидек, ўз дарёларидек улғувор, тошқин авлодни учирма қилади.



Усмон БЕК

НОЗ ҚИЛАВЕР, НОЗАНИНИМ



Усмон БЕК Чотқол тизма тоғлари этагидаги Паркент туманига қарашли Чанги қишлоғида туғилган. 2001 йилда Зомин кўрик-танловида муваффақиятли иштирок этиб, устозлар олқишига сазовор бўлган. «Бўсагадаги нур», «Дунё кафтга сиемайди», «Менинг тоғларим» шеърий тўпламлари муаллифи. «Паркент тонги» газетасида масъул котиб
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси.

Балки мен мағрурман кераклигича,
Назарим илғамас нимани, кимни.
Эҳтимол Яратган шу улуг Раббим,
Қоялар кўксидан қорган лойимни.

Не илож, Рухимда дукиллар гурур,
Илдизлаб ётибди томирларимдай.
Яшаб бўлармиди ор—кўм-кўк қонсиз,
Оримсиз қуригай томирларим-да.

Дақиқалар аро бораман, безиб,
Гурурсиз кунларнинг қафасида дил.
Уялиб осмон-ку, тўсади юзин,
Орини еб қўйган сукунатлар жим.

Балки мен мағрурман боридан ортиқ,
Ортиғимни ортга ташлаёлмайман.
Мағрурлик эҳтимол ҳур гуноҳимдир,
Шу ҳур гуноҳимсиз яшаёлмайман.

Ой хиралар қовоғи шишиқ,
Аста ёрар кечанинг кўзи.

Нур оқади дераза тешиб,
Учирилар нигоҳлар изи.
Бўзаради юрак...
Кўчалар.

Шавқин ўпгач, уйғонар яна,
Саҳар кунга кўйлак бичади.
Кўк заминга туширар ойна.
Ҳолсизгина ингранар эшик.
Лабларимда дудланар тутун,
Сиз кетасиз... Ранг-қути ўчиб
Пойингизга йиқилади тун
Ва гунгина илтижоларим,
Шафақларни оқлаб ўтади,
Асов отдек ҳисларим маним
Ёдингизни хоҳлаб кетади.

ВИСОЛ ОСТОНАМДА

Висол остонамда турар мунғайиб,
Хаёл юрагимдан сўрайди паноҳ.
Фироқ—инжик синглим қолди уйғониб,
Ишқсиз тунларимга кўнгилда гуноҳ.

Ўн икки тулпорда депсинади вақт,
Айрилиқ байроғин тутганча кўкка.
Мендан араз қилиб кетиб қолди бахт,
Ортидан бордим мен, ишқ қолди якка.

Бордим юлдузларнинг кошонасига,
Рўёлар кўшикида оқар хаёлот.
Аммо хотиралар остонасида
Армон аждарига ем бўлдим, ҳайҳот.

НАЗМ

Кўксимда жон берди бардош телбаҳол,
Қонимдан бўзарган шафақ қонталаи.
Товонимни янчар чиркитли малол,
Рухсиз танам узра изтироб дардкаи.

Кўрқувдан қичқирар оқарган кўча,
Рухимни кавшарди ёвуз беомон.
Аза рўмолини ўраган кеча,
Кеча даҳшат ичра титрайди ҳамон.



ТЎРТАКЛАР



Теграмда айланиб, билмадим, нега,
Сўнган чўғни ковлаб, олов ёқасан.

Ҳаёт йўли қинғир, текис эмасдир,
Бавзан бахт ҳам кемтик тўкис эмасдир.
Тирриқ эчкиси бор бахтли-ю, қаранг,
Минг қўйли ўзини бахтли демасдир.

Дўстим, ҳар ерда бор тошу тарози,
Бир хилда қичқирар ҳар ер хўрози.
Саодат ахтариб дунёни кезма,
Бахт топмассан, бўлса отанг норози.

Борлиқ гўзал тоғу тоши, чўли билан,
Тўфонлари, ёмғирлари, дўли билан.
Ажаб, инсон ўнг қўлида боғ яратиб,
Сўнгра уни кесар чап қўли билан.

Комил СИНДОРОВ

Дўст бўлсанг бер қўлларинени қўлимга,
Ғаним бўлсанг зинҳор чиқма йўлимга.
Агёр зотин шаксиз кўзин ўярман,
Дўсти содиқ учун шайман ўлимга.

Бўрини боқсанг ҳам ўрмонга боқар,
Каламуш хирмондан хирмонга боқар.
Ҳирсда ҳайвондан ҳам ўтдиминсон,
Мисли кунгабоқар — ҳамёнга боқар.

Балиқдан сўзласанг чўлга қарайди,
Туяни эсласанг кўлга қарайди.
Ақли заифмикин десам, во ажаб,
Рўмолчам ахтарсам қўлга қарайди.

Ақл кўзи билан дунёга боққин,
Ҳаёт уммонида эл бирла оққин.
Ўзга юртда машъал бўлгандан кўра,
Аввал ўз уйинининг чироғин ёққин.

Кел, эй дилдор, қалбим тугунини ёз,
Ё ҳолингдан хабар бер, бир нома ёз.
Сен, офтобим ёрит икки жаҳонимни,
Сенсиз ҳаёт йўқдир, қишдир, баҳор, ёз.

Ҳар тонг деразамдан сирли боқасан,
Қарасам йўқсан, сўнг эшик қоқасан.

Хосият РУСТАМОВА



Кўнглингиз атиргул мисоли нафис

ҲАЁТ

Бошим узра ғамгин шамол
Ёмғир билан тушар рақс.
У ўртаниб берар савол -
Ёмғир унга берар дарс.
Бошим йиғлар соябонсиз,
Шамол яна урар дўқ.
Ёмғир каби жонсиз-жонсиз,
Шундай қолиб кетгим йўқ!
Яшаш ўзи шуми?!
Наҳот -
Эрмак бўлиб тунларга.
Мени бошлаб кетди Ҳаёт -
Эртаси йўқ кунларга...

КУЗ

Гоҳо хийра тортиб таъбим,
Не юртларда қоқдим қанот.
Ҳеч кими йўқ аёл каби -
Яна Сенга келдим, Ҳаёт!
Минг қасамки,
Минг қасамки -
Охир Сенга юрак тўқдим.
Қанча мағрур турсам ҳамки,
Сенга чўқдим,
Сенга чўқдим.
Эрта-индин бошланар қор,
Паноҳим йўқ,
Борай кимга?
Сени кўрдим, Парвардигор,
Жулдирвақи ҳаётимда.

Хув, боғларнинг ичида
Дунё юрар сув кечиб,
Алламаҳал. Тун ичра
Утар шарпа оралаб.

Деразанг кўйлагини
Бурчакка отди ечиб.
Ой дафтарин беркитар -
Ниманидир қоралаб.

На қушлар бор шоҳларда,
На гир этган бир шамол,
Ҳаммаёқ сукунатда -
Ҳавода ҳаво йўқ, дим.

Кўзларим қаро тортар -
Бошимдан учар хаёл.
Наҳотки, тирик эдинг -
Наҳотки, тирик эдим?

Қандай яшай, жоним, бугунни -
Ҳали замон босиб келар тун.
Қачон юнун новдалар тунни -
Кўриқлашга этилган маҳкум?!

Хазин боғлар тўқади ҳазон,
Бу майсалар хасга ўхшайди.
Жоним, болаликдан биз севган -
Осмон жуда пастга ўхшайди.



Руҳим - кўкда...
Заминда таним,
Мен ўзимни бўлдим ёндириб.
Қайга кетиб борасан, жоним,
Бу дунёни менга қолдириб?!

Шамол дарахтларни солди ларзага,
Тунга қоронғулик келганда малол.
Ўзим муҳаббатга ташна лаҳзада -
Сочим гуллаётган бўлса эҳтимол...

Кўнглингиз атиргул мисоли нафис,
Борлиққа туйғулар қордай сочилмиш.
Азизим, неча бор уриндим, ҳаргиз -
Нетай, сочларимда оқ гул очилмиш.

Ўттиз йил... Сочимда ўттизта фасл,
Ўттиз йил... Сочимда қалашиди ранглар,
Сизни кута-кута, жоним, муттасил,
Оппоқ гўзалликда гулламиш ғамлар...

Ўзимнинг кўнглимда ўзим сарсонман,
Жовдираб қўл чўзиб тургувчи гадо.
Айтинг, мен ўзимдан қачон
кетганман?!
Ушоқдай жонимни судрамоқ оғир,
Ҳатто юрак қоннинг таъмини туйган.
Азизим, кетгансан сен ҳам қайгадир -
Ёки Тангри мени эсламай қўйган.
Мен қачон кўнглимда бўлганман пайдо?

1. Зомин семинари сизда қандай тасаввур уйғотган?

— Мен Зомин семинарида уч йил иштирок этганман. Худди узоқ кўришмаган қариндошлар бир жойга йиғилиб қолгандай таассурот қолдирган. Шеърлар. Тонггача давом этган суҳбатлар...

2. «Бу шунчаки йўлига қилинган тадбир, жиззахликларнинг ҳам кўнглига малол келаяпти», — деган фикрга бормаганмисиз?

— Ижодкор учун бу шунчаки тадбир эмас. Мен мезбонларнинг нигоҳларидан малол келганини сезмаганман.

3. Уч кунлик семинар ижодкорлар учун қандай йўланма бўлиши мумкин?

— Жуда кўп нарса беради. Вақтни қизғонадиган

одам — ўзим ҳам Зоминда кечган соатларимга ачинмаганман.

4. Зомин билан боғлиқ кулгули ёки қайғули воқеани эслий оласизми?

— Ҳозир эслолмаяпман.

5. Ижодкор аҳли табиатан таъсирчан ва эҳтиросли қавм. Уч кунлик семинар давомида ошиқ-маъшук йигит қизларни учратганмисиз?

— Йўқ, учратмаганман. Балки менда ундай таассурот қолдирмагандир.

6. Семинар қизиқарли ва аҳамиятли ўтиши учун қандай таклиф, мулоҳазаларингиз бор?

— Фақат зўр шоир-ёзувчиларни кўпроқ жалб қилиш керак. Ва иштироқчиларни ҳам танлаётганда галвирда қоладиганларини танлаган маъқулроқ.

ЭЛЧИЛАРГА ЭЪТИБОР ҚАНДАЙ БЎЛГАН?

Давлатлар ўртасида сиёсий, иқтисодий алоқаларнинг кучайиши муносабати билан дипломатиянинг ҳаракат доираси кенгайиб бормоқда. Интеграциянинг жадал суръатларида кенгайиши давлатлар ва миллатларни беихтиёр юқоридаги муносабатлар иштирокчисига айлантирмоқда.

Мусулмон ҳуқуқи тарихига назар ташласак, дипломатия масалалари қандай ечилганининг шоҳиди бўламиз. Саодат замонида Пайғамбаримиз (с.а.в.) Ислом давлатини барпо этганларидан сўнг давлатлар ўртасида дипломатик алоқаларни ўрганишга катта эътибор қаратганлар. Расулulloҳ(с.а.в.) даврларида бошқа мамлакат, ўлка ва қабила билан дипломатик муносабатлар, барча даврлардаги каби, элчилар востасида амалга оширилган. Янги барпо этилган давлатни мавжуд мамлакатлар томонидан тан олиниши осон кечмаган. Саҳоба Дихятул Қалби Византияга, Ҳузофа бин Абдуллоҳ Эронга, Умайя бин Умай Ҳабашистонга, Ваҳб бин Шужоъ Уммонга ва бошқалар шу каби йирик мамлакатларга элчи қилиб юборилди. Элчиларни юборишдан мақсад, янги динни ва давлатни танитиш, улар ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш эди.

Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)ни юксак маҳоратли дипломат дея баҳоласак муболаға бўлмайди. У зот чет эл элчилари ташриф буюрганда юксак иззат-икром кўрсатар эдилар.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) элчиларни Мадинадаги Жомеъул кабирда қабул қилардилар. Уларга зиёфат уюштириб, хизмат қилардилар. Келган элчиларнинг ҳадяларини мамнуният билан қабул қилардилар. Алоҳида берилган ҳадялар эса давлат хазинасига тақдим этиларди. Улар билан суҳбатда ҳар бир қабиланинг одат ва анъаналарига мувофиқ олиб бориларди. Қайтиб кетаётганларида элчиларнинг йўл харажатлари берилар ва махсус совғалар билан кузатиладилар. Ҳабашистон насронийлари вакиллари келганида, шахсан ўзлари кутиб олиб, уларга гамхўрлик қилдилар ва улар ҳақида шундай дедилар: «Булар муҳожир саҳобаларимга ҳурмат кўрсатдилар, мен ҳам уларга ҳурмат бажо келтиришни хуш кўрдим». Масжидда ибодат қилишлари учун руҳсат бердилар. Улар масжиднинг бир томонида ибодат қилсалар, Расулulloҳ ва мусулмонлар бошқа томонда ибодат қилардилар. Бу исломнинг нақадар бағрикенг дин эканлигига мисол бўла олади.

Хулоса қилиб айтганда, мусулмон давлатчилигида ҳам дипломатик муносабатлар тўла ҳуқуқий тарзда ечилган.

Сирожиддин ЭШОНХҲАЕВ,
Адулҳаким БОҚИЕВ,
Тошкент ислом университети
магистрлари



Наргиза ОХУНОВА,
Зулфия мукофоти соҳибаси

Мойинишга йиқилган тун



Балки мен мағрурман кераклигима,
Назарим илғамас нимани, кимни.
Эҳтимол Яратган шу улуг Раббим,
Қонлар кўксидан қорган лойимни.

Не илож, Рухимда дуқиллар гурур,
Илдизлаб ёпибди томиларимдай.
Яшаб бўлармиди ор—кўм кўк қонсиз.
Оримиз қуригай томиларим-да.

Даҳшадлар аро борамин, безиб,
Ғурурсиз кунларини қарасида дил.
Уялиб осмон-ку, тўсади юзин,
Орини еб кўйган сўзунатлар жим.

Балки мен мағрурман борадан ортиқ,
Ортимни орта ташлаёлмайман.
Мағрурлик эҳтимол хур гуноҳимдир,
Шу хур гуноҳимсиз тишлеймайман.

Ой хиралар қовоғи ишиш,
Аста ёрар кечанинг кўзи.
Нур оқиди дераза тешиб,
Учирлар нигоҳлар изи.
Бўзарди юрак...
Кўчалар.
Шавқат ўнгин, уйғонар лна,
Саҳар кунга кўйлак бивади.
Кўк замига туширар ойна.
Холсизгина ингранар эшик.
Лабларимда дудланар тўтун,
Сиз кетасиз... Ранг-кўрни ўйиб
Мойинишга йиқилди тун
Ва гулгина илтижоларим,
Шафқатларни оқлаб ўтади,
Асов отдек ҳисларим маним
Едишгани хоҳлаб кетади.

ВИСОЛ ОСТОПАМДА

Висол остопамда тўрар мунғийиб,
Хаёл юракимдан сўрайди паноҳ.

Фироқ инжиқ сизлим қолди уйғониб,
Ишқсиз тунларимга кўнгида гуноҳ.

Ўн икки тўлғорда депсинди вақт.
Айрилиқ байроғин тўртганга кўнги.
Мендан араз қилиб кетиб қолди бахт,
Ортидан бордим мен, ишқ қолди икка.

Бордим юлдузларнинг кошонасига,
Рўёлар кўнгида оқар хаёлот.
Алмо хотиралар остонасиди
Армон аждарига ем бўлдим, ҳийҳот.

Кўксимда жон берди бардош телбаҳол,
Қонимдан бўзарган шафақ қонилиши.
Товонимни янгар чиркинли малол,
Рухсиз танам узра иштироб дардики.

Кўрқувдан қиңқарар оҳарган кўча,
Рухимни кавиларди ёвуз беомон.
Аза рўмолини ўраган кеча,
Кеча даҳшат ичра титрайди ҳамон.

Гулжамол АСҚАРОВА,
Зулфия мукофоти соҳибаси



АДАБИЁТ ЗИЁРАТГОҲИ

1. Зомин семинари сизда қандай тасаввур уйғотган?

— Зоминда 1998 йил ўтказилган кўрик-танловда голиб бўлганман. Ушбу иштироким туфайли 20 ёшимда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси ҳам бўлдим. Мен Зоминдаги қувноқ ва ёшликнинг ажойиб завқи, мумтоз устозларнинг меҳри жўш уриб турган адабий муҳитни ёш ижодкорларнинг парвози учун аэродром вазифасини ўтовчи учиб жойига ўхшатаман.

2. Бу шунчаки йўлига қилинган тadbир, жиззахликларнинг ҳам кўнглига малол келаяпти, — деган фикрга борманми?

Биласизми, Зомин семинари анъанавийлиги билан гўзал ва менинг эски, аммо қадрдон дўстимга ўхшайди, лекин баъзан одамнинг руҳи янгилинишни ҳам истайди. Балки Ургут тоғлари, Чортоғ табиати, Бойсуннинг оламшумул гўзаллиги, яшил шаҳар Шаҳрисабзнинг табиати ҳам ижодкорлар қалби учун илҳом нурларини бағишласа ажаб эмас.

Жиззахликлар мард одамлар бўлишади, уларга бу анжуман оғирлик қилади деб ўйламайман, қолаверса бу анжуманнинг Ургутга кўчирилишини таклиф қилишганида Жиззах вилояти раҳбарияти кўнмаган эди. Ахир тарих саҳифаларида Зомин анжумани деган катта мактаб ўз номи билан қолиши лозим-ку?! Анъанани бузмаган ҳолда, бошқа ҳудудларга Зоминдан тарқалишними ўйлаб кўриш керакдир.

3. Уч кунлик семинар ижодкорлар учун қандай йўлланма бўлиши мумкин?

— Баъзан лаҳзалар ҳам асрларга татиб кетади дейишади. Озгина фурсатлар умримизда катта ўзгаришлар ясайди. Зомин анжуманидан ким нима олишига боғлиқ. Кимдир эҳтимол фақат Зоминнинг маҳобатли тоғларини кўриб, кўкси тўлиб қоладиган ҳавосидан баҳраманд бўлиб қайтиб келавериши ҳам мумкин. Аммо катта ижодкорлар билан учрашув, уларнинг шеърларидан баҳраманд бўлиш, тирик классиклар билан суҳбатлашиш, яхши дўстлар топиш... булар барчаси ижодкорлар учун ижодий йўлланма бўла олади деб ўйлайман...

4. Зомин билан боғлиқ кулгули ёки қайғули воқеани эслай оласизми?

— Бир кулгилик воқеа бўлганди. Бир йили анжуманга борганимизда, қизгин тadbирлардан сўнг кечаси тўртта-бешта қизлар ҳаяжонланиб, бошқача бўлиб қолди. Секин суриштирсам, ҳаммаси ишқий мактуб олибди. Бунақа мактубдан кейин қизларнинг аҳволини биласиз. Ҳаяжон устига ҳаяжон... Эрталаб ошиқ қахрамон йигитларимизнинг кимлигини билмай деб суриштирсам, барча мактубнинг қахрамони битта йигит экан. Бу ошиқ жаҳон йигитчагина шу Зомин сихатгоҳида массажист (Худо ургани шуда) бўлиб ишлар

экан ва ҳар йили борган қизларнинг кўзга яқинларига метр-метр севги хатлари ёзаркан-да, мойилроғини қўлга туширмакчи бўларкан. Ундан мактуб олмаган қизлар кам экан...

5. Ижодкор аҳли табиатан таъсирчан ва эҳтиросли қавм. Уч кунлик семинар давомида ошиқ-маъшук йигит қизларни учратганмисиз?

— Ўлдим-куйдим деган ёш-яланглар бўлди-ю, лекин ошиқ-маъшукликнинг чиройли намунаси бўладиган севгини кўрмадим. Фақат бир қизни биламан. Водийлик. Ҳали ёш, қалби тоза қиз. Бир йигитни шу анжуманда қаттиқ севиб қолган. Шу журнал орқали айтмоқчи эдим: «Эй қиз, севган йигитинг туйғуларингга арзимади, умуман Сенинг пок севгингга арзимади...»

6. Семинар қизиқарли ва аҳамиятли ўтиши учун қандай таклиф, мулоҳазаларингиз бор?

— Кўрик-танловдан кейин менинг ижодий ҳаётимда жуда катта ўзгаришлар юз берди, ўзимга ва қалбимнинг имкониятларига ишонч ҳисси пайдо бўлди. Мен бу анжуманни яхши кўраман. Назаримда, бу анжуман кимларнингдир хоҳлаган одами борадиган, хоҳламагани бормайдиган жой бўлмаслиги керак.

Исён ва имоэм

Тиз устида юрдириб, томоша қилар Тангрим,
Чўғ устида турдириб, томоша қилар Тангрим.
Тошиқанда бир кемадек ночор кетиб борарман,
Мен ҳеч нарса билмайман барини билар Тангрим.

Олдга юрсам хатар бор, ортга юрсам хатар бор,
Ҳар лаҳза, ҳар сафару, ҳар тун, ҳар саҳар бор.
Бир чўмоли мисоли дон учун чиққан эдим,
Донни не қилдию, мени не қилар Тангрим.

Ҳақсизлик учун ёндим, шавқ учун исён қилдим,
Ҳаққимни бер дедиму, Ҳақ учун исён қилдим.
Бошимни ҳар ён урдим, бош ёригач англадим,
Пойига қўйсамгина бошимни силар Тангрим.

Сабрим етарми, билмам, сабримни синайверса,
Ҳар бир синаганида суягим синаверса.
Синиб-синиб охири ўзинг бутла деб борсам,
Суягимни ун қилиб элақда элар Тангрим.

Майли, не бўлса ҳамки, ёруғ юз билан етай,
Дил тўла меҳр билан, ёшли кўз билан етай.
Юрагимни тўлдирар битта таскин бор фақат,
Мен Тангримга борарман, мен томон юрар Тангрим.



Ориф ТЎХТАШ



Муҳаббатга бир йўл бор

ТАҚДИР

Осмон — катта култена,
Юлдузлар чўққа ўхшар.
Ой безовта.
Кўтгани —
Келгани йўққа ўхшар.

Ўтга солиб бир замон,
Ёрининг мактубларин,
Энди эса кўзига
Сурмоқчидай қулларин —

Кезинади умидлаб,
Кўзларини ёшлайди.
Парча-парча булутлар,
Ёшин арта бошлайди.

Ё ой сеҳрли кўзгу,
Унда ўқсик қиз акси.
Таниш чехра.
...Балки у —
Мен севган қиз эмасми?

Тан олмайин вақтида,
Жўшқин муҳаббатимни,
Қиймалаб, сўнг оловга —
Отган эди хатимни.

Энди...
Осмон — бир ҳовли,
Юлдузлар изга ўхшар
Ой эса...
Бир зулматга —
Тўй бўлган қизга ўхшар.

ОРЗУ ВА АЛАМ

Силасайдим соғинчингни,
Қўлларимдан тўтсайдинг.
Шунча кутганинг бари,
Яна биров кутсайдинг.

Не бўларди Дилижон,
Шунча бағринг тошмиди?
Битта ошиқ шоирнинг —
Оҳларига етсайдинг.

Ҳолим сўраб дўстларим,
Мийиғида қулишар:
«Ўттизга ҳам кирмасдан,
Яхшигина кексайдинг!»

Ишқинг ўти юракдан
Оташ берса танимга.
Кўксим узра сочингни —
Сув сингари тўқсайдинг!

Муҳаббатда бир йўл бор,
У ҳам бўлса — Юракка!
Мен дилингда сингисам,
Сен қалбимга чўқсайдинг.

Афсус, энди бари кеч,
Тишларимда синар сўз:
Тур-муш қу-риб кет-гун-ча,
Бир мушт уриб кетсайдинг!

1. Зомин семинари сизда қандай тасаввур уйғотган?

— Шахсан менинг мазкур ижодий семинардаги иштироким 1997 йилга тўғери келади. У маҳалда мен Самарқанд Давлат унiversитети талабаси эдим. Ошқ ганки, оддий бир талаба учун бундай катта ижодий тадбирда иштирок этиши — бахт. Ижодкор дўстларим — У.Рўзиев, Ғ.Сайдулла, Н.Жонузок ва опам М.Тўхташевлар билан биргаликда қатнашганмиз.

Тадбир биз учун асло унутилмас таассуротларни берган. Ўзбекистон халқ шоири, Ёзувчилар уюшмаси Раиси А.Орипов бошчилигидаги бир гуруҳ таниш шоир ва адиблар билан ҳаммуҳаббат бўлиш, уларнинг маслаҳатлари, кўрсатган йўл-йўриқлари ҳали-ҳалимон бизга ижодий дастур сифатида асқотади. Хўршиб эслайдиганамиз — марҳум шоирларимиз, бир-биридан камсизим, бир-биридан ошқидил Йўлдош Сулаймон ва Маъруф Йўлдошлар билан диллашганамиз ва у кишиларнинг бугун давраларда йўқлиги...

2. «Бу шунчаки йўлига қилинган тадбир, жиззахликларнинг ҳам кўнглига малол келаяпти», — деган фикрга бормангисиз?

— Бундай семинарнинг мавжудлиги — биз ижодкорлар учун яхши, албатта. Қолаверса, тадбир асосида ҳар йили янги овоз кайиш этилади, адабиётга янги нафаслар кириб келади.

Мен ушбу семинарнинг бошланғич қисмларида иштироким бўлганман ва ҳеч қанақа расмиятчилигга ўхшаш манзарани кўрмаганман.

Жиззахликлар кайфиятига келсак, масалан, мен ўша ерлик бўлганимда шундай жаннатмакон гўшанинг эгаси бўлганимдан ва қолаверса, ўзбекининг энг сара асарлари яратилишига ЗАМИН бўлиб турган ЗОМИН табиатида дахлдорлигимдан, шу тупроққа оид эканимдан фахрланиб яшардим.

Бироқ гувоҳман ва бундан кейин ҳам шиноманган. Жиззах аҳли бу ҳолатдан фақатгина гуруҳ туйғусини туйди.

3. Уч кунлик семинар ижодкорлар учун қандай йўланма бўлиши мумкин?

— «Рақобат бор жойда ўсиши бўлади» дейишади. Мен шиоин билан айтаманки, мазкур семинар ёши ижодкорлар ўртасида катта рақобатни, ижодий ва ижобий рақобатни юзага келтиради. Унда қатнашганлар аввало ўзининг нимага қодир эканлигини англайди. Ютуқларини, камалиқларини илғаб олишига имкон топади.

Менинг иштироким ижодим учун катта рол ўйнаган, дегсам адашмайман. Айтиши мумкинки, семинар ёши ижодкорларга мустақкам қанот вазирафини ўтайди.

4. Зомин билан боғлиқ кулгули ёки қайғули воқеани эслай оласизми?

— Ижод аҳли ҳаммаша ўз кўнгли кечинмалари билан яшайди. Айниқса, бундай тадбирларда, бундай гўзал табиат саёҳатида уларнинг эҳтиросларга кўмилиши табиий ҳол.

Яшириб нима қиламан, унда ўйланмаган эдим ва ўзимнинг ҳам бир шоира қизга меҳрим тушган. Шу кечинмалар шарҳи бўлган бир қанча шеърлар ёзганман.

Бўни кўя тургани, шоир акаларимиздан бирининг ишқий азоблари бир дўриё эди. У кишининг севасига, «оҳ-воҳ»ларига биз ёшлар у қадар шиноманган эдик. Балки «одам фақат бизнинг ёшимизда севаш мумкин», деб ўйлагандирмиз. Аммо бу воқеадан хабари бор тенгдур дўстларим анча вақт ўтган бир гап топиб келди: «Биласанми, Ориф, Зомин семинаридаги фалончи шоир акамининг севгиси рост экан, мана кўр, у киши ишлайдиган наирда ўша севилган шоира опанинг бир туркум шеърлари босилибди...»

5. Ижодкор аҳли табиатан таъсирчан ва эҳтиросли қавм. Уч кунлик семинар давомида ошиқ-маъшуқ йигит қизларни учратганмисиз?

— Менинг айтадиганимни қилиш воқеа деб ҳам, кўнглисизроқ воқеа деб ҳам аташ қийин. Негаки, бизнинг аҳволимизни кўрганлар қулишади, ўзимиз биров жулжикдик. Нима бўлган эди, демоқчимисиз? Ҳа, айнан қайноқ ёнинг ўтли қарларида биз энгилгина кийинволиб ташириф буюрган Зомин тоғи ёни бағрида, айниқса эрталаблари роса дилдираганмиз. Айтмоқчиманки, саратонда ҳам бу гўша ўзига ҳос ҳароратда соқланар экан.

6. Семинар қизиқарли ва аҳамиятли ўтиши учун қандай тақлиф, мулоҳазаларингиз бор?

— Юртимизда гўзал ва бетакор манзарали жойлар кўп. Бундай кўркем жойларни ҳар бир вилоятдан топиши мумкин. Бироқ ҳамма ҳам биз ижодкорларни жиззахликлар сингари меҳмондўстлик билан кўтиб олармикан? Бор гап шунда!

Аммо мазкур ижодий семинар ҳар йили юртимизнинг турли гўшаларида уюштирилса ва шунинг баробарида кўнчилигимиз биллиб-билмаган жаннатмакон манзаралар ижод жўшқинлигини ўзига ҳос равишда кўнчилиқимизга солса яхши бўларди.

Яна бир гап: бўни қарангки, семинар ташвил этилганига 10 йил тўлибди ва бу иш анъана тусини олибди. Қолаверса, шеърят, адабиёт сўзларига Зомин номи ҳам кўн сайин ўйгуллашиб бораёттир. Қолган гапларни насиб этса семинарда гаплаймиш!



“Камолот” Ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ёш ижодкорларнинг доимий гамхўри. Зоминда ўтаётган анжуманларга у ҳамкорлик қилиб, ҳомийлик ёрдами кўрсатиб келади.

Бу галги семинарға ҳам “Камолот” Ёшлар ижтимоий ҳаракати ўзининг қимматбаҳо эсдалик совғаларини тайёрлади. Демак, “Камолот” ёш ижодкорларнинг ҳам ҳаракатидир.



*Озода БЕКМУРОДОВА,
Зомин семинарининг 1998 йилги иштирокчиси*

Кўнгил қўшиққа тўлган

1. Зомин семинари сизда қандай тасаввур уйғотган?

— Ҳарқандай ижодий учрашувлар кўнглимга недир ёруғлик солади, руҳим тиниқлашади, юксаклик бағишлайди. Зомин семинарида илк иштирокимни эсласам ҳануз энтикиб кетаман. Ушанда учратган дўстларни, ёзганларини кўзимга суртганим шоир, ёзувчиларни кўриш нақадар бахт эди... Гўзал табиат, сўлим гўша, ҳаммаси табиий, самимий... фақат шеър ва кўнгил, кўнгил ва шеър ҳақидаги суҳбатлар, бошқа ҳеч нарса ҳақида ўйламайсиз...Энди-эндилар у кунларнинг бўлиб ўтгани ҳатто тасаввуримга сифмайди. Фақат у кунлардан қолган ёғду ҳаёлимнинг кунж-кунжларини ёритиб турганга ўхшайди...

2. «Бу шунчаки йўлига қилинган тадбир, жиззахликларнинг ҳам кўнглига малол келаяпти», — деган фикрга бормасанмисиз?

— Йўқ. Жиззахликларга ҳамиша ҳавасим келади. Ахир республика миқёсидаги шеърят анжуманининг деярли ҳар йили Зоминда ўтказилиши ва ҳар бир ижодкорнинг ижодида бир марта бўлса ҳам Зомин номи билан боғлиқ ҳолатларнинг акс этиши айнан жаҳонда, матбуот саҳифаларида ёритилиши Зомин номига янада мазмун, кўрк бағишлайди.

3. Уч кунлик семинар ижодкорлар учун қандай йўланма бўлиши мумкин?

— Ҳар қандай ҳолатда ҳам ёш ижодкорлар учун баъта мактаб бўлади. Эл ардоғидаги устоз шоир, ёзувчилар билан ёнма-ён кечган лаҳзалар, уларнинг самимий қиёфаларини кўриш бахти, суҳбат ва ўғитларини тинглаш имкони уларнинг руҳиятига янада теранлик, баландлик бахш этади.

4. Зомин билан боғлиқ кулгули ёки қайғули воқеани эслай оласизми?

Ҳозир аниқ эсимда йўқ. Ўшанда бирга бўлган дўстлар билан хотирлашсак нималардир ёдимизга тушса керак...

5. Ижодкор аҳли табиатан таъсирчан ва эҳтиросли қавм. Уч кунлик семинар давомида ошиқ-маъшук йигит қизларни учратганмисиз?

— Кулгили ёки қайғули воқеа деб айтиш фикридан йироқман-ку, лекин ўшанда уч-тўрт киши «супа» деган жойга чиққанмиз. осмонга туташиб кетган чексизлик, ям-яшил кенглик туйғуларимизга таъсир қилганми, бир-биримиздан тортинмасдан овозимизни баралла кўйиб галма-гал кўшиқлар айтганмиз. Мухтасар Тожимаматов ва шундай чиройли овозда кўшиқ куйлаганки, кейинчалик ялиниб ҳам ундан бундай ижрони ҳеч эшитолмаганмиз.

6. Семинар қизиқарли ва аҳамиятли ўтиши учун қандай таклиф, мулоҳазаларингиз бор?

— Бу борада иккита таклифим бор:

Биринчиси, семинар бошланишидан сал олдинроқ иштирокчилар ўртасида қайси ёзувчи, шоирларнинг иштироки улар учун янада мароқли ва унутилмас бўлади деган тарзда сўровнома ўтказиш керак ва уларнинг талабидан келиб чиқиб, устоз ижодкорларни имкон даражасида таклиф этиш керак.

Иккинчиси, вақтнинг оқар сувлигини қаранг-ки, шу йил Зомин семинари ташкил этилганига ўн йил тўлар экан. Шу йиллар ичида қатнашган семинар голибларининг айнан Зоминда ўқилган энг сара ижод намуналарини тўплаб ёшлар альманахини чиқариш фурсати келмадимикан? Бу ижодкорлар учун катта совға бўлар эди. Имкониятдан фойдаланиб семинарнинг ўн йиллик тўйи билан барча ижод қавмини қизгин қутлайман.

Назира БОЙМУРОДОВА



ИХЛОС ҚИЛОММАТАН

ҚИЗ

Бу Киши обрўли бир ташкилотда, кичикроқ лавозимда ишлайди. Раҳбарлик лавозимини эгаллаганига ҳали унча кўп бўлганича йўқ. Шунгами ёки раҳбарларнинг назарига тезроқ тушиши учунми, ишқилиб, тиришиб-тиришиб ишлашга ҳаракат қилади. Унинг нияти бир умр мана шу ўртамиёна лавозимда қолиб кетиш эмас, бундан-да каттароқ мартабаларга эришиш. Аслини олганда, Бу Кишининг ниятларини ёмон деб бўлмайди. Ахир ким ҳам ҳаётда биринчи бўлиб яшашни хоҳламайди, дейсиз. Аммо Бу Кишининг бир айби бор. Балки, буни айб ҳам деб бўлмас. Чунки, ҳозирги замонда ўзини ҳақиқий эркакман деб ҳисоблайдиган кишиларнинг бари ўз уйида «зақонний» жуфти-ҳалоли бўлатуриб, бегона аёллар билан дон олишишга ҳаракат қилишади. Гўё кўчадаги аёлларнинг пешонасида ойи бордек. Агар уларга бу ишларининг нечоғлик номаъқул эканлигини айтиб кўринг-чи, нақ балога қолиб, ширингина жавоб ҳам эшитиб оласиз. «Юришни ҳақиқий эркакка чиқарган». Бунга нима дейсиз?

Узр, бироз мавзудан четта чиқиб кетдик. Хуллас, Бу Кишининг ҳам аёлларга бироз суяги йўқроқ. Чиройли қизларни кўрса, оғзидан сўлаги оқа бошларди...

Қизгина мазкур ташкилотга яқиндагина ишга келган. Ёзувчи бўлармиш. Раҳбарлар Қизгинани синаб кўриб, ёзувчиликка чиндан ҳам қобилияти борлигини сезишгач, уни кўримсизгина лавозимга ишга олишди. Иш ҳақи ҳам шунга яраша. Тўғриси, Қизгина учун ойликнинг ҳам, иш ҳақининг ҳам унчалик аҳамияти йўқдек, унга фақатгина ижод қилиш учун шундай бир муҳит керак эди.

Хуллас, Қизгина Бу Киши раҳбарлик қилаётган ташкилотда, кўрим-

сизгина лавозимда, арзимасгина ойликка ишлай бошлади. Бу Киши қараса, Қизгина ойдеккина. Муомаласи ҳам, юриш-туриши ҳам жойида. Бир ёмон томони қайсарроқ ва унча-мунчага «илинадиганга» ўхшамайди. Бир-икки имо-ишора қилган эди, тушунмаганга олиб кетди. Қизгина борган сари Бу Кишини ҳайрон қолдира бошлади. Тавба, наҳотки шу пайтгача бирор-бир киши билан «юрмаган» бўлса. Ахир ҳозирги пайтда, бунинг ёшидаги қизлар биринчи бўлиб йигитларга гап отишади-ку. Бу Қизгина бўлса, шунча «куйиб-пишишимга» эътибор қилмайди-я.

Бу Киши «тутган ерини кесади-ганлардан» хилидан эди. У барибир Қизгинадан умидини узмади. «Ахир мен бошлиқ бўлсам-у, қаердаги бир Қизгинага сўзимни ўтказолмасам нима қилиб юрибман, ҳали шошмай турсин, «гаҳ» десам, кўлимга кўнадиган қилиб оламан», деб ўйларди у.

Гарчи йигирмадан ошган бўлса-да, Қизгинанинг чиндан ҳам йигитларга хуши йўқ эди. У шу пайтгача, кўча-кўйда йигитлар билан кўлтиқлашиб, ресторанма-ресторан юрмаган, бундай майнавозчиликларга хоҳиши ҳам йўқ эди. Унинг хаёли доимо яхши нарсалар ёзишда бўлар, шу орқали ота-онасини, яқин инсонларини хурсанд қилиб, уларга яхши кунларни кўрсатишни хоҳлар, бирор йигит ортимдан илакишиб қолса, мени ижоддан чалғитади, дея йигитларга кўпам эътибор беравермасди. У ёмон кўрадиган ҳолатлардан бири бу оилали эркакларнинг ёш қизларга гап отиши ва уларни «қармоққа» илин-тириш пайида бўлишлари эди. Тўғриси, у бундай эркаклардан нафратланарди. У хоҳласа, шу пайтгача бундай йўллар билан ўз ижодида юқори натижаларга эришиши мумкин эди. Албатта, кимларнингдир хоҳишига қараб иш турса. Лекин Қизгина ўз

орзуларига виждонини булғаб эришишни хоҳламасди.

Тўғри, Қизгина Бу Кишининг ўзига қаратаётган «эътиборини», имо-ишораларини сезмай қолгани йўқ. Кунни кеча хонасига чақириб олиб, «ихлос» қилиш ҳақидаги «маслаҳатлар»и ҳам ёдида! «Биласизми, — дея гап бошлаганди Бу Киши. — Сиз бу ерларда мусофир бўлиб юрибсиз. Тошкентга бекорга келмагансиз. Биламан, сизнинг ҳам бошқа қизларга ўхшаб яхши кийингингиз, яхши еб-ичгингиз келади. Бунинг учун эса кўпроқ пул керак. Пулни топиш учун эса тинимсиз ишлашга тўғри келади... Агар хоҳласангиз мен сизга ёрдам беришим мумкин».

Қизгина Бу Кишининг сўзларини жимгина тинглар экан, бунинг учун нима қилиш керак, дегандек савол назари билан тикилди.

— Тўғриси, мен сиздан кўп нарса талаб қилмайман, фақатгина менга ихлос қилсангиз бўлди.

Ўшанда Қизгина Бу Кишига қандай қилиб ихлос қилиш кераклигини яхши англаб етмаганди. У одатда, фақат Яратгангагина ихлос қилар, ҳамиша ундан мадад сўрарди. Лекин бандасига қандай қилиб ихлос қилиш кераклигини билмасди. Балки ҳар кунни иссиқ чой дамлаб бериш, ҳурматини жойига қўйиш ихлос қилиш ҳисобланар дея ўйлар ва шундай қиларди ҳам. Лекин барибир Бу Кишига ҳеч қандай нозу карашма қилмас, ортиқча гапларни гапиришга ҳам ҳеч қандай изн бермасди. Бундан эса раҳбарнинг жаҳли чиқарди.

— Наҳотки, кап-катта қиз ҳалигача ихлос қилиш нималигини билмаса, ахир бунинг ёшидагилар...

Охири Бу Кишининг ўзи Қизгинага қандай ихлос қилиш кераклигини тушунтириб қўймоқчи бўлди. Топшириқ олиш учун кабинетига

кириб, тезда чиқиб кетишга ошиқаётган Қизгинани Бу Киши тўхтади, стулга ўтиришни айтди-да, гапни узоқдан бошлади.

— Тўғриси, шу пайтгача ўз ақлингиз билан ихлос қилишни тушуниб оларсиз, деб ўйлагандим. Афсуски, сизни ҳали кў-ўп тарбиялашга тўғри келадиганга ўхшайди... Аслида менга ихлос қилувчилар жуда кўп, лекин мен уларнинг эмас, сизнинг ихлос қилишингизни хоҳлардим. Сиз бўлсангиз ҳалигача мендан ўзингизни олиб қочасиз. Кўрқманг, сизнинг ихлос қилганингизни иккимиздан бошқа ҳеч ким билмайди... Тезроқ ихлос қилишни бошласангиз иш ҳақингизни ҳам, лавозимингизни ҳам оширардим...

Қизгина Бу Кишининг гапларини киприк қоқмасдан тинглар экан, бирдан бошлигининг асл мақсадини англаб қолдию ҳафсаласи пир бўлди.

Демак, ҳамма гап бўёқда экан-да. Бу Киши роса-а илоннинг ёғини ялаган кўринади. Содда бўлмай ўлай, шу пайтгача ихлос қилиш деса, иссиқ чой дамлаб беришни тушуниб ўтирибман. Қизгина ниманидир хаёл қилди, шекилли. Бу Кишига ҳеч нарса демасдан индамайгина хонадан чиқиб кетди.

Бу Киши бўлса, Қизгинанинг ҳаракатларини уялишга йўйиб, хайрият, охири қандай ихлос қилиш кераклигини тушунтирдим деб ўйлади ва ширин хаёллар билан Қизгинанинг ихлос қилишни кута бошлади...

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, эшикни тақиллатиб, кўлида чойнак билан жилмайганча Қизгина хонага кириб келди. У энди бошқача қиёфада эди... У кўлидаги чойнак билан пиёлани секингина Бу Кишининг олдига қўйди-да, яна ширингина жилмайганча хонадан чиқиб кетди.

Бу Киши Қизгинанинг ажабтовур хатти-ҳаракатларини ихлос қилишнинг бошланиши дея тушуниб, ҳаяжонланганча чойнакни кўлига олди, чой қуйиб ичмоқчи бўлди. Лекин шунча ҳаракат қилса ҳам чойнакдан чой тушай демасди. Бундан Бу Киши ҳайрон бўлди-да, жўмрагига шама тикилиб қолгандир, дея чойнакнинг оғзини очди ва ҳайратдан ёқа ушлади. Чойнакда чой эмас, бир парча қоғоз ётарди. Унда шундай сўзлар ёзилганди: «Ҳурматли Бу Киши! Мен кетаяпман. Барибир сизни ҳурмат қиламан, чунки яхши инсонсиз. Мана шу фикрларимнинг ўзиёқ сизга бўлган ихлосимнинг жуда баланд эканлигидан далолатдир. Мана шу ихлосимни қайтармассиз, деган умиддаман. Ҳурмат билан, Қизгина».

Бу Киши чўғни ушлаб олгандек, беихтиёр кўлидаги хатни тушириб юборди. У хатда бир лаҳза бўлса-да ўзининг асл қиёфасини кўра олган эди.



Абдулло АҲМАД

МИРҲОБИД

Маҳаллада энг ўқимишли одам Мирҳобид. Ёлғони йўқ, бемалол ишонаверинг. Газета-журналсиз юрганини умрида биров кўрмаган. Ҳатто бузоқ суғорсаям бир кўлида пақир, бир кўлида газета.

Тунов куни Мирҳобид бир ўлимдан қолди. Мол-да, мол, Олдинга сув қўйгандан сўнг хўриллатиб ичавер, эгангнинг кўлидаги газета билан нима ишинг бор. Қайсар новвос маърифатни билармиди. Мирҳобид «ма, ич» деб, сув тутиб, газетага кўз югуртирса, моли қурғур қоғозни ялмамоқчи бўлди. Бундан аччиқланган Мирҳобид газета билан новвоснинг тумшугига бир туширди. Ҳай-ҳай-хай! Новвос чатоқ экан. Гўё нега урасан, дегандай ташланиб қолди. Бир сузувди, ўнг шохи пақирнинг

балдоғига, чап шохи Мирҳобиднинг этагига илдинди. Хайрият-е, туф-туф! Кўйлақдан айрилсаям омон қолди. Маънавият пирлари кўллади, шекилли.

Бурноги куни Мирҳобид нархи туширилган журнал харид қилди. Бисотида иккита эчкиям бор. Эргалаб бир кўлига таёқ, бир кўлига журнал олволди. Кўчага чиққач марза четига кўйиб, журнал ўқиган бўлди. Кузи эса ўтган-кетган одамларда йўловчилар у билан саломлашиб, ҳол-аҳвол сўрашар, айримлари қочирим ила «муллакам янги нарса ўқияптилар-ку, оламда нима гаплар?» деб қўйишарди. Мирҳобид шу сонияда терисига сиғмай кетган, ўзини ўқимишли санашларидан оғзининг таноби қочганди.

Мирҳобиднинг билағонлиги

туғиб гап бошлаб турувди, атроф ола-ғасир бўлиб кетди. Эчкилар уй томон тирақайлаб қочди. Бир бўлак сопол парчаси Мирҳобиднинг чаккасига қарсиллаб тегди. Қаҳрамонимиз бошини чангаллаганча икки букилиб қолди. Билсак эчкилар, атрофида довларахт баргини митқилаб бўлгач, кўшни деразадаги гулга ҳужум бошлабди. Гултуваклар ағанаб синиб, атрофни қий-чув босибди. Фазабланган кўшни аёл кўлига илинган нарсани олиб эчкига отибди.

Минг қилсаям Мирҳобид ўқимишли олам-да, боши ёрилсаям гинг демади. Фақат кўшни аёлга қарата димоғида тўнғиллади:

— Билимсиз авом. Ўқининг белига теги-я, қурғур.

O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi



«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati

Jamoatchilik kengashi raisi:

Abdulla ORIPOV

Jamoatchilik kengashi:

Abulqosim MAMARASULOV

Ahmad OTABOYEV

Mirkamol ODILOV

Minhojiddin MIRZO

Ahmad USMONOV

Farmon XUDOYBERDIYEV

Botir UBAYDULLAYEV

Bosh muharrir

Sobir O'NAR

Bosh muharrir o'rinbosari

Luqmon BO'RIXON

Mas'ul kotib

Akbarali MAMASOLIYEV

Tahrir hay'ati:

Odil YOQUBOV

Abduqayum YO'LDOSHEV

Abdusaid KO'CHIMOV

Sirojiddin SAYYID

Rustam MUSURMON

O'rozboy ABDURAHMONOV

G'affor HOTAMOV

Yoshlarning adabiy-ijtimoiy jurnali. 1982 yil
dan chiqarib boshlagan.

© "Yoshlik" № 3 (207) 2006 y.

Ushbu son "Yoshlik" jurnali tahririyatining
kompyuter markazida sahilalandi.

Sahifalovchi: Saodat RUSTAMOVA

MUNDARIJA
IFTIXOR

Sunnatilla SUVONQULOVA. Bog'bondan so'rasam	1
Abdulla ORIPOV. Yoshlar — bizning qanotlarimiz	2
Guljamol ASQAROVA. Adabiyot ziyoratgohi	59
NUQTAI NAZAR	
Minhojiddin MIRZO. Zomin chechaklari	3
O'rish MAJIDOV. Hayratlar dunyosi	4
NAZM	
Obodon TURDIMURODOVA. Yor deya ishonib yurganim	5
Ne'mat HAYRAT. Kurash-la tirik bu dunyo	9
Suyar UBAYDULLO	9
Shahlo AHROROVA. Men siza jonimni tutay	15
Gulbahor EGAMBERDIYeva.	15
Adiba UMIROVA. Jonu tanimsan VATAN!	16
Dmitriy CHERNIKOV. Tushlaringga kirsam oppog' yelkanlar	26
Sa'dina BOBOMURODOVA. Tunlari mohitob to'kkan fusunman	41
Usmon BEK. Noz qilaver nozaninim.	56
Komil SINDOROV. To'rtliklar	56
Xosiyat RUSTAMOVA. Ko'nglingiz atirgul misoli nafis	57
Nargiza OXUNOVA. Poyingizga yiqiladi tun	58
Orif TO'XTASH. Muhabbatda bir yol bor	60
E'TIROF	
Umida ABDUAZIMOVA. Ko'ngil e'tirofi	5
Mahmud TOIR. So'z axtarayoigan yoshlar	40
Azim SUYUN. She'riyat tog'da ulg'ayadi	55
Jumaniyoz JABBOROV. Yuksaklik haqida o'ylar	55
NASR	
Abulqosim MAMARASULOV. Arabcha o'yin	6
Mehriniso ABDURAHMONOVA. Qizil olma	12
Zuhra MAMADALIEVA. Ona	18
Aleksandr MAXNYOV. Toshkent madhiyasi	20
Axtamqul KARIM. O'lja	27
Asolai AHMADQUL qizi. Avolning ko'ngli	45
Uygun RO'ZIEV. Ozodlik	52
MUTOLAA	
Nihufar MIRZAEVA. "Eng ulug' ajdodlardan xayolinga yog'sin nur" 10	
BIRINCHI UCHRASHUV	
O'lmasbek XO'JAEV. O'zbekiston — mening dilbar makonim	11
Abduxalil SATTOROV. Ovozim fig'ondan zohir bo'lmishdir	11
Muhiddin ABDUSAMAD. Daraxtday tobora ko'karayapman	44
Ayub MUHAMMADIY	44
BU YORUG' OLAMDA VATAN BITTADIR	
Sadoqat URDUSHEVA. Zohirim sokindir, botinim isyon	29
Gulnoza MAMARASULOVA	29
DRAMATURGIYA	
Turob MAQSUD. It qopgan odam	30
EHTIROM	
N.BO'TAEVA. Shukrona	39
IJTIMOYIY ONG. DUNYOQARASH. YOSHLAR	
Olim TOSHBOEV. Globallashuv fenomeni	42
E'TIBOR	
Marat ZOKIROV. Tarbiya vositasi	46
Parda ZIYODOV. Tuproq mehri	49
TADQIQOT	
Olimjon JO'RAEV. Kamoliddin JO'RAEV. Amir Temur "Tuzuklar"ida	
qonun ustuvorligi masalasi	47
Dildora SOBIROVA. Abdulla Oripov ijodida Navoiy an'analari	50
OLAM VA ODAM	
Sirojiddin ESHONXO'JAEV. Abdulhakim BOQIEV. Elchilarga e'tibor	
qanday bo'lgan?	58
YELPUG'UCH	
Nazira BOYMURODOVA. Exlos qilolmagan qiz	62

Manzillimiz: 700000, Toshkent, Javoharlar' Neru, 1-uy,
Telefon: 133-40-83
Bosishga 06.07.2006 yilda ruxsat berildi.
Qog'oz formati 60x84 1/8. Nashriyot hisob tobog'i 6,0.
Indeks 822 ISSN 0207-9137
Jurnal 2003 yil 29 dekabrda Matbuot va Axborot agentligi
tomonidan 072 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Jurnaldan ko'chirib bosilganda «Yoshlik»dan olindi deb
izohlanishi shart.

Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston Milliy kutubxonasi
bosmaxonasida chop etildi.

Buyurtma № 105

Manzil: Toshkent. sh. X. Sulaymonova ko'chasi, 33-uy.